

ЖЕЙМС ОЛДРИЖ

# ДЕНГИЗ ШУНҚОРИ

Роман

Русчадан Эркин Миробидов  
таржимаси

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ  
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ  
«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЕТИ  
ТОШКЕНТ — 1977.

**0 47**

## **Олдриж Жеймс.**

Денгиз шунқори.  
Роман. Русчадан  
Э. Миробидов тарж.  
Т., «Ёш гвардия»,  
1977.

**256 б.**

**Олдридж Джеймс.**  
Морской орел. Роман.

**И(Англ.)**

Жеймс Олдриж — инсонпарварлик, қалқлар дүстлиги, ер юзида муқаррар тинчлик ғояларини тараңнум этувчи прогрессив инглиз ёзувчиси. У «Халқлар үртасида тинчликни мустақамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти даураеати. 1953 йили эса «Дипломат» номли асари учун Жаҳон Тинчлик Конгенинг олтин медали билан тақдирланган.

«Денгиз шунқори» романыда ёзувчи грек халқининг иккинчи жаҳон урушида озодлик, мустақиллик учун олиб борган мардана курашини тасвирлайди. Асар воқеаси Крит оролида содир бўлади. Ёзувчи кичик бир оролда содир бўлган воқеалар орқали иккинчи жаҳон урушининг кенг кўламини, бу уруш инсоният бошига соглан мусибатларни ҳамда фашизма қарши мардана курашган грек, австралиялик ва инглизларнинг ҳамжиҳатлигини ҳақиқоний таъсизлабди.



На узбекском языке

**ДЖЕЙМС ОЛДРИДЖ**

**МОРСКОЙ ОРЕЛ**

**Роман**

Издательство «Ёш гвардия» — Ташкент—1977

Перевод с «ПОДВИГ» а — приложение к журналу «Сельская молодёжь»,  
Издательство «Молодая гвардия» — 1974.

Редактор Э. Усмонов  
Рассом П. Бродский  
Расмлар редактори Қ. Алиев  
Техн. редактор Т. Гулак  
Корректор Ш. Шоумарова

Босмахонага берилди 9/VII-76 й. Босншга рухсат этилди 22/IX-76. Формати 84×108<sup>1/32</sup>. Қоғоз № 1 Босма листи 8,0. Шартли босма листи 13,44. Нашр. листи 14,47. Тиражи 45000. Шартнома № 84—76.

Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, 700129. Настройчи, 30.

Узбекистон ССР Министрлар советининг нашриёти, полиграфия ва китоб Савдои ишлари «Фўйича Давлат комитетининг Полиграфикомбинатида босидди. Тошкент, Навоий шаҳри, 30. Заказ № 2102. Баҳоси 90 т.

0 70304—490 73—77  
356 (06)—77

© «ЁШ ГВАРДИЯ», 1977



## 1 боб

Эсмиңеңлар жүнаб кетиши билан расмий уруш тугади. Улар Яңғы Зеландия дивизиясы, абжәги чиңқан Ағглия ҳамда Австралия полктеринине қолдандарыны ортиб жүнаб иетди. Ана шундан кейин Крит ороли ташлаб чиңлігани әттөн қилинди. Ҳамма нарса шундан бойланди.

Эсмиңеңлар кейин ҳам өрөл га бир неча маротаба қатнаш, жамубий сохида күтиб ётгайлардан талайғинаснин олиб кетишга мұваффақ бўлди. Бирор жамубий сохида үзоқ күтиб туришнинг иложи шун эди, зеро фашист самолётларини ҳаводан

десант кетидан десант ташлаб туарди. Шу сабабли бўлинма-бўлинма, баъзан катта отряд бўлиб тоққа чиқиб кетишга тўғри келарди.

Крит ороли бошдан-оёқ тик, чиқиб бўлмас тоғ тизмаларидан иборат, шу боисдан ҳам бу тоғларда душман кўзидан яшириниш унчалик мушкул әмасди. Бунинг устига критликлар инглизлар билан кичик инглизларни бажону дил яширишар, ўз паноҳларига олишарди. Улар Англия солдатлари орасида учраган австралияликлар билан янги-зеландияликларни кичик инглизлар деб аташарди. Гоҳо душман кичик инглизларнинг шундай бир ҳовуч отрядини топиб, то уни йўқ қилгунича ойлаб вақт ўтиб кетарди.

Душман эртами-кечми, бари бир уларни топиб оларди, хулласи қалом, расман эвакуация әълон қилинганидан кейин ҳам тоғларда жанг жадал узоқ давом әтди. Токи йирик-йирик отрядлар тугамагунича уруш давом әтаверди. Бироқ душман учун йирик отрядларни излаб топиб, тормөр қилиш бирмунча осон әди, шу сабабдан ҳам охир-оқибатда австралияликлар қўшинидан кичик-кичик, тарқоқ тўдаларгина қолди, холос.

Ана шу кичик-кичик тўдалар оролнинг овлоқ қисми — деярли кимсасиз, чиқиб бўлмас тоғларга кўтарилдилар. Улар дам юқорига, дам қўйига юришар, вақт-вақти билан ҳамлага ўтиб, жадал ҳаракат қилиб соҳилга тушишга, у ердан қайиқда ёхуд бўлак бирон йўл топиб Мисрга ўтиб олишга умид боғлар әдилар.

Фашистлар бундай майда тўдаларни ҳам тобора қийратиб борардилар. Қанчалик қийин бўлмасин, австралияликлар денгизга чиқиб олиш учун бари бир тоғдан тушиб, ялангликдан ўтишга мажбур әдилар. Уларни ана шу ерда қўлга туширадилар. Бундан ташқари, фашистлар қуршовга олиб, тоғни тит-пит қиласиган бўлиб қолдилар, оқибатда ҳатто кичик-кичик тўдаларга ҳам хавф таҳдид сола бошлади. Шу важдан кичик инглизлар икки, уч киши бўлиб чор атрофга тарқалиб, ўз ҳолларича иш тутдилар; улардан қўплари ҳалок бўлди ёки асир тушдилар. Аммо, ҳар қалай тоғлар хавфсиэроқ әди. Нега деганда, ҳатто ҳозир — Критда уруш тугаганидан буён икки ёки уч ой ўтгандан кейин ҳам — фақат айрим шаҳар ҳамда баъзи қишлоқлардагина немислар бор әди.

Илло оролдан жўнаб қолиш учун, юқорида айтганимиздек, жануб ёққа тушиб, ялангликка чиқиш шарт әди.

Кичик инглизлар эса ҳамиша оролдан қочиб қолишга уринардилар. Қулай фурсатни кутиб тоғларда яшириниб ётган өзгәрлиди ҳам улар тиним билмас, душман пайдо бўлгани ёхуд фашистларнинг яқинлашиб қолгани ҳақида дарак топганлари замоноқ бир қишлоқдан иккинчисига кўчганлари-кўчганди. У ер-бу ерда критликларнинг ўзлари ҳам уюшқоқлик билан қаршилик кўрсатишар, ҳеч бўлмаганда, шунга шай бўлиб турардилар. Тўғри, йўл устида бундай ерлар аҳён-аҳёнда биро учраб қоларди.

Қисқаси, улар шу тахлит Критни кезишарди. Гоҳ юқорига кўтарилишар, гоҳ қуйига тушишарди. Муттасил ҳаракатда бўлишларининг яна бир боиси — емиш топишлари лозим эди. Бу эса, гарчи критликлар қўлларида борини баҷону дил баҳам кўришга тайёр бўлсалар ҳам, доимо хавфхатар билан боғлиқ эди.

Дейлиқ, мана сиз тоғдасиз, токи тоғда экансиз ҳамиша хавф-хатардасиз, бир жойдан иккинчисига ўтасиз. Жанубга, Ўртаер денгизи бўйига олиб тушадиган, тоғдан қуийлаб, ўргимчак тўрсимон таралиб кетган беҳисоб йўлу сўқмоқлар билан кесилган соҳилга ёриб ўтиш учун қулай фурсат келишини сабрсизлик-ла кутиб ётибсиз. Фикри ёдингиз ўша ёқقا, жанубга етиб олишу бирор қайиқни топиб, бу ерлардан жўнаб қолиш, Мисрга бориб, ҳаммасини қайта бошдан бошлаш билан банд.

Аммо Мисрга етиб олганингизда нималарни бошдан қечиражагингизни хаёлингизга ҳам келтирмайсиз. Фақат биргина нарсани — шундай кун етиб келади-ю, тоғдан тушиб, соҳилга чиқиб оламан, деб ўйлайсиз, холос. Ўша фурсат келгунича эса, Критда кундан-кунга кўпайиб бораётган немислар ёки итальянларнинг қўлига тушиб қолмайин-да, ишқилиб, деб юрак ҳовучлаб юрасиз, шунинг учун ҳамма вақт ҳаракатда-бўлмоғингиз даркор. Худди таъқибчиларга чап бераётгандай, жойдан-жойга кўчаверасиз.

Ҳали душман билмаган, әгаллаб улгурмаган бирон қишлоққа етиб боришга муваффақ бўлсангиз нур устига аъло нур-а. Бироқ, эртами-кечми душманнинг яқинлашиб қолгани ёинки тезда етиб келиши маълум бўлгач, бу ердан ҳам кетишга мажбур бўласиз.

Муттасил шу аҳвол, у ёқдан-бу ёқقا кўчиб, изғиб юра-верасиз.

Шу таҳаллут тозгъарни кезиб юрган икки австралийлик Юктас тоги ён бағрига чигамоқдай ёшишган Сан-Ксентос қишлоғига келиб қолди. Бу қишлоққа салобатли Ида соя солиб туради. Илло бу қишлоқ *Иладан* хийла олиса, зайдунлар ўса оладиган баландлиқда жойлашган эди. Қизгимтири ён бағирликларда илағ-билағ ток замгларя бертиб чўзишиб кетганди.

Икки австралийлик ён бағирни тилинилаб ўтган энсиегина сўқмоқдай Сан-Ксентосга қареб тушиб келаверинди. Ҳар иккисининг ҳам этмида криталик дехонлаарнинг ҳалвиллаган иш газламадан тижмаган кўйлаги. Иштонларининг тузи антиқа — англаш амри мақол, аммо бичими критча ёмас, европача. Улардан бўйчарорги иштони почасини тизвасидан пастротигача қалин критча азум шайлоғига қистмириб олган. Оқибатда у криталиклардан кўра кўнроқ викторијаляр замонасидаги белосипед ҳайдовчиларта ўхшаб кетгани эди.

Миқтидан кеаган, гўлабир, лаблари юнка, разишар, соchlари пахмайган ижкинчилиқ айтидан сиртқи қиёфасини ўзгартишининг унчалик ташвишини тортмайдиган кўринади. Ҳалвиллаган, почаси тижилган шами австралийлик аскарлар киядиган бошмогини босиб турибди; бошмоғи қачонлардир жијгар разиг тусли бўлган.

Гўлабирдан келгани олдинда бораф, дижкат билан шастга, Сан-Ксентос иморатлари яхлат оғимоқ доддай ярқираб кўринаётган томонга тикилаарди. У кўримисиз бу қишлоқда олиб борадиган йўлни изларди. Йўлдан эса юном-нитон кўринимасди. Факат қия тушиб турған офтоб нурида шаффоффек жилоланаётган буталарни оралаб тўрг тарафта чўзилиб кетгани ёлғиз оёқ сўқмоқларгина кўзига ҷаликарди.

— Хўш, қалай? — сўради дароз.

— Ҳеч қанақа йўл кўришимайди, — деди гўлабирдан келгани.— Анизи ёнг кейинти қишлоқда ҳам йўл-шўл йўгиди, лекин улар ўша ергаям стиб келашитганди.

— Қорним шунақа очдикки, қўяверассан... ке, бўлганича бўлар. Қани кетдик, — деди дароз.

Гўлабирдан келгани (бурни, ияги, ҳатто ёноқларигача: бутун башарасидан кибру ҳаво ёғилиб тургандай кўринарди) бу пайт торгина сўқмоқдан пастга туша бошлаган эди. Энгес Берк, унинг исм-шарифи шундай эди,

зўқмоқ қўйқисдан ясси ён бағир бўйлаб бориб, Сан-Ксен-  
гасимиг чеккасидаги кулбаларга таҳалинини кўрганида  
бутун вужуди сергак тортиб, ўзини панага олди.

— Қара-чи, мотониклчилар кўринмайдими,— деди  
у.— Ҳеч кутмаган жойингда олдингдан чиңиб қолишлари  
мумкин.

— Шиммишни алмаштиришай бекор қилдинг-да,— деди  
дароз.

Соч-соқолим ўсиб, нақ шатак бўлиб кетган, худди  
грекка ўхшайман бари бир.

Улар сўқмоқ ясси ён бағир бўйлаб кетган ўша жойда  
бир дақиқа турмб қолинди. Улар шу тозда туен хира торт-  
ган кулбалар билан бир чизиқда туришеркан, иғоҳлари-ла  
немис ёхуд италиялар бералишидан далолат бергувчи  
бирон белги бор-йўқлигини синчиклаб излардилар. Бундай  
дамлар эмиж номуми дамлар бўлади ҳамишта, зеро сиз аста-  
секин қишлоққа яқинлаб келаверасиз, қорнантиз шу қа-  
дар очки, мағислигизни қондириш учун ҳавф-хатар иска-  
насига боғиңизни суккышдан ҳам тал тортмайсиз; бироқ  
асабларингиз тордай таранг, бунинг устига қўрқувни бо-  
солмай саресималанасаниз.

Ха, бундай дақиқалар аниг мушкул, тангликт дақиқала-  
ри бўлади ҳамиши.

Улар қозын-сёқлар устига қурилған том ўй ёнига ет-  
гач, шартта бурелиб, иккى томонда қатор тизмалган гува-  
лак кулбаларни оралаб кетган, қум сочишган ёлғиз сёқ  
йўлкадан эста-эста одимлайвердилар. Йўл-йўлакай улар-  
га илар, болали аёллар, кейин эса қолдай ҳалвиллаган  
крайчча шитон кийған эрқаклар учрай борди; сирками ё  
мусалласнингни ҳидига ўхшаш ўтимр бўй димоқларига  
гун-гуп уради.

Энгес Беркининг одисданоқ бир кинига кўзи тумиди. У  
кини иккю томонда саф торған оғизоқ уйлар ўргасидан ўт-  
гани ўйлдан ўзи сари яқинлашиб келаётган иккى жотаниш  
кимсага тикилиб қимир этмай туради. Улардан дарброрги  
немис ёки италиялик истилочилардан дарақ бергувчи би-  
рон белги кўрчишиб қолмасмийни деб олазарақ бўлиб, ҳа-  
нуз атрофга кўз ташлаб келарди. Берк эса она шахри  
кўчаларида юргандек бемалол одимларди. Бошидан-сёғи-  
гача узум пӯчоги илашта, бутун вужудидан виночилик  
заводи инглиф ўткир ис таралиб турган критлик рўпара-  
сида келганларида тўхтанди.

— Калимера,— грекчасига саломлашди Энгес Берк.

— Калимера,— алик олди критлик.

— Пича тамадди қилиб олсак дегандик,— деди Энгес Берк инглизчалаб.

Критлик аввал унинг бетига, сўнгра орқасидаги алланимага тикилди. Шунда Энгес Беркнинг ҳам ўгирилиб қаррагиси келди-ю, лекин фикридан қайтди.

— Таи,— деди Берк. Бу критчасига «сули» ва «озуқа» ўрнида ишлатиладиган, умуман ҳар қандай егулик нарса ни англатадиган ибора әди.

Шунда критлик:

— Инглизмисизлар?— деб сўради.

Энгес Берк охиста бош чайқади, кейин ўгирилиб, критлик тикилиб қўйган томонга қарапкан, ёшгина қизчага кўзи тушди, қизча пиқ этиб кулди-да, чопганча уйига кириб кетди.

— Австралос,— деди Энгес Берк.— Кичик инглизлар, — тушунтириди у грекчалаб.

— Э-ҳа, австралослармиз де,— деди критлик чўзиб.

— Нэ.— Бу грекчасига «ҳа» дегани әди. Бу сўзни дароз айтганди.

— Саломлар бўлсин унда сизларга,— деди критлик.

Бу сўзлар Энгес Беркка жуда яхши таниш әди, шу сабабли вужудини исканжага олган асабий сиқиқлик бирмунча бўшаади. Критлик ҳар икковига қараб жилмайиб қўйди. Сўнгра бурилаётib, уларга ортимдан юринглар дегандай ишора қилди.

— Энгес,— деди дароз,— бу емиш ови силламни қуритиб, әнгагимни ерга тираб қўядигангага ўхшайди.

— Ҳали бунақангি овга кўп чиқасан,— бепарволик билан жавоб қилди Берк.

Критликка әргашиб, ўртадаги ариқчадан жилдираб қоп-қора суюқлик оқиб турган, тепага қараб кетган тош йўлдан юқорилаб бораверишди. Ҳамма ёқда узум пўчофи, ҳатто деворларгача пўчоққа белангган. Қуйқа суюқлик деворлардаги тешникчалардан силқиб тушяпти. Бу узум әзиладиган махсус жойлар әди.

Улар бир чеккадаги гувалакдан қурилган пастаккина омборхонага киришди. Ичкарида қирқилган, қуритилган токрўдалар тўп-тўп бўлиб уюлиб ётибди. Токрўдани майдароқ қилиб қирқишдан олдин уни тортиб тўғрилайдиган тахта эшаклар турибди. Шундоқ кираверишда ана ўша токрўдадан тўқилган талайгина сават том баравар уюб қўйилибди.

Критлик уларни ҳарракка ўтқазди. Похол том туйнугидан тушиб турган ёруғда сопол кўзага оқ мусалласдан қуиди. Кейин заранг ликопда бир бўлак пишлоқ билан юмюмалоқ япасқи араби нон қўйди олдиларига.

— Ош бўлсин,— деди у грекчалаб.

Энгес Берк инглизчалаб миннатдорчилик билдириди-ю, икковлон ўша ондаёқ тамадди қилишга тушиб кетишиди. Юмалоқ нон устига пишлоқдан суреб, кейин иккига бўлиб, ютоқиб кавшай бошлидилар. Критлик ликопга яна пишлоқ солиб берди-да, оғзиларига тикилиб турмай қўяқолай деган ўйда, одоб юзасидан тескари ўгирилиб олди.

— Бисотида бор-йўғи шудир-ов,— деди дароз, лекин чакаги кавшашда давом этаверди.

— Ҳечқиси йўқ, ўзиға топиб олади,— деди Берк. У кўзадаги оқ мусалласдан ҳўплади. Мусаллас сопол кўзада сақлангани туфайли муздек ва оппоқ әди.

— Оқ әкан,— деб қўйди у.

— Бир хили оқ, бир хили қизил бўлади, бунинг сири нимада әкан-а?— сўради дароз.

— Агар узум бижгимасдан әзилса мусаллас оқ, борди-ю кейин әзилса қизил бўлади,— деди Берк.— Ёки тескариси, бунисини аниқ билмайман.

Дароз, унинг исми Рид эди, кўзани охиригача симирди-да, томоғига ёпишган қўйқасини туфлади. У афти бужмайиб, ҳозиргина туфлаганини оёғи билан шоша-пиша суркаб ташлади. Шундай қиласиб, тағин кўриб қолмадимикин, деб критликка кўз қирини ташлаб қўйди.

— Йўлга ҳам бирон нима оливолсак бўларди,— деди Энгес Берк.

— Кеч киргунича шу ерда кутиб, қош қорайганидан кейин йўлга чиққанимиз маъқулмиди? Катта йўлларга яқинлашиб қолдик, Энгес, ҳадемай ялангликка етамиш.

— Менга қара,— деди Берк.— Жанубга қараб йўлга чиқдикми, вассалом, вақтни беҳуда ўтказишнинг ҳожати йўқ. Ялангликка тушганимиздан кейингина фақат кечаси юрамиз, демаганмидим сенга. Бу ерлар унчалик хавфли эмас.

— Ишқилиб тескариси бўлиб чиқмасин-да,— деди Рид.— Шу атрофларда уларнинг патруллари бор.

— Сўқмоқларни четлаб, олисроқдан юрамиз.

— Сўқмоқ әмиш. Кўз очиб-юмгунча катта йўлларга чиқиб қоламиз ҳали.

— Ҳозирча катта йўлларнинг қораси ҳам кўринмаяпти-ку.

— Таваккал қилишнинг кимга кераги бор?

— Таваккал қилмай, тинчгина, хавф-хатарсиз қутулиб кетаман бу ердан деб ўйлабмидилар бўлмаса?!

— Сўради Энгес Берк Ридга тикилиб туриб. У шундай бир оҳангда сўрадики, гўё бу ердан қутулиб кетишлари икковлари — ўзи ва ҳатто Рид учун ҳам мутлақо аҳамиятсиздай туюлди, овози сурбетона янгради. Риднинг кўзига унинг ўзи ҳам беор кўриниб кетди шу топда.

— Баҳслашиб ўтирадиган пайт эмас ҳозир, бунга арзимайди ҳам,— деди Рид, елкаларини салгина учирив қўяркан.

— Мен баҳслашаётганим йўқ,— жавоб берди Берк. У ўрнидан турди. Критлик шарпани өшлишиб, уларга юзланди. У соч-соқоли оппоқ, деярли қария әди-ю, ҳозирғидай жилмайганида кучга тўлган ёш айиқполвонга ўҳшаб кетарди.

— Раҳмат,— деди унга Берк яна бир бор.

Кейин у антиқа ҳаракатлар қилишга тушди: олдин нонга ишора қилиб, сўнгра ўзининг киссасини қаппайтириб кўрсатди — бунинг барини у йўлга озроқ егулик сўраш ниятида қилаётган эди. Оқ соқол критлик фаҳмладим дегандек бош иргаркан: «Нэ, нэ», деб тақрорлади. У бўз қов ёнига бориб, оғзини ечди-да, тўртта суви қочган араби нонни чиқарди. Нонни Беркка узатганди, у одоб юзасидан бир оз тайсаллаб турди, бироқ оқ соч критлик нонни қўлига тутқазиб қўйди; сўнгра япасқи кўзачага мусалласдан қўйиб, дароз Ридга узатди; охирида ҳар икковларига навбат билан биродарларча қўл берди, улар ҳам ўз навбатида биродарларча қўл қисдилар. Ана шундан кейин учовлари ҳам омборхонадан чиқишиди.

— Буни мен кўтариб ола қолай,— деди Берк мусалласга ишора қилиб.

— Нега энди, Энгес...

— Қани, тайсалламай бер бу ёқقا, сенда бўлса ютиб қўя қоласан,— Берк нонни Ридга тутқазиб, кўзачани ўзи олди.

Улар қишлоқ бўйлаб йўлга тушишиди. Оқ соч критлик ҳамма қўшниларга австралослар ҳақида гапириб берар, йўлда учраган әрқакларнинг ҳар бири тавозе билан уларнинг қўлини олишга ошиқарди. Бу уларни ноқулай аҳволга селиб қўйди, чунки Энгес Берк ва Риднинг қўли нону мусаллас солинган кўзача билан банд эди. Ниҳоят улар кекса критлик билан: «Раҳмат, раҳмат», деб яна бир марта

хайрлашишди-да, Сан-Ксентосдан чиқиб, Юктаснинг ён бағридан аста қуйига туша бошлашди.

Ҳали Сан-Ксентоснинг сирка-мусалласи ҳиди димоқларидан кетиб улгурмасидан, шундоққина рўпараларида, Ида билан Юктас оралиғида, бағри әкинзор далалару әдирлар-ла безалган, каштанзору боғлар яшиаган, мирав-тераклар кўкка бўй чўзган водий намоён бўлди туйқисдан. Наздиларида бу водий шундоқ икки одимгина наридага, бунинг устига ҳаддан зиёд гавжумга ўхшарди.

— Мана, кўриб қўй әнди,— деди дароз Рид.— Аnavи йўлларни кўр.

— Ундан кўра оёғинг остига яхшироқ қара,— деди Берк.

Шундай қилиб, улар тош ён бағридан қуйига, водийга тушишда давом этавердилар. Аммо водий ҳали олисда әди. Икковлон у ёққа тўппа-тўғри тушиб бормасликка аҳд қилдилар. Улар жануб ёққа қараб чўзилиб кетган Юктас тармоғи бўйлаб бордилар. Тоғ этакларидаги қишлоқлардан четлаб, бутазору нимжон, ёш қарагайзорлар панасида илгарилайвердилар.

Кечга яқин Юктас өтагига етдилар. Бу ерларда қишлоқлар худди бодроқдай бодраб ётар, уларга олиб борадиган йўлу сўқмоқлар шунчалар кўп әдикӣ, бу йўлларни четлаб ўтиш тобора мушкуллаша борарди. Қаёққа қараманг, ўша ёққа иланг-биланг ёлғиз оёқ сўқмоқлар кетган.

Берк бу ернинг ниҳоятда хавфли жой эканини биларди. Тезарак-атрофни қоялар қуршаб олган, ҳамма ёқ жар, худди нишаби тик томдан кетаётгандек жон ҳовучлаб борасан, юриш шунчалик маҳол. Чор атрофда әса душман патруллари изғийдилар, сабаби, бу ерлар тоғ бўлса ҳам, ҳар қалай улар ёқтиримайдиган кимсасиз ҳамда хавфу хатарларга тўла овлоқ тоғлар әмасди. Шу боисдан ҳам улар бу атрофлардаги қишлоқларда тоғдан тушадиган инглиз ва австралияликларни пойлашарди.

Кўп қишлоқларнинг чеккасида пулемёт нуқталари бор әди. Йўл ёқаларидаги баъзи қудук ёнларида ҳам душман пусиб ётарди. Дарғазаб фашистлар кўплаб грекларни йўлдан тўхтатиб, уларнинг грек әканликларини аниқлагунларича талай вақтларини кетказардилар.

Энгес Берк билан дароз Рид бу ерга хийла барвақт келиб қолишган әди. Беркнинг шошқалоқлиги ишнинг белига тепганди. Кечаси, қоронғида бу қишлоқларни бемалол оралаб ёки уларни четлаб ўтса бўларди. Бироқ Берк ошинаси-

ни бу ерга қош қораймасдан бурун етаклаб келганди, бу эса яхшиликка олиб бормасди.

Улар тоғ этагига қараб юарканлар имкони борича әхтиёт бўлиб илгарилашар, бутазору дараҳтзорлардан паналаб боришар, иложи бўлмай қолгандагина сўқмоққа чиқишаради. Ҳамма ёқда кичик-кичик қишлоқлар, айниқса беш-олти хонадондан иборат қишлоқчалар тез-тез учраб туради. Одатда Критеңинг пастикеслик жойларида шундай ҳолни кўрасиз. Қаёққа қараманг, кулбалару йилнинг бу фаслига келиб ялангоч бўлиб қолган узумзорларда уймалашиб юрган одамларга кўзингиз тушади.

Энсизгина тоғ сўқмоғининг қоқ ўртасида уч кишидан иборат патруль олдиларидан чиқиб қолди. Тик қоялар орасидан пастга олиб тушадиган ягона йўл бўлгани учун ҳам Берк билан Рид ана шу сўқмоқдан боришаётганди. Немислар ҳам тепага олиб чиқадиган бирдан-бир йўл бўлгани туфайли шу сўқмоқдан юқорилаб келишаётган эди. Бирон манзилга етиб олмай туриб, дарров патрулга дуч келгана радиан Берк таажжубда эди. Аслида эса буни ҳамиша кутиб юрасан, эртами-кечми, барি бир патрулга рўбарў бўлинингни биласан-у, лекин бугун, ҳозир эмас, кейинроқ содир бўлади бу деб ўйлайсан. Шундай деб ўйласанг-ўйламасанг, мана улар, азизим Энгес, рўпарангдан, тўппа-тўғри сенга қараб, бу ерлардан бетиним қатнайдиган хачирлар устига ортилган кажава-саватлар ишқаланиб ярқиратиб юборган тик қоя девор ёқалаб ўтган сўқмоқдан кўтарилиб келишияпти. Шундай, ана шу сўқмоқдан уч кишилик патруль тоққа чиқиб келяпти. Уч немис улардан эллик ярдча нарида бўлиб, қадам-бақадам улар томон яқинлаб келишарди. Учени ҳам қаддини гоз тутишга ўрганиб қолган одамлардай, бошини ғайри одатий бир тарзда баланд тутиб, тепага тикилиб келишарди. Ҳар қайсисида финларнинг суомисига ўхшаган, томпсон қўл пулемётига қараганда чоғроқ автомат.

— Енимиздан ўтаётгандарига афтиларига безрайиб тикил. Башараларига тикил безрайиб,— деди Энгес Берк.

— Сал четроққа ўтиб, уларга йўл бериш керак,— деди дароз Рид. Улар иоилож қолганда киши вужудини қамраб оладиган ногаҳоний хотиржамлик билан сўзлашишарди.

— Улар бизга йўл берсин,— деди Берк.— Ҳозир айтганимдай башараларига бақрайиб тикилгин. Тагин, қўрққанидан тик қарай олмаяпти, деб ўйлашмасин.

Дароз бош иргаб жавоб берди, негаки биринчи бурилишдаёқ улар немислар билан бетма-бет бўлиб қолишганди.

Немислар одатда расмларда тасвиранадиган ҳарбий асиrlарга ўхшаб кийинган эдилар. Калта иштон, пайпоклари худди тешиккулчасимон қилиб бошмоқларигача ҳимаридиб тушириб қўйилган, бошларида лижачиларникига ўхшаган соябони катта каскетка. Олдинда келаётгани автоматини елкасига осиб, чап қўлини тасмаси остига суқиб олганди.

Энгес Берк сўқмоқнинг четидан, қоя деворга тақалиб келаётганди.

Тўхтамай, уларнинг ёнидан тез ўтиб кетишлари мумкин эди, холос.

Мана, олдиндаги немис улар билан баробарлашди, шунда Берк унга безрайиб тикилди. Башараси офтобда қорайган, ёшгина ўспирин әкан. Бошқа икки шериги ёнманён, сал әнгашиб келишарди. Худди шу аснода Берк тўсатдан ўзининг әгнидаги кийими, қорача юзи, аскарча бошмоқи билан Риднинг почаси пайғогига қистириғлиқ шимини кўз олдига келтириди.

Патруль иккала австралийликка шубҳа билан тикилиб, ёnlаридан ўтиб кетди. Ҳар учови ҳам биқинига япасқи сувдон осиб олган. Энгес Берк немисларни бунчалик яқиндан биринчи марта кўраётган эди. У ўзида ҳатто хавфсирашин ҳам босиб кетган галати бир қизиқсини шисси уйғонганини пайқади. Кўриб қўй, мана шулар билан урушяпсан. Бу антиқа гапни қара-я, шундоқ ёнгиналаридан ўтиб боряпсан, сип-силлиқ, асл матодан тикилган, яшил, сен ўйлагандан кўра ҳам яшилроқ кийимларига тикиляпсан. Афтлари ҳам қорача, ҳа, офтобда хийлагина қорайган.

То Беркнинг орқасида келаётган Рид билан тенглашмагунларича ҳеч гап бўлмади. Шунда орқада келаётган немис шерикларига алланима деди, буни әшигтан Энгес Берк ҳозир бир кор-ҳол бўлишини фаҳмлади. Немислар йўлларида давом этяптилар-у, лекин Берк уларнинг орқаларига қараб-қараб бораётгандарини билиб турибди.

— Нима деди анави? — сўради дароз Рид унга етиб олиб.

— Унингни ўчир,— деди унга Берк.— Тезроқ юр.

Сўқмоқ бурилиб, немислар қўринмай қолганлари сабабли улар очиқчасига одимларини тезлатдилар.

— Нима деди у? — такрор сўради Рид.

— Сени жуда дароз әкан, греклар бунақа новча бўлмайди,— деди.

— Топган тапини қаранг-у! Мендан ҳам новчароқ грекларни ўз кўзим билан кўрганман-ку.

— У кўрмаган экан-да,— деди Берк ва ўша ондаёқ қўшиб қўйди:— Қайтиши.

Дардақиқат патруль орқага қайтганди. Ўзларини орқага ташлаб (тоғдан пастга тушилаётганди ҳамиша шундай қилинади), гурс-гурс одим ташлаётгандари эшитилиб турарди, бундай қоялар орасида әса одим товушлари аксасдо бериб, тўрт тарафдан устингга бостириб келаверади,

— Сен ҳам шимингни пайпогингга тиқиб олганингда яхши бўларди-да,— деди дароз.

Рид биринчи бўлиб қочишга тушди.

— Тўхта. Тўхта дейман, жин ургур,— Берк беихтиёр қичқириб юборди.

Аммо дароз аллақачон унинг ёнидан ўтиб, яна икки юз ярда очиқ жойдан бориб, шундан сўнггини пастак қарангайзорга кириб кетадиган сўқмоқдан пастга қараб чопаверди.

Шундан кейин Берк ҳам югуришга тушди, нега деганда, энди сир ошкор бўлган, әҳтиёткорликнинг ҳожати қолмаганди. У қояни ушлай-ушлай чопаркан, йиртилиб кетган бошмоғи оёғини шилиб юбораётганини сезиб турарди. У патруль ҳали олисадамикин деб қулоқ солишга уринар, лекин ҳамма ёқни гурс-гурс шовқин тутиб кетганидан ҳеч нимани англаёлмасди. Бир неча ярд илгарироқда узун оёқлари икки жойидан бўғилган (бир томонда пайпоқ, иккинчи ёқда камар) Рид тўхтамай лапанглаб чопиб кетяпти.

Патрулнинг етиб олишига Беркнинг ақли етди. Энди одим шарпалари яқиндан, сўқмоқ бурилиши ортидан эшитила бошлаганди. Олдинда эса Рид йўлни тўсиб, халал беряпти. Секинроқ. Секинроқ. Бир гал Берк орқага бирор кўз қирини ташлаб олди. Офтобда юзи қорайған бояги ёш аскарнинг елкасидан автоматини юлқиб олаётганини кўрди. Автомат оғир бўлганидан эплаштириб олиши қийин бўлди. Чопиб келаётисб автоматни ўнг қўлига олаётганида қўндоғи тиззлари орасига кириб қолди. Ҳудди шу сонияда Берк чап томонга, дарага кўз ташлади. Тоғ ён бағри тик кесилган, пастда юмaloқ харсанглару қурқашган, бироқ ҳали яшиллигини йўқотмаган йўсинг билан қопланган қизил тупроқ кўзга ташланарди. Шунда у Ридга:

— Эҳтиёт бўл!— деб қичқириди.

Бу сўз оғзидан чиқар-чиқмас қисқа-қисқа тариллаган овоз янгради. Ўқлар мўлжалдан сал тепароқ кетди, автобус

матдан отаётганингда мўлжални пастроқдан ол деб ҳафта-сига юз марталаб унинг қулоғига қўйишган бўлса кераг-ов. Шунда ҳам, мана, ўқлар Беркнинг боши тепасидан ўтиб кетди. У шартта ўзини сўқмоқдан дарага отди.

Автоматдан иккинчи навбат ўқ узилганда у ҳали ҳаво-да бўлиб, сакраганидан кейин оёқларини йигиб ҳам улгур-маганди. Шу аснода у, ерга тушганимда оёғим синармикин ёки йўқми, анати ёш аскар орқамдан сакрармикин, деган хаёл билан банд эди.

Ерга тушганида ўнг оёғи қайрилиб, оёғи танасидан калта бўлгани туфайли ерга тушар-тушмас ўмбалоқ ошиб кетди-ю, лекин қуийга думаламади. Биқини билан қулаб, куракларида тошлоқ ён бағирликдан пастга қараб сирғалиб бораркан, ўзини тўхтатиб қолиш умидида беихтиёр ерни чангллар, юпиقا иштони йиртилиб, ўткир тошлар карахт бўлиб қолган думбасига ботиб-тилиб бораётганини сезиб турарди. Мана, ниҳоят ёнбоши билан юмшоқ қизил тупроқ уюмига тиравиб тўхтади. Шунда у яна сурункаси-га ўқ узилишини кутди, бироқ тиқ этган овоз эшилма-ди. У ўрнидан туриб, сакраб-сакраб чопиб, юмалаб-эмак-лаб олға — пастга ташланди, то ортидан узилган ўқлар етиб келгунча шу тахлит илгарилайверди.

Бир пайт у «вэз-вэз»иллаб келиб сал наридаги тупроқни тўзғитиб юборган ўқ овозинигина эшилди. Кейин ўнг думбасига алланима тегиб, жиз этди. Шунда у ўмбалоқ ошиб кетди-ю, ҳанузгача ўзи ҳам билмай кўтариб келаёт-ган кўза қўлидан отилиб чиқиб, ҳавода антиқа бир ёй ҳо-сил қилганча учиб бориб, икки қадамча нарига тушди-да, чил-чил синди.

Сўнгра у яна ўрнидан туриб, танасини пастга тортиб кетаётган ўз оғирлигини енгмоқ учун товоналарини маҳкам ерга тиради. Шу пайт нарроқдаги қалин зарангзорни кў-риб қолиб, каловланиб ўша ёққа юди.

Ортидан ўқ узишарди, мана у қўроғошин парчасининг дарахт танасига тегиб, бир парча пайражани шаббалар орасига учириб юборганини кўрди, овозини эшилди. Орқаси-га қарашга юраги дов бермасди, чунки тепадан унга қараб ҳамон ўқ узишайтган эди. Ридга нима бўлганини билмасди у, буни билиш ёки орқага ўгирилиб қарашга ботинмаётганининг сабаби—шу топда бутун борлиқ фақат биргина нарсадан иборат эди назди-да, бошқа нарса кўзига кўрин-масди. Юриши, олға интилиши керак, падар лаънати шу жойдан қутулиб кетса бас.

Ҳозир ўйлаб, бош қотириб ўтирадиган вақт әмас. Яна тепага чиқиб кетиши лозим. Аナンавиларнинг уни излаб бу ерларга тушиши турган гап. Уни топмагунларича зарангзорни тит-питет қилишлари аниқ.

Лекин уни топиб бўлишибди. У юқорига, ҳозиргина тушиб келган томонига чиқиб кетади. Энди юқорига кўтарилиши осон бўлмайди. «Яраландим,— деб ўйлади у.— Оёғимдан ҳам, кўкрагимдан ҳам әмас. Думбамдан яраландим, оёғимни сонимдан пастигача қимирлатолмайман, бўксам нақ жонимни суғуриб олгудай зирқираб кетяпти».

Ўнг оёғи букилмаганидан чополмади, зарангзор чекка-сигача ҳаккалаб борди. Шундан кейин ҳам у юришдан тўхтамади, юқорига чиқиладиган сўқмоқни излаб юриб, тезда Юктаснинг шир яланғоч ён бағрига чиқиб қолди. Тўрт томондан уни тик қоялар қуршаб, йўлига ғов солиб турарди.

Баногоҳ нигоҳига қўйироқда зарангзорга кириб ғойиб бўлган ипдек оқариб турган сўқмоқ чалиниб қолди. Башартики у қўйига қараб тушиб келган экан, демак, қаерландир юқоридан бошлангани аниқ. Шу хаёл билан у ўша сўқмоққа қараб қиялаб әмаклай кетди. Кўзлаган ерига етгач, ўнгга бурилиб, сўқмоқдан юқорилай бошлади. Ҳозиргина тушиб келган йўлимга олиб чиқади деган тентагона умид қамраб олганди вужудини. Ўзига нон берган қишлоқ йўлига чиқиб олади, албатта. Яраланган, бунинг устистига жароҳатидан қон оқиб турган экан, бирон жойга яшириниши керак-да, ахир. Одамлар, қон иссиқ бўлади, дейиншади. Унинг бўлса эти жунжияпти.

У секинлади. Анча юқорига чиқиб олди, энди ошиқмаса ҳам бўлади. У дам-бадам орқасига ўгирилиб қараб қўяр, бироқ тўхтамай юқорилаб бораверса анавилар ўзини топа олмасликларига ақли етиб турарди.

Қани, юқорига, юқорилайвер.

Шунда қўққисдан дароз Рид әсига тушди. Риднинг оёғини қўлига олиб қочиб қолишига нима мажбур әтганини фаҳмлаб турарди. Ўтаканг ёрилганида ҳам бундай қилиш телбалик. Ҳамма ҳам қўрқади, лекин кимки қўрқувни енга олса, ўша ваҳиманинг жатига қолиб жабр тортмайди. Қўрқмаслик — бу вужудингга қутқу солган ваҳимани енгиш демак. Ана ўшанда сен әс-хүшинингни еб, бунағанги қуёнчасига қочмайсан. Мабодо Рид қочмаганида балки ҳаммаси тинчгина ўтармиди. Ҳозир бўлса қочиб қутулганига кўзинг етмайди. Ўша сўқмоқнинг ўзидаёқ қувиби етишгандир. У сўқмоқдан тўппа-тўғри қўйига қараб чопа-

верган, сўқмоқ ўрмонга бурилғаң жойда етиб олишганди, Шўрлик Рид. Она, юртида фермада батраклик қилиш унга оротиқ насиб этмайди. Фермадагилар энди усиз ишлашаштан бўлди-да. Мен бўлсан ўзимни пастга отдим. Кўз-~~киб~~-юмгунча пастда кўрдим ўзимни. Мана энди яна юқорига чиқиб кетяпман, бу карахт бўлиб қотиб қолган оёқни деб яқин-орада пастга тушолмайман энди. Ҳаддан зиёд қизишиб кетганингда ана шунаقا бўларкан ўзи. Лекин бу-нақанги пайтда қизиshmай бўларканми? Ана энди анави айиқполвон, критлик оқ соч айиқполвоннинг қишлоғини топишим керак. Кейин қай гўрга бораман? Қаёқдан билай буни. Оёғим нима бўлади ҳали? Бечора Рид. Ажойиб йигит-у, лекин сал калласи мундайроқ-да...

Шу хаёллар билан у, ҳар қанча оғир бўлса-да, қаттиқ-қаттиқ одим ташлаб, ёлғиз оёқ сўқмоқдан юқорилаб бораверди.

Ажойиб йигит... бечора Рид, аллақайларда кўзлари чақчайиб, оғзи очилганича ўлиб ётгандир.

Қош қорайгач Беркнинг юриши қийинлашди. Кўзлари қоронғида тизимчадай сўқмоқни илғаёлмасди. Бот-бот йўлдан чиқиб кетар, әмаклаганча, пайпаслаб уни излашга тушарди. Ҳатто әмаклаганида ҳам ўнг оёғи судралиб қолар, ичи алғов-далғов бўлиб, беҳузурланарди. Биринчи маротаба әмакламагунича буни билмаганди. Әмакласа беҳузур бўлишидан, ичак-чавоги әзилиб кетаётганга ўхшашидан бехабар эди.

— Ишлар чатоқ,— деди у ўз-ўзига.— Агар яна бир марта әмаклайдиган бўлсан — тамом.

Уни уйқу әлита бошлади. Бир гал у дам олмоқ ниятида чўнқайди, бирдан мудраётганини пайқаб қолди. Шунда у яна олга интилди, то тонгги фира-ширада оқаринқираб кўринган, бағрини иланг-билинг токзорлар тилиб ўтган қиялик кўз ўнгидаги намоён бўлмагунига қадар юраверди.

Бу Сан-Ксентос эди.

Гандираклаб, оқсаб, қулайроқ сўқмоққа чиқиб олиш ниятида олдинга юрди. У гоҳ текисроқ сўқмоқни топар, гоҳ яна четга чиқиб кетарди. Ниҳоят маст одам янглиғ чайқалиб қолди. Қишлоқ чеккасига етиб келганида, бир томони, силласи қуриганидан, иккинчи томони, тағин әмаклайдиганни деган ваҳимадан деярли ҳушидан айрилаёзганди. Барчасидан ҳам ~~шуниси даҳшатга~~ солар, сира-сира әмаклашни исташасди. ~~Ундан~~ ~~бундан~~ маган, ҳозир-куйниқса.

У қозиқ-оёқлар устига қурилган кулбани айланиб ўтадиган йўлкага чиқиб олди. Қишлоқда ҳали ҳеч зоф уйғонмаган эди. Ҳатто сирка иси ҳам димоққа урилмасди. Йтлар ҳуришга тушди, бироқ уни, гарчи бу худди ўша қишлоқ эканига имони комил бўлса-да, сирка-мусаллас ҳидини туймаётгани безовта қиласди. У букилмаётган оёқларини маҳкам босиб тўхтади-да:

— Бу қанақаси бўлди? Ҳеч қанақангги ҳид-пид йўқ. Нақ димоғингни ёриб юборай дерди-ку, ахир,— деб қўйди ўзича.

У Сан-Ксентоснинг ифлос ўйлига гурс этуб қулади.

## З боб

Кейинроқ у қорни билан ёғоч эгарда кўндаланг ётганча хачирда кетаётганини фаҳмлади. Кун ёришиб кетибди, у кўз олдидан сузиб ўтётган тангачадек-тангачадек тошу шағалларни, думалоқ-думалоқ чуқурчаларни, қоп-қора чанг-тупроқни кўриб борди. Берк ҳали тамоман ҳушига келмаганди. Ошқозоки тошдай оғир эди, бу виночилар қишлоғида сийлаган пишлөқлари эканини тушунди. Миясида бундан бўлак Фикр-ўйнинг ўзи йўқ эди шу топда.

Хачирни икки критлик етаклаб боришарди. Улар каллаи саҳарлаб йўлга чиқишганидан жуда чарчашганди. Бирни ўша соч-соқоли оппоқ мўйсафид. Иккинчиси — хачирнинг эгаси. Хачир Критда энг асил дикте зотан хачир эди. Улар олд томонда, шундоқ хачирнинг тумшуғи ёнида гаплашиб кетиляпти.

— Хўш, сенингча, кимларни австралияликлар дейишиди? — сўради хачирнинг эгаси.

— Сенингча-чи? — деди мўйсафид.

— Австралия тилида гаплашадиганларни.

— Австралияда қайси тилда гаплашишади ўзи?

— Билмадим. Лекин ҳадеб майдакашлик қилавермаслигимиз керак.

— Ким майдакашлик қиляпти? Хачир кимники — меникими ёки бошقا биронникими?

— Австралия тилининг нима дахли бор бунга?

— Ҳеч балони тушунмайсан-да.— Хачирнинг эгаси ҳаяжонда эди.

— Қўрқма, у яхшилитингни унутмайди,— деди мўйсафид.

Унинг бу гапига ҳачир эгаси жавоб бермади, чунки улар Юктас ён бағридаги камгак ёнига етиб келишган эди. Камгак шунчалик катта әдики, уни бор деса ҳам бўлар, ундан ҳам кўра, каттакон айвонга ўхшаб кетарди. Атрофда бирорта тузукроқ сўқмоқ кўринмасди, шу боисдан ҳачирнинг тепага чиқиши осон бўлмади. Ҳар иккала йўл бошловчи, гарчи ҳачир дикте зотидан бўлса-да, унинг кетидан итариб ёрдам беришларига тўгри келди. Ниҳоят улар камгакининг бир чеккасига чиқиб олиб, ичкари томон юришди.

Энгес Беркниңгүй кўзи очиқ эди-ю, бироқ онги ишламаётганди. У ўзини ҳачирдан тушириб, кўтариб кетганларини сезди, тепасида грекчалаб гаплашаётганларини эшилди, орқа томонидаги деворни ҳам, адёлни ҳам кўрди. Бироқ у виночилар қишлоғи ҳавосидаги сирка-мусаллас ҳидини туйишга уринар ва буни сезмайтганидан ажабланарди.

Кейин бошқа ҳеч нима бўлмади. Ҳа, токи ичидаги барча нарсалардан қутулиш зарурати ҳисси билан ўйғонмагунича ҳеч гап бўлмади. У беихтиёр туриб, қайд қилмоқчи бўлиб энгашди, шунда оғзидан сўлак билан сафродан бўлак ҳеч вақо тушмади.

Ҳали кун ёруғ эди.

Бироқ, айни вақтда ҳам ёруғ, ҳам қоронғи эди. У қаддини ростларкан, томоги тозалангандай туюлди, шунда тепаси брезент билан ёпилган ўрада ўтирганини кўрди. Шамол брезентни чайқатиб-хиллиратаётгани сабабли дам ёришиб, дам қоронғилашаётган экан.

Атрофида яна бир неча киши бор экан. Ҳаммалари ётишибди.

У қат-қат, нураган деворларида гиёҳлар ўсиб ётган ўрада кўрди ўзини. Тўсатдан у ҳидни сеза бошлади, бурни билан исказди. Аммо бу касалхона ҳидига ўхшар, эфир ҳамда спирт иси анқирди.

Кейин ёнига бўйчангина, узун қора фартуқ кийган грек аёл келиб, беўшовлик билан гурс этиб чўккалади-да, устидаги адёлни очди. Шунда бўқсасидаги оғриқни сезди, бирсанчиб қўйди-ю, яна босилди. Кўзи қонга беланганди, Берк оғриқдан сапчиб тушди.

— Сал секинроқ,— деди у аёлга.

Аёл унинг обғини остидан бемалол латтани ўтказса бўладиган қилиб кўтарганча, индамай ишини бажараверди. Латта ифлос эди, уни кўрган Берк ўзининг кўйлаги экан

нини англади. У оёгини кўтариб ётаркан, атрофга аланглади. Брезент тўшалган ерда тагин олти ёки етти киши ётибди. Бир бурчакда иккита катта-катта харсанг билан тўсилган бир жуфт ўчоқ. Ўзидан бошқа деярли ҳамма нариги томонда ётибди. Фақат икки кишигина — иккаласи ҳам сочи қоп-қора грек ўтиришибди. Бирининг юз-кўзи чандиб ташланган, иккинчисининг ҳеч қаери боғланмаган. Тагида ўт ёнаётган иккита қора қозондан бўлак ҳеч вақо йўқ атрофда.

Аёл ниҳоят латтани ечиб бўлиб, жароҳати оғзига қўйилган тоза латтани олди-да, Беркни авайлабгина чап ёнбошига ағдарди.

— Соат неча бўлди? — сўради у аёлдан. Нимага сўраётганини ўзи ҳам билмасди.

Аёл бош чайқади, рўпарада ётган икки киши унга қарашди.

Гапираётганида Берк оғзи ва томоги қуриб қолганини сезди. Брезентнинг шундоқ бошига яқингина, жойи бояги қусуғидан ифлосланганди.

— Сув беринг,— деди у аёлга.

Аёл уни қорини ерга қилиб ётқизди-да, аллакимга қичқирди. Берк грекасига «сув»ни нима дейишларини әслашга уринди, бироқ әслолмади. Аёлнинг тиззаси унинг умуртқа поғонасини әзиз туарди.

Кейин кимдир жароҳатига қўйиш учун латта кўтариб келди, у Беркнинг бўксасини пийпастлади-да, яна чап ёнбошига ағдарди.

Шу пайт Беркнинг ёдига қандай келаётгани, қозиқ-оёқлар устидаги уйга қандай жавдираб тикилгани тушди. Ўшандан сўнг мана шу ерни кўриб турибди. «Қўлга тушган бўлсан керак, ҳадемай римча рақамлар билан белгиланган — IV, V ёки VI stalag<sup>1</sup> да кўраман ўзимни».

— Нима гап ўзи? — сўради у.

— Ҳушиңгизга келяпсиз,— деди кимдир инглизчалаб.

— Ҳа, ҳа,— деди Берк.

Аёл жароҳатини қайтадан боғлашга тушгани ва гапираётган одамга тескари қараб ётгани туфайли унинг кимлигини кўрмади.

— Бу қанақа ўра? — сўради у.

— Ҳеч ким билмайди буни,— жавоб беришиди унга.— Минай ҳаммомининг харобаси бўлса керак. Французлар-

<sup>1</sup> Stalag — ҳарбий асиirlар сақланадиган лагерь (нем.).

нинг таъкидлашларича бу ерда Зевснинг сафанаси бўлганмиш, аммо мен бунга қўпда ишонмайман.

Берк то аёл жароҳатини боғлаб бўлгунча индамади; ёнгра у чалқанчасига ўгирилиб, кескин бир ҳаракат билан туриб ўтириди.

— Бу биқинингизга оғирлигингизни солаверманг.

Берк энди инглизчалаб гапираётган одамни кўрди. У қалин қора соқолли, гардиши қора, шишаси қалин кўзойнекак таққан ёшгина йигит экан.

— Врачмисиз? — сўради Берк.

— Ҳа.

— Немисмисиз?

— Грекман.

— Бу немисларнинг «кошонаси» эмасми?

Врач бош чайқаб:

— Йўқ, — деди.

— Бўлмаса нима бу? Қаердамиз ўзи, қишлоқдами?

— Йўқ, — деди врач.

— Жин урсин, — деди Берк, — қаер ахир бу? Умуман, нималар бўлди ўзи?

— Сиз Сан-Ксентос қишлоғи чеккасида ҳушдан кетиб ийқилибсиз. — У грекча талаффузда «Сан-Эксентос» дебди. — Жуда кўп қон кетибди. У ергагилар бу жойни билишарди, шунинг учун сизни хачирда шу ерга олиб келишибди.

— Хачирда, — деркан, Берк кўзи олдидан сузиб ўтган тангача-тангача тош-шағалларни, қора чанг-тупроқни эслади.

— Ҳа. Мен инглизчани унута бошлайпман чоримда.

— Йўқ, нега энди, — Берк паришонхотирлик билан эътироz билди. — Ҳар қалай, қанақанги жой ўзи бу ер?

— Яхшигина пана жой. Лекин биз бу ерда қололмаймиз.

— Госпиталми?

— Шунга ўхшаш.

— Греклар учунми?

— Юктасдагиларнинг ҳаммаси учун. Темир каллалар ҳозир шу атрофларда изғиб юришибди, қишлоқларда қолишимиз ҳам хавфли.

— Партизан экансизларда демак?

— Йўқ. — Ёш врач бошини сарак-сарак қилди. — Партизанлар шарққа қараб кетишган.

— Мен ҳам бу ердан кетишим керак,— деди Берк.  
— Ҳали әрта. Юришингиз заарарли.

Врач аёлга грекчалаб нимадир деди-да, бир тиззасини ерга тираб, чўқди. Энди Берк қалин шиша ортидаги хотиржам кўзлар билан қилт әтмай турган лабларни баҳузур кўра оларди.

— Нима қипти у еримга?— Берк тирсагига таяниб сал қаддини кўтарди-да, бўксасига ишора қилди.

— Ҳеч. гапмас,— деди грек.— Қон бузилмаган. Асло ҳавотирланманг. Ичи топ-тоза. Сирти ҳам. Тикиб қўйдим. Уч жойидан. Қон кетган, вассалом. Бир неча кундан кейин кўрмагандай бўлиб кетасиз.

— Ҳавотирили жойи йўқми?

— Асло. Силлиқ ҳамда ўткир тош экан, шартта ботгану яна чиқиб кетган.

— Мен бўлсан, икки донагина ўқ кириб қолгандир, деб ўйлагандим.

— Йўқ. Шунчаки, худди пичоқقا ўхшаган ўткир тош кесиб, ёриб юборган.

— Юрсан бўладими?

— Эртага юрсангиз бўлади. Юрасизу тўппа-тўғри темир каллаларга рўпара бўласиз-қўясиз.

— Ие, бу ер унчалик баландда әмасми?— деди у.

— Баландда. Лекин темир каллалар борган сайин юқориляб келишяпти-да. Пастга нимага тушгандингиз? Ахир сиз пастга тушгансиз-ку, тўғри әмасми?

— Тўғри,— деди Берк безрайиб.

— Ҳозир ундаи пайт әмас. Темир каллалар тобора юқориляб келишяпти.

— Худди ана шунинг учун ҳам бу ердан жўнаб қолишим керак-да.

— Эртага жўнайсиз.

— Ҳамроҳимга нима бўпти? У ҳақда ҳеч нима билмайсизми?

Доктор бош чайқаб, кўзойнагини олиб артди. Хотиржам бокувчи, теграсини майдамайда ажин қуршаган митти кўзларидан унинг шабкўр эканини бир қараашдаёқ билиб олса бўларди. Берк бу одамнинг шундай кўз билан қандай ишлашига таажжубланди.

— Ҳароҳатимни тикиб қўйдингизми?— сўради у грекдан.

— Ҳа. Ухлаб ётувдингиз, шунинг учун сезмадингиз. Омадингизга оғриқни сездирмайдиган доримииздан бор

әкан. Умуман олганда, дори-дармонларимиз тугаб қолган, шунинг учун ҳам йўлга тушишимиз лоэим.

— Дори-дармонни қаердан оласизлар?

— Жуда қийинчилек билан топамиз.— Врач ўрнидан турди.— Ҳаммасини темир каллалардан қўлга туширганимиз.

Берк хушмуомалалик билан миннатдорчилик билдириди.

— Сиз инглизмисиз ёки австралийликми? Аниви сан-кеносликлар австраолос дейишди.

— Тўғри айтишибди.

— Мен Манчестерда бир йил турганиман,— деди грек.

— Гиббиётни ўрганганимисиз?— сўради Берк ундан.

— Шундай. Лекин инглизчани анча эсдан чиқариб қўя бошладим.

— Бу ердан қачон чиқсан бўлади? Қачон юришим мумкин.

— Аслида-ку бир неча кун ётишингиз керак эди-я. Лекин эртага жўнашга тўғри келади. Албатта жўнаш зарур. Нега десангиз, темир каллалар жадал юқорилаб келишапти. Ҳадемай бутун Юктасни эгаллашади. Шу боисдан ҳам нартизанлар шарқда кетишиди. Шундай қилиб, эртага йўлга тушасиз.

— Сиз ҳам кетасизми?— сўради Берк.

— Ҳа.

— Бошқалар-чи, улар нима бўлади?

— Ҳаммалари тузалиб қолишиган. Фақат анави, ўчоққа яқин ётгани тезда оламдан ўтади. Уни осишган, лекин но-тўғрироқ осишибди, кейинроқ қариндошлари сиртмоқдан бўшатиб олишибди. Лекин бари бир одам бўлмайди. Яна бири бор, уни ҳам темир каллаларга ташлаб кетишига тўғри келади, эҳтимол уни чинакам госпиталга ётқизишар. Эҳтимол, ётқизишмас, лекин бизнинг қўнимизда бўлса бари бир ўлади. Бир томондаги ўпкасининг ўзига иккита осколка кириб қолган. Жуда қийин, бу ерда унақанди операцияни қилолмайман.

Шу пайт бир грек аёл кириб, Беркнинг атрофини тозалашга тушди. Берк, бу қаёқдан келиб қолди, деб ҳайрон бўлди-ю, аммо сўрамади. Чарчаганини сезди, оғзи ҳануз қуруқшаб ётганди.

— Чанқаяпман,— деди у врачга.

— Ҳозир.— Врач аёлга бир нима деди.

— Менга бир-иккитагина иштон топилмайдими бу ерлардан?

- Кидириб, суриштириб кўриш керак,— деди врач.—  
Саҳарда қараб кўрарман. Эрталаб қайтаман.  
— Раҳмат,— деди Берк унга.  
— Адио,— дея хайрлашди врач.  
— Адио,— деди Берк ҳам.

Аёл кўзачада сув келтириди, таъмидан қайнаган сувга ўхшарди. Берк сувдан ичиб, ўзини анча енгил ҳис этди, фақат бўксаси нам тортиб қолган палёндай оғир әди. Ҳар қандай бўлганда ҳам у өртага бу ердан жўнайди. Бу жин чалгур греклар антиқа одамлар-да. Зевснинг мақбарасига жойлашган госпиталь, немислардан бошқа ҳамманинг бу ерни билиши кўриниб турибди, бечора Ридга бўлса насиб әтмаган әкан бу ерга келиш. Бечора фермер Рид. Ажойиб йигит, лекин...

У шу тахлит ўй суриб, шамолда ҳилпираб, тагида тунги ғира-ширада шуълаю қўлагалар рақс тушиб турган брезент том остида уйқуга кетди. Уйғонганида ҳам шуълаю қўлагалар рақси ҳамон давом әтарди, аммо бу тонгги шуълаю қўлагалар әди. У ҳозир теварагимда шовқин, ҳаракат шарпалири әшитилиб қолади, деб кутди, бироқ ҳануз кечагидек осудалик ҳукмрон әди бу ерда. Бир муддат ўтгач, соқолдор доктор ясси зиналардан ўрага тушиб келгандагина Берк ошиғич ҳаракат бошланганини пайқади. Доктор тўғри унинг олдига келди, қўлидаги грек аскарларининг шиммини Беркнинг ёнига қўйди.

— Хўш, аҳволлар қалай? Бу — тоза,— деди шимга ишора қилиб.

— Башмогим қаёқда?  
— У ёқда, кираверишда. Таассуфки, кўйлак тополмадим.

Берк бу гапни әшитмади. У чалқанчасига ётиб олиб, куракларини ерга тираганча дағал матодан тикилган шимни кийиш билан овора әди. Ҳароҳатига боғланган латта юқоридаги тўртта тумани қадашга халал берганидан, уларни тақмай қўя қолди. Одатда ҳар бир ишни янгитдан бошлаётган пайтингда бўладиганидек, у чуқур уҳ тортиб, ўрнидан турди. Доктор туришга ёрдамлашмади. Яланг оёқлари билан ерни ҳис этиши нақадар кўнгилли әди шу топда.

— Дастрлаб секинроқ одимлашга ҳаракат қилинг,— деди доктор.— Мен ёнингизда, биргалашиб чиқаман. Башмогингиз ташқарида, тепада. Шундоқ кўзга кўринадиган жойда.

Берк юра оларди, фақат оёғи букилмас, боши ғувил-

лафди, бирбюк энди гандиракламас, оёгини маҳкам сиқиб турган латта ҳам мушакларига қувват бағишилаётган эди. Қисқаси, у шалоплаб турган брезентга тегиб кетмасликка тиришиб, зиналардан аста-секин кўтарилаверди.

Қуёш ётоғидан чиққан, аммо ҳали тоғлар ортидан жамол кўрсатиб улгурмаганди. Шунда у қуйида водий уёра жанубга томон тарвақайлаб, чўзилиб кетган Юктас тармоқларини кўрди, наздига ҳатто денгизни ҳам-кўриб турганига ўхшарди-ю, бироқ бунга ишончи комил әмасди. Энди у юқорига чиқиб кетиши даркор, ҳатто бу ёқларга не-мислар келаётган бўлсалар ҳам, бари бир шундай қилиши шарт, ўзга иложи йўқ. Бу оёқ билан фақат юқорига кўта-рила олади, холос.

У бошмоғини топиб, ипини бўшата бошлади. Ип қа-тирмаочоқ бўлиб кетганди, шунда хаёлидан бошмоғимни ювишмаганмикин деган фикр кечди. Доктор ёнига келди.

— Сиз билан икки грек ҳам бирга кетади,— деди у.— Улар Юктас қишлоғига боришади, у ерда яна бир австра-лос бор. Бу бизга маълум, негаки ўша ёққа одам бориб келди, уни кўрибди.

— Раҳмат. Ҳозир йўлга тушамиزم? Ўзингиз қайси томонга йўл оласиз?

— Шарққа.

— Шу ишингизни давом эттирасизми? Худди шу ерда-гига ўхшаб-а?

Доктор елкаларини учирив қўйди, холос.

— Бошқа нима ҳам қиласдим?

— Немислар ҳозир қаерда?

— Хабарим йўқ. Улар кичик-кичик соқчилар тўдасига бўйиниб, жадал илгарилашяпти. Ҳозир Юктасни әгалаш-га киришишган. Лекин Юктас қишлоғида маълум вақтга-ча хатардан холи бўласиз. Уни излаб топишлари хийла мушкул. Ҳамроҳларингиз сизга ёрдамлашиб боришади,

— Миннатдорман,— деди Берк.

Рўпарасида ўтирган икки киши чиқиб келди. Бирори-нинг боши салладай қилиб боғлаб ташланган, фақат кўз-ларигина кўриниб турибди, бошқасининг ҳеч қаери боғлан-маган, аммо у бели қилт этмай, нақ таёқ ютгандай ғўдайиб юряпти, афтидан жуда мазаси йўққа ўхшайди.

— Мен тайёрман,— деди Берк.— Ҳайр, ғоятда мин-натдорман сиздан,— деди у докторга.

— Адио, австралос. Ёдингизда бўлсин, жароҳатингиз-ни тикканман. Бир ҳафтадан кейин ипини олиб ташласан-

тиз бўлади. Ҳар бир чокини битталаб бирор тоза нарса билан кирдиб, ипини сугуриб оласиз. Йифлос тенкизманг тагни. Ҳайр,— деди доктор ва жиддий тортиб, энгдан пастга тушиб кетди.

— Кетдик,— деди Берж бир чеккада турган ишқала гремка.

Улар ўрнидан туришга кўмаклашиб юбориши. У тоқат-сизлик қилиб, ҳамроҳлари қўлидан чицмоққа иштади. Греклар унинг миқти гавдасига, такаббуона юзига, наст-кисига қимтилаган юпқа юқери лабига тишилиши. Ҳамроҳлари унинг ёрдамига муддоҳ эмас эканини тушуниши. Шундай сўнг унинг қўлини кўйиб юбориб, камгак ёнидан бошланган пирамонсимон энсизгина йўлдан юриб кетишди.

Берк улар ортидан йўлга туши. Ҳадемай, агар ўнг оёнини тиззасидан бўймай, тўғри ташласа, бемалол юра олишича ишонч ҳосил қилди.

## 4 боб

Кечга томон Ида чўққисининг сояси Юктас ёш бағрига етиб борди. Атроф гира-шира пардага чулаганиб, салқин тушди. Улар қоялардан бирининг шундай бицинига жойлашган чоғроққина чўпонлар қишлоқчасига яқинлашиб қолдилар. Тик ён бағирликдан тепага кўтарилаётган Беркнинг кўзи эчки боқиб юрган болаларга тушди. Гоҳо тўп-тўп бўлиб ўтлаб юрган қўй сурувларни ҳам кўзга чалиниб тударди.

Улар гувалак кулбаларни оралаб ўтказ илон изи кўчадан кета бошлишди.

Беркнинг ҳамроҳлари тўхтаб, ўн беш ё ўн олти ёшлардаги бир болакай билан гашта тушиб кетишди. Улар нима ҳақдадир баҳслashiшарди. Ҳеч қанча вақт ўтмай Беркнинг тоқати тугади. Улар ёнига бориб:

— Кетдик,— деди.

Улар Беркка бир қараб қўйинди-ю, баҳсни давом эттираверишиди.

— Кетдик,— такроғлади Берк.

Греклардан бири Беркка, ортимдан юр, дей имо қилиб, йўлга тушди. Иккинчики, босни дока билан боғлангани жойидан жилмай, Ида томонин кўрсатиб, бола билан гаплашиб тураверди.

Берк биринчи грекка өргашди, тезда улар сўқмоққа чиқшиди.

Берк то олдинда сийрак токзорлаф билан курмалган бошқа бир қишлоқ кўриммагучча грек кетидан өргашиб бораверди. Бу юксаклиқда бебонивоқ шамол истагин томонига эсади. Улар ғозурғалари санашиб қолган қиятириқ белалар ва итлар сидан ўтиб боришарди.

Грек эшити олдида турган мелга яцилалшиб, уздан алланималарни сўради. Шу шайт ичкаридан чиқиб келган яна бир ёшгина қиз гапта аралашиб, шастки төғ сўқмоғи томонини кўрсатиб ниммадир деди. Сўнгра ўша ёқса қараб кетди. Берк билан ҳамроҳи ҳам унинг орқасидан юришди. Қиз оёқ яланг эди. Одамлаф гувалак уйларидан чиқиб, бегоналарни томонча қилишарди, уларнинг аксарияти кампирлар эди. Улар узундан-узун чўзишиб кетган гувалак девор ёқалаб бориб, Юклас ён бағридаги токзорга бурилишиди. Бонният бир чеккасида токрӯда қуритиладиган харраклар турар, орқароқда эса узун бостирма бор эди — омборхона бўлса керак.

Қиз энникни очиб, ичкари жарди. Берк билан ҳамроҳи ҳам унга өргашибди.

— Тўхта,— қичқирди кимдир каганчалаб.

Энгес Берк новча соҳиодор кимини кўрди шунда. Унинг соч-соқоли маале ранг, бурли худди босхичилағини кига ўхшаш янаски, кўзлари кулимишраган, маънодор бокувчи бўлиб, чехрасидан ақали одам кўринишиди. Ендида яна бир тонги бор эди. Буинисининг бўйи шаст, туси корачадан келгани, юзи син-сиалик, бироқ тўсдай юли-кора сочлари тушиб турган манглатини ажни блан қуналиганди. Улар ёнмаён қадларини роз тутиб туришарди. Кора сочларининг қўлида ўтиз саккиз жалобали «смит-весон» тўппончаси бор эди.

— Мана, тўхтадик,— шомпешлиша деди Берк.

— Кимсиzlар? — сўради қорачадан келгани, афтиш яшада жиддиялашиб.

— Бизни манави қиз бошлаб келди.— Берк кам, «смит-весон»дан кўз узмай қаддини тоз тутди.

Қорачадан келгани лаби-лабига чегмай, қизни гапта тутди. Қиз қисқагина жавоб берди-да, кейин шартта бурилиб, чопганча чиқиб кетди.

— Ҳўш? — деди Берк.

— Ўзларидан эшитсан,— деди қорачадан келгани.

— Мен госпиталда, анави ёқда, пастда эдим.— Берк

Энди атайин ўзини хотиржам кўрсатиб, бемалол эшикка суюниб сўзларди.— Грек доктор бу қишлоқда бир австралийлик бор деганди.

— Ўзингиз грекмисиз?— сўради ундан малласи.

Берк беихтиёр ўз эгнига қаради, шунда австралияликлар формасида эмаслиги ёдига тушди.

— Австралияликман,— деди у.— Исми-шарифим Энгес Берк. Мен бу ерларга Кандиядан келиб қолганман.

Қора сочли «смит-вессон»ни аста пастга туширди.

— Енингдаги ким?— сўради у Беркдан.

— Бу грек. Мени бу ёққа шу бошлаб келди. Ҳўш, энди ўзларинг кимсизлар?

Малла саволга эътибор ҳам бермай, Беркнинг ҳамроҳи билан грекчалаб сўзлашаётган қора сочлиниг гапини тугатишини кутиб турди. Кейин:

— Қайси қисмдансан?— деб сўради.

— Жуда зарурми буни билиш?— деди Берк.

— Ҳа.

Берк ўз батальони билан полкини айтди, сўнгра Кандияда зенитчи батареяда хизмат қилганини қўшиб қўйди.

— Ҳаммаси жойида әкан,— деди малла қора сочлига.

— Буниси, грекман, мен ҳам ўша госпиталга тушгандим, деяпти. Менимча, тўғри гапирияпти.

Шундан сўнг орада одатдагидек душманлик дўстликка ўрин бўшатиб беришидан олдин юзага қалқиб чиқадиган иккиланиш они ҳукм сурди. Қора сочли билан малла ёнмаён турешарди. Берк қора сочлиниг — грек, малланинг австралийлик эканини аллақачон анлаганди. Улар ҳозиргина айтганимиз иккиланиш они ўртадан кўтарилгунча тек туришди-да, кейин қора сочли қўлидаги тўппончасини шеригига берди.

— Ўз уйингиздек бемалол жойлашаверинглар,— деди малла ва нотекис тишларини кўрсатиб илжайди.

— Ўзларинг кимсизлар ахир?— сўради Берк яна, жойидан қимирламай.

— Мен Стоунман,— жавоб берди оддийгина қилиб. Кейин ўртада шубҳа қолмасин учун батальони билан полкини айтди.— Бу бўлса — Нис, грек. Бу ерга мен билан бирга келган.

Шундан сўнггина Берк ичкарига кириб, эшикни беркитди.

Улар Беркка аҳвол-вазиятни тушунтирилар. Бу ёқларга, Юктас ясси тоғлигига қандай келиб қолганларини сўзлаб бердилар.

Стоун, малла паҳлавон, Критда нималар содир бўлаётганини ҳикоя қилди. (У босиқ, мулоҳазали, кўзлари кулиб турадиган йигит эди.) У Беркка Сфакия соҳилида қандай кутиб ётганларини, әсмиyneцлардан юборилган қайиқлар уларни бўлиб-бўлиб ташиганини гапириб берди. Унинг айтишича, дастлаб оғир ярадорларни олиб кетишган. Кейин юра оладиган ярадорларни. Уларга навбат келганида қарашса, тўсатдан ҳаммалари ёппасига яраланган бўлиб чиқиби, ҳаммалари оқсармиш, милтиқларини қўлтиқтаёқ қилиб олишганмиш. Стоун ҳам бошқалар қатори кутиб ётаверибди. Қирғоқда жудаям оэчиллик қолганида «юнкерс»лар әсмиyneцни чўқтириб юборишибди. Бошқа әсмиyneц омон қолганларни қутқариб олибди. Шундан сўнг Стоун Нис билан тоққа чиқиб кетибди. Нис билан бўлса Сфакия соҳилида ўз навбатларини кутиб ётганларни «юнкерс»лар бомбардимон қилаётганида учрашиб қолган экан. Сфакияга немислар етиб келгач, улар Оқ тоф ичкариларига кириб кетишибди, кейин чўққио тизмаларни ёқалаб шарққа қараб силжийверишибди. Жанубий соҳилга чиқишга бир неча бор уринишибди-ю, бироқ қаердан тушишмасин, ҳар гал немисларга рўбарў бўлаверишибди, шундай қилиб Юктас-гача келиб қолишибди, энди уни ошиб ўтиб, пастга тушишмоқчи экан. Аммо әндиликда йўл яна тўсилиб қолибди. Шунга қарамай, бу ердан иложи борича тезроқ қутулиб чиқиб кетишимиз керак, деди у.

Стоун ҳикоя қиларкан, Энгес Берк қора сочли грек — Нисга тикилиб ўтириди. Бу қорачадан келган жиккаккина йигитнинг юзи ниҳоятда ёш эди-ю, бироқ ажин ғоятда чуқур из солган, кўзларида эса аллақандай шиддату дарғазаблик учқунлари чақнарди. Чайир, жиккак қомати чехрасига бағоят монанд: бичими келишган, әпчил, бутун вужудидан худди кўзларидагидек шиддаткорлик ёғилиб турибди. Шу топда у Беркни бошлаб келган грекка нималардир деяпти. Грек бўлса ерга чўзилиб олган, афтидан мазаси қочиброқ турганга ўхшайди. У қимир әтмай, шифтга тикилган кўйи индамай ётибди.

— Бу ердан омон-әсон қутулиб кетишини истасак, кутиб ўтиришнинг ҳожати йўқ,— деди Берк.

— Госпиталдан жўнаганингларда немислар қаерда эди? — деб сўради ундан Стоун.

— Тахминан бир миль нарида, тенага чиқиб келишашётган эди.

— Қачон?

— Бугун эрталаб. Биз эса кун бўйи юрдик.

— Кийнимингий ўзгартириб олишинг керак,— деди унга Стоун. Ўзи бўлса суҳбатлаша туриб критникларга ўхшаб енги узун жуи кўйлак, унинг устидан нимча кийиб олди. Шунда Берк ерда ётган нарса боя ўйлаганидек адёл эмас, дэхқонча енгсиз намат чакмони эканини аяглади. У ўзи боп кийим излаётгандек беихтиёр атрофга алланглади, бироқ қўзинга қўпoldan-қўпол қўлбола ҳарракалар билан бурчакдаги бир нечта мешдан бўлак ҳеч вақо чалинмади.

— Унга биронта кийим топса бўлармикин? — Нисдан сўради Стоун.

— Чакмонни ола қолсиз,— деди грек Нис.— Шундоқ ҳам аинча-мунча нарса шилиб олдик бу фақир қишаоқдан.

Стоуни австралияча яшил кўйлакни узатди Беркка.

— Бу хаки,— деди у худди узр сўраётгандек оҳангда.

— Ҳечқиси йўқ, чакмон остидан кўринмайди,— деди Берк.

— Ҳозироқ юра оласанми? — сўрадиmallpa паҳлавон.

— Қаёққа борамиз? — ўз навбатида сўради Берк.

— Жанубга.

— Менга қара,— деди унга Берк,— мен бунга уриниб кўрдим аллақачон. Тогда немислар гужгон ўйнаб ётишибди.

— Шарқий ён бағирликдан борамиз,— деди Стоун.

— Фарқи нима?

— Қишлоқлар йўқ. Биттаям.

— Аниви лаънатилар ҳамма ёқда изғиб юришибди,— деди Берк.

— Кўявер, изгийверишин, лекин бу ерда кутиб ётишибдан ҳам ҳеч қанағангни маъни чиқмайди.

— Албатта,— деди Берк.— Доктор уларни, жуда тез илгарилашади, дейди. Эй худо, нима ҳам дердим, шундай қилиш керак бўлгандан кейин қиласиз-да.

— Ҳозир юра оласанми ўзи? Қаерингдан яралангансан? — сўради ундан Стоун.

— Орқамдан. Лекин юра оламан.

— Бу юролмайди. Қон кетяпти жароҳатидан, аҳволи

жуда чатоқ.— Нис ерда қимир этмай, делярди беңүш, чўзимлиб ётган грекнинг устига энгашди.

— Беморни сурғаб юриб бўлмайди,— деди Стоун.

— Шу ердаги бирор тасманикка жойлааб қўйман,— деди Нис.— Ўзим шу атрофлик.

— Кош қорайишени кутганимиз матъкул,— деди Берк Стоунга.

— Йўқ. Бирон жойга етиб олгунимизча барни бир қоронги тушиб қолади. Ҳозироқ, шу тоңдаёқ йўла га тушишимиз керак,— деди Нис.

Стоуннинг қўлида Критнинг харитаси бор эди. У харитани ёзиб, денгизни билдирадиган мөвзий ранг ўтасидаги узувлити ўн дюмча келадиган Критни кўрсатди. Бу ҳарбий министрилик нашро эттирган, деворга қоқиб кўйиладиган карита эди. Бу харитада ҳамма нарса кийла аниқ кўрсатилганди, аммо айни чоғда унча батофсил эмас ҳамда майдароқ кўрсатилганди, ҳар қалай.

— Қаердан ола қолдинглар буни?— Берк харитани Стоуннинг қўлидан олиб, кўзига яқин келтирди.

— Сфакияда бу жонивордан истаганча томиларди.

— Ҳўш, қайси томонга йўл тутмоқчисизлаар?

— Мана бунинг айтишича, Мессара қўлтиғида қайиқ топса бўладиган қишлоқ бор экан.— Шундай деб у Нисга ишора қилди.

— Компасиниз борми?

Стоун бош чайқаб, бармоғини харитадаги төғ тизмасини англатувчи қўнғир рангли минтақа бўйлаб юргизди. Бармоғи бундай кичик харита учун ҳаддан зиёд йўғонлик қилганидан тузукроқ кўринсин деб уни харита устидан олди.

— Қайнада бизни Мисрга ким әлтиб қўяди?— деб сўради Берк шубҳа аралаш.— Ўзинг бирон нимага тушучасами денгизчилликда?

Стоун бош чайқади.

— Мана Нис, шу тушунади, билади,— деди у.

Нис чўзилиб ётган грекка бир нима деб, талиқарига чиқиб кетди.

— Компас бўлганида роса иш берарди-да,— деди Стоун.— Ҳар қалай, усиз Мессара га етиб олни мушкул.

— Ўша атрофларда Тимбаки аэророми бор. У ерларда немислар бижгиб ётган бўлишса кераг-ов.

— Ҳамма ёқда ҳам бижгиб ётиди улар,— деди Стоун.

— Хўш, Мессарада-чи?

— Мессарани ўзига бормаймиз. Ўшанга яқинроқ борамиз. У ерда Ниснинг таниши бор әкан. Умумай олганда, нима қилишини яхши билади, хотиржам бўлавер.

Стоуннинг хотиржам мулоҳаза юритиши ҳамда ҳазиломуз сўзлаши Энгес Беркка ёқарди-ю, аммо шахсан унинг фикри анави грекнинг фикри-қарорига зид келмасагина ён босиши мумкинлигини англади. Шу заҳотиёқ бундан-буён ишлар қандай тус олишини тасаввур кўзгусида жонлантирди. Унинг гапи ҳал қилувчи бўлади. У, Энгес Берк эса баъзан фикрига қўшилмайди. Эҳтимол, тез-тез шундай бўлар. Бироқ бу ҳеч нимани ўзгартолмайди. Стоун ҳамиша ҳамма гапда унга ён босади, зоро Нис унинг жиловини ўз қўлига оливолган. Бу ўзбилармон грек ортиқча сафсата сотиб ўтирмайди, илло икковлари ҳам унинг измида бўлиб қолишади. Негаки, ёлғиз шу греккина қайиқ топиб, уларни бу ердан Мисрга элтиб қўя олади. Бу Нис — сиртидан хотиржам кўринади-ю, бироқ қалбидаги қаҳру ғазаб тўфонини пинҳон тутади. Биз ана шу грек Нис раҳнамолигидаги учликни ташкил этамиз.

— Жуда соз. Хўш, қачон йўлга тушамиз?

— Ҳозир. Нис манави ярадорни бирон жойга жойлаштириши билан.

Стоун майиз солинган тўрвача билан сув солингай сувдонни тўппончаси осиглиқ турган камарига боғлай бошлади. Буни бажаргунича кенг критча қўйлаги этагини кўтариб, ияги билан қисиб турди. Кейин қўйлаги этагини тушириди.

— Сен ҳам тўрвачалардан бирини олиб, бирон еринга қистир,— деди унга Стоун.

Яна тўртта оқ — аниқроғи қачонлардир оқ бўлган — қопчиқда егулик бор әди. Берк улардан бирини тизимча билан боғлаб, елкасидан ўтказиб олди. Сўнгра Стоун остларига тўшаб қўйилган енгиз чакмонни унинг елкасига ташлади. У қўнғир, қаттиқ ва букилмайдиган наматдан тикилганди. Чакмон Беркнинг тўпигигача, орқага қайириб қўйилган ёмғирпўши эса курагигача тушиб турарди.

Ниҳоят оstonада Нис кўринди.

— Ҳозир уни бировникига олиб борамиз, узоқ әмас, яқинда,— деди.

У ярадор грек билан гаплаша бошлади, бир неча дақиқа алланималар ҳақида тортишишди. Ярадорнинг умурт-

қа поғонаси заррача букилмасди, ўтиromoқчи бўлиб урин-  
ганида ёнбошига ағанаб тушди. Учовлашиб уни тикка тур-  
ғазиши, кейин Стоун билан Берк қўлларини чамбарак  
қилиб туташтириши, грек икковларини бўйнидан қучиб,  
қўллари чамбарига оҳистагина жойлашди. Уни шу тахлит  
кўтариб, Берк сал илгарироқ бояги қизни учратган уйга  
олиб келиши. Қиз ҳам ўша ерда экан. Ярадорни остига  
тош ётқизилган, тим қоронги ҳамда гуп-гуп саримсоқ ҳиди  
анқиб турган хонага олиб кириши. Шундан кейин Сто-  
ун билан Берк чиқиб кетиши. Нис бўлса у билан нима-  
лар тўғрисидадир шошилиб сўзлашди-да, сўнг адио деб,  
ташқарига юрди. Эшик ёнида у боши билан ярадор грек  
ётган хонага ишора қилиб қизга бир нималарни тайинла-  
ди.

Хуллас у қизга ҳам адио деб, Стоун билан Беркка  
етиб олди-да, учовлашиб омборхонага қайтиши.

— Минай қудуфига қандай тушиб қолдингиз? — деб  
сўради Нис йўлда Беркдан.

— Жанубга қараб тушиб бораётib немислар олдидан  
чиқиб қолдим. Буни қаёқдан била қолдингиз дарров?

— Тешик қулоқ, әшитмай бўларканми,— деди грек.—  
Сизни олиб келган одам келганди бу ерга.

— Унга нима қипти?

— Ҳачир тепиб олибди белига.

— Демак, доктор Стоун тўғрисида ўшандан әшитган  
экан-да?

— Билмадим,— деди грек.— Эҳтимол, шундайдир.

— Доктор, жойимиэн ўзгартирамиз, деганди.

— Биламан.

Улар омборхона ёнига этиб келиши-да, то Нис қол-  
ган иккита қопчиқни тасмасига боғлаб олгунича кутиб ту-  
риши, кейин атрофни яна бир карра диққат билан кўздан  
кечириши.

Ана шундан сўнггина токзорга чиқиб, токрўда қури-  
тиладиган харакклар ёнидан ўтиши-да, туманга буркан-  
ган Идан кўринмайдиган тик ён бафирдан пастга туша  
бошлишди.

Қош қорайиб қолган, изғирин шамол турганди. Нис ол-  
динда, кетидан Стоун, энг орқада эса узун чақмони этак-  
лари оҳак жинсли Юктас қояларига сургалиб Берк бо-  
рарди.

## 5 боб

Қаерда кетаётгандарини ўзлари ҳам билмай, тавакқал қилиб тун бўйи йўл босиши. Ғақат шарққа қараб боғришга, йўлдан бурилиб кетмасликка ҳаракат қилишди. Энг муҳими Юктас әтагига тушиб олиш әди. Улар бир неча маротаба қўйига тушиб кўрдилар, лекин ҳар гал ён бағир тикка кесилган, нарига юриб бўлмайдиган жойдан чиқиб қолаверишди. Улар жарлик ёки даранинг нақ ла-бигача бориб қолишар, кейин яна орқага қайтишга ёки дара ёқалаб кетишга мажбур бўлишарди. Ой кўринмас, зимиштон қоронгилиқда эса йўлни топиш маҳол әди. Юктаснинг бу ён бағри айниқса тикка әди.

Тун бўйи юрган бўлсалар ҳам унчалик узоққа боролмагандилар. Тонг ёришганда қўққисдан пастда, шундоқ рўпараларидан ўтган йўл кўзга ташланди. Бу тасодиф иккала австралияликни ҳайратга солди, Нис эса парво қилмай, ҳарсангга ўтириди-да, бироқ қисимгина майизни чайнаб, кейин чўзилиб уйқуга кетди. Йўл анча пастдан ўтганди, шу сабабли Стоун билан Энгес Берк ҳам мизғиб олишга аҳд қилишди. Улар соат бешгача ухлашди. Бундан ортиқ ухлаш мумкин эмасди.

Аллақандай қадимий иншоотлар ҳаробаларига яшириниб, пастдаги йўлга тикилишди. Берк йўлдан турна қатор тизилишиб бораётган машиналарни кўрди.

Шу аснода улар яширинган ясси қоядан тизилиб бораётган машиналар яққол кўриниб турарди. Бу оролни жанубдан шимолгача кесиб ўтган катта йўл әди. Тизилиб бораётган машиналарнинг кўпи америкаликларнинг «шевроле»си бўлиб, ора-сира «форд»лар ҳам кўзга чалиниб турарди. Буларнинг бариси янги-зеландияликлар ташлаб кетган машиналар. Ҳозир бу машиналар немисларнинг 92-дивизияси ҳамда 11-парашютчи-ўқчи полки қисмлари ихтиёрида. Булар Тимбаки аэродроми ва Мессара текислигини забт әтган қисмлар. Ҳозир улар Кандия орқали Ретимога кетяптилар. У ердан эса Смоленск остоналарига жўнайдилар.

Берк қонли тўқнашувни бошдан кечирган кишига хос сезгирлик билан бу қисмларниң жадал ҳаракатлари замонида катта режалар яширинганини дарҳол пайқади, бироқ у душманнинг Россияга бостириб кирганидан, бу қисмлар ўша ёққа ошиқаётганидан бехабар әди.

— У ёқда нимагадир ҳозирлик кўришаётганга ўхшайди,— деди у ҳануз мизғиётган ҳамроҳларига.

Қоянинг туртиб чиққан ери панасида ётган Стоун ўтиб бораётган машиналарнинг шовқининигина эҳшиши ва овозларидан узлуксиз тизилиб келаётганлари ёхуд бўлиниб-бўлинниб, танаффус билан ўтаётганларинигина аниқлаши мумкин эди, холос.

— Қани энди, ҳозир уруш бораётган жойда аҳвол қандайлигини билсанг,— деди у.

— Мени қайиқни қандай топишимиз қўпроқ қизиқтиради.— Берк Нисга қаради.— Нега энди айнан Мессара қўлтиғига кетяпмиз ўзи?— сўради у.

— У ерда, соҳилда хилват жойлар кўп. Кейин, ўща ердаги қишлоқлардан бирида танишим бор.— Нис чалканча ётаркан, шошилмай, бафуржা сўзларди.

— Денгизга чиқилгач қандай асбоб-ускунага қараб йўл топасиз?

Одатда башарти сиз бирон грек билан нимадир ҳақда суҳбатлашадиган бўлсангиз ҳал қилювчи фикр-мулоҳазани сиз ўзингиз айтишингиз ва хulosани ҳам ўзингиз чиқарашингиз лозим эди. Греклар учун бу табиий бир гапдай эди. Аммо бу грек эса мутлақо ўзгача эди. У ўзига хос усолда гаплашар, бу на грек одатига, на бирон-бир бошқа одатга тўғри келарди. Уни на хушмуомала, на қўрс, на муғамбир, на носамимий деб бўларди. Унинг муомаласида қўпроқ сабот-матонат акс этиб туради. Қисқаси, ҳал қилювчи фикрни ҳам у ўртага ташлар, хulosани ҳам ўзи чиқаради.

— Ҳеч қанақангни асбоб-ускунани билмайман. Фақат жисмларни биламан,— деди Нис.

— Қанақангни жисмлар?

— Кеча ва кундузни вужудга келтирадиган жисмлар.— Нис самовий жисмларни айтиётганди.

— Ӯшаларга қараб қўзланган манзилга етиб ололасизми? Мисргача-я? Еки бирон бошқа ергами?

— Миср ёки Кипрга. Ҳозир эсиб турган шамолга қаралса, Мисрга борган маъқулроқ.

— Денгизда хизмат қилганмисиз?— сўради Берк.

Энгес Берк доимо сергаклик билан гаплашиш лозим бўлган бу ўзбошимча грекни тузукроқ билиб олишини истарди. Бу ёшига нисбатан хийла кекса кўринадиган йигит дамини ичга ютиш, қайнаб-тошиб бораётган қаҳру газабини пинҳон тутишга қодир эди.

Нис бош чайқаб қўйди.

— Қайиқчилик қилғанман,— деди у қисқа қилиб.

— Елканли қайиқда Мисрга борганимисиз?

— Юз марталаб.

— Асли Критнинг қаеридаансиз?— сўради Берк ундан.

— Мен критлик эмасман. Патраслик қайиқчилар авлодиданман. Гоҳо Афинага, гоҳо Салоникига Патрасдан бочка-бочка вино таширдик. Қишида эса Кипр билан Искандарияга қатнардик.

Офтобда ётиб суҳбатлашиш кўнгилли әди.

— Инглизчани биладиган грек ҳамиша топилади,— деб қўйди Берк.

— Отам на ўқишини, на ёзишини биларди. У Метаксасга қарши кўтарилган қўзғолонда қатнашган. У менинг хатсаводли бўлишимни истарди. Кипрга борган пайтларимизда у кўпинча мени руҳонийлар муаллимлик қиласидиган грек мактабларида қолдириб кетарди. Инглизчани ўша ерда ўрганганман. Ахир Кипр инглизларга қарайди-ку. Диндан ҳам ўша ерда сабоқ олганман. Кейин отам келарди-да, мени қайиқда олиб кетар, диндан олган сабоқларимни калламдан чиқартириб ташларди. У бу масалада ҳатто исёнкорроқ, шакокроқ әди.

Нис ўзи тўғрисида сўзларкан, асл грекларга ўхшаб гапиравди. У равон, муфассал, безаб-бежамай, лекин Лев Толстой сингари вазмин услубда ҳикоя қиласиди. Греклар ўзлари тўғрисида ҳамиша ана шу тахлитда ҳикоя қиласидилар, бу эса уларнинг сизга бўлган ҳурмат-эҳтиромлари, дўстликлари тимсолидир. Қалби қаҳру ғазабга тўлган, кўзларида шиддат учқунлари чақнаб турган бу грек ҳам ўз ҳикоясини худди шундай услубда бошлиганди.

— Метаксас ҳокимият тепасига келгач, отам энди амалий ишга ўтиш фурсати етди деган қарорга келди. Менинчада ҳам бу фурсат етганди. Ўшанда Мисрга шағал ташиб юрган кезларимиз әди. У ердан паҳта юклаб, нарига, баъзан канал ва Қизил денгиз орқали Қувайтгача борардик. У ерлардан эса қурол-аслаҳа харид қиласидик. Араблар уни немислардан олишарди. Бу қуроллар метаксасчиларга қарши ишга солинарди.

— Қуролни Сувайшдан қандай олиб ўтардинглар?— Берк сал қаддини кўтариб, катта йўлга кўз ташлаб қўйидида, кейин яна чўзилиб, гапга қулоқ сола бошлиди.

— Қуролни бензинли тунука бакларда тўғридан-тўғри каналдан олиб ўтаверардик. Кейин уни метаксасчиларга қарши бош қўтаришга ҳозирлик кўраётган пиндаликларга етказиб борардик.

— Қойил, бопларкансиزلар,— деб қўйди Стоун эринчилик билан.

— Метаксасчилар бунинг ҳидини билиб қолиб, бир куни кечаси Мирабелла яқинида бизни ушлаб олишди. Зирхли кемадан сувга туширилган моторли қайиқлар орқамиздан қува бошлади. Фашистлар бензинни топиб, денгизга тўкишди. Қуролларни ҳам топиб олишди, шунда қуролдан кўра бензинга ачинганидан отамнинг жон-пони чиқиб кетди. У фашистларни оғзига келган сўзлар билан ҳақоратлаб, Метаксасни ҳам роса бўралаб сўқди. Фашистлардан иккитасини денгизга улоқтириди. Шунда фашистлар прожекторлар билан пулемётларини ишга солиб, бизни асир қилиб олишди. Отамни, мени, яна бедишини. Ўшандан кейин улардан биронтасини ҳам учратмадим.

— Кейин нима қилишди сизларни?

— Мени Лариссага олиб бориб, қалъага тиқиб қўйишди. Ўша ерда уч йил ўтиридим.

— Кейин қочдингизми?

— Италиялар билан уруши бошланганда мени армияга олишди. Улар мени әнди Метаксасга қарши чиқмаса керак деб ўйлашганди, лекин бундай бўлиши мумкин әмасди. Отамнинг ҳоли нима кечганини билмайман. Уни отиб ташлашган бўлишса керак.

У жим қолди.

— Нимага шундай деб ўйлайсиз?— сўради ундан Стоун.

— Қўзғолонга ҳозирлик кўришда қатнашганларнинг ҳаммасини отиб ташлашган.

— Унда сизни нимага отишмаган?

— Билмадим. Эҳтимол, ҳали жуда ёш экан, уни отаси тортган бу ишга, деб ўйлашгандир. Метаксасчиларнинг гумдон қилинганидан жуда хурсандман,— деди грек бир нафасдан сўнг жўнгина қилиб.

— Қоҳираға етиб олсангиз, ўша ерда кўрасиз уларни, сизни кутиб туришган бўлишса керак ўзиям,— деди Берк.

— Унчаликмасдир. Кўпчилиги шу ерда қолиб, италиялар ва немисларга хушомад қилиб юришибди.

— Нимаям дердик, ҳали қўарсиз у ёғи нима бўлишини,— ўрнидан турәтиб деди Стоун.

— Менга бари бир,— деди грек. У Беркнинг афтига тикилди.— Ҳозир бу тўғрида бош қотириб ўтирадиган пайт эмас. Темир каллалар турганида метаксасчилар билан жанг қилиб ўтиришнинг нафи йўқ. Асосий душманимиз — темир каллалар.

У ўрнидан туриб, охирги юк машиналари Кастелла томонга бурилишда кўздан йўқолган катта йўлга тикилди. Пастда қўёш нурига чулғанган кенг водий ястаниб ётар, тарвақайлаган ям-яшил чинорлар токларга қувват баҳш ётувчи оҳак жинслари қатламларидан оптоқ оқариб кўрининган ерга соя ташлаб турарди.

— Йўлга тушиш керак,— деди грек.

— Пастга тушамизми?

— Ҳа.

— Нима ҳам қиласдик, тушиш керак экан тушамизда,— деди Берк оёғига беўхшов тирагиб ўрнидан тураркан.— Эсавер, шамол, эсавер,— дея ҳамроҳлари кетидан водий сари туша бошлади.

## 6 боб

Улар Омфалий водийсидан кетаётганларида немислар билан тўқнашиб қолдилар. Кечаси билан юриб водийни деярли босиб ўтдилар. Гарчи йўлдан бораётган қўшинларнинг шовқинини доимо эшишиб турган бўлсалар-да, йўлда бирор кимсани учратмадилар. Тонгга яқин улар жануб ёқ-қа юзланиб, яна юқорига кўтарила бошладилар. Улар ҳали шудринг нами кўтарилмаган зайдунзордан борардилар. Энсизгина жарлик зайдунзорни иккига бўлиб ўтган, унинг юмшоқ, ғовак тубидан йўл тушганди. Тонг ёриша бошланган паллада улар энди қиялиқдан шу йўл томонга тушиб келаётган әдилар. Ҳали ҳаво совуққина, майдамайда япроқлардан чакиллаб шудринг томчилари томиб турарди. Пахмоқ қўнғир эчкилар подасини боқиб юрган икки чўпон бола уларнинг саломига дўстона жавоб қайтарди. Ҳудди ана шу пайтда улар немисларни кўриб қолдилар. Бошига темир қалпоқ кийиб олган беш немис тупроқ йўлдан келаётган әди.

— Кочамиз,— шивирлади Стоун.

— Тўхта.— Нис бундай дамларда важоҳатли тусга киради.

— Улар бизни кўриб қолиши,— деди Стоун.

— Тўхта.

Берк индамай қўя қолди. Улар тўхтадилар.

Соқчилар тепада, зайдунзор чеккасида ўзларини қизиқсиниб кузатиб турган уч критликка тикилганларича яқинлаб келавердилар. Учала критлик тош қотиб ангра-йиб туришларидан телбанамо кўринардилар. Улар темир каллаларнинг шудрингдан нам бўлған темир қалпоқларига тикилишарди: биттасига Кастелланинг қизғиш тупроғи ёпишиб қолибди. Улар немислар етиб келиб, ёнларидан ўтиб кетгунларича кутиб турдилар. Немислар бефароса-ту бепарво одамлардай оёқларини гурс-гурс ташлаб, сургалиб келардилар. Этикарига ҳам қизғиш нам тупроқ ёпишиб қолганди.

Мана, улар қиялика анграйиб турган учовлонга лоқайд кўз ташлаб, ўтиб кетдилар.

Шундан сўнг уч ҳамроҳ Кастелла бўйлаб яна йўлга тушдилар. Улар серҳосил водий тупроғи ширасини эмиб ётган зайдунзорларни оралаб борарадилар. Елғиз оёқ сўқмоқлардан илгарилаб боришаркан, қундузлари оппоқ қишлоқ уйлари бот-бот кўзларига чалиниб туар, аммо ҳамроҳлар имкони борича бу уйлардан олисроқдан, шунингдек, хачирларини етаклаб зайдунзорларга келаётган критликларни ҳам четлаб ўтишга ҳаракат қиласдилар. Берк оёғининг сирқираб оғриши тобора зўрайиб бораётганини сезарди.

Улар ўзбилармон грекка эргашиб икки кун, кечани-кеча, қундузни-қундуз демай йўл босдилар. Фира-шира тоғ этакларидан пусиб-паналаб илгарилар эканлар, гарчи олисдан дам-бадам кўзга ташланиб турганларига қарамай, немисларга қайта дуч келмадилар.

Улар жануб томон илгарилаб боравердилар.

Кейинроқ улар бандоғо довонга чиқиб қолдилар. Пастдаги мандаринзорларнинг хуш бўйларини симирган майнин шамол юз-кўзларини сийпалаб ўта бошлади.

Сўнгра эса денгиз намоён бўлди кўз ўнгларида. Асрий сув қатламларининг ўткир иси димоқларига урилди. Тоғ тизмаларининг олис-олисларигача тараалаётган бу ҳидга темир-маъдан иси қоришиб кетгандай туюларди.

## 7 боб

Нис энди уларни аниқ бир йўналишда олға бошлаб бо-  
ради. Соҳил ёқалаб чўзилиб кетган әнсизгина яланглик-  
да жойлашган қишлоқларни айланиб, четлаб ўтарди у.  
Кечга бориб, қош қорайгач, улар мағриб ёққа бурилиб,  
яна йўлсиз-сўқмоқсиз, нақ денгизга бориб тақаладиган  
тепаю адирлардан кета бошладилар.

Сутдек ойдинда адирлардан бирининг өтагидаги чоқ-  
қина бир қишлоқни кўрдилар. Қишлоқча худди суратлар-  
да акс эттирилган, қуруқлик ичкарисига ханжар янглиғ  
ёриб кирган норвег кўрфазчаларига ўхшаб кетадиган тор-  
гина қўлтиқча ёқасига жойлашганди. Орқа томонда эса  
тоғ бағрига наштар сингари суқулиб борган дара қорайиб  
кўринарди. У шу ердан, тепадан яққол кўзга ташланиб  
туарди.

— Келдик,— деди Нис ҳамроҳларига. У бу сўзларни  
бепарвогина айтди.

— Итдай очқаб кетдим,— деди Берк.

— У ерда тамадди қилиб оласизлар,— деди Нис.

— Анави танишингизни топишингизга имонингиз ко-  
милми?— Стоун мутлақо хотиржамлик билан сўради. Бу  
одамнинг хотиржам нигоҳида афиналикларга хос нимадир  
бор әди.

— Агар ҳаёт бўлса, шу ерда,— деди Нис.

— Йўқ бўлса-чи?

— Аввал билайлик.

— Ким ўзи у? Қайиқчими?— Берк атайлаб у ишлат-  
ган иборани тақрорлади.

— Йўқ. Балиқчи, лекин балиқни бошқача йўл билан  
овлади. Унинг бир қўли йўқ.

Улар туртина-суртина қумлоқ қияликдан қишлоққа  
тушиб келишди. Бу бир қатор тизилган ўн беш чоғли уй-  
лар тўпи әди, холос. Ўлар оқиши-кўкиштоб вулқон жинси  
билан қопланган тошлоқ йўл ёнида туришарди. Йўлнинг  
нариги боши иланг-билинг, нотекис бўлиб, денгизга бориб  
тақалган әди. Тор қўлтиқча кенгайиб бориб, Мессара кўра-  
фазига туташганди. Ҳар иккала соҳил ҳам қоялардан ибо-  
рат бўлиб, ичкарилаб бориб асосий тоғ тизмасига етгач,  
яроми қўриб, жон асари қўринмай қолган сой кўзга таш-  
ланиб турган ерда бир-бировига қовушиб-туташиб кетган  
әди.

— Қайсиниси унинг уйи әкани ёдимда йўқ,— деди Нис биринчи кулба ёнига етганларида.

— Сизнингча, бу ерда ҳам немислар бўлиши мумкинми?— сўради Стоун.

— Албатта,— жавоб берди Берк истеҳзоли кулиб.

Нис қийшайиб кетган, шалаги чиққан эшикни итарди. Тақиллатиб ўтирмади. Шунчаки эшикни итарди, кейин ҳаммалари деворлари шипшийдам, пастаккина хонага киришди. Ним қоронғида кўзлари деярли ҳеч нимани илғаёлмасди, лекин Нис шартта ўгирилиб, ташқарига юрди.

— Афтидан бу ер эмас,— деди у.

У ошиқмай кўччанинг ўртасига бориб, синчиклаб қўшни кулбага тикилди, сўнgra худди ўшандай синчковлик билан қопқоқлари тақа-тақ беркитилган деразани кузатди. Кулбалар бир-бировига туташиб кетган, фақат эшиклигина уларнинг чегарасини кўрсатиб турарди.

— Манави ерга кириб кўрамиз,— деди Нис. У тақиллатиб-нетиб ўтирмай, дадил ичкари кирди. У тим қоронғи хонани тузукроқ кўрай деб хиёл әнгашди. Бу ерда ҳам деворлар шир яланғоч бўлиб, аллақаңдай ғалати — сасиган балиқнингми ё бўёқнингми ҳиди келарди.

— Шу ер экан,— деди-да, эшикни ёпди. Берк билан Стоун унинг ёнида туришарди.

— Спада!— деб чақирди Нис ва хонанинг қаеридағидир эшикни тақиллатди. Яна бир марта:— Спада!— деб чақирди-да, бир оз кутди.— Спада!— тақрорлади, кейин грекчалаб қўшиб қўйди:— Нима бало, қулогингга пахта тиқиб олганмисан?

— Балки, чиндан ҳам ўлгандир,— деди Берк.

— Бу унинг уйи әканига аниқ ишондингизми ўзи?

Шу пайт қўшни хонадан шоша-пиша ғўнгиллаган овоз эшитилди.

— Ана энди өҳтиёт бўлинглар,— деб қўйди Стоун.

— Эпа,— деди аллаким. Сўнgra грекчалаб сўради:— Кимсан, отингни айт.

— Бу мен, Нисман. Бу ёққа чиқ, Спада.

— Кимман дейсан?

— Нис, Галланоснинг ўғлимани. Чиқавер, Спада.

Қоп-қоронғи хонанинг қаеридағидир эшик очилди, кейин чирқ этиб гугурт ёниб, липиллаб турган узун тилчаси осма фонус ёнига сузиб борди-да, чироқ лоп этиб хонани ёритди. Шу аснода Берк ҳам, Стоун ҳам беихтиёр барава-рига гугурт чўпини ушлаб турган одамнинг қўлига тики-

лишди. Улар бу одамнинг бир қўли йўқлигини кўриб туриб бунга ишонгилари келмасди. Узун, ҳалпиллаган жун иштон, дағал бўз кўйлак кийган бу одам рўпараларида турарди. Фонус унинг бутун ҳамда чўлтоқ қўлини ёритиб турибди.

— Мен Нисман,— бафуржা такрорлади грек.— Галланоснинг ўғлимани.

— Э-ҳа, навқирон шунқор.— Ниҳоят таниди Спада.— Кутмагандим сени.— Шундан сўнг у мамнун кулади.

У Нисни пешанасидан ўпди. Бу одамнинг соч-соқоли қўнғир тусли, ажин қоплаган юзи қорамагиздан келган, боқицлари тешиб юборгудек эди.

— Ўзингга шукур тангirim,— деди Берк унинг Нисни ўпганини кўриб.

Стоун эса харакка чўкиб, енгил тин олди.

Ошигич грекча суҳбат бошланди. Олдин бири гапирди, кейин иккинчиси. Икковлари ҳам Ниснинг отаси ҳақида сўзлашарди. Спада уларни қандай қўлга туширганларини, зирҳли кемага чиқариб олганлари, бу эса осонликча бўлмаганини билар экан. «Ҳўш, кейин унга нима бўлди?»— сўради у. «Билмадим», деди Нис. Чунки унинг ўзи ҳам отаси тўғрисида ҳеч нима билмасди. Сўнгра у турмада ётганини, кейин ҳарбийга сафарбар қилинганини, отасини кўришдан умиди узилганини сўзларкан, отамни отиб ташлашган бўлишса керак, деб қўйди.

— Ҳўш, ҳозир йўл бўлсин?— сўради Спада.

— Темир каллалардан қочмоқчиман. Булар — австра-лослар,— деди Нис икки ҳамроҳини кўрсатди. Спада қўл узатди, ҳар иккалалари ҳам кўришишаркан, ўзларини сал ноқулай сезишибди, негаки уларга узатилган қўл чап қўл эди.

— Ўтиинглар,— деди Спада хушмуомалалик билан.

Нис унинг нима деяётганини таржима қилгач, Берк билан Стоун яна ўтиришиб, бу ёғи нима бўлишини кута бошлашди.

— Бизга қайиқ керак,— деди Нис мулоҳимгина.

— Қаёққа бормоқчисизлар?

— Шамол Миср томонга эсиб турибди.

— Сен қайтмайсанми?— Спада пешанасига тушиб турган қўнғир сочини орқага олди.

— Йўқ, бу ерда ҳаммаси ўзимизниkilар қўлига ўтмагунича қайтмай тураман.

— Лекин бисотимда биттагина қайигим бор, иннанке-йин, ёлғиз әмасман, уйланганман.

— Уйланганман?

— Ҳа.

Шундай деб у орқага ўғирилиб, хотинини чақирди:

— Смаро.

Хотини жавоб бермади. Лекин ўша заҳотиёқ чиқиб келди. Нақ қирмизи олмадеккина. Учала ҳамроҳ кекса Спаданинг ўн етти яшар хотинига маҳлиё бўлиб қолишиди. Спада жуда бақувват чол әди. Нис инглизчалаб шоша-пиша, бу Смаро — Спаданинг хотини, деб тушунтирди.

Энгес Берк жувонга әрқаклар назари билан тикилди, жувоннинг мамнун ҳамда оғир-босиқлиги яққол сезилиб турибди. Кекса Спада бу нақш олмадек жувонга жуда мос забардаст әр әкан, ҳаёлидан кечди Беркнинг. Стоун эса ҳатто хонани хирагина ёритиб турган фонус ёруғида ҳам жувоннинг яноқлари ял-ял ёниб турганини, териси юпқа апельсин пўстлоғидек майин ҳамда нозик әканини пайқади. Чеҳраси жиддий, бу ҳаёлчанликдан әмас, балки ма-шаққатли турмуш, бешафқат ҳаёт босган муҳр әди.

Улар такаллуф-ла саломлашишди. Жувон зилдай на-мат чакмонга ўралиб олганди. Спада унга дастурхон ту-зашни буюрди.

— Ҳалиям динамит билан овляяпсанми балиқни? — сўради Нис.

— Одатдагидай. Лекин әнди бас қилишга тўғри кела-диганга ўхшайди, нега десанг, иккинчи қўлингдан ҳам айриммагин, деб чўчияпти хотиним.— Шундай деб у шўх-чан кулиб қўйди.

— Бошқа қайиқлар ҳам борми бу ерда?

— Бутун қишлоқда еттита.

— Биронта бошқа одамдан қайигини сўраганим ту-зумкичин?

Спада ўша замоноқ, шошилиб қўнғир сочли бошини чайқади.

— Қайиқ ош-нонимиз, ишонган тоғимиз. Қайиқсиз ҳеч ким кун кўролмайди.

— Жуда керак әди-да,— оҳистагина деди Нис.

— Кетиб нима қиласан?— деди Спада.— Шу ерда қо-лавер.

Нис бошини сарак-сарак қилди.

— Мисрда ва бошқа жойларда уруш кетяпти.

— Урӯш дейсанми? Бу ерда ҳам уруш тугаганича йўқ.

— Тўғри-ку, лекин чинакам уруш өмас-да. Инглизларнинг зўр қўшини бор.

— Бари бир бу ерда жанг қилишингга тўғри келади ҳали.

— Тўғри. Аммо бутун қучларни тўплаб, темир каллаларга қаратиш керак, негаки уларни енгиш осон өмас. Ҳозир темир каллалар билан метаксасчилар оғиз-бурун ўпшиб, қўшилиб кетишган-ку, ахир.

— Кетишга қатъий аҳд қилганмисан?

— Ҳа.— Нис ҳаялламай жавоб қилди.

— Ундан бўлса менинг қайигимни ола қол.

— Йўқ.— Нис қўққисдан жисмида ҳорғинлик сезди, бироқ, одоб юзасидан рад этишга ошиқди.

— Оласан,— тақрорлади Спада.

— Бошқа бирортасиникини оларман.

— Йўқ.

— Ахир хотининг бор, сўққабош әмассан-ку.— Нис у билан гап талашаётгани йўқ, фақат одоб сақлаётган эди, холос.

— У ҳали ёш. Мен әса, токи оёқларим бут әкан, динамит билан ов қила оламан.

— Бошим қўкка етди. Бир умрга содик дўст бўлайлик.

— Бажону дил.

— Бу ерда ҳам анави темир каллалар борми?— деб сўради Нис.

— Озроқ, тош кўприк ёнида. Йўл ҳам ўша ердан ўтган. Ўтган ҳафта кимдир тоғда, шундоққина қишлоқнинг тепасида гулхан ёқанди. Темир каллалар шундан кейин келишди. Ҳаммаси ёш-ёш қузғунчалар. Навбатма-навбат қайиқларни қўриқлашади. Ҳозир бориб, кўприкда ҳеч ким бор-йўқлигини билиб келаман, улар қайиқларни ўша ерда кузатиб туришади. Денгизга чиқишимизга фақат кундузигина рухсат беришади.

У хонага кириб кетди. Хотини қўлбола столга каттакон қоқ балиқ, ликопчада туйилган саримсоқ билан туздонда туз келтириб қўйди. Шу пайт остонаяга етган Спада ўгирилиб, столга таклиф қилди.

— Ҳўш, қайиқ бўларканми?— сўрашди ҳамроҳлари Нисдан.

— Қачон йўлга тушамиз?— деб сўради Берк.

— Қоронғи тушгач чиқиши керак йўлга,— деди Стоун.

Нис ҳамроҳларига кўприкдаги немислар тўғрисида, Спада ҳозир соқчи турган-турмаганини ҳамда қайиқни олишнинг иложи бор-йўқлигини билиб келгани бормоқчи эканини айтди.

Йўлга сув, кейин бирор егулик нарса оливолишимиз керак.

— Буларнинг қанчалик қашшоқ эканлигини билмайсиз. Шундоқ ҳам уларнинг насибасини қийямиз. Бундан ортиқ нарса сўраёлмайман улардан.

— Лоақал сув бўлса ҳам майли,— деди Стоун.

Нис ҳатто чарчогини ҳам унудти. Спададан бу нарсаларни сўрашга ҳаддим борми ўзи деган Фикр барча нарсани бир чеккага суриб қўйганди шу топда. Мана, Спада уларга ўз қайигини бермоқчи. Бунинг қандайин фидойилик эканини манави австралослар тушунишмаяпти. Ҳа, буни тасаввур ҳам этишолмайди. Мен ундан ортиқ бирон нарсани сўролмайман. Бундай қилмасликнинг ҳам иложи йўқ.

Шу пайт Спада кийиниб чиқди. Ҳаммасига ўзининг ақли етиб турган әкан.

— Сизларга йўлга егулик ҳам керак. Сув тўлатиб олишларингга меш бераман. Қайигим бўлмагандан кейин унинг ҳожати ҳам йўқ менга.

— Шундоқ ҳам ҳотамтойлик қиляпсан бизга.

— Бу бир-бировига боғлиқ нарса. Сув зарур сизларга,— деди Спада.— Смарога айтиб қўяман, мешни тўлғазиб, қоқ балиқдан ҳам берсин.— У Смарога шу гапларни тайинлади-да, чиқиб кетди.

— Мана, озиқ-овқат масаласиям ҳал бўлди,— деди Нис ҳамроҳларига истеҳзоли оҳангда.

— Менга қаранг,— деди Стоун,— бизнинг номимиздан раҳмат айтинг бу бдамга. Катта раҳмат денг. Ўзимиз айтолмаймиз буни.

— Аллақачон раҳмат айтдим.

— Йўқ, бизнинг номимиздан айтинг,— сўзида туриб олди Стоун.

Нис индамади. У уч оёқли курсида ўтириб, қоқ балиқдан бир бўлак ушатарди-да, аввал тузга, сўнгра түйилган саримсоққа ботириб, оғзига соларди. Энгес Берк ҳам овқатланишга тушди, Стоун ҳам уларга эргашиб, Нис нима қилса шуни такрорлай бошлади.

Нақш олмадек жувон тепаларида, бир оёғи билан иккинчисини қашиган кўйи, уларниг овқатланишларини

жимгина кузатиб турарди. Бундан ўзини ноқулай ҳис этган Берк Нисдан Спаданинг бир қўлидан қандай ажраганини сўради.

— У балиқни динамит билан овларди. Бунда заррача фурсатни ўтказмаслик лозим. У бўлса бир нафасгина ортиқча ушлаб туриб қолган, шунда қўлини юлиб кетган. Динамит сувда портлаганида ҳамма балиқ ўлади, шунинг учун бундай қилиш қонунан тақиқланган.

— Ҳозир қандай ов қиласди.

— Шундай, бир қўллаб. Улар, токи икки оёқ бут экан бемалол ишлайверса бўлади, деб ҳисоблашади.

Нақшин олма бу орада сувга кетганди. Кейин у грекларнинг чолғу асбобига қопланадиган терига ўхшаш мешни олиб тўлатди. Мешга сувни ёғоч пақирнинг оёқчаси тешигидан, то у дум-думалоқ дўмбирадай қаппайгунча қуиди. Сўнгра кенгтина мўрикондаги темир илгакларга илиб қўйилган қоқ балиқлардан олти донасини олди-да, қўл-оёқлари-ла маҳкам босиб-сиқишириб белидаги тасмасига қистириғлиқ йўғон чипта тизимча билан боғлади. Ҳудди шу пайт Спада ҳам қайтиб келиб қолди.

— Кўприкда битта темир калла бор экан, бошқалари кўринишмайди,— деди у Нисга.

— Қайиқ қаерда?

— Кўприкнинг нарёғида, сойда.

— Кўприкдан кўриб турадими яқинлашаётганимизни?

— Ҳа. Бундай қилиш хатарли.

— Қандай қилсанк кўрмайди у?

— Бунинг иложи йўқ, у ер тор, кейин саёз. Кўприк тошдан қурилган, қўш ровоқли. Ровоқлардан баландроғининг панасидан борищ керак. Қайиқни қум-лойқа устидан сургаб ўтиш керак, локин буниси ҳеч гапмас, нега деганда, қайиқнинг туби ясси, бемалол сирғанади.

— Елкани қалай?

— Эмон эмас, пишиқ. Ўзинг кўрарсан ҳали. Елканни секин-аста кўтар, тезликни оширишга шошилма. Ҳозир шимоли-ғарбдан шамол турадиган падла, шунинг учун эҳтиёт бўлиш керак. Ҳўш, тайёрмисизлар?

— Ҳа. Австраалослар, бизнинг номимиэдан раҳмат айтиб қўй, деб илтимос қилишяпти.

— Булар жасур аскар бўлишса кераг-а?

— Ҳа. Жудаям жасур.

— Унда мен бўлажак жангларда кўрсатадиган жасоратлари эвазига ҳадя қиласман қайиқни уларга.

— Айтаман уларга. Хотининг Смарога миннатдорчилигимизни айтиб қўй сен ҳам.

— Чин қалбимдан қабул өтаман миннатдорчиликла-  
рингни,— деди жувон. Бу унинг оғзидан эшитган бирин-  
чи сўёлари әди, жувоннинг овози қатъий ҳамда дадил  
янгради.— Мен сизлар учун йўлга сув билан балиқ ҳо-  
зирлаб қўйдим.

— Қайиқни турған жойидан олиб чиқишлиарингга ёр-  
дамлашиб юбораман,— деди Спада.

Нис такаллуп билан яна рад әтди-ю, бироқ у Спада-  
нинг кўмагисиз қайиқни саёзликдан очиқ дengизга олиб  
ўтолмасликларини фаҳмлаб турарди.

— Шамол ҳозир соҳил тарафдан әсяпти,— деди Спа-  
да.— Бу қўл келади.

Хулласи калом, уйдан ташқарига чиқиши. Нис дар-  
ҳол бошини бир томонга қийшайтириб, шамолнинг йўна-  
лишини текшириди. Берк чак-чак сув томчилаб турган  
мешни, Стоун эса қоқ балиқ боғламини кўтариб олишган  
әди. Соҳил ёқалаб кетган, кўкиш тош ётқизилган йўлдан  
астагина илгарилаб бораётганиларида Нис уларга немис-  
лар соқчисини яна бир бор әслатиб қўйди.

Сой бўйига етгач, улар йўлдан бурилиб, тик ва хийла  
баланд қирғоқни ёқалаб кета бошладилар. Олдинда остида  
сув ювошгина мавж ураётган қўш ровоқли тош кўп-  
рикнинг шакли-тарихи әлас-әлас кўзга ташланиб ту-  
рарди.

Спада уларни сойдан нарига, қумлоқ саёзликка олиб  
ўтди. Шарпа чиқармай, баланд қирғоқ панасида кўприк-  
кача етиб боришди. Соқчи кўринмасди бу ердан. Юмшоқ  
қум-лойда одим шарпаси әшитилмас, фақат лой чилп-чилп  
қиларди, бу ҳам ортиқча товуш әди шу топда. Нафасла-  
рини ичга ютиб, баланд ровоқ остидан писибгина ўтиб  
олишди. Улар немис соқчисидан дарак бергувчи бирон-  
бир шарпани әшитиб қолармиз деб ўйлашган әди. Илло-  
тиқ әтган садо әшитилмади.

Шундоқ кўприкдан ўтилиши билан ён томонга қараб  
тилсимон саёзлик бурилиб кетган, худди ана шу саёзликда  
қайиқлар қорайиб турарди. Қишлоқ бисотидаги елканли  
етти қайиқнинг жами ўша ерда әди. Оёқ остида шапилла-  
ётган сувга даънатлар ўқиб йўлда давом этишга тўғри  
келди. Берк, немис ана әшитиб қолади, мана әшитиб қо-

лади дея кутганча илгарилаб бораркан, дам-бадам кўприк томонга ўгирилиб қаарди. Девқомат Стоун олдинда вазмин одим ташлаб кетипти. Берк унга эҳтиёт бўлиш, секинроқ қадам ташлашни маслаҳат берди.

Ниҳоят улар қайиқлар ёнига етиб боришди-ю, ўзларини таппа қумга ташлашди. Шу дамда қайсиdir қайиқнинг мачтасига маҳкам қилиб боғланмаган елкани шамолда шалоплагани эшитиларди, холос. Улар Спада имлаб кўрсатган қайиқ олдига эмаклаб бориб, балиқ билан сув тўлдирилган мешни унга ташлашди. Берк устидаги енгисиз чакмонни ечиб, Спадага берганди, у буни ҳам қайиқقا ташлади.

— Секинроқ,— деди Стоун, ҳаммалари бараварига қайиқка ёпишиб, уни жойидан жилдиришга киришарканлар.

Қайиқнинг фақат биттагина, анча баланд мачтаси бор экан, холос. Қайиқнинг узунлиги ўн саккиз футча бўлиб, қуйруғи кенг, тумшуғи тўмтоқроқ әди. Тубининг қоқ ўртасида узунасига тагтўсин ўрнига қалин темир тахта ўрнатилганди. Икки биқуни билан туви япасқи әди. Қайиқ қумлоқдан саёз сувга осонгина сирғалиб туша қолди. Бироқ әгилювчан мачта лопиллаб, абзаллар ғижирлаб кетди.

— Худо ҳаққи, секинроқ,— шивирлади Стоун.

Сувга тушгач, қайиқ мувозанати тўғриланиб, икки томонга оҳиста чайқала бошлади, Улар қайиқни қўллари билан итариб, секин-аста кўприк томонга жилдира бошлишди. Ҳамроҳлар оёқларини сувдан чиқармай, сургаб боришарди. Қайиқни нариги қирғоққача суреб боргач, баланд кўприк ровоги тубидан сургаб ўтиш ниятида уни қум-лой саёзликка тортиб чиқаришга киришишди. Бу амри маҳол, зоро лой ёпишқоқ әди. Шу сабабли қайиқни турта-турта жилдирилар, бу эса шовқинсиз бўлмасди.

Энгес Берк ортиқча шарпа чиқараётганларини аввал бошдаёқ билганди. Стоун ҳам буни билган ва оқибати нима бўлишини кутаётган әди. Шунга қарамай фалокат қўйқисдан содир бўлди.

Кўприкда турған соқчини ҳеч қайсилари кўришмади-ю, тўсатдан немисчалаб қичқирган овозни эшитишди. Бу овозни эшитиб ҳаммалари жой-жойларида тек қотишиди. Кейин тепага қарашди, қарашди-ю, кўприк панжараси ёнида, қоқ тепаларида унинг хира, аммо осонгина пайқаб. олса бўладиган қорасини кўришди. Орага оний жимлик

чўқди; соқчи афтидан нима қилсамикин деб иккиланиб қолганди.

У бир нафас қимир этмай турди, сўнгра шартта бурилди-ю, югурга кетди.

— Ердам чақиргани кетди,— деди Спада ғазаб билан.

— Ердам чақиргани,— таржима қилди Нис.

— Отиш керакмас,— уқтириди Берк Стоунга.

Стоуннинг «смит-вессон»и бор әди. Бироқ ҳозир ўқ узиш — темир каллалар лагерини оёққа турғазмоқ деган гап әди.

Бу орада Стоун қия соҳилдан юқорига кўтарилиб, немисни қувишга тушганди. Берк ҳам унинг кетидан олға ташланди.

— Чоп! — қичқириди Берк Стоунга.— Ушла уни. Тезроқ югор.

Нис ҳам уларга әргашди. Берк билан Стоун тепага баба-бараварига чиқиб боришиди. Улар бир зум нафас ростлаб олгач, тош йўлкадан чопа кетишиди. Немис кўринмай қолганди, аммо ҳамроҳлар унинг кўприкнинг нариги ёғидаги тик қирғоқдан тушаётгандаги оёқ дупурини эшишиб боришаради. Берк йўлини кесиб чиқмоқ учун баланд қум уюми томон бурилди. У немиснинг ортидан тўппа-тўғри пастга сирғалиб кетди. Стоун, Нис ва Спадалар эса бу ёқдан қувиб боришаради.

Берк немиснинг олдинда, бошқаларнинг эса орқада дў-пир-дўпир чопаётгандарини эшишиб турибди. Шу пайт кўз ўнгига тикка кесиб тушган жарлик, ундан нарида қиялик намоён бўлди. У тик ён бағирдан шими ҳамда боғлаб қўйилган латта остидаги эти сизилиб-шилиниб, кети билан сирғалиб туша бошлади. Кейин чалқанчасига қулаб, инерция кучи уни пастга, то сувгача суриб кетди. У ўзини яна қайиқлар турған бояги жойда кўрди. Немис тўхтамай олдинда, қирғоқ ёқалаб чопиб кетяпти. Берк сакраб туриб, уни кўрмай, шарпасини эшифтмай, қум бўйлаб қувишга туди тағин.

Бир оздан кейин немисга бирдан кўзи тущди. У шундоқ қирғоқ ёқалаб югураяпти. Тик кетган ён бағир соя ташлаб турганидан худди охири кўринмайдиган узундан-узун туннелдан кимнидир қувиб кетаётганга ўхшарди. У илаш-қоқ қум-лой соҳилдан сакраб-сакраб илгарилаб борарди. У дақиқа сайнин немиснинг дод деб бақиришини кутарди.

Беркнинг хаёлидан, бекорга қуваётганим йўқ, деган фикр йилт этиб ўтди. Тезроқ етиб олиш керак унга. Хўш, нега энди тўсатдан югуриб қолди ўзи? Шунчалик шовқин кўтариб-а. Ортиқ чополмайман. Ана, тошлардан чопиб боряпти, нақ тош кўчада отлар гумбурлатиб елиб кетаётганга ўхшайди. Товуш тезлиги соатига етти юз ўттиз беш миль. Қани энди ҳозир ўшандай тезликда югурга олсан, ўша энагарга бир кўрсатиб қўярдим-а.

Яна тошлар бошланди. Оёғи қаттиқ тошларга зарб билан тушаркан, жароҳатидаги оғриқ зўрайди. Бироқ Берк буни ҳис этмасди. У энди немис ҳозиргина босиб ўтган кўчки узра чопиб боряпти. Тезроқ, у оёғи учини тошларга тираб, силтаниб олға интиларди. Чакка томирлари гурс-гурс урар, қулоғи шангиллар, боши ғувилларди. Қолган учала шериги орқада, ён бағирдан тушиб келишяпти. Берк чопавериб биқини санчиб қолган боладай, қўлини биқинига босди, белидаги оғир камарини пайпаслади. Тўқасини тортганди камари сирғалиб тушиб, тарақлаб тошга тегди. Немисга энди етиб қолаёзди, унинг милтиғи, белидаги куракчаси билан газниқобини бемалол ажратса бўлади. У ён бағирликдан яна тепага кўтарила бошлади.

Немиснинг тепага чиқиб олганини кўрганда Берк, та мом, иш пачава, деб ўйлади. У чопиб бораётган жойида энгашиб, ердан каттакон япалоқ тошни олди-да, немиснинг орқасидан улоқтириди. Тош япалоқ бўлгани туфайли ёй ҳосил қилиб учиб бориб, кўздан йўқолди.

— Ҳа лаънати-я! — қичқирди Берк.

Нафаси бўғзига тиқилиб, чакка томирлари нақ ёрилиб кетгудай гурс-гурс тепарди, шунга қарамай у кўксини шамолга қалқон қилиб, олға интиларди. У сал олдинга әгилиб, чопогонларга ўхшаб югуради. Оёқ остидаги тош-шагал тугаб, тағин қум бошланди.

У ичдан гупуриб чиқаётган қон төмирларини ёртудек бўлиб, икки чаккаси тобора қучлироқ лўқиллаб бораётганини сезиб турган кўйи ён бағирдан шитоб билан кўтарилади. Калтабақай, тиқмачоқ оёқлари бир-бирови билан баҳслащаётгандай, бири орқага қайтиб улгурмай иккинчиси олға интиларди, қўллари бўлса худди тезликни англатиб турган аэроплан паррагига ўхшарди.

Эндиликда немис билан унинг орасидаги масофа ўн беш ярда қолган, бундан ортиқ әмасди. Тепадикка чиқиш осонроқ кўчсин учун у сал олдинга энгашиб, оёқ учида чопаётган әди. Немис алланимадир деб баҳирмоқчи бўлар,

аммо у ҳам нафаси тиқилиб ҳаллослаб қолганидан овози чиқмасди. Берк тепадан тушаётган тупроқнинг шувиллашию орқасидан югуриб келаётганларнинг одимлари дупури орасидан немиснинг ҳаллослашини аниқ ажратиб борарди.

Хозир етиб олса олғани, йўқса ҳаммаси чиппакка чиқади. То унга етиб олгунча тўхтамаслиги, ҳа, тўхтамаслиги керак. Сал зўр бериш даркор. Охири мarta зўр бериш зарур. Чакка томири ёрилиб кетай деяпти. Яна озроқ.

У бошини кўтарди. Тепага қараб югураётган немис билан оралиғи бояги-боягидай ўн беш ярда келади. Ҳудди шу пайт бирдан боши айланиб, ҳеч нимани фаҳмламай қолди. У инграб юборди, кўзларидан ғазаб ёшлари тирқираб кетди. У баралла сўкишга тутинди, бироқ ҳақоратли сўзлар оғзидан учиб чиқа олмади. У ўзини мутлақо унугиб, жон аччиғида тепага интиларди. Шу топда унга табиат ёруғлик қуввати, товуш қудрати, электрон парчаланишида ажраладиган энергияни ато этганди гүё. У қўллари-ла ўт-ўланларга, харсангу буталарга тармашарди. Куч билан олға интиларкан, обёқлари остидан тупроғу кесак сопқондан отилгандай отилиб чиқарди.

Ҳа, у зўр берди.

Мана, ён бағирнинг тепаси, қорамтири осмон кўксига санчилган илон изи бутазорлар кўзга ташланди.

Шу аснода немис кўз очиб-юмгунчалик фурсатга нафас ростлади. Беркнинг кўзига эса ҳеч нарса кўринмасди. У эс-ҳушини йўқотганди. У ҳатто нима мақсадда чопаётганини ҳам унугиб, ҳануз жон-жаҳди-ла олға интиларди. Токи немисга етгунича ҳеч нимани сезмай-англамай югураверди. Мана, сапёрлар қуракчаси, гардангача тушиб турган ҳайбатли темир қалпоқ, буларни аниқ кўрди у.

Фурсатни ўтказмай, бора немисга ташланди. Қўллари сирғалиб келиб бегона кимсанинг елкаларидан маҳкам чанглаб олганини пайқади. Қўллари гарданга тушиб кетган темир қалпоқ остидаги бўйин қизиб, гарқقا терга ботганини туйди. Шунда бор кучини тўплаб, силтаб тортиди. Немис мувозанатини йўқотиб, унинг устига қулади. Икковлари ҳам қияликтан пастга қараб думалай кетишиди.

Берк бундан ортиқ ҳеч нима қилолмади. Тинка-мадори қуриб-битган, заррача мажоли қолмаганди.

Энди жон аччиғида немис ҳам эс-ҳушидан айрилаётганди. Беркнинг қўллари уни ҳануз бўғиб туради. Немис бошқаларнинг ҳам етиб келиб қолишганини одим товушларидан билиб туради. Шунда у зил-замбидай этиклари

билан тепина бошлади. У газаб билан, қутуриб тепинар, айни чоғда Беркнинг башарасига мушт туширишга уринарди.

Берк бунга деярли парво қилмасди. Шу сонияда ўпкасини тўлатиб нафас олиш билан банд эди фикри-хаёли, у на тепкини, на муштни сезарди. Қўллари эса немиснинг бўйини беихтиёр бўғаётган эди.

Ҳозир унинг учун энг муҳим нарса қийналиб бўлса-да, чуқур-чуқур нафас олиш эди.

Худди шу аснода улар устига гурс әтиб Стоун келиб тушди. У тепадан туриб отганди ўзини. Немис жон талвасасида зўро бериб тепинар, бутун танаси әгилиб-буралиб кетарди. У қопқонга тушган тулки, тузоққа илинган қўён янглиғ юлқинарди. Стоун ўзини устларига отганда Берк немиснинг қорнига бир тепиб, нарига қараб әмаклади, бироқ әмаклаб бораётуб ҳам пошнаси билан унинг бошига ўхшатиб тепди яна. Нис унинг белкуракчасига ёпишди. Немис энди баралла дод солди.

Нис қулочкашлаб туриб белкурак қирраси билан немисни тушириб қолди. Кейин тизиллаб отилган қони тегмасин деб бир сакраб ўзини четга олди.

Темир калла ҳамон Стоун чангалида типирчиларди-ю, аммо жони узилиб бўлганди. Танаси асаб рефлекси таъсири остида тинчимаётган эди. Кўнгли беҳузур бўлган Стоун жирканиб, шоша-пиша қўйиб юборди уни. Иш битди. Фақат чарчоқлари қолди, ҳорфинлик ҳисси дам зўраяди, дам пасаярди. Гинка-мадори қуриган Берк оппоқ қум очкўзлик билан симираётган қоннинг исини туйиб ерда чўзилиб ётарди. У ўпкасини тўлдириб, бир меъёрда нафас олишга ҳаракат қилас, ҳар нафас олганда ҳаддан зиёд даражада ҳориган танаси ҳузур қиласди.

— Кетдик,— деди Стоун.

Фарқ терга ботган Берк ўрнидан турди. Оёқ-қўли қалтқалт титрарди. У оёғини дадилроқ босишга уриниб икки қадам ташлади-ю таппа қулади. Стоун ўрнидан туришига ёрдамлашди, кейин Нис икковлари сирпаниб-йиқилиб уни ён бағирдан пастга судраб кетишиди. Спада уларни пастда кутиб турган эди. Бундай тепаликка чиқишга кексалик қиласди у.

— Уни гумдон қилдингми?— деб сўради у Нисдан.

— Ҳа. Бундай қилиш керакмасди. Энди сизларга ёмон бўлади.

Спада индамади.

— Ҳадемай уни қидириб қолишади,— деди Стоун.—  
Шошилишимиз керак.

Берк, силлам қуриганидан миям ишламай қолди, фикрларим чалкашиб кетяпти, деб ўйларди. Унинг фикри-зикри ҳануз танасини қийиноқ исканжасига олаётган ҳаво ютишу чиқаришда эди. Сойни кечиб ўтишда ҳам ёрдамлашиши үнга. Кейин товуш тезлигида югура бошлаган жонийи — қум уюмидан ошиб ўтишди, кўприкка ҳам етиб келишиди. Уни сургаб келиб қайиққа чиқаришди. У қайиқ тубига мук тушди, хаёли эса фақат нафас олиш билан банд эди. У ютоқиб-ютоқиб ҳаво ютарди.

— Айборни қидиришади,— деди Нис Стоунга.

— Биламан,— деди Стоун.— Энгеснинг кўйлагини олиб, кўприкка ташлаб кетамиз.

Стоун Беркни чалқанча ётқизиб, әгнидаги ўзи берган австралияча кўйлакни ечди-да, олиб бориб, кўприк панжарасига ташлаб келди. Нис Спадага нима гаплигини тушунтиради. Бу ниҳоятда жўн бир ҳийла эди-ю, аммо соқчани қишлоқ аҳли әмас, австралияликлар ўлдирганини билдиришлари зарур эди.

Сўнгра улар сой кенгайиб, кўрфаэга қўшиладиган жойга қадар сув кечиб боришиди. Сув белга етгач, Стоун билан Нис қайиқда чиқиб олишиди.

— Чуқур жойга келдик, энди тагтўсинни туширса бўлади,— деди Спада.

У то Нис елкан арқонини ечиб, тагтўсинни жойидан қўзғатгунича қайиқни ушлаб турди. Арқондан бўшаган елкан шамолда ҳилпирай бошлади.

— Адио,— деди уларга Спада.

— Адио, Спада. Ишқилиб омадингни берсин.

— Навқирон шунқор, дўстлигингни бажону дил қабул этаман.

— Адио.

— Раҳмат айтинг унга,— деди Стоун.

— Ҳожати йўқ,— деди Нис.

Спада қайиқ қўйруғидан ушлаб туриб, зарб билан итариб юборди. Нис елкан боғичига уннаркан, Стоунга мачтани ушлаб тургувчи арқонларни қандай тортиш лозимлигини тушунтироди. Зумда шамол елканни қаппайтириди, қайиқ бир силкиниб, яна ростланиб олди. Берк ҳамон пишиллаб нафас олганча, қайиқ тубида уйқуга кетганди.

Қайиқ соҳилдан аста узоқлашиб бориб, шитоб билан Мессара кўрфази сари илгарилаб кетди.

## 8 боб

Берк биринчи ҳис әтган нарса шамол кўрфаз бўйлаб суреб бораётган қайиқнинг майдада тўлқинлар мавжида силкиниши бўлди. Шўр сув томчилари бетига сачарарди. Гузга тўйинган қуёш нурлари танасини оташдек қиздиради. Ҳудди ача шу дамда Нисга кўзи тушди. Бундай жой ва бундай пайтда мана шу грекка ўхшаган одам ниҳоятда асқотади. Айнан шундай оғир-вазмин, ўзига ишонадиган одам зарур, у худди мана шу тахлитда, бутун вужуди диққатга айланаб, пешанаси тиришиб ўтириши лозим. Бу одамга тан бераман, зоро у, Стоун сингари, нима қилаётганини яхши билади, бунга ишонади. Берк бўлса ундай әмас. Аммо-лекин бу сирини қачон бўлмасин сездириб қўйса ўзига лак бора лаънат ўқийди. Ана шундай ўй кечарди унинг хаёлидан.

— Олислаб кетдикми? — сўради у қаддини кўтараёттиб.

— Билмадим, — деди Стоун. Кейин қўшиб қўйди: — Кўнглинг айнимаяптими?

— Нега энди кўнглим айниши керак әкан?

— Агар ҳамма ярадорлар сизга ўхшаб чопса бундан баттарорги ҳам бўлиши мумкин, — деди Нис.

— Ишлар жойида бўлдими ишқилиб?

— Бир нави бўлди-да, — деб қўйди Стоун.

Берк шамол қаппайтирган, худди қуш қанотига ўхшаган каттакон елканни эндиғина пайқади. Кейин олд томондаги кичик-кичик елканчаларни, боя Стоун таранг қилиб боғлаган арқонни, Нис бошқариб бораётган румпель — рулни ҳам кўрди. У туриб ўтираркан, ҳавонинг намлигини, қайиқнинг енгилгина чайқалаётганини аниқ ҳис әтди. Қора рангга бўялган қайиқ сувда ишончла илгариларди. Чап томонда ернинг қораси кўзга ташланиб турар, аста-секин узоқлаша борарди.

— Аnavи қаер бўлди?

— У шарқий шамолни тўсиб турибди, — тушунтириди Нис. — Мессарадан чиқиб олганимиздан кейин, то Мисрга етгунимиэча мувофиқ шамол ҳамроҳ бўлади бизга.

— Шунда қанча йўл босамиэ?

— Юзлаб километр йўл босиш керак. Икки кун кетади.

Берк ўртада ўтирган жойида қайиқнинг жадал сузид боришини куватар, Ниснинг уни қандай ишонч билан бош-

қараётганини кўриб ҳайратланарди. Шамол муттасил елканга урилиб турарди.

Унинг шақли, тузилиши жуда жўн ва қулай бўлиб, худди чағалай қанотларига ўхшаб кетарди.

Нис Беркнинг елканларни кузатаётганини кўриб, сўради:

— Елкан тўғрисида озроқ тасаввурингиз борми?

— Деярли йўқ,— жавоб берди Берк. Унинг бирдан-бир биладиган нарсаси елкан бошвариб турйдадиган арқон — шкот эди, холос.

— Сал-пал билиб-ўрганиб олишингизга тўғри келади.

Елканни муттасил дам шимолдан, дам шарқдан, баъзан эса жануби-шарқдан эсиб қоладиган шамолга мослаб туришлари лозим эди. Шунда шамол қай томондан эсмасин, қайиқ шитоб билан олга суваверади.

Нис дам-бадам чўққиси парқу булатларга чулғанган Идага қараб қўярди. У ерда, тепада ҳануз қор сақланиб қолган, тонгги ёруғда жуда яқинга ўхшаб кўринарди. Бу ердан, қайиқдан қараган одам наздида Ида улкан мугузни эслатарди. Чўққини силаб-сийпалаб, пастга сирғалиб тушаётган сийрак парқу булатларга кўзингиз тушаркан, гўё ҳайбатли Идани шамол нақ тилимлаб ташлаётгандек туюларди.

— Жинимга ўтиришмаяпти бу,— деди Нис.

— Нима?—дея Берк ўғирилиб қаради.

— Иданинг бундай қиёфага киргани бехосият бўлади.

Бутун әртани улар шамолга мосланиш билан ўтказдилар. Гоҳо соҳилга шунчалик яқинлаб қолардиларки, ҳатто соҳил бўйи йўлларидаги ҳаракат, у ёқдан-бу ёққа қатнаб турган бошқа қайиқлар яққол кўриниб турарди. Илло Нис иложи борича қирғоқдан олисроқда сузишга тиришарди.

Чошгоҳга бориб улар хийла узоқлашиб кетдилар, энди соҳил кўринмай қолди.

Стоун билан Берк шароитга тез кўникадиган зеҳнли одамлар сингари қайиқнинг асбобу анжомларини ишлатиш бобида озми-кўпми тажриба орттиришга ҳам улгурдилар. Ҳозирча ноқулай ҳаракат этсалар-да, ҳар қалай қўлларига ишонч ҳосил қилдилар. Ана шу ишонч туйғуси елканни доимо шамол уриб турадиган қилиб туришларига ёрдам берди.

Нис ортиқча гап гапирмас, фақат буйруқ берарди. У

орқага, чўққиси осмон сийнасига қадалган Ида томонга бот-бот кўз қирини ташлаб қўярди.

— Назаримда ноқулай вақтни танлаганга ўхшаймиз,— деди у бир гал.

Бундай вазияту шароит нотаниш бўлган Стоун билан Берк шамолнинг ўзгарувчалигию беқарорлигидан бўлак нарсани пайқашмасди. Бироқ шамол кечга бориб кучга кира бошлади. Денгизда баҳайбат-баҳайбат тўлқинлар ким ўзар ўйнаб қолди. Аммо қайиқ тумшуғи тўлқинларни тилимлаб, улар назарида ҳайратга соларли даражада тез сузиб бораради.

— Ана, кўрдингларми,— деди Нис ниҳоят орқасига ўгирилиб қаараркан.

У осмонни, Ида чўққисини кўрсатаётган әди. Чўққини қўнғир булатлар чулғаб олганди. Бу чанглатувчи самолёт ортида кўрпадай тўшалиб қоладиган тўзон сингари шакли шамоилсиз булатлар әди.

— Ишқилиб мельтеми туриб қолмасин-да,— деди Нис.

— Бизга деса бало турмайдими,— деди Стоун.— Еланнимиз чидаб берса бўлгани.

— Мельтеми — ёзги пўртана. Қаранглар.— У яна бояги томонни кўрсатди.

— Ҳўш, нима қилишимиз керак энди?— сўради Берк.

— Сабр қиласиз, у ёғи кейин маълум бўлади.

Осмон тобора қоронғилашиб, шамол зўрайгандан зўрайиб бораради. Қора-қўнғир булатлар пастлагандан пастлаб келарди. Ида мутлақо ғойиб бўлганди.

Тўс-тўполон бало-қазодай, нақ жон-жаҳди-ла ўйинга тушаётган телбанинг рақсидай шитоб билан бостириб кёлди. Гирдибод атрофга лак-лак томчилар сачратиб бир олам сувни чархпалак қилиб кўк сари итқитди-ю, наъра тортиб, ўша ондаёқ қайиқ устига ташлади уни. Ташлаганда ҳам бутун кучини жамлаб туриб, қулочкашлаб зарба берди. Кейин қайиқни даст қўтариб, олдинга, жаҳаннам дошқозонидай бақир-буқур қайнаб турган гирдоб комига улоқтириди. Бу даҳшат дабдурустдан содир бўлганди.

— Мана у,— қичқириб юборди Нис. У, мельтеми мана шу бўлади, демоқчи әди.

Пўртана қайиқни чирпирак қилиб сурив кетди, қайиқ тумшуғи бўғзидан сувга ботиб борар, ёғоч-тахталар эсағижирлаб, жазаваси қўзиган довулга жўр бўларди. Бутун борлиқни ўкирик, шовиллаш ва қасир-қусуру гулдуроғ босиб кетди.

— Елкан,— довул ўкиригини босиб кетишга тиришиб қичқирди Нис.— Елканни йифинглар, елканни.

Берк елкан маҳқамланган арқоннинг ечилиб кетган учини ушлаб олган, у елканга уфураётган шамол зўридан юлқиниб қўлидан чиқиб кетарди. Беркнинг мияси тез ишларди. У елкан этагини тиргакка ўраб, учидан маҳқам тортиб турди. Айни шу паллада қаттиқ қарсилаған овоз эшитилиб, арқон узилиб кетди-ю, елкан қўлидан чиқиб, шамолда ҳилпирай бошлади.

— Тезроқ!— қичқирди Нис.— Елкан тутгични кесиб ташла!

Стоун икки қўллаб юлқинаётган елканни тортқилар, қайиқ эндиликда бир пайраҳадек шамолнинг олдига тушиб ўқдай учар, елканнинг узилиб кетган боғичи нақ қамчидай чирсиллатиб саваларди. Елкан қутуриб ҳамла қилаётган шамолни ўз қучогига сиғдиролмаганидан тепаси сириб боғланган кўндаланг лангарчўп эгилиб-букилар, бетиним қисирларди.

— Қирқиб юбор,— бўкирди Стоун.

Берк қайиқ тумшуғида илондай жилпанглаб, нари-бери бориб-келиб турган арқонни маҳқам ушлаб олди.

— Шуними?— у ҳам бўкирди жавобан. Шу топда кўнигу томчилар фаввораси қайиққа човут солиб, уни бошдан-оёғигача чўмилтириб қўйди.

— Қирқ, қирқ деяпман,— бақирди Нис.

Чор атрофга қараб юлқинаётган елканнинг шалоплашидан ҳеч нимани эшитиб бўлмасди. Қайиқ кўз кўриб, қулоқ эшиитмаган, гайри табиий бир тезликда учиб борарди. Еру самони даҳшатли, ваҳшиёна шовқин босиб кетганди, гўё зилэила бўлаётгандек эди. Шамол ҳеч қаёқдан эсмаётганга ўхшар, балки тоғ кўчкисидай тепадан даф қилар, борлиқни жаҳаннам ўти билан кун-паякун этмоққа шайланган кўринарди.

— Минг лаънат. Ортиқ ушлаб туролмайман энди.— Стоун оёқларини мачта асосига тираган кўйи тикка-тиқ турарди. Қўллари билан эса шамол албатта юлқиб чиқаришга онт ичган арқонга ёпишганди. Оч қорамтири тусли матодан тикилган эскирган пастки елкан қандайдир бир мўъжиза ёрдамида довул ҳамласига дош бериб келаётганди. Катта-кичик елканлар маҳқамланган мачта учишга чоғланган самолётдай силкиниб кетди. Довулнинг ваҳшиёна ҳамласига қарши туриб, ҳаммасини ҳалокатдан ҳозирча омон сақлаётган ягона қудрат — девқомат Стоун

эди. Тўрт томондан тўлқинлар човут солар, бош-кўзларию бутун вужудини бўқтириб, беҳисоб кўпикларга кўмиб ташлар, ён-веридаги жамики нарсани бузиб-янчиб, оқизиб кетар, аммо уни жойидан жилдиролмасди.

— Бўшат, бўшат уни! — бақирди Нис Стоунга.

— Кес! — бўқирди У Беркка.

Берк энди елканни юқорига кўтарадиган арқонга ёпишиди.

— Анавинисини, анавинисини! — қичқирди Нис нам ҳаво бўғзига тиқилиб. — Кўлингдагисини қўйиб юбор.

У шу топда кўзлари косасидан чиқиб кетадиган шайтоннинг ўзгинасига ўхшаб кетарди. У жиккақкина чайир гавдаси билан олти минг от кучига тенг қуввати-ла қаршилик кўрсатиб, қўлларидан чиқиб кетишга уринаётган, озодлик талаб қилиб газабнок ғижирлаётган румпелни<sup>1</sup> босиб, жойида тутиб турарди. Ҳайбатли тўлқинлар рулни айлантириб-буриб юбормоқчи бўлар, бунинг акс таъсири эса румпелга тушарди. Нис у билан ҳаёт-мамот жангини олиб бораради. Мабодо румпель қўлидан чиқиб кетгудек бўлса, тамом, пўртана қайиқни шу замоноқ чирпирак қилиб улоқтиради, тўнтариб ташлайди, парча-пурчаларини жунбушга келган тўлқинларга улашади. Буни яхши билади у, шу боис жонини жабборга бериб олишиб ётибди.

Стоун маҳкам чанглаб олган арқон кафтини шилиб ачиштирас, бироқ у ғайри шуурий бир ғайрат билан тутиб турарди. У қўлидан чиқиб кетмоқчи бўлиб юлқинаётгани туфайли қўйиб юбормасди арқонни. Бу телбаларча уриниш эди. Аммо у телба әмасди. Айни чоғда у, башарти бу арқонни қўйиб юборса, елкан мустаҳкамланган лангарчўп жилови бўшаб лапанглаб, тўрт томонга ўзини уришини, елканни суриб кетиб, ё қайиқни тўнтариб, ё дўйстлари устига босиб тушиб ҳаммаларини ҳалок әтишини хаёлига ҳам келтирмасди. Ўзига бўй бергиси келмаётган кўзга кўринмас ёвуз бир куч силтаб-тортаётгани сабабидан қўйиб юбормайтганди арқонни. Бу девқомат паҳлавон довул билан олишмоққа чоғланган эди.

Қайиқ сувга тўлган, ҳар чайқалганида сув зарда билан қулқуллар, шалоплар, Беркнинг оёқлари қайиқнинг қия тубида сирғаниб кетарди. Жонсиз, карахт бармоқлари билан тепадаги елканни ушлаб турган жиққа ҳўл арқонни тортарди. У арқонни қўш қўллаб тортаркан, бу дўзахи

<sup>1</sup> Румпель — кема, қайиқнинг рули дастаси.

тўйполонда арзимаган майдо-чуйда нарсалар ҳам енгид бўлмас қудратга эга ёканини ҳис этиб, сешиб турарди.

Нис гайри шуурий усул ила қайиқни шамол йўналиши бўйича сузишга мажбур әтмоқда эди. Мабодо йўналишни ўзгартишга заррача йўл қўйса, елкан юлқиниб чиқиб, Стоун ҳам, қайиқ ҳам, ўзи ҳам сўёзиз пачақ-пачақ бўлиши аниқ ёканини яхши биларди.

— Тушир! — қичқирди у. — Тушир! Пастки елканни тушир деяпман.

Ҳаммаси Беркнинг пастки елканни тушира олиш-ол-маслигига боғлиқ эди.

Берк арқонни бор кучи билан тортарди. Ҳудди шу пайт довул эпкини лапанглаб осилиб қолган юқориги елкан маҳкамланадиган лангарчўпни орқага суреб юборди-ю, унинг жиққа ивиган учи даҳшатли куч билан Беркнинг қоқ белига келиб тегди. У учеб кетиб, мачта тиргагига бориб урилди. Оғриқ ва хатар қамчи зарбасидай таъсир қилди унга. Ўзини бирор қамчилётгандай, газабдан қутураёзди. Унинг бутун туриш-турмуши, бутун борлиги ҳақоратлангандай бўлди.

У олга отилди. Газаб ичра ҳайқирганча, ўз қони билан бўялган қайсаар арқонга ташланди. Қутуриб чайқалиб-ланпанглётган кўндаланг лангарчўп тағин қарсиллаб урилди унга. Белини ўткир тиф тилиб ўтгандай бўлди, оғриқдан дод деб юборди.

Қайиқ қасира-қусурига олиб тифи паррондай учеб борарди. Тўлқинлар кўкка сапчир, гўё кимдир рўпарадан сочма ўқ жойланган замбаракдан тўпга тутаётгандай, минглаб билур томчи бўлиб дувиллаб тўқиларди. Оламни довул наъраси тутиб кетганди.

Ниҳоят ҳал қилувчи даҳшатли сония етди. Йиртилиб кетгундай дўмбира бўлиб қаппайган елкан тазийиқида қайиқнинг тумшуғи сувга ботиб кетганди. Гўё у соатига уч минг миль тезликда слиб бораётган омоч янглиғ тўлқинларни ҳайдоётгандек эди. Қайиқ тумшуғи ҳар мункигандан тобора сувга кўпроқ ботарди, ахир ижаҳаннам дошқозонида бинирлаб қайнаётган сув шариллаб қайиқ ичига қўйилди.

Нима бўлаётганини англолмай, яна ўзини унуган Берк бор кучи билан елкан туширгични тортди. Шунда у бирдан бундан ҳеч қандай наф чиқмаслигини фаҳмлади.

Ҳудди шу пайт довул ўз оёғига ўзи болта урди. Бор қудратини жамлаб туриб, кўз кўриб, қулоқ әшиитмаган эпкин билан гувиллаб елканга урилди. Бу зарба ғоятда

кучли бўлди. Елкан маҳкамланган арқон ҳам, тирговлар ҳам узилиб кетди, кўндаланг лангарчўп қарсиллаб синди, елкан қулаб, қайиқни улкан чойшабдек бор бўйича ёпди-кўйди.

Бу кўёз юмиб-очгуичалик фурсат ўтмаёқ содир бўлди. Эндиликда бутун жаҳаннам лашкарига қарши кураш майдонида ёлғиз Нисгина қолганди. У ўзини шартта орқага ташлади-ю, сўнгги кучигача ишга солиб, румпелни торти. Ҳа, у румпелни эшкакдай иш беришга мажбур этгунича тортаверди. У қайиқни тўлқинга нисбатан ёнламасига йўналтиришга, шамол йўналишига мослаштиришга интиларди. Лангарчўплару тирговлар сувга осилиб қолганидан қайиқ ёнбошлаб бораётганди. Девқомат Стоун денгизнинг қаршилигини енгиб, бу лаш-лушларни қайиқка тортиб чиқармоққа тутинди. Шунда ҳам қайиқнинг тезлиги пасаймаганди. Шу пайтгача бор-йўқлиги эсга ҳам келмаган олдинги учбурчак елкан-қливверлар иш бериб қолди. Улар шамолда қаппайди-ю, қайиқ рулга итоат этиб, шитоб билан илгарилаб бораверди.

— Елканни тортиб ол! — бақирди Нис.— Елканни!

— Падарига лаънат! — бўкирди Стоун.— Тортмай, қайиш уқалаяпманни!

Узилиб тушиб, тўлқинлар елкасига кўрпадай ёпилган катта елкан сувни шимиб жиққа бўкканидан зил-замбил бўлиб кетганди. Стоун ҳаммасини — елкан, лангарчўп, тиргагу арқонларни қўшиб, бирваракайига кўтарди. Кўтардигина әмас, бортдан ошириб олиб, қайиқ ичига ташлади. У бу ишни тартиб-интизомга қаттиқ риоя қилгувчи; жонини фидо этишга тайёр метин иродали одам қабилида бажарди.

Қайиқ тубига ташланган елкан энди Нисга халал берарди. У оёғи билан елканни нари сурди. Довул эса ғазаб отига қамчи босганди. Аммо қайиқ бу орада бурилиб олишга улгурган, унинг йўналишига ёнбоши билан туриб олган, олд томондаги елканчалар ишга тушганди. Мана, қайиқ яна оғиб, ичига сув кирди.

Нис оёқларига ўралашиб халал бераётган лаш-лушларни жони борича нари тепиб-сурниб, румпель устига ётиб олди. Қайиқ баҳайбат тўлқинлар елкасида шиша тиқинидай қалқиб, чирпирак бўлиб бораарди. Тўлқинлар гоҳ қуйруқ томондан, гоҳ чап ёнбошдан, гоҳ тумшуқдан, гоҳ ўнг ёнбошдан от соларди қайиқ устига. Довулу денгиз бир жону бир тан бўлиб, ўкириб ҳамла қиласади. Сув бетига

ёмғир сингари ёғилаётган ҳадсиз-хисобсиз кўпигу томчилар еру кўкни бамисоли, пардадай тўсиб қўйганди.

Нис бу ёғига нима қилишлари зарурлигини ҳал этиши лозим эди. У денгида ортиқ қолишнинг иложи йўқ эканини яхши биларди. Ўзга чора йўқ. Гапнинг қисқаси, эндиликда бари бир эмасми? Тўлқинга мосланиш учун у тагин рулни тўғрилади. Елканлардан иккитагинаси, тумшуқдаги иккита қия ўрнатилган елканчагина омон қолганди. Лекин шу иккитагина елканча ҳам қайиқ тумшуғини дам сувга шўнғиб, дам тўлқинлар елкасига чиқиб, шитоб билан илгарилашга мажбур әтарди. Бостириб келган ҳар бир ҳайбатли тўлқин қайиқни олға итқитарди.

— Мессараға қайтамиз,— деди у Берк билан Стоунга грекчалаб, ўзи ҳам сезмаган ҳолда.

Стоун ва Берк тўлқинлар қайиқни бардор-бардор қилиб итқитган пайтда омон қолган ускуналарни ушлаб қолиш билан банд эди. Қайиқ яна қўндаланг бўлиб қолди, у сув бетида қалқиб юрган ходадай лапанглаб оқиб борар, бироқ ҳар қалай бир жойда гирдикапалак бўлиб турмасди. Узилиб-юлқиниб кетган тепа елкан гоҳ маҷтага ўралиб қолар, гоҳ шамолда ҳилпираб-лопилларди.

Берк энди ўзини ўйлаб қолди. У қайиқ тубидаги лашлушларни қучоқлаганча узала тушиб ётарди. Қўндаланглангарчўп келиб урилган жойи сирқираб оғриётганини сезди. Ўзига раҳми келиб кетди. «Ҳали жароҳатим битмаганди, энди бўлса анави лаънати арқон қўлларимни бутунлай шилиб юборди,— хаёлидан кечди бу гаплар.— Бари бир кунимиз битди. Қайиқ ҳар сонияда тўнтарилиб кетиши мумкин. Бўрон тўнкариб юборади уни. Ё тўлқин афдарди оёғини осмондан келтириб. Битта ишонганимиз қўйруқдаги грек, бутун умидимиз ўшандан. Учовимиз ҳам, шу қатори мен ҳам, беҳад зўр одамлармиз. Йўқса қайиқ аллақачон тўнкарилиб кетиши тайин эди. Йўқ, чинакамига қудратли инсон — анави, Стоун билан мен фақат унинг маҳрамларигинамиз, холос.

Стоун ҳам қудратли инсон. Ақли расо, аммо билими ўйқ паҳлавон. Башарасидан боксчиларга ўжшайди-ю, кўзлари эса пащшага ҳам озор етказмаслиги, инсон боласига ярашмайдиган бирон ножӯя иш қилмаслигини шундоққина айтиб туради. Мен бўлсан мижғов, сурбетман. Ҳаёт ҳамиша мени әзиб, қамчилаб келди. Мана, ҳозиргина манави лаънати елкан ҳам қамчилади мени. Манағи еримдаги

илашқоқ суюқ нарса нима — туэми ё қон? Агар довул тинмаса, абжагимиз чиқади, ана унда Мисрга кукунимиз, кўзга кўринмас атомларимиз етиб боради. Ҳаммаси бемаъни гап. Бу телба грек бизни қаёққа олиб кетяпти ўзи? Енимдагилар самовий одамлар. Улуг одамлар. Бемаъни гап. Сафсата. Сафсата бари.

Жиққа ҳўл баданни чимдиб-ачитиб ҳамон шамол ўкир япти. У чир атрофдан даф қиласпти. Бироқ шимол ёқдан кучлироқ ҳамда шиддатлироқ човут соляпти. Бу шимолигарб шамоли эди.

У билан Нис танҳо жанг қиласпти.

У қайиқнинг жонию юраги эди шу топда. У тўрт тарафдан чанг солаётган оғатни даф әтарди. Асов тўлқинлар унинг қўлларидан рулни юлиб олиш пайида эди. У тўлқинлар йўналишига мослаб дам сал бўшатиб, дам ўзи салири тортиб рулни ботма-бот тўғрилаб турарди. У бу олишувда жиу-житсу усулларини ишга соларди. У довулу денгизга гўё ён бергандай бўлар, кейин эса уларнинг қудрати ва шаштини ўзларига қарши ишлатарди. У ҳар қандай айёрги устомонликдан фойдаланишга тайёр эди. На довул, на денгиз енга олди уни. У сабр-тоқат шамшири-ла зарба берарди рақибларига. Бундан буёнги қисматлари унинг сабр-тоқатига боғлиқ эди.

Бу олишув гўё миллион йиллаб, минг-минг геологик даврларга, беҳаду беҳудуд инсоний умрларга тенг муддатга давом әтди. Нис қайиқ йўналишини гоҳ тўлқин йўналишига, гоҳ кўндалангига мослаб, гоҳ шамолга чап бериб, тумшуқдаги елканларни тилка-пора қилишга йўл қўймасди, зеро қайиқнинг қай томонга сузиши ана шу елканчалар измида эди. Нис баъзан довулга ён берарди-ю, сўнгра уни ўз фойдасига ишлатарди.

Бадқовоқ осмон, шиддаткор довул қоронги тушишини тезлаштириди. Зулматбаногоҳ ва зудлик билан бостириди-келди. Кечаси ҳам худди кундузги аҳвол давом әтди, лекин кундузгига қараганда мушкулроқ бўлди. Нис қайиқни Мессаранинг оппоқ қумли соҳилларини чамалаб бошқарарди.

Ниҳоят олисда соҳил оқарип кўзга ташланганида дастлабига юраги бир ҳаприқиб тушди. У соҳилни зулмат орасидан туйцусдан пайқаганди. Ҳаммадан бурун кўрди у соҳилни. Бунинг боиси кўзи ўрганиб қолганида эди. Соҳил

тарқи туман қўйнида чаплашиб кетганди. Бироқ соҳил яқинлаб қолган, жуда яқинлаб қолгандай.

— Мессара! — дед қичқирди у, ҳамроҳлари ҳам худди шуни кутаётганинга ишонч билан.

Ҳамроҳларидан әса жавоб бўлмади.

— Фурсат етди мана,— деди у, бу билан ҳал қилувчи дам етиб келганини англатмоқчи әди.

Олишувнинг ушбу босқичида у ютқазиб қўйиши ҳеч гап әмасди. Жангу жадалнинг авж нуқтаси әди бу. Киши тасаввури бовар қилмайдиган тезлик уларни харсангга олиб бориб уриб, зумда парча-парча қилиб ташлаши мумкин.

— Килни тортинг! — бақирди Стоунга.— Тез тортуб олинг тагтўсинни!

— Манави ҳаммаси босиб тушади-ку унда,— деди Стоун. У ускунаю ашқол-дашқолларни маҳкам қучоқлаб турарди, қучогини очишнинг әса иложи йўқ әди.

— Унда сен торт,— деди Стоун Беркка.— Буларни мен әплаб тураман.

Берк ҳушини йиғишириб олди. Қоронғида қўллари билан тимирскилана бошлади. Қайиқ тубидаги дўнгроқ жойни пайпаслаб топди-да, темир тагтўсинга боғланган арқонни тортди. Киль силкиниб, қалдиради, ҳадеганда сурилавермади. У шу топда нақадар ҳориганини сезди.

— Тезроқ! — бақирди унга Нис.— Бўлинг! Тезроқ!

Берк мабодо бу темир тахта қумга бориб ханжардек қадаладиган бўлса қайиқни ўпираиб юборишини фаҳмлади. У арқонни тортишга зўр бераркан, бу ишнинг осон кўчмаслигига кўзи етди. Лекин ичкарироқда сувнинг қаршилик кучи уччалик катта әмасди. У ахирни килни сал ичкарига тортди. Пайпаслаб темир тагтўсин маҳкамланадиган темир илгакни топиб, жилмайдиган қилиб илиб қўйди.

— Энди елканни туширинг! Елканни туширинг! Биттасини! — Нис худди йигирма миль наридаги одамга гапи-раётгандек бақиради.

Берк ғарқ сувга ботган қайиқ тубидан оёғини аранг кўтариб-босиб, тумшуқ томонга қараб юрди. У тинкаси қуриган, ҳаммаларидан ҳам кўпроқ қийналиб кетганди, Қоронғида ҳеч вақони кўрмасди кўзлари. Тумшуқдаги ел-канчалардан бирининг дириллаб турган тарафт арқонини пайпаслаб топди. Унинг маҳкам чандиб қўйилган учини ечиши билан тўсатдан қўлидан сирғалиб чиқиб, худди кундузи катта елкац бўшаб кетгандаги ҳангома такор-

ланиб, зулмат қаърида кичик елкан ҳалпираб-қарсак чалиб юборгандан бир сапчиб тушди.

Денгиз қаердадир яқингинада соҳилга тўш уриб ўвилларди. Тўлқинлар бир-бирига мингашиб қумлоққа ҳамла қиласди. Бебош тўлқинлар уларни тўппа-тўғри қирғоққа сурисиб кетяпти. Улар вужудини забт этган ҳаяжон зўрайгандан-зўрайиб боряпти.

Шу сонияда ҳамма гап ҳар қачонгига қараганда ҳам кўпроқ Нисга боғлиқ эди. У қайиқни ўз ҳолига ташлаб қўймаслик мақсадида қия елканинг биттасини туширтирамди. У довул билан олишар, қайиқни тўнкариб юборишига қўймас, айни чоғда тўлқинлар заптига дош бериб, шамолнинг жигига тегарди. Аммо шамол ундан қудратлироқ эди. У қайиқни тўлқинлар узра кўндаланг йўналишда қувиб-учириб борарди. Нис эса жон-жаҳди билан аранг бардош берарди унга. Зулмат қаърида тўсатдан намоёни бўлган оппоқ соҳилга улар ана шу тахлитда, ёнбошлари билан яқинлашиб келишди. Тўлқинлар тўш уриб, қум узира сочилиб тушаётган маррагача жуда-жуда оз масофа қолди. Шунга қарамай, Нис тўлқин мавжлари томчию кўпик бўлиб ортга сачраётган ергача қайиқни ёнламасига сузишга мажбур этиб борди.

— Мана! — овози борича қичқирди у.

Худди шу пайт румпелни қўйиб юборганди, қайиқ ўша ондаёқ тумшуғи билан қирғоққа қараб қолди. Ортларидан қувиб келаётган навбатдаги тўлқин қайиқни кифтига миндириб олди-ю, олга сурасиб кетди. Қайиқ тўлқин елкасига миниб олганча, нақ камон ўқидай шигиллаб учиб бориб, гувиллаб соҳилга ташланган сув эпкини шарораси остида шалоп этиб қум устига тушди. Орадан бир сония муддат ўтди. Қирғоққа сапчиган тўлқин қумлар билан алланималар ҳақидадир пицирлашиб, орқасига қайта бошлиди.

Тағин таҳликали дақиқа етди.

Ҳамроҳлар сакраб тушишди-ю, қайиқнинг туби яссилигидан хурсанд бўлиб, ичига тўлиб қолган сувнинг зилдай оғирлигига эса лаънатлар ўқиб, уни юқорига қараб сургаб кетишиди. Ҳамроҳлар қайиқни тўлқинларнинг навбатдаги тажовузидан асраб қолмоқ учун сургаб боришишти. Чарчаганлари, мадорлари қолмаганига қарамай сургашаверишди, ҳа, уни то қум уюмининг тепасига олиб чиқмагунларича сургайверишиди. Мағлуб бўлган тўлқинлар жаҳила оппоқ қумдан аламини оларди.

Довул ҳам ноиложлиқда қайиқ атрофидан айланар, чор-атрофга зир югуради. Мана, у сўнгги ўлжани юлқиб олди. У қайиқ тумшуғидаги елканчани шартта йиртиб, иккига бўлди. Илиниб қолган елкан лахтакларини юлқиб, хийла вақтгача туғ чинглиғ ҳилпиратди.

Сўнгра ўз йўлини ўзгартиб, яна шилдат билан бир ма-ромда денгиз сари өсаверди.

## 9 боб

Ит азобини тортган, кўзига дам олишдан бўлак нарса кўринмай қолган Стоун билан Берк қайиқни шу ерда ташлаб кетишга тайёр әдилар. Бироқ Нис уларга қичқириб, зарур ишни бажаришга мажбур әтди. У қайиқни юқорироққа, қум ўюмининг энг тепасига олиб чиқишини талаб қилди. Қайиқни кўзлаган ерларига олиб чиқаётib, ҳар тўхтаганларида у шерикларини қистаб, тўнғиллаб қўйишига тутинди. Бу ишларни ёлғиз ўзи бажаарди. Тумшуқдаги шамолда ҳилпираб турган елканча лахтакларини маҷтага ўраб, чандиб боғлади. Катта елканнинг кўндаланғлангарчўпини елкан кўтаргич арқон билан мустаҳкамлади. Бу матонат әмасди. Бу елканга иши тушиб ўрганиб қолган одамнинг беихтиёрий кўникмаси әди. Буни елканга иши тушиб одатланган одамгина тушунарди, холос.

Сўнгра улар қирғоқ ёқалаб, оқ қумга кўланка ташлаб турган қоя томон юришди. Соҳил шу ерда ярим ой шаклида чоғроққина қўлтиқ ҳосил қилганди. Қоя әса ана шу қўлтиқ узра муаллақ турганга ўхшарди. Қоянинг ости шамолдан пана әди. Ғақат унинг ув тортишигина әшитиларди. Жиққа ҳўл қумда аранг одимлаб, ён бағирнинг камгак жойига етиб боришиди. Бояги қоянинг шундоқ ёнгинасида мўъжазгина ўнгир бор әкан. Улар ана шу ерда қоқ балиқ еб, мешдаги сувдан ичишди, кейин ерга чўзилиб, уйқуга кетишли.

Эрталаб Стоун йўлга отланди.

— Бориб атрофни кўздан кечирай,— деди у.

Берк билан Нис жавоб беришмади, чунки улар ҳали уйғонишмаганди.

Стоун камарини ечди, филофидан «смит-вессон» билан қолган беш дона ўқни чиқариб, қурисин деб қумга қаторлаштириб териб қўйди.

Кейин қўлтиқни, унинг қирғоқларини кўздан кечирди. Қўлтиқнинг қирғоқлари ичкари томонда тик, денгиз томонга эса қиялаб бораркан. У қайиқни ҳам кўрди, қайиқ тенада, тўлқин етиб боролмайдиган қуруқ жойда ёнбошлаб ётибди. Стоун у ёққа бормади, балки орқага, ўзлари остидан паноҳ топган оппоқ қоя ёнига қайтди. Қоя ваҳшат солиб турар, ёнлари тик кесиб тушган, фақат бир томонигина поғонасимон эди.

Тепага тиккасига кўтарила, бироқ Стоун қийналмай чиқиб борарди. Жиққа бўккан иштони оёқларига ўралашиб халақит берарди-ю, лекин бу арзимаган гап әди. Стоундек паҳлавон одам учун эса бунақангি майдачуйда гапларнинг аҳамиятийи йўқ әди.

Негадир унинг наздида бу атрофлар кимсасиз, овлоқ жой, аҳён-аҳёнда кўзга ташланиб қоладиган тепаларни ҳисобга олмаганда, фақат қумлардан иборат бўлиши керакдай туюларди. У қоя тепасига кўтариларакан, худди ана шундай манзарани кўришни кутганди. Тепага чиқди-ю, ўша замоноқ қорни билан ётиб олди. Шундоқ таъкинасидан йўл ўтган, йўл ортида дарахт билан қопланган ён бағир юксалиб турарди, ундан сал нарида эса уйлар бодроқдай бодраган, дарахтзору токзорлар яшнаган, сийнасига йўллардан нақш чекилган ям-яшил, кенг водиј ястаниб ётарди.

Бир оздан сўнг у сал қаддини кўтариб, эҳтиётлик билан атросфга аланглади. У тоғ әтагидан бурилиб ўтадиган кенггина сой иккига бўлиб оқаётган қишлоқни кўрди. Ундан нарида денгиз қирғоғи чўзилиб кетганди. Худди ана ўша ерда тўрт бурчак шаклидаги атрофи ўралган майдонга кўзи тушди. Майдонга кўзи тушган заҳотиёқ у ернинг аэрордом эканини фаҳмлади. Стоун бир нафас ўй суриб қолди. Сўнгра аввалига вужудини чулғаб олган асаб хуружини енгди. У атрофдан кўз узмай, йўлида давом әтди. Стоун қоянинг қўлтиқ узра соябондек туртиб чиққан чеккасида нима гаплар бўлаётганини кўрмоқчи әди. У пастак буталарни нари-бери суриб, юқорига кўтарила бошлиди.

Кўз олдида қум тепанинг денизга тескари томондаги ён бағри намоён бўлди. Кейин ёш-ёш дарахтлар билан қопланган тоғ бағрини кўрди. Шундоқ рўпарасида тўрт санти-

метрли бофорс милини унга тўғрилаб турарди. Тирговуч оёқлари қум тўлатилган қоплар билан тўсилганди-ю, лекин узун мили олдинга чиқиб қолганди. Стоун шоша-пиша орасига ўгирилди. Қумда ёнбошлаб ётган қайиқнинг бир томонигина кўринаркан бу ердан. Аммо бофорс ёнидаги тўпчиларга яққол кўриниб турган бўлиши керак. У яна олдинга тикилди, қоплар панасидаги тўп яқинида пастак-пастак яшил чодирчаларни кўрди. Атрофдаги дараҳт шохларига нималар ёйиб қўйилмаганди дейсиз. Ўқ-дори солинадиган узун яшиклар қалашиб ётибди.

Стоун эҳтиёткорлик билан кузатарди. Эҳтиёткорлик унинг табиий бир хислати эди. Шошма-шошарлик ва саросима уига ёт эди. У самими жилмайиб қўйди. Тушиб қолган вазиятларининг нақадар ноқулай, нақадар даҳшатли эканини аниқ-таниқ тасаввур өтди. Душмандан яшириниб, шу ерда, мана шу қояда қорнини қумга бериб ётишга мажбурлиги,mall соч-соқоли патила-патила бўлиб, аъзойи бадани шўралаб кетган ўзидек давангирдай одамини, кейин тўп ёнида сояда ухлаб ётган немисларни кўз олдига келтирди.

У шу топда на ўз жонидан қўрқар, на хавф-хатар рўпарасида турганини ҳис әтарди. У фақат биргина нарсани: қаёққадир бемаврид ҳамда беҳуда ошиқмасликни, бафуржя, шошилмай олға юришни истарди, холос.

Стоун тағин бир бор пастга, Тимбаки аэроромига нигоҳ ташлади. У ердагилардан чўчимаса ҳам бўлади. Лекин тўпчилар хавотирили. Ишқилиб ҳамроҳларининг хаёлларига қайиқ олдига борамиз деган ўй келиб қолмаса бўлгани.

У енгил ҳамда дадил одим ташлаб қоядан тушиб келиб, соҳилга ўтди. Шу ерга етганда у Берк билан Ниснинг қайиқни кўздан кечираётганларини кўрди.

— У ёқда, тепада, тўп бор экан,— деди у оҳистагина.— Кўриб қолишади сизларни.

У ҳамроҳларини тунаган ўигирлари олдида кутиб турди. Улар етиб келишгач, тепадаги тўп, аэрором ва қишлоқ ҳақида гапириб берди.

— Танишишгида яна битта қайиқ топилармикин?— иштеҳзо-ла сўради Берк Ниедан.

— Шунинг ўзини тузатамиз кечқурун,— деди Нис.— Уни янайам берироққа сургаб келсак яхши бўларди.

— Қаттиқ шикаст етибдими?— сўради Стоун.

— Арзимаган гап. Олдинги иккита елканчасигина узилиб кетган. Уларсиз ҳам бемалол амалласак бўлади.

— Колганлари-чи?

— Лангарчўпни тузатсак бўлгани. Бунинг унчалик қийин жойи йўқ.

— Балки кечқурун шундайлигича йўлга чиқиб, бу ердан узоқроқда тузатганимиз маъқулдир?— деди Берк.

— Денгиз бунақангি безовта бўлиб турган пайтда мумкин эмас. Тинчигуница кутиш керак.

Берк тортишиб ўтирамади, зоро у гап қайиқقا бориб тақалганда Ниснинг ҳар томонлама устун әканини тан олганди. У буни тан олмасди-ю, илло Нисга нисбатан менсимаслик муносабати унинг қатъиятлилиги, фикр-мулоҳазасининг тиниқлиги қаршисида ўз кучини йўқотиб, қордай әриб бораради. Улар нам ўнгирда қоқ ерга ўтиришди. Учови ҳам ҳўл әнгилларини ечиб, офтобга ёйиб қўйишиди.

— Бу тайфун бўлса керак,— деди Берк, кечаги довул ҳақида.

— Йўқ, мельтеми эди,— жавоб қилди Нис.

— У яна қайталамайдими?

Стоун мешдан сув томизиб, лабларини намларди.

— Йўқ. Ўтиб кетди. Анбиёлар қиссанини ўқиганмисиз?

Стоун билан Берк Нисга тикилишди. Нимагадир иковларининг ҳам, ўйлаб-нетиб ўтирамай, Ниснинг диндор әмаслигига ишончлари комил эди.

— Нимагайди? Нима, бу фалокат ўшаларнинг ишими?

Стоун Беркнинг ана шундай масхараомуз оҳангда сўзлашини кутганди.

— Йўқ. Мен Эвроклидон афсонасини ўқиганман. Ушанда Павел ана шунақангি пўртана домига тушиб қолади.

— Худди шунақасигами? Ундаи бўлса, демак, биз иблиснинг чангалига тушиб қолибмиш-да.— Берк боягидай масхараомуз сўзларди.

— Бу мельтеми эди. Афсона эса — афсона.

Шу билан Нис суҳбатга чек қўйиб, аскарча әтигини еча бошлади. Бунақангি әтикни греклар сифати жуда паст бўлгани туфайли метаксасчилар әтиги дейишарди. Әтигининг тагчарми худди картондай ивиб кетган эди. Унинг тўсдай қоп-қора соч-соқоли Ўртаер денгизининг шўр сувидан пилта-пилта бўлиб, қиров боғлагандек оқарив кўринарди. Беркнинг майин сочию сийрак соқолигина бундайин ғубордан холи эди.

Довул тинган, ҳаво илиқ, қош қорайиб, тун киришини кутишлари керак. Қум солинган қоплар билан пана қилиб қўйилган замбарак кўз олдидан сира нари кетмаётган Стоун шерикларига қараганда ҳар қандай тасодифни кутиб олишга ҳозир эди. Бироқ, учовлари ҳам қош қорайини бир хилда интиқлик билан кутишарди.

Ниҳоят тун қора чодрасини ёйгач, улар қайиқ томон йўл олдилар. Қайиқни яна ҳам тепароққа сургаб чиқдилар. Кейин Нис ўз-ўзи билан грекчасига гўнгиллаб сўзлашган кўйи арқону ускуналарнинг парча-пурчаларини қидириш, йиғиб-теришга тушди. Бу ишни Нис бир ўзи бажаар, Стоун билан Берк фақат ушлаб туриш, бирон нимани унга узатиш ёки нари-бери суришда кўмаклашиб туришлари лозим эди, холос. Тун бўйи у арқон улаб чиқди. У арқонларни вақтингчалик енгил-елпигина улаб-тугарди. Аввалига чуваб, сўнgra бошқатдан тўқиб-эшарди. У чўрт узилиб кетган катта елканнинг арқонини чуваб, кўндаланг лангарчўпни маҳкамлаш учун яна битта қўшимча арқон эшди. Тумшуқдаги йиртилиб дабдаласи чиқсан елканчанинг байроқча бўлиб осилиб ётган лаҳтаклари билан арқонларни юлқиб олиб, узилиб кетган маҳкамлагичлар ўрнига ишлатди. У кўр ойдинда пайпасланиб, аммо моҳирона эпчилик билан бажаарди бу ишларни. Лариссадалигида уч йил мобайнода мудраб ётган тажриба-қўнималари ишга тушганди.

Кундузи ухлашди. Ҳар замон-ҳар замонда ўйғониб, тўлқинлар шовқинига қулоқ солиб, денгизга бир назар ташлаб қўйишаради. Зеро унинг тинчишини кутишарди. Кейинги кечаси Нис бошқа анжомларни кўздан ўтказди, тумшуқдаги кўндаланг лангарчўпни кўтариб, елканчаларни ўрнатди. Берк дарҳол уларни ўраб, маҳкам боғлаб қўйишига мажбур бўлди. Нис тонг оқара бошлагунга қадар тер тўқди. Шундай қилиб, әрталабга бориб ҳаммаси таппа-тахт бўлди.

Тепадаги тўпчилар пайқаб қолмаслиги учун тунда йўлта чиқишлиари мумкин эди, шу сабабли қоронги тушишини кутиб учинчи кунни ҳам офтобда исиниб ўтказишларига тўғри келди. Кун ниҳоятда иссиқ, тиқ ётган шамол йўқ, денгиз осойишта эди. Бутун эртани уйқу билан ўтказишиди.

Соҳилда ўн бир нафар тотенкопф пайдо бўлганида вақт пешиндан оғиб қолганди. Готенкопф ёки «Ўлик калла»— немис қўшинларининг маҳсус дивизияси. Унинг ас-

карлари қалла сүяги расми солинган темир қалпоқ кийиб юрадилар. Ана шу дивизиянинг бир неча бўлинмаси Тимбакида жойлашган. Ўн бир нафар немис аскарлари қоянинг погонасимон ён бағридан қумлоқ соҳилга тушиб келдилар. Худди шу аснода ўнгирга кираверишда мудраётган Нисни нимадир кўзини очиб, ўша ёққа бурилиб қарашта ундағандек бўлди.

— Немислар,— деди у ўша ёқдан кўзини узмай, ухлаётган шерикларни оёғи билан туртиб. Шериклари эса лаҳза ўтмаёқ унинг ёнидан жой олдилар.

— Оббо,— деди Берк. Унинг кўнгли беҳузур бўлди.

Стоун тўппончасини қўлига олиб, ўқларни жойлади.

Нис икковининг ҳам шаштини босди. Унинг ҳам худди Стоун сингари беҳуда шошиқлоқликни ёқтираслик одати бор эди. Бу ўн бир тотенкопф уларни ҳаёлига ҳам келтирмаётганини у ҳаммадан бурун фаҳмади. Улар бу ёққа бирорни излагани тушишмаган. Ана, бирори кўтариб олган уч оёқли фотоаппаратини қумга ўрнатди. Бошқалари дарҳол ечинишга тутиниши.

— Ҳа лаънатилар,— деб шивирлади Берк ғижиниб.— Ҷўмилгилари келиб қолибди-да.

— Қимирламанглар. Жим,— деди Нис.

Улар ғужанак бўлиб, қимир этмай ётишарди. Энгес Беркнинг эса кўнгли беҳузурлиги тобора ортиб борар, алланима бўғзига қадалаб келарди. Тотенкопфлар улардан беш юз одимча нарида өдилар. Фотоаппарат қўтариб келганидан бошқа ҳаммалари ечиниб бўлишиди. Уч киши шир-яланғоч бўлиб, сувга қараб юриши. Йккитаси чопиб бориб денгизга отди ўзини. Ҳаммалари бақириб-чақириб шовқин солишарди.

Бирдан улардан бири қайиқни кўриб қолди. У қирғоқда қип-яланғоч турарди, фақат бошида темир қалпоғи бор эди, холос; афтидан, немислар қалпоқларини ҳеч қачон ечмайдилар чоги. У икки шеригини чақириб, қайиқни кўрсатди.

Учловалишиб қум бўйлаб, астагина соҳилни ялаб-юлқаётган мавжларни шапиллатганча чопа кетиши. Стоун бирининг калта ҳилиб қирқтирилган сочини, оппоқ бадани, кураклари орасига пона қоқилгандай, офтобда қорайтган жойини аниқ-таниқ кўриб турарди.

Берк чидаёлмай қолди. Ўқчиғи зўрайиб, қусгиси келаверди. Одатда фақат бетоблиқдагина эмас, ўта ҳаяжонланиш, зўриқишидан кўнгил айниган дамларда бўлганидек,

Ўқчиғи зўрайди. У ўнгиронинг ичкарисига әмаклаб бордида, гужанак бўлиб олди. У шовқин чиқармасликка уринарди-ю, аммо бунинг эвини қилолмасди.

Стоун билан Нис унга өзтибор ҳам беришмади. Иккови ҳам соҳилдан чопиб бораётган бояги учала тотенкопфдан кўзини узмай, қотиб қолганди. Стоун хаёлида ўқчиётган Беркни сўкарди-ю, айни замонда заранг бўлиб кетган қумда излари қолмаганига суюнарди. Берк яна ўқчий бөшлагач, Стоун унга ўғирилашиб қаради.

— Сал секинроқ ўқчисанг-чи,— деди у. Бу гапни у одатдагидек андишали оғангда айтди.

— Ўқифингни әшитиб бу ёққа югуришади ҳозир,— деди Нис жаҳди чиқиб.

Тотенкопфлардан иккиси әнди нималар ҳақдадир ба-фуржа сўзлашиб, қайиққа қараб одимлаб боришарди. Етиб боргач эса қайиқ тўғрисида гаплаша бошлашди. Бу яққол кўриниб турибди. Бу орада кўнгил айниши ўтиб кетган Энгес Берк ҳамроҳлари қатида яна уларни кузата бошланган әди. Мана, учала тотенкопф тўсатдан қайиққа ташланишиди-ю, уни сургашга тушишди. Улар қайиқни қумда силтаб-силтаб, сувга қараб судрашди. Лекин сабрлари чидамади. Бунинг амри маҳоллигини кўргач тўхташди. Кейин улардан бири қўл силтаб, нари кетди. Колган икковлон яна ишга киришишди. Улар қайиқни йигирма ярда жойга сургаб боришди, бироқ сувгача ҳали эллик ярда бор әди.

Шунда иккинчиси ҳам беҳуда уринишни бас қилди. У қайиқни бир ўзи сургамоқчи бўлиб қайсарлик қилаётган учинчиси билан баҳсласиб қолди. Кейин иккинчиси шартта бурилди-ю, биринчиси кетидан фотоаппарат турган томонга югорди.

Охирги тотенкопф қайиқ учига тушиб, мачтани силкита бошлади. Берк у ҳақда ўйга толди. «Қизиқ, унинг онаси бормикан, бор бўлса ўғли ҳозир нима қилаётганини билармикан?— деган ўй кечди хаёлидан.— Негаки унинг сўнгги дақиқалари кечмоқда, бу ёққа тумшуғини суккан ҳар қандай одамнинг сўнгги дақиқалари бўлади. Уни Стоун ўзининг «смит-вессон»и билан гумдан қиласди, бошқалари ўқ овозини әшитиб қолса ҳамки, бари бир асфала-софилинга жўнатади».

Тотенкопф қайиқдан тушди. У арқонлардан бирини ушлаб, узиш ниятида тортиб-силкилай бошлади.

— Ҳа ҳайвон,— деди Берк овозини чиқариб.

Тотенкопф бошини кўтариб, қоя томонга аланглади.

— Бизни кўриб қолиши мумкин,— деди Стоун.

— Йўқ,— деди Нис.

— Тўғри шу ёқقا қараб турибди,— деди Берк.

Тотенкопф арқонни бор кучи билан тағин бир тортди.

Аммо у узилмади. Шундан сўнг у бурилди-ю, нари кетди.

У қоя тепасига қараб-қараб бораради, кейин пастга, нақ ўнгиро томонга қадади нигоҳини.

Тикилишидан учовлонни пайқамаётгани яққол кўриниб турарди.

— Бир шумликни ўйлаётганга ўхшайди бу ўлакса,— деди Берк.

Улар қимир әтмай ётишаркан, бу орада шерикларига етиб олиш учун югуриб бораётган тотенкопфдан кўзлари ни узишмасди. Фотоаппарати тотенкопф ҳуштак чалди. Ҳаммалари зумда кийинишиб, сафга тизилишганча, қоя ён бағридан юқорига кўтарила бошлаши.

— Ҳалиги бир нимани исини олди,— деди Стоун.

— Менимча йўқ.

Ниснинг ишонч билан сўзлаши шу топда яна ўқчиғи тутиб келаётган Беркнинг ғашига тегиб, бешбаттар зардасини қайнатди.

— Нимага тикилди бўлмаса?— сўради у Нисдан.

— Билмадим. Лекин бизни кўрмади. Агар кўрганида ҳаммалари ҳозир шу ерда бўлишарди.

Баҳс шу билан барҳам топди. Илло ҳеч бирлари қайтиб мижжа қоқолмади. Асаб зўриқишидан чарчоқлари чандон ортиб кетганди. Ниманидир кўтиб ётавериши. Нимани кутишяпти — ўзлари ҳам билишмасди. Тун киргунча нимадир содир бўлиши керак.

Соҳилдаги қоя ташлаб турган соя шарққа томон узая бошлаган бир паллада ҳаммаси чил-парчин бўлди-қўйди. Ҳавода оппоқ тутун булути пайдо бўлди. Кейин жизгинак иси димоққа урилди-ю, гумбурлаган зарбадан ер ларзага келди. Сўнgra яна бир-икки гумбурлади.

— Қайиққа қараб отишяпти.

— Ҳа, тўпга тутишяпти уни.

— Улар бизни кўришган.

— Тўпдан уришяпти.

Улар ётган жойларидан кузатишарди. Ҳамма иш адойи тамом бўлганини учовлари ҳам тушунишди. Улар оппоқ қумнинг чор атрофга қандай сочилганини ўз кўзлари билан кўриб туришди. Снаряд қайиқдан анча нарига тушди.

Мана, улар кутишяпти. Ҳалокат бир дақиқадан сўнг юз берди. Олдинига ер титраб-силкини, кейин кетма-кет гумбурлаш әшитилди. Ҳудди шу заҳотиёқ олдинма-кеин снаряд тўппа-тўғри қайиқقا келиб текканини кўришди.

Аввал қум фаввора бўлиб кўтарилди. Кетидан устмас уст гумбурлади-да, ёғоч-тахталарнинг қарсиллагани әшитилди. Қайиқ парча-парча бўлиб, қумга қоришиб кетди. Портлаш зарби билан парча-пурчалари бамисоли пардай кўкка учди. Ҳа, снарядлар уни тилка-пора қилди, патини титиб, сокин ҳавода тўзғитди.

Гум. Гум. Ҳамма-ҳаммаси тамом бўлди, қиёмат-қойим келди.

Ҳавода ҳамон қумтумани сузиб юрибди. Қайиқ турган жойда әнди йигирма етти футу тўрт дюйм келадиган, жаҳаннам дарвозасидай ваҳшатли ўпқон қорайиб кўринарди.

Эндиликда улар кўксиларини ҳар нарсага қалқон қилишга ҳам тайёр әдилар. Берк билан Стоун отилиб чиқмоқчи бўлишди. Уларни Нис тўхтатиб қолди. Жойларидан жилмасликка мажбур этди. У, бекорчиликдан эрмак қилишяпти, деди. Ҳамма нарса, ҳамма ерни вайрон қилишга ўрганиб қолган улар, деди. Тўп ёнига қўйилган бир ёш бола шумлиги тутиб, қайиқни пойлаган, холос. Бор гап шу, вассалом. Немислар ҳеч кимни кўришмаган, ҳеч нимани пайқашмаган. Бу елкан арқонини узмоқчи бўлиб уринган бояги темир калланинг иши. Қарашса, олдида тўп турибди, шундоқ бўлгач, қўли қичиб, бир отгиси келган-да. Вассалом, бошқа гап йўқ, деб тушунтириди.

Шу тариқа улар то қоронги тушгунча жойларидан жилмадилар.

## 10 боб

Бу ёғига нима қилишга ҳайрон әдилар. Шунда Энгес Берк бундай деди:

— Яна ўша балиқчilar қишлоғига бориб, бошқа қаниқ топамиз.

Шерикларидан эса садо чиқмади.

— Нима дейсизлар? — деди у. — Қайиқ топишимиз керак-ку, ахир.

— Лекин у ердан әмас, — жавоб берди унга Нис.

Бу сұхбат кечаси бўлаётган әди. Улар ҳануз ҷоққина ўнгирда ўтиришган бўлса-да, бу ердан зудлик билан жўнаб қолишилари лозим әканини яхши билишарди. Эртада бу атрофдан ғойиб бўлишилари, лоақал замбаракдан олисроққа кетишилари шарт әди. Лекин, йўл олдидан келишиб-гаплашиб өлишилари ҳаёт-мамотлари учун зарур ҳамда муҳим әди.

— Нимага энди ўша ердан топмас әканмиз? — Берк тагин тўнини тескари кийиб олди.

— Бир одамни икки марта ранжитиш яхши. әмас, — деди Нис.

— Менга қаранг, — деди Берк, — гап ҳозир бу ерда бир умрга қолиб кетишимиз ёки тезроқ жуфтакни ростлашимиз ҳақида боряпти.

Масалани ана шундай кўндалангига қўяркан, Беркнинг гапи рад этиб бўлмайдиган мантиқ ҳамда оқилона асосга әга әди. Модомики улар бир марта шундай қилган әканлар, бу ишни иккинчи бора тақрорлашлари зарур әди унинг наздида.

— Мен у ерга қайтиб бормайман, — деди Нис.

— Стоун, — деди Берк шоша-пиша. — Ахир ўзинг ҳам кўряпсан. Бошқа чорамиз йўқ-ку. Агар бу ердан тезда қорамизни ўчирмасак, кейин кеч бўлади.

— Биламан, — хотиржам жавоб берди Стоуни.

— Ўзинг айт унга.

— Йўқ. Эҳтимол, у ҳақдир.

— Ҳечам ҳақ әмас.

Нис Беркка хўмрайиб қараб қўйди.

— Нима дейтганингизни ўзингиз ҳам билмаяпсиз, — деди у зарда билан. — Қайифидан айрилса балиқчининг куни битди деяверинг. Агар бироннинг бошига шундай қулфат тушса, бутун қишлоқ унга ёрдам қўлини чўзади. Бугун бир қўшниси унга қайигини бериб турса, эртасига бошқаси, шу тахлит навбатма-навбат ҳаммалари ёрдамлашишади. Борди-ю қишлоқда бунинг устига тагин битта қайиқ камаядиган бўлса — ҳаммаларининг ҳолига маймун йиглайди. Унда жуда ошириб юборамиз. Шунинг учун мен бундай қидолмайман.

— Ҳозир бунаёнги нозик томонларини ўйлаб ўтирадиган пайт әмас, — деди Берк.

— Мен ўз виждонимга қарши иш тутолмайман. Ҳўш, нимани истайсиз ўзи?

— Билмайман. Лекин аҳволимиз ғоятда мушкул.

— Тушуммадим.

— Қийин аҳволга тушиб қолдик, демоқчи,— Нисга тушунтириди Стоун. Кейин Беркка мурожаат қилди:— Бизга-ку бари бир-а. Лекин уни тушуниб турибман. У иккинчи марта қайиқ сўраб боролмайди у ёққа, юзи чидамайди. Йинайкейин, ҳозир у ерни сергаклик билан кузатишашётган бўлишса керак.

— Бари бир. Биттагина йўл бор: ё бироннинг қайиғини олишимиз, ё шу ерда қолишимиз керак, вассалом.

— Бошқа йўли ҳам бор.

— Бўлса айтсинлар, қулогим ўзларида,— деди Берк.

— Ҳозирча буни ўзим ҳам билмай турибман,— жавоб берди Стоун.

— Қани, қишлоқлар томон жўнадик,— деди Нис.— Қоринни ҳам бир иложини қилишимиз керакдир?

— Ҳўш, бу борада виждонлари озор чекмайдими ишқилиб?

— Хижолатпазлиги тушунарли,— деди Стоун мулоҳимгина, тортишувга чек қўйиш ниятида.

Энгес Берк икки томонлама зарбага учраганди. Ўзи чинакамига учлик чиқиб қолдик, аммо мен ҳамиша шахсий фикримда қоламан. Бу икковининг мияси бир хилда ишлайди. Қутулиб кетишимизнинг яккаю ягона чораси шу бўлгандан кейин, бунақангичирик нарсаларга бош қотириб ўтиришга бало борми. Борди-ю ҳозир қишлоқни немислар босиб кетган чоғдаем, таваккал қилиб кўриш керак. Қаерда қайиқ борлиги маълум. Демак, ўша ёққа бориб, қайиқ топиш даркор, гап тамом.

— Агар билмаганимда, балки мен ҳам бошқача қарапидим бунга.— Бу гапни Нис гўё Беркни оқлаётгандай бўйлиб айтди.

— Нимани билмаганингизда?

— Агар сизларнинг юрtingизда бўлганимда мен ҳам бу масалага худди сиэга ўхшаб қарапдим.

— Буни нима фарқи боракан?

— Катта фарқи бор.

Ўз мағлубиятини тан олган Беркнинг нафаси ичига тушиб кетди.

Улар тонг отмасдан бурун оқ қояга энг паст жойидан чиқиб, кейин Стоуннинг орқасидан атрофини тог ён бағри

ҳалқадек ўраб турған қишлоққа туша бошлашди. Тимбаки аэророми яқин бўлгани сабабли муттасил тепаларидан самолёт ванғиллаб ўтиб турди. Стоун шерикларини ўзига хос хотиржамлик билан дадил эргаштириб борарди-ю, лекин унинг қаёққа бошлаб кетаётганини ҳеч қайсилари аниқ билмасди.

Беъмани иш қилаётгандаридан Берк ҳанузгача жаҳлдан тушмаган, бироқ айни вақтда у ҳайрон ҳам әди. У Стоуннинг бунчалик хотиржамлиги, умуман камгаплиги, Нис билан ўзи орасида қалқонлик қилаётгани тўғрисида ўй суриб борарди. Унинг бу қадар оғиркарвонлиги Беркнинг ғашига тегиб аччиғини келтиради. Мана, улар қай гўргадир кетишияпти, қаергалиги жумбоқ, ишқилиб темир каллалардан олисроққа. Э жин урсин! Ҳўш, бундан нима фойда? Нима? Нима? Нима? У секин-аста Стоун аввал бошданоқ пайқаган нарсани тушуна бошлади: олдиндан ўйлаб-пишишиб олинган қочиш режасини худди ўйлангандай аниқ амалга ошириб бўлмас экан. Зоро, мана ўзи ҳам кўриб турибди, улар шундай йўл тутишияпти, бунинг оқибатида шунчаки яширинадиган жойларинигина ўзгартишияпти. Ҳозир ҳеч қанақанги режа-пежасиз ҳаракат қилишияпти. Энгес Берк, бошқа қайиқ топиш учун Спаданинг ҳузурига борсак тўғри иш қилган бўлардик, деб ғижинарди.

Стоун Беркка ўхшаб на аччиғланди, на умидсизликка тушди. Ҳозирги ҳолатлари унинг учун фақат мажбурий чекиниш. Улар бу гал мағлуб бўлдилар, шу сабабли ўзларини кейинги сафаргача асрашлари керак. Бу зарурат. Стоун эса сабр-бардошли одам.

Нис учун бунинг аҳамияти йўқ әди. Кетадими ё қоладими — муҳими бу эмас. У Мисрга бориб олмоқчи, холос. Аммо у ёқларга қочиб борган чоғида ҳам чинакам најжот топишига кўзи етмайди. Илло бевосита ҳал қилувчи жанглар кетаётган жойда бўлишни истайди. Уни ўша ёқларга боришига ундаётган нарса шу. Бу ерда, Критда бевосита жанг кетмаяпти, урушнинг қандай тугаши, пироварди ташқаридаги воқеаларга боғлиқ. Йўқ. Йўқ, йўқ. Очиқ-ошибкора ҳаёт-мамот жангни бораётган жойда бўлгани маъқул. Бу писиб туриб кетга тепиб қолишдан минг бора яхшироқ. Бу ердаги кураш эса шундан нарига ўтолмайди. Бу олишув жўн бўлса-да, ҳар қалай табиий эканини фаҳмларди у. Лекин бу ердагиси ҳал қилувчи жанглар эмасди.

Улар шу тариқа кетиб боришарди.

Стоун тўхтамай бошлаб кетяпти. Қишлоқларни айла-

ниб ўтиб, чекка-чеккадан кетишяпти. У то тонг ёришгунича йўл босди. Бу атрофларни кеча қоя чўққисида туриб кўздан кечирганидан ортиқ билмасди, бироқ у тўғри кетаётганига қатъий ишонарди. У шерикларини Тимбакидан жанубга қараб бошлаб бораркан, Астерус тоғ тизмасига нисбатан параллель юришга ҳаракат қиласарди. Улар Мессара водийсига қараган ён бағирлиқдан гоҳ пастга тушиб, гоҳ тепага кўтарилиб илгарилаб боришар, лёкин текисликка яқин йўлашмасди. Денгиздан олислашган сайнин ён бағирлиқда ўсган дов-дараҳтлар қалинлашиб боряпти. Мана, ниҳоят, қалин чинору заранглар билан қопланган ерга етганларида Стоун юришдан тўхтади.

— Энди тўхтасак ҳам бўлади,— деди у.

Бу орада тонг ёришиб қолганди.

Учовлари ҳам индамай ўтиришиди.

— Ҳўш, бу ёғи нима бўлади?— дея гап бошлади Берк.

— Сиз нима деб ўйлайсиз?— сўради ундан Нис.

— Мен шундай деб ўйлайман, яна ўша қишлоққа бориб, қайиқ топишимиз керак.

— Бас қил,— деди Стоун.

Шунда Берк ўзини тутолмай қолди. Кўпдан ичидагу пуриб келаётган зардоб сиртига тошиб чиқди.

— Менга қаранглар,— деди у,— икковларингни ҳам жин урсин. Мен ўша қишлоққа бориб, қайиқ оламан. Бирга борасизми мен билан? Ҳами ё йўқми?

У туриб, бошмоғи тагига ёпишиб қолган ҳўл баргларни олиб ташлай бошлади.

— Йўлни топаман амаллаб,— деди у.

— Йўлни-ку топасан-а,— деб қўйди Стоун сўзларни чертиб-чертниб.

— Ҳа, топаман. Қайиқни ҳам амаллайман, уддасидан чиқолмайди деб ўйламай қўя қолинглар.

— Нима қилмоқчи бўлаётганингизни ўзингиз ҳам тушумаяпсиз.— Бу гал Нис мағлуб бўлганди.

— Ҳаммасини тушуниб турибман,— деди Берк.

— Йўқ, тушумаяпсиз,— деди Нис.

— Сизга бари бир,— сўзини давом эттириди Берк.— Сиз, сирасини айтганда, деярли ўз уйингиздасиз. Илло мен бу ерда қолишни истамайман. Қайиқсиз эса бу ердан кетиб бўлмайди.

— Аҳдинг қатъийми, Энгес?— Стоун унга игнанинг кўзидеккина раҳна очиб берди.

- Ҳа.
- Унда бошқа жойдан топишга уриниб кўриш керак.
- Қаердан? Бошқа жойнинг ўзи йўқ-ку,— деди Берк.—  
Буни ўзинг ҳам яхши биласан.
- Эҳтимол,— деди Стоун истар-истамас, тўғри жавобдан ючиб.
- Қайиқни қайси қишлоқдан олма, бари бир оқибати бир-ку,— деди Берк Нисга.
- У ердан битта қайиқни олиб бўлдик,— деди Нис.
- Нима аҳамияти бор буни?— Энгес Берк тобора ту-тақиб борарди.
- Унақанги қишлоқча учун катта аҳамияти бор.
- Сира тушунолмай қолдим. Ҳали уларга немислар тикилсин, унда бу ҳолва бўлиб қолади. Улар раҳм-шафқат қилиб ўтиришмайди. Шундоқ бўлгач, сипогарчиликка ҳожат бормикан.
- Бари бир бу ишда сизга ёрдам беролмайман.
- Э қўйинг-э. Лоақал ўша ерга борайлик. Балки қа-ердан қайиқ топса бўлишини маслаҳат беришар. Балки бирон чораси топилгунича ўша ерда тура турамиз.
- Орага узоқ жимлик чўқди.
- Нимаям дердик, шундай қиласа бўлади чоғимда,— шошилмай, иккита гансимон деди Стоун Нисга.
- Нис елкасини учирив қўйди. Ўзга иложи ҳам йўқ әди. Буни ўзиям кўриб-билиб турар, бўлак бирон чора-тадбирни ўртага ташлаёлмасди ҳам. Қайиқ масаласида гарчи шериклари унинг ҳолатига тушунмаётган бўлсалар-да, Нис ҳамроҳларининг шу топдаги ҳису фикр-ўйларини фаҳмлаб турарди. Битта қайиқ йўқотиш билан иккита қайиқдан ажрашининг Сирносга ўҳшаган қишлоқча учун жуда катта фарқи бор. Лекин Берк, темир каллалар раҳм-шафқатни билмайдиган жойда сипогарчилик қилиб ўтиришнинг нима ҳожати боракан, деркан, у ҳақ.
- Башартики қон тўқиларкан, ё уни ичмоқ, ё оламдан кўз юммоқ керак,— дея бу ҳикматли сўз ёдида қандай сақланиб қолган бўлса ўшандайича гудранди у грекчалаб.
- Нима?— деб сўради Берк ундан.
- Грекларнинг гапи бу.
- Хўш, борасизми, йўқми?— қатъий сўради Берк.
- Нис яна елкасини учирив қўйди.
- Бораман. Лекин қайиқдан оғиз очмайман.

— Майли, майли, кетдик,— деди Берк ва сабри чидамай, тағин сўзларидан қайтиб қолишмасин, деб хавфсираётгандай, ошиғич йўлга тушди.

## 11 боб

Уларни кўзлаган манзилга олиб боришни Стоун ўз устига олди. Гарчи йўл серодам Мессара текислиги бўйлаб ўтса-да, кечасию кундузи юраверамиз, деди у. Кундузи, хавф яққол таҳдид қилган жойлардагина тўхташарди. Кечалари эса мутлақо тўхтамай йўл босишарди. Стоун бу орада ғоятда ўткирлашиб кетган сезги-туйғуси раҳнамолигида аниқлаб бораарди йўналишни. Қанчалик қийин йўл танланган бўлмасин, у бирон марта ҳам адашмади.

Ниҳоят улар Мессарани кесиб ўтиб, яна шимол ёққа бурилиб, ўзларини Ида панасига олдилар. Кичик-кичик тоғли қишлоқларга ҳатто кундуз кунлари ҳам кириб ўтишга ботинмадилар.

Аммо бир куни Саросга бориб қолдилар, бу бошқаларига қараганда каттароқ қишлоқ әкан. У ерда қаҳвахона бўлиб, ҳамроҳлар буни кечроқ пайқадилар. Қишлоқда қаҳвахонанинг бўлиши эса яхшилик нишонаси әмасди. Чунки қаҳвахона фақат катта қишлоқлардагина учради. Катта қишлоқларнинг барида эса немислар борэди.

Улар тош йўлдан сергак юриб бораверишди. Илло кўчада сартарошни кўриб қолганларида жуда мушкул аҳвол рўй берди. Сартарош тўғридан-тўғри йўл устида оқ кийлак кийган бақалоқ бир критликнинг сочини олаётган әди.

— Менга ана шу керак әди-да ўзиям,— деди Берк шерикларига... У шивирлаб гапирди, зоро ҳамроҳлар сартарошга жудаям яқин бориб қолишган әди.

Критлик қаҳвахона деразаси таккинасига қўйилган курсида ўтирап, сартарош эса чап қўли билан унинг бoshини совунлаб, ўнг қўли билан қиртишларди.

— Нима дейсизлар?— сўради Берк.

— Манави тўғрисидами?— деди Стоун чаккаларини пийпаслаб.— Менга қолса қарши әмасман.

— Ҳақига нима берамиз!— сўради Нис.

— Аввал соқолни олсин, у ёги бир гап бўлар,— деди Берк.

- Балки устарасини бериб турар,— деди Стоун.
  - Билмадим-ов,— деди Нис заҳархандалик билан.
  - Унга майиз таклиф қилиб кўрамиз,— деди Стоун.
  - Ўзларингни тутиб бермоқчимисизлар дейман.
  - Ҳечқиси йўқ. Таваккал,— деди Стоун илжайиб.—  
Бўлганича бўлар.
  - Яхши,— деди Нис.— Унга тушунтиришга уриниб кўраман.
  - Қанақасига тушунтирилади?— шивирлаб сўради Берк.
  - Амаллайман,— жавоб берди Нис.
- Оламда севилиялик сартарош, ўн еттита мижъзинийнг бошини кесиб олган Гиббонс деган сартарош ҳам ўтган экан; сартарош — Жазоир қироли, шунақаси ҳам бўлган. Буниси ҳам худди ўшанақангি сартарошлардан кўринади; мана, унга уч әркак кўндаланг бўлди: бири —mall, новчадан келган, алп келбат, чорси башара; иккинчиси — паст бўйли, соқоли устара ўтмайдиган, нақ тиканақдек қаттиқ; учинчиси —тиқмачоқдай, юм-юмaloқ деса ҳам бўлади, соchlариям нозик ва майн.
- Калимера,— деди Нис сартарошга.
  - Калимера,— жавоб берди у. Кўзига тухумсимон шишали кўзойнак тақиб олган, сфакиялик деҳқонларга ўхшаб кетарди. Критда сартарошлар абадул-абад дайдиб, кўчиб-улоқиб юради. Бу ерлардаги аҳоли орасида сира қўним билмайдиган, ҳамиша серташвиш одам — бу сартарош.
  - Хизмат,— деди у бошини кўтариб қарапкан.
  - Шу, соқолимизни олиб қўйсалар,— деди Нис.
  - Бир нафас сабр қиласизлар, ҳозир бу кишидан бўшайман,— деди сартарош.

У критликнинг сочи қиртишланган бошига тағин соувун суркай бошлади. Қўлидаги сербар инглизча устарасини чапдастлик билан ишга солди. Учовлон жимгина унинг ишини кузатиб туришарди. Мана, у бошни қиришни тугатиб, чаккасини, гарданини қирди, устараси критликнинг ияги бўйлаб икки маротаба бориб-кеяди. Кейин устарани кафтига суртиб, икки бувлади-да, дағал матодан қилинган филофасига солиб қўйди. Қўли билан мижози бошини сийпаб қўйиб, иш битди деди.

Оқ кўйлакли қария ўрнидан туриб, уч йўловчига бирма-бир разм солди. Сочи ярқиратиб қиртишланган бошини силаб қўйди. Сўнгра чоққина картмонини ковлаштириб

бир нечта сариқ чақа — дирхамни чиқарди. Бирпас тай-  
саллаб тургач, ўгирилиб, қаҳвахонага кириб кетди.

— Бизлар Диктеданмиз,— деди Нис мулоимгина.

— Ласитида қор әриб битгандир.

— Ҳа. Лекин ёнимизда майдамиз йўғийди-да.

— Умуман ҳеч вақоларинг йўқми?

— Битта халтачада майизимиз бор.

— Учовингларни соқолингизни олиб қўйишим ке-  
ракми?

— Ҳа.

— Қани ўша майизларинг?

Нис шу аснода Стоунга мурожаат қила олмасди, майиз  
солинган тўрвачани эса у камарига осиб олганди. Нис  
унинг қўлини суриб, тўрвачадаги майда-майда доначаларни  
пайпаслаб қўйди. Сўнгра Стоунга имо қилганди, у кама-  
ридаги тўрвачани ечди.

Сартарош тўрвачанинг оғзи бўғилган ипни ечиб, ичи-  
га қаради. Бир дона майизни олиб, оғзига ташлади-да,  
уруг-пуруги билан ютиб юборди.

— Гаъмидан Юктаснинг узумига ўхшайди.

— Ласитиники, жойи Кастеллага яқинроқ,— деди  
Нис.

— Учовингларникини олиб қўяманми?— такрор сўра-  
ди сартарош тўрвачани ушлаб турган қўйи.

У Стоун билан Беркка мурожаат қиларкан, иккови-  
нинг бетига тикилди. Шу пайт Энгес Беркнинг хаёлидан:  
операда куйлаяпман-у, ҳозир мени ҳуштак чалиб, шарман-  
да қилиб саҳнадан қувиб-солишади, деган фикр кечди.

— Булар мусулмонлар,— деди Нис, ҳамроҳларининг  
нима сабабдан чурқ этмай, бақрайиб турганларини ту-  
шунтираётган бўлиб.— Дарвешлар. Улар туркча гапири-  
шади.

— Уларга Кастеллада кўзим тушгандай,— деди сар-  
тарош.

— Худди шуларгами?

— Ахир улар қўёшли кўрганларида бош кийимларини  
олишадими ўзи?

— Ҳа.

— Демак, шуларни кўрганман,— деди сартарош ишонч  
билан. У майизли тўрвачани ушлаб тураркан, хаёли нақ  
тиканакдек бодраган қаттиқ соқолда эди, кейин учов-  
ларига қараб жилмайиб қўйди.

— Майли, манави малла биринчи ўтира қолсин. У

жуда яхши әсимда. Ҳарбийлар ўйини — пиррихийни қотириб ташлаганди ўшанда.

Нис Стоунга курсига чўкишни ишора қилди. Стоун ўтираётиб, «смит-вессон»нинг биқинига ботганини сөзди. Оғирлигидан тўқима курси букилиб-эгилиб кетди. Сартарош кўзойнагини ечиб, гилофчадан учи тўмтоқ қайчисини чиқарди. У Стоуннинг соchlарини чангдлаб, бармоқлари орасидан чиқиб турганини чилпишга тушди. Стоун ўтирган, жойида Беркка қараб қўяркан, ёпинчиқ чакмони остидаги, бўйнига осиб олган шахсий аскарлик нишонини кўриб қолди. Кун иссиқ бўлиб, Берк гарқ терга ботганди.

— Мен доимо буларни сал думбулроқ санаб келгандман,— деди сартарош Нисга.

— Бу ҳар кимнинг қарашига боғлиқ, ҳар ким ҳар хил ўйлади.

— Мабодо сен ўзинг ҳам мусулмон әмасмисан?

— Ота томонимдан шундай. Лекин мен онамнинг динидаман.

— Менимча, ота-онанинг дини бўлса ҳар қандай дин, ҳам ҳурматга лойиқ.

— Ҳикматли сўзлар,— деб қўйди Нис.

— Сен ҳам Диктеда жанг қилганимисан?

— Кимлар урушяпти ўзи? Менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ.

— Ласитида инглизлар италияликлар билан ҳалиям жанг қилиб ётишибди. У ёқларни, Ласитининг машриқ томонини ҳозирча қўлларида сақлаб туришибди.

— Бу гапларни энди әшитётганим. Ҳўш, ростакамига қаттиқ жанглар бўляптими ёки шунчаки тўқнашувларми?

— Ростакам жанг.

— Мен, ҳаммаси аллақачон тамом бўлган, деб юрибман,— деди Нис.

— Йўқ. Инглизлар яхши жанг қилади. Ҳали-вери у ерни қўлдан чиқаришмайди.

— Буни билмаган әканман-а,— такрорлади Нис.

— Айтишларига қараганда, диктеликларнинг ўзларигам темир каллаларга зарба бериштётганишиш.

— Оз-оздан,— эҳтиёткорлик билан жавоб қилди Нис.

— Бу ёғига кўпроқ бўлади,— деди сартарош.

Шу тариқа сўзлашиб сартарош Стоуннинг малла соқолини қайчилайверди. Кейин мўй чўткасини тош кўзадаги сувдан ҳўллаб, зайдун мойидан ишланган жўнгина олқин-

ди совунга суркади-да, Стоуннинг сарғимтир-қизгиш чаккасини ишқай бошлади. У совунни шошилмай бафуржа суркарди. Сўнгра кўзойнагини тақиб, устарани тасмага суркаб чархлади. Соқолни қиришни чаккадан әмас, ҳамма грек сартарошлари каби ияқдан бошлади. У Стоуннинг соқолини уч мартта қириб, кейин сочини текислашга тутиди.

— Мана, бўлди,— деди у Стоунга грекчалаб.

Нис Стоунга қараган әди, у ўрнидан турди.

Энди сартарош Энгес Беркка ўтди. Юқоридаги ҳаракатлар тақрорлаиди. У ҳафсала билан, ошиқмай, Беркнинг ғарқ терга ботгакига қарамай, енгиз чакмонига бурканиб ўтирганига ҳам парво қилмай, ишини давом эттираверди. Берк чакмонини еча олмасди, нега деганингида, шаксий белги-нишони ҳанузгача бўйнида осигуриқ турган әди. Сартарош ҳозир индамай, уларни гапга солмай ишлайтган әди. **Фақат бир мартагина:**

— Буниси ҳам эсимда, у хотин бўлиб ўйнаганди ўшада,— деб қўйди Нисга.

Нис жиддий қиёфада бош иргаб қўйди-ю, бироқ сартарошнинг гапи унда Беркка нисбатан истеҳзоли бир ачишиш ҳиссини уйготди.

Нис билан Стоун кутиб туришаడкан, кўчада нималар бўлаётганини кузатишарди. Бир гал ёнларидан юқ машинаси ўтиб бориб, сал нарироқда тормоз берди. Ҳамроҳлар бу машинадаги грекларнинг белгисини кўриб таажжубландилар.

— Унда Метаксаснинг руҳи ўтирганга ўхшайди,— деб қўйди сартарош.— Бензин топиш ҳозир анқога шафъе. Темир каллалар эса метаксасчиларга бензин берадиган анонилардан әмас.

Нис индамади. Сартарош Беркнинг соқолини олиб бўлди, унинг таранг, офтобда қизаринқираган юzlари нақ йилтиллаб кетди.

— Булар етти авлодларига етгулик бойликларни ўмарib олишган,— деди сартарош Нис курсига чўkkанида.

— Тўғри,— деди Нис алмисоқдан қолган машинадан тушаётган одамларни фаромушлик билан кузатаркан.

— Смиросда темир каллалар омборхоналардаги ҳамма мойни олиб кетишиди. Мен ўша ерда әдим.

— Зайтунни-чи?

— Униям. Бир йилгача одамларнинг кунига яраши мумкин әди.

— Ҳеч ким чурқ әтмадими?

— Беш чоғли киши бир неча бочка мойни тўкиб ташлашибди.

— Кейин нима бўлди.

— Уларни отиб ташлаши. Дафнияда темир каллалар бутун ҳосилни урвогини ҳам қолдирмай ташиб кетишиди. Буғдой ўн бир йилдан бери бунчалик бўлиқ бўлмаган экан. Сенга битта гапни айтиб қўяй. Темир каллалар бирорта ҳам қайиқни, бир дона ҳам мевани қолдирмай, ҳамма-ҳаммасини тортиб олишяпти. Локин ҳамма жойда ҳам иш хамирдан қил суғургандай осонгина битаётганийўқ.

— Ростданми?

— Рост. Водийда тинчгина ўтаяпти. Нега деганингда, у ернинг аҳолиси ҳеч қачон ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилолмаган. Лекин Оқ тоғ ёки Диктеда иш бошқача. Айтмоқчи, сен Диктедансан, буни ўзинг ҳам биласан-ку, ахир.

— Тўғри. У ерда булар осонликча иш битиришолмайди.

Сартарош шу топда нақ типратикан игналаридаи қаттиқ соқолни қирмоқда әди. У соқолни қиртишларкан, ёш, навқирон, аммо кексалардай ажин тўр ташлаган, ғайрат уфуриб турган чеҳрани, ақл барқ уриб турган, деярли мижжа қоқмай тик боқувчи нигоҳларни кўрди. У Ниснинг соқолини ҳафсала билан, чип-чиннидай қилиб олди. Кейин тикилиб қараб, бу учала ғалати одамнинг шу аснодаги янгиҳа қиёфасини кўриб ўзи ажабланди.

— Мана, иш битди,— деди сартарош.

— Афсус, хизмат ҳақингни майиздан бўщқа нарса билан тўлаёлмаймиз.

— Майиз ҳам жуда ажойибидан экан.

— Катта раҳмат сенга.

— Агар ўўлга тушадиган бўлсанглар, Сфакия соҳили ва Мессараға борманглар. У ёқقا борадиган ҳамма ўйлару бутун қишлоқларда меҳмонлар гужфон ўйнаб ётишибди. Кичик инглизларни ахтариб юришибди.

— У ёқларга бормаймиз,— деди Нис.—Адио, дўстлигимизни қабул эт.

— Бажону дил. Манави мусулмонларга айтиб қўй, мен ўйинни бунақанги қотириб ташлайдиган раққосларни умрим бино бўлиб кўрмагандим.

— Хўп, айтаман.

Сартарош майиз солинган тўрвачани курси суюнчиғига илиб қўйган жойидан олди-да, Стоунга узатди. Нис эътиroz билдириди, ў фақат мулоzимат юзасидангина бундай қилмаётган эди. Сартарош кўзидан кўзойнагини олиб, кулади.

— Хурсандман,— деди у.— Мана шунақанги одамларни жуда ҳурмат қиласман. Адио.

— Адио,— деб жавоб қилишиди уч ҳамроҳ.

Сўнгра Сароснинг бош кўчасидан аста-секин юриб бориб, яна тоғ ичкариликларига кириб кетишиди.

Улар Иданинг яланғоч ён бағрига чиққанларида Берк шундай деди:

— Жуда қойиллатдингиз-да.

— Унга нима дедингиз?

Шунда Стоун Ниснинг кўзларида биринчи бор кулги учқунини кўрди.

— Сизлар тўғрингизда гапирдим. Сизларни дарвешлар дедим.

— Критда дарвешлар нима қиласди?

— Бир замонлар бу ерда бўлишган улар. Диктеданмиз, дедим унга.

— Шу гапга ишондими у?

— Мен патрас лаҗжасида гапираман. Сизларнинг ким эканликларингни дарров пайқади у.

— Пайқаса-пайқар, ишқилиб оғзидан гулламаса бўлгани,— деди Берк.

— Ундай қилмайди. Айтишича, сизларни ўйин тушганларинг жуда ёқиб қолибди унга. Айниқса сизнинг хотин бўлиб ўйнаганингиз яхши эсида қолганмиш,— деди Нис Беркка овозини ўзгартмай, бир хил оҳангда.

— Қанақа ўйин?

— Дарвешлар ўйини, зикр тушиши-да. У сизни қачондир Кастелла яқинида кўрган экан.

Берк кинояомуз жилмайди. Стоун хаҳолаб кулиб юборди. Энди улар бир-бировлари билан эркинроқ муомала қила бошлаган эдилар. Соқоллари олиниб, соchlари тартибга келтирилгач, кайфиятлари очилиб, асли ҳолларига қайта бошлагандилар.

Стоун Беркни майна қилиб, анча маҳалгача кулиб борди. Улар хотиржамлик билан йўлларини давом эттириб, эртасига қечқурун Спаданинг қишлоғига етиб қолишиди.

## 12 боб

Улар қишлоққа мағриб ёқдан кириб боришлари керак әди. Ўтган гал шимол томондан тушиб келишгандай әди. Майданда бутазорлар билан қопланған Сулия тоги ён бағирлари күзгә ташланғач, улар қаерга етиб келишганини аңглашди.

Берк атрофга аланглаб, ҳали анча юрамизми, деб сүради Стоундан.

— Қайдам,— деди Стоун.— Менимча, яқин қолған бўлса керак.

— Гўппа-тўғри қишлоққа қараб тушиб боряпмиз,— деди Нис.

— Билмадим-ов.— Стоун иккиланаётган әди.

— Соҳилни қоралаб бораверамиз,— деди Нис.

Улар олдинда күзгә ташланиб турган иланг-билинг соҳилни ёқалаб юришга ҳаракат қилишарди.

Кичикроқ бир тепани ошиб ўтиб, қўйқисдан шундоқ кўрфазнинг тепагинасидан чиқиб қолишиди. Улар баланд қирғоқда туришар, пастда, оёқлари остида ястанган кўрфаз бошдан-оёқ намоён бўлганди. Аммо у ерда нимадир етишмаётгандай туюларди.

— Бу ўша жой әмас,— деди Стоун.

— Худди ўша жойнинг ўзгинаси.

— Нимадир ўзгариб қопти,— деди Берк.

Суви қуриган сойлик жойида турибди-ю, бироқ қишлоқ кўринмайди. Тўғри, қияликдаги сўлим манзара касб әтган чоғроққина қарагайзор бир томонни тўсив қўйған, лекин улар, ҳар қалай, оппоқ соҳилни, мовий тош йўлнинг бурилишини таниб туришибди. Қишлоқ эса йўқ, ғойиб бўлиби.

Яқинроқ бориб қараш мақсадида улар қияликдан пастга туша бошладилар.

— Жин урсин,— деди Берк.

— Ҳаммасини дабдала қилишибди-ку,— ажабланди Нис.

— Нималар қилишибди-я, қаранглар,— деди Стоун.

Улар тагин пастроққа тушишиди. Сирнос қишлоғи ўрнида вайроналар айқаш-уйқаш бўлиб ётибди. Ҳаммаси ер билан яксон қилиб ташланибди. Кўкиштоб тош йўлгина қолибди. Қаёққа қараманг, тошу тупроқ, ахлат, култепа — ўзга нарсани кўрмайсиз. Улар йўлга тушиб келишиб, тўхтаб, ана шу дўзахий вайроналарга тикилиб қолишиди.

— Ҳаводан бомбардимон қилишибди,— деди Берк.

Эҳтимол шундай бўлгандир. Негаки ўн беш уйнинг барни уюм-уюм ахлат бўлиб ётибди. Бу уюмлар, қирғоқча урилиб чор атрофга сочилган улкан тўлқинлардай, ҳамма ёқда сочилиб ётибди. Ям-яшил қиялик ҳамда кўкиштоб тош йўлнинг оппоқ тошу ахлатлар сочилган жойлари оппоқ оқариб кўринади. Денгиз ёқаларида, йўл бурилишида, катта-кичик ҳажмдаги тошу тош парчалари уюми оқариб ётибди. Ёғочу тахтадан ном-нишон йўқ. Ҳатто куйиги ҳам қолмабди. Уйларни, гўё тухумни болға билан чаққандай, янчиди ташлашибди. Бу вайроналарни чулғаб олган сукунат борлиқ оламни ютиб юборгудай.

Сурбетона сокинлик.

Йўл ёқасида устун қаққайиб турибди, унга ёзувли оппоқ тахтача қоқиб қўйилган. Ҳамроҳлар ўша томонга юришиди. Нис вужуди диққатга айланиб ёзувни ўқишига тушди. У ёзувни грекчалаб, овозини чиқариб ўқиди, кейин ўгирилиб:

— Қишлоқни ўшалар вайрон қилишган,— деди.

— Нима деб ёзишибди бунда?— сўради Стоун.

Улар тарвузлари қўлтиқларидан тушиб, оппоқ чанг қоплаган, тош парчалари босиб кетган, ҳануз бўёқнингми ё қотирилган балиқнингми ҳиди анқиётган йўл устида гарангсиб туришарди.

Нис ёзувни яна бир бор ўқиди.

— Мана бундай деб ёзишибди,— деди у.— Сирнос қишлоғи бир немис аскари ўлдирилгани учун вайрон қилинибди. Яна шундай деб ёзишибдики, қишлоқ аҳлини инглизларга ёрдам беришда айблашибди. Уларнинг ишини ҳарбий суд кўриб, бутун қишлоқни яксон қилишга ҳукм чиқарибди. Бу ерда темир каллалини ўлдирганлари жазосига ҳеч қачон шу жойда одам бўласи яшамайди, деб ёзилибди.

Улар устунга тикилган кўйи туриб қолишибди.

— Кетдик бу ердан,— деди Берк ниҳоят.

— Ҳар қанақанги разилликни кўрганман-у, лекин бунақасини...— деди Стоун.

— Биз олиб кетган қайиқни деб қилишган буни.— Ниснинг ғазаби ортгандан-ортиб бораарди.

— Динамит билан портлатилган,— деди Берк.— Ҳидидан билиниб турибди.

Улар ўн беш уйдан қолган вайроналарга тикилдилар. Йўл нарироқда бурилиб, кўпrik томонга кетарди. Ҳам-

роҳлар у томонга юрмадилар, балки бурилиб, зудлик билан қияликтан тепага кўтарила бошладилар.

Улар кўприк билан бараварликдаги қояга эмаклаб чиқдилар. Ўша ердан қуйига, қайиқлар турадиган жойга қарашди. Қайиқлар кўринмади.

— Йўқ,— дейишидди учовлон, ҳар қайсиси ўзича.

— Тоза боплашибди, биронта раҳна қолдиришмабди,— деди Стоун.

— Ҳеч қанा�қасига тозалик жойи йўқ буни,— ғазаб билан жавоб берди Нис.

— У, ишни охиригача етказишибди, демоқчи.

— Сиз бундай қилишмайди деб ўйлаганмидингиз?— деди Нис.

— Нимага энди...— Берк гап бошлаган әди, Стоун унга тикилиб, бош чайқади.

Улар қоринларини ерга бериб ётишарди. Кўприк чап томонда, худди улар ётган қоя билан баравар баландликда әди. Нис гавдаси букилиб, кўприкка тикилди. У чурқ этубофиз очмасди. Кейин Стоуннинг тирсагига астагина туртиб қўйди.

— Анави ёққа қаранг,— деди у.

Стоун кўприк остида икки киши осилиб турганини кўрди. Иккита жасад ҳавода саланглаб осилиб турибди. Улар бўйнидан арқон билан осилганидан бошлари ғалати бир тарзда елкаларига қараб қийшайиб қолибди. Уларни кўприкнинг иккинчи, баланддаги ровоғига осишганди. Жасадларнинг ҳамма аъзолари ҳамишагидек, барча осилганлар сингари бўшашиб, шалвираб қолганди. Азоб-қийноқда әгилиб-букилган таналарига ўшшаб ёёқлари ҳам акашак бўлиб саланглаб ётарди. Икковининг боши икки ёққа қараб қолибди. Бирининг гавдаси катта, иккинчиси кичикроқ.

Бири эркак, иккинчиси аёл.

— Кўрдингизми?— деди Нис.

Эндиликда Берк ҳам ўша ёққа тикилар, у ҳам худди Ниснинг кайфиятида әди.

— Кўряпсизларми?— деди Нис.— Бизни деб, бизнинг жатимизга шундай бўлган. Бирорларнинг қони тўкилган, ўша қонни симирияпмиз биз. Қаранглар,— деди у яна шерикларига ғазаб, алам ўтида ўртаниб таъна қилиб.— Кўриб қўйинглар!

— Кўряпман,— деди Берк энтикиб.

У кўряпти: кўприк остида осилиб турган Спада билан

унинг нақш олмадай хотини. Йқковини ҳам осиб ўлдирishiбди. Йккаласи ҳам изтиробли ўлим топибди, азроил чангалида тўлғанибди. Нақш олмадай таранг жувоннинг бўғилиб, жон талвасасида сўнгги дақиқада ҳаво ютиб оғизига сифмай осилиб қолган тили шу ердан ҳам кўриниб турибди. Бу уч кун муқаддам содир бўлганди. Нис жасадлардан кўз узолмай тикиларкан, уларнинг ҳидини туюётгандай бўлди.

Бироқ Беркнинг назарида Ниснинг афти маъносиздай, лоқайддай туюлди. Шу топда у, Берк сўнгги, тузатиб бўлмас мағбулиятга учраганди. Ҳа, бу бутунлай мағлуб бўлиш эди. У ҳозиргидай ҳолатни умри бино бўлиб бир маротабагина бошдан кечирганди. Лекин бу қачон бўлгани ёдида йўқ. Бугунгиси, шу топдагиси барча хотиротларини кўмиб ташлаганди тубсиз чоҳга. «Юзимга тарсаки, бошимга гурзида мушт тушди,— деган хаёл кечди кўнглидан.— Кетимдан тепки едим». Нимага эканини ўзи ҳам билмай, бу фалокатлар ўз шахсий ғам-кулфатидай таъсир кўрсатди унга.

Шу аснода Стоун ўзини бирор итни тепкилагандай, бирон норасида гўдакни ранжитгандай ҳис этарди. У ўзини бемаъни, ёвунона қилғилиқ устида қўлга туширгандай гуноҳкор сезарди. Гўё кўз ўнгига аблажона фаҳш ишлар содир бўлаётгандек, вужудини ўз-ўзидан жирканчли ҳислар чулғаб олди. Ғазаби шу қадар қайнаб-жўшиб кетдики, ўрнидан сапчиб турди. У қуруқ қўллари билан кимнингдир бўғзига чанг солишга тайёр эди. Спада билан хотинини кўприкка осганларнинг этини тишлари-ла парча-парча қилиб ташласа шу топда. У жирканчли туйғулар ва оқизлиқдан жазавага тушиб, қутуриб борарди.

Ниснинг эса мияси тиниқ ҳамда осойишта ишларди. Унинг вужуди ларзага келган, аммо шундай бўлнишини гўё олдиндан кутгандай қабул этди. Спадани динамит билан балиқ овлагани учун аллақачоноқ осишлари мумкин эди. Лекин улар Спадани нима учун осишибди? Бемаънилик бу. Ахир улар ҳеч нимани билмасдилар-ку! Спаданинг унга, унинг ҳамроҳларига ёрдам берганидан бехабар эдилар-ку! Шунга қарамай, уни осишибди мана. Смарони, динамитчининг ёшгина хотинини ҳам осишибди. Биз учовимизнинг барча елканларни ишга солиб Искандария томон елиб боришимиз йўлида бу икки жон қурбон бўлибди-я. Метаксасчилар отамни ҳам осишганмикин ёки отиб ташлашганмикин, буни билолмадим. Метаксасчилар би-

лам темир каллалар орасида ҳеч қандай фарқ йўқ, ҳаммаси ҳам бир гўр. Бунақанги усул билан ҳаёт кечиromoқ — жиноят. Уларга раҳм-шағат қилинмаслиги лозим, биттасини ҳам қўймай қириш керак. Парво қилмай, шундай совуқлонлик билан, яна ўз она қишлоқларида бирорларни кўприкка осиб ўтирсалар-а! Мабодо шу пайтгача аҳалли бирор марта темир каллалардан заррача чўчиган бўлсан, энди сираям қўрқмаганим бўлсин улардан. Бу ёнувларни йўқотиш учун чидамли одамлару катта-катта амалий ишлар зарур. Ишонамай, инглизлар ўшандай чидамли, қудратли одамлар. Ахир, ҳозир ҳам бутун ишончимиз ўшалардан-ку. Агар улар чинакамига биз ўйлачандай бўлсалар — демак, буни амалга оширадилар. Темир каллалар билан метаксасчиларнинг зоти бир. Спадани осишса-я. Отамни осишганмиккин ёки отиб ташлаганмиккин?

У ўринидан турди.

— Ётинг,— деди Стоун унга.

— Умид қиласманки, сизникилар у ёқда, Мисрда, буларнинг тагига сув қўйишга тайёрдирлар. Бу қаерда амалга ошса ҳам бари бир. Илло бунақанги одамларни ер юзидан йўқотиш керак.— Мис тик турганича, она қишлоғидаги кўприк остида осилиб турганларга тикиларди ҳамои.

— Ётсангиз-чи,— деди Берк унга.

— Ётишни истамайман,— жавоб берди Нис зарда билан.

— Кўриб қолишади.

— Бунақанги маразлардан бекиниб, писиб ётишдан нафратланаман.— Бу яшириниши зарурияти шу аснода унинг аҳвол-руҳиясидаги одамнинг газабини қўзғashi, кўнглини айнитиши, нафратини уйғотиши турган гап эди.

— Сизни ҳам осишади, хўш, бундан нима наф чиқади?— вазминлик билан деди Берк.

— Наҳотки танангизда газаб жўш урмайтган бўлса? Наҳотки ҳеч нимани кўрмаётган бўлсангиз?

— Кўряпман,— деди Берк хотиржамлик билан.

— Тинчланинг, ётинг,— деди Стоун.

— Ҳеч вақони кўрмаяпсизлар,— деди Нис, тўсатдан чеҳрасидаги асабийлик, чираниш белгилари йўқолди. У яшириниб юришга мажбур бўлган ёлғиз одамнинг қанчалик оживлигини тобора кўпроқ ҳис эта бошлади, ёлғизликнинг кўпга бормаслигини, бундан бирон наф чиқмаслигини аниқ-тапиқ сезарди. У анави темир каллаларни қиришни истайди. Уни, ёлғиз одамни, душман тўплари олға

силжитмайди. Учовлари биргалашганларида ҳам бари бир йўлларини қириқиб қўйишади. Бу юмуш ёғиз-ярим ёхуд бир ҳовуч одамнинг қўлидан келмайди. Буни адо этмоқлик учун куч-қудрат, шиддат, шафқатсиэлик зарур. Бу кураси жабҳасида танҳо эканлиги уни борган сайин айниқса изтиробга сола бошлади. У ҳайқириб, ҳамма ёқни ларзага солиб, пастга тушиб, жамики темир каллаларга қирон келтиrolмайди, Сирнис қишлоғи вайроналарини қайта бунёд этиб, Спада билан хотинини ҳаётга қайтаролмайди.

Стоун билан Берк ўрниларидан туриб, йўлга тушсалар ҳамки у тик тураверди.

— Кетдик,— деди Стоун унга.

Нис аста улар ортидан әргашди. Улар қияликдан рўйирост тепага кўтарилаверишди. Улар тепага чиқиб, нариги томонга тушишаркан, қаршиларида денгиз юавериб ҳосил қиласа чоғроққина дара намоён бўлди, у ерда одамлар қўймаланишаётган эди. Стоун билан Берк таққа тўхташди.

— Булар сирносликлар,— деди Нис.

У тўғри айтганди. Ўн беш-йигирма чоғли одам денгиз сари туртиб чиққан қоя остига жойлашиб олганди. Гулхан ёниб турибди, қозонда нимадир пишяпти, атрофда эса ашқол-дашқоллар тугилган тугунлар ётибди. Нис тўғри гулханга қараб тушаверди. Стоун билан Берк сал орқароқда бораверишди.

Мана, Нис тўхтади. Қаршисида офтобда қорайган, паст бўйли, жулдур кийимли балиқчилар, аёллар, бир неча болалар туришарди.

— Калимера,— деди Нис уларга.

— Калимера,— жавоб беришди унга.

— Сирносданмисизлар?— сўради у.

— Нэ,— грекча «ҳа» жавоби бўлди.

У исмини, Галланоснинг ўғли эканини, Спадани таниганини айтди.

— Сен тўғрингда әшитганман, фақат яқинда эмас, анча бўлган бунга,— деди улардан бири.

— Спадани нимага осишди?— сўради Нис.

— Метаксасчиларнинг солиқ йиғувучиси уни чақибди,— деди бояги Нис тўғрисида әшитган одам.

— Нима деб чақибди?

— Спада илгари метаксасчиларга қарши бўлган деб.

— Шунинг учун осишими уни?— деб сўради Нис.

Яна ўша Нис ҳақида әшиитған, бўйи Стоундек келадиган, елкаси сал букикроқ, қаттиқ, жингала сочли киши жавоб берди:

— Қоровулнинг ўлигини топишибди. Аллаким бўғизлаб кетибди. Кейин қарашса, Спаданинг қайиги жойида йўқ. Шундан сўнг темир каллалар, агар ўлдирган одам иқдрор бўлмаса бутун қишлоққа ўт қўйиб, қайиқларни олиб кетамиз, деб эълон қилишди.

— Аблаҳлар!— деди Нис.

— Ҳеч ким бўйнига олмади,— давом әттирди сўзини новча.

— Ахир қоровулни Спада ўлдирмаганди-ку!

— Йўқ. Лекин солиқ йиғувчи, шу ўлдирган, деди. Мабодо темир каллалар қишлоқни ёқиб юборишига, солиқни кимдан ундираман, деб қўрқкан. Солиқ йиғиб талайгина бойлик ортириарди-да ўзи. У темир каллаларга, Спада Метаксасага қарши — демак, уларга, темир каллаларга ҳам қарши, қоровулни ҳам шу Спада бўғизлаган, деб айтган. Шундай қилиб, темир каллалар Спадани хотини билан қўшиб осишиди.— Жингала сочли жим қолди.

— Ҳўш, қишлоқни нимага портлатишди?

— Темир каллалар ўз ҳамтовоқлари, солиқ йиғувчига, уларга айт, булар биз учун ўзлари овлайдиган балиқдай бир гап, дейишди. Кейин шартта қишлоқни портлатиб юборишиди.

— Қайиқларни-чи?

— Сулияга олиб кетишиди.

— Қулоқ солинглар,— деди Нис уларга.— Қоровулни мен бўғизлаганман. Мен ва анави иккала австралос биргалашиб Мисрга жўнаш учун Спаданинг қайиғини сўраб олгандик. Ўшанда қоровул кўриб қолди, кейин уни ўлдирдик. Мельтемининг касофати билан орқага қайтишга маҷбур бўлдик. Айтгандай, кўприқдан австралоснинг яшил тусли кўйлагини топишимадими?

— Бу тўғрида ҳеч нима дейишмади,— жавоб берди тўлагина аёл.

— Бу Смаронинг опаси,— деди жингала соч.

— Бошингизга тушган ғамга мен ҳам шерикман,— оҳистагина деди Нис аёлга, унинг қайнаб-тошиб кетишини кутиб.

— Мен доимо, динамит ишлатгани учун уни осадилар, деб юрардим.— У шундай деб сал елкаларини учирив қўйди.

— Дўстлигимни қабул этгайсиз, мен сизнинг измин-гиздаман. Негаки, менинг жатимга қайиқларингиздан жудо бўлибсизлар,— деди у ҳаммаларига қараб.

Ҳеч ким жавоб қайтармади.

— Бу ёғига нима қилмоқчисизлар? — сўради у.

— Қайиқларимизни қайтариб оламиз,— деди жингала соч.

— Темир каллалардан қайтариб олмоқчимисизлар?

— Қайиқсиз қолиш очдан ўлдик деган гап,— деди кимдир.

— Албатта қайтариб оламиз.— Бу гапни ўн беш ёшлар чамасидаги болакай айтди.

— Қайиқларни бу ерга олиб келолмайсизлар.

— Йўқ. Ласити қишлоқларига бўлинишиб кетамиз.— У Критнинг тоғли жанубий соҳилларини айтаётганди.

— Қайиқларни қандай қилиб қайтариб олмоқчисизлар?

— Улар Сулияда турибди,— деди жингала соч.— Ҳаммасини бир-бировига тушовлаб, тош тўлқинтўсарга боғлаб қўйишибди. Уларни бари бир олиб кетамиз.

— Бу осон иш әмас,— деди аллаким.— Олдин занжирларни узиш, кейин елканларни ишга солиб, денгизга чиқиб олиш керак. Иннайкейин, ҳаммасини бир йўла олиб кетишнинг иложи йўқ, чунки камчиликмиз.

— Тунда борасизларми у ёқقا? — сўради Нис.

— Ҳа, эртага тунда,— жавоб берди жингала соч.

— Мен ҳам ихтиёрларингдаман,— деди Нис.

У, ҳозир бу одамлар ўз адоватларини намойиш этишса керак, деб ўйлаганди, аммо ундан бўлмади. Булар қайиқларидан айрилган балиқчилар эди, холос. Улар учун ёнг муҳими қайиқларни қайта қўлга киритиш эди. Бор гап шу эди, вассалом. Темир каллалар бировнинг қайигини тортиб олишган, у эса оғаи-бурни қора қонга беланса ҳамки, бари бир қайигини қайтариб олиши лозим, қайтариб олади ҳам.

Ҳаммалари, агар Нис ўзлари билан биргалашиб Сулияга борса, бу катта ёрдам бўлажагини айтишди.

— Анави икки австралосга ҳам айтаман.

— Улардан ёрдам беришларини талаб қилолмаймиз,— деди жингала соч.

— Бу ўзларига фойда,— деди Нис.

У қуйиб қўйгандай синглисингизнинг ўзгинаси, лекин салёши каттароқ ҳамда тўлароқ, яғриндор, кўкраклироқ, оғ-

зи катта, диккат билан, ўқрайиб боқувчи аёлга тикилар-кан, тағин нақш олмадай жувонни әслади.

— Солиқ йиғувчи қаёда? — сўради у аёлдан.

— Сувга чўқтириб юбордим,— жавоб берди аёл бепарвогина.

— У сирнослик әмас, келгинди әди,— дейишди бошқалар аёлни оқлаётгандай.— Метаксасчилар уни Эллададан юборишганди. У сиқиб сувимизни ичишларида метаксасчиларга ёрдамлашарди.

Нис паришонлик билан бош иргаб қўйди-да, орқага, қиялиника қараб юрди. У иккала австралосга қайиқларнинг Сулияда эканини галириб бермоқчи ёди.

У йўлга тушаркан, орқада сирносликларнинг ўнтироғ-ўнтироғ гаплашаётгандарини эшилди. Смаронинг опаси, метаксасчилар солиқ йиғувчисини чўқтириб юборган аёлнииг йўғон овози айниқса ажralиб турарди.

## 13 боб

Тортишиб, баҳслашиб ўтиришмади. Нис уларга:

— Улар Сулияга боришмоқчи, немислар қайиқларни ўша ёққа олиб кетишибди. Мен улар билан бирга бораман. Сизлар нима қилишин ўзларинг биласизлар,— деди, холос.

Унга эътиroz билдиришмади. Берк:

— Сиз нима қилишингиз керак у ёқда? — деб сўради фақат.

Стоун индамади.

Мабодо бирорталари кўнглида эътиroz туғилган бўлса ҳам, буни она қишлоқларидаги кўпrik ровоги остида осилиб турган Спада билан хотинининг хотираси зумда тарқатиб юборди.

Спада — биз учун, учовимиз учун қурбон бўлди. Анави сирносликлар, бошпанасиз ва қайиқсиз қолган бечоралар ҳам ўшандай қурбонлардир.

Стоун билан Берк учун бу иккинчи маротаба чекиниш әди. Муқаррар, биринчсига қараганда хийла муқаррарроқ чекиниш. Бирор машинани олдинга итараётгани бўлсанг-у, сендан кўра бақувватроқ одам уни орқага тортса, шунда орқангга қандай тисарилсанг, худди ана шундай

тисарилишга түғри келди. Улар күзлаган йўлларидан четга чиқиб кетаётганликларини англаб-билиб туришарди. Аммо кўпrik, яксон қилинган қишлоқ, бояги ёзув қоқиб қўйилган устун шунчалик яқин ерда әдик, уларни кўриб тургач, эътиroz билдиришга ўрин қолмаганди.

Икковларини ҳам ғазаб түғёни чулғаб олганди.

Уларнинг ҳам, худди сирносликларга ўхшаб, ҳозироқ бориб, қайиқларни олиб кетгилари келиб турарди. Ҳа, уларни ҳам худди ўшандай туйғу банд этганди. Темир калладар қайиқларни тортиб олишибди. Ҳа ярамас маклуклар, ҳайвонлар! Бунақаси кетмайди, уларни қайтариб олиш қўлимиздан келади.

Шу хаёл билан улар Нисга әргашиб, соябон янглиғ туртиб чиққан қоя томон юришди.

Оқшом, ётар олдидан, улар денгиздан узилиб, дарада жонсақлаб қолган ҳалқоб бошига бориб, шўртак сувда ювиндилар. Ана шу пайтда Беркнинг хаёлига жароҳати тикиб қўйилган чокларни олиб ташлаш келиб қолди.

— Стоун,— деди у.— Жароҳатим тикиб қўйилган чокларни олиб ташласанг.

Стоун бундан боҳабар әди.

— Нима билан?

— Бу ерда битта-яримта пичноқ топилиб қолар,— деди Берк.

— Эртагача сабр қила тур,— деди Стоун.

— Эрта-пертага бало борми. Яна-тагин йиринглаб кетган бўлмасин.

— Ҳозир қоронғи. Ҳеч нимани кўрмайман бари бир.

— Гулханинг ёруғи ҳам бўлаверади.

— Ҳа, майли,— деди Стоун.— Бўлмаса калима келтиравер.

Стоун яланг оёқларига бошмоғини кийди, пайғоғи илматашек бўлиб йиртилиб кетганди. Берк билан Нис ўзлариникини аллақачон, қайиқ дабдала бўлган пайтдаёқ улоқтириб юборишган әди. Берк Нисдан пичноқ топиб беришни илтимос қилди. Нис сирносликларнинг биридан дамашқий пўлатдан ясалган ҳанжар топиб берди.

— Сал эҳтиётроқ бўл,— деди Берк Стоунга.

У гулхан ёнига ўтириди. Аллақачон ой чиққан, аммо фақат ойдинни ўзигина камлик қиласарди. Берк қорнини ерга бериб ётди-да, критча иштонини пастга тушириди. Гулханинг қизғиши ёлқини билан ойнинг кумуш ранг шуъласи қўшилиб, унинг думбасини ёритди.

— Ҳар битта чокни кесиб, суфуриб олиб ташла,— деди у.

Стоун Беркнинг сони узра энганиб, кўзлари билан чокларни излашга тушди.

— Бу ер сал йиринг бойлаганга ўхшайди,— деди у.

— Бу чоклар жонимга тегиб кетди ўзиям.

— Қани, тишингни-тишингга қўйиб тур,— деди Стоун.

У ханжар тифини ўтга тутиб турди-да, учи билан жароҳат тикиб қўйилган чокларни пайпаслади. Кейин биринчи чокни шартта кесди-ю, ипни шартта суфуриб олди. Берк бир сапчиб тушди.

— Сал секинроқ-да, қассоб,— бўкирди Берк.— Оғрияпти.

— Ҳа, ўзлари нима деб ўйлагандилар?— деди Стоун. Сирносликлар уларнинг атрофини ўраб олишди.

— Нимани қирқаяпти бу?— деб сўрашарди улар.

— Тағин мохов бўлмасин?

— Йўқ. Мохоммас.

— Судзурога борганимдан бери биттаем моховни кўрмадим.

— Мохов бунағанги хирсадай бақувват бўлмайди.

— Ўша ери тикилган,— тушунтириди Нис.

— Бир нимани яшириб қўйибдими?— сўради бир аёл.

— Йўқ. У яраланган.

— Ким тиккан? Үзими?

— Жудаям нодонлик қиласверма бунаقا. Жароҳатни тикадиган одамлар борлигини эшишмаганмисан?

— Йўқ.

— Мессарарадаги катта уйни билмайсанми? Касалхонани-я?

— Демак, ўша ерда тикиб қўйишган экан-да уни?

— Йўқ,— деди Нис. Унинг кулгиси қистади, бироқ у ҳатто илжаймади ҳам.

У Беркка қаради; Берк ўзининг ҳозирги кулгили аҳволини яққол тасаввур этаётганини фаҳмлади. Гарчи бояги-боягидай жиiddий турган бўлса-да, Ниснинг афти ёришгандай бўлди. Ораларидаги адоватга қарамай, Беркка ачинаётганини сезди. Берк ҳам худди унга ўхшаб ҳис-түйғусини ошкор әтишни ёқтиромасди, ана шу нарса негадир Нисга алам қилгандай бўлди.

— Нима, яланғоч думбамни бутун Критга кўз-кўз қилишим керакми энди?— деди Берк.

— Тентак. Ахир бу катта шараф-ку,— деди Стоун ва бутун бадани силкингандча сассиз кулди.

Уларнинг нималар деб гаплашаётганлари Ниснинг қулогига кирмаётганди-ю, лекин Беркнинг ўз-ўзидан кулаётганини тушуниб туради, бу қандай яхши.

Шу пайт сирносликлардан бири енгидан тортди. Бу ўн беш ёшлар чамасидаги, кўзлари кўм-кўк, шалпанг қулоқ, жуссадоргина болакай эди. Юзига билинар-билинмас сеп-кил тошганди.

— Мен Талосман,— деди бола.— Сен билан гаплашсам бўладими?

— Нима ҳақда?— сўради Нис ундан.

Бола уни гулхандан четга, сувга яқинроққа бошлиди.

— Сен Ҳожи Михалини танийсанми?— сўради у кўзлари болаларча айёrona йилтиллаб.

— Йўқ,— деди Нис.

— У Литтосда туради,— деди бола.

— Хўш, турса нима бўпти?— сўради Нис.

— Мисрга кетмоқчимиз, демаганмидинг боя?

— Дегандим.

— Ҳожи Михали Мисрга бирорни, Эксани жўнатган, ўша инглизлар билан гаплашиб келиши керак.

— Инглизлар билан гаплашиб нима қиласи?

— Ҳожи Михалининг кимлигини ростданам билмайсанми?— ҳайрон бўлиб сўради бола.

— Ростдан.

— Франко Кастеллада Темир каллалар билан жанг қилган.

— Эшитмаганман,— деди Нис.— Мен қалъада қамоқдайдим ўша пайтларда.

— Ҳа, бунга анча бўлган,— деди бола.

— Хўш, ҳозир инглизлар нимага керак бўлиб қолибди унга?— қайта сўради Нис.

— Темир каллалар билан урушни давом эттириш учун.

— Инглизлар билан алоқа ўрнатибдими у?

— Билмадим,— деди Талос.— Лекин у акам Эксани ўшоққа жўнатган.

— Хўш, мендан нима истайсан?

— Қайиқларни қишлоқма-қишлоқ тарқатиб бўлгандан кейин Литтосга жўнайман. Агар мен билан кетсанг жуда жойида бўларди-да,— деди Талос.

— Раҳмат,— деди Нис, заррача истеҳзою тақаббурликсиз.— Мен билан бирга анави иккала австралосни ҳам олакетишигни сўрайман.

— Албатта,— деди Талос катталардек сиполик билан.

— Шерикларим учун ҳам улар номидан миннатдорчиллик билдираман,— деди Нис.

— Жуда соз бўлади-да,— деди болакай.— Қайиқларни Сулиядан қандай олиб чиқиб кетишимиздан хабаринг борми?

— Йўқ, ҳали билиб олганимча йўқ.

— Уларга айтаман, мен билан бирга кетади дейман. Лекин бошқаларга ҳам ёрдамлашишинг керак.

— Литтосга бошқалар ҳам борадими?

— Йўқ. Борди-ю сен бошқа қайиққа тушиб қолсанг, кейинроқ, Ливия дengизига чиққанимизда қайигимга ўтиб оларсан. У ер хавотирсиз.

— Қайиқларни қандай олиб кетиш режасини ким тузди?— сўради Нис.

— Ҳаммамиз биргалашиб. Ҳали яна муҳокама қилишимиз керак.

Шундан сўнг улар гулхан ёнига қайтишди. Бу орада Берк иштонини кўтараёттаи, сирносликлар эса уни қизиқиб кузатиб туришган экан. Берк жуда имиллааб ҳаракат қиласкан, бу билан сиражам уялмаслигини кўрсатмоқчи бўлаётганди.

Нис Ҳожи Михали, қалиғи бола тўғрисида гапириб берди, ҳеч бирлари бунга өътироғ билдириб ўтирмади.

— Агар ўша Ҳожи Михали битта қайиқни жўнатишга муваффақ бўлган экан, нега энди иккинчисини жўнатиш қўлидан келмайди?— деб қўйди Берк.

— Ҳа, ишимиз ўнгидан келадиган бўпти,— деди Стоун.

— Лекин, барни бир осонликча битадиган иш эмас бу,— деди Нис ва қайиқларни Сулиядан олиб чиқиб кетиш режаси муҳокамасида иштирок этмоқ учун Талос билан бирга жўнади.

## 14 боб

Сулия ойдинда сутга чайилгандай оппоқ кўринарди. Денгиз шамоли ялаб-юлқаган ғовак тошлардан қурилган кулбалар. Мессара қишлоқларининг аксарияти каби у ҳам уч бурчак қўлтиқнинг ёнг юқорисида жойдашган.

Улар катта йўлдан ажралиб чиққан сўқмоқдан бориши япти. Енларида Талос билан яна бир сирнослик. Олдиндан шундай келишиб олишганди.

Режа жуда содда тузилганди. Ҳаммалари уч гуруҳга бўлиннишади. Қайиқлари тўлқинтўсарнинг энг нариги четида турганлар биринчи бўлиб йўлга тушадилар. Улардан кейин қайиқлари берироқда турганлар, охирида эса қайиқлари энг бериги чеккада турганлар борадилар.

Болакай Талос, яна бир сирнослик билан уч ҳамроҳ охирги тўдани ташкил этишганди. Талоснинг қайиги энг бериги чеккада экан. Нис, қайиқ уники эмас, Мисрға кетган акасиники бўлса керак, деб ўйлади. Қайиқни қўлга киритгач, ҳаммалари кечака кечқуруноқ соҳиҳ бўйлаб таралиб кетган бола-чақа, оиласарини йигадилар. Кейин эса турли қишлоқларга тарқалиб кетадилар.

Бир қарашда бунинг ҳеч қанча мушкул жойи йўқдай эди. Бироқ вазият билан яхши таниш бўлган Нис бу ишнинг аслида ўнғайгина битмаслигини тушунарди. Иккичи сирнослик ҳамроҳлари анойига ўхшамасди. У елкасига нақ бутун бошли ўтвадай кийиз чакмонини ташлаб олганди. Чакмони баридан мадсен пистолет-пулемёти чиқиб турибди. Кўзи тушгандаёқ бу қурол Беркка ёқмади.

— Қай гўрдан олибди бу матоҳни? — деб сўради у Нисдан.

— Биз ўлдирган қоровулникини олибди,— деди Нис. У буни аллақачон Талосдан сўраб олганди.

— Шу матоҳ билан қўлга тушиб қолса ўша заҳотиёқ осишлари ақлига келмабдими?

— Яхши билади буни.

— Борди-ю бунга кўзлари тушиб қолгудай бўлса, тамом, ҳаммамиз асфаласофилинга жўнайимиз,— деди Берк.

— Бизга иш бериб қолиши мумкин,— деди Нис.

— Ишлатишни биларканми ўзи? — сўради Стоун.

— Бунинг нима қийин жойи бор,— жавоб берди Нис.

Бу жиддий, ишонч билан берилган жавоб Стоуннинг кулгисини қистатди.

Энди улар олдинга тикилиб-тикилиб қараб, тиқ этган шарпага қулоқ солиб, қишлоқни, оппоқ, бир сафга тизилган уйларни четлаб боришаарди. Олдинги икки тўданинг йўлга тушганига талайгина вақт бўлди, ҳозир дengизга чиқиб олган бўлишса керак. Мана энди улар ҳам ўз навбатида тўлқинтўсарга етиб, қайиқларни ечиб олишади-ю, дengизга қараб ҳайдашади. Бундан осони бор эканми?

— Бугун шамол булбулнинг нафасидай майин эсяптида,— деб қўйди болакай.

— Қишлоқдан узоқлашган сайин зўрайиб боради,— жавоб қилди сирнослик.

— Қайиқлар бир-бирига боғлаб қўйилганми? Нима билан?— Нис Талосдан пичирлаб сўради.

— Билмадим,— жавоб берди болакай.— Лекин осон бўлмайди.

— Деярли шамол йўқ,— деди Нис.— Сени елканинг қанақа?

— Баланд,— деди болакай.— Енгил шамолга жуда зўр.

— Дўстингга айтиб қўй, қуролига сал әҳтиётроқ бўлсин.

— Унақангি әҳтиёт бўладиганлардан әмас бу,— деди Талос, Нис шунда унинг қоронгилиқда илжайиб қўйганини фаҳмлади.

Улар соҳил ёқалаб кетган йўлга чиққанларида сирнослик олдинга ўтиб олди. Қайси томонга боришини ёлғиз ўшагина биларди. Қайиқлар Сулиядга эканини, улар қайси тартибда турганини шу кўриб-билиб келганди. Ана шу боисдан у олдинда, соҳил ёқалаб кетган, Сулияга әлтадиган ўйдим-чуқур йўлдан ишонч билан дадил одимлаб бораётган эди.

Улар қурисин деб тўрлар сириб қўйилган устунлар ёнидан ўтишди. Сув ёқасидаги тош тўсиқ, деразалари денгизга қараган кулбалар ёнидан, қоп-қоронги тор кўчалардан кетиб боришапти. Ҳамма ерда кўнгилга қутқу солгувчи сокинлик ҳукм сурмоқда. Бешовлон, гўё ҳеч нимадан тап тортмаётгандек, соҳил ёқалаб очиқ-ошкора кетишяпти.

Улар қирғоқдан юқорига қараб чўзилиб кетган, тошлиардан терилган тўлқинтўсарга етгач бурилишди. Улар тош ётқизилган энсизигина йўлкадан кета бошлашди. Эндиликда мачталар, шундоққина сув ёқасида қурисин учун ёйиб қўйилган тўрлар кўзга ташланиб, сувнинг қайиқлар тагига «шаллп-шулп» қилиб урилаётгани ҳам әшитилиб турибди.

Кимнингдир одим шарпаси, ҳа, кимнингдир одим шарпаси әшитилди.

— Ҳеч зоғни кўрмаяпман,— деди Стоун хотиржамлик билан.

— Сузиб кетишган аллақачон,— деди Нис.

— Бу ерда инглиэчалаб гаплашманглар,— деди Берк уларга.

Улар кўзларини каттароқ очиб, қинғир-қийшиқ тош деворлар орасидан липпиллаганча ўтиб бораётган Талос билан иккинчи грекнинг кетидан кетишяпти. Йкки биқинларида тош тўсиққа шалоплаб урилган сувнинг щарроси ўзга шовқину товушларни босиб, гўё ютиб юборяпти.

— Ҳали узоқми? — сўрашди ҳамроҳлари Нисдан.

— У деярли охирроғида деганди.

Талос билан сирнослик бу орада анча илгарилаб кетишганди. Бир пайт шундоқ яқингина жойда одамларнинг қайиқларда фимирилашаётгани эшитилди. Кейин елкан ҳилдирий бошлади.

— Бошқалар кетиб бўлишибди,— деди Нис грекчалаб, бошقا гуруҳларни назарда тутиб.

Тўлқинтўсар ичкарилаган сайин кенгайиб, пасайиб бораркан. Шу аснода тизилиб турган йигирма чоғли қайиққа Ниснинг кўзи тушди. Сирносликларнинг қайиқлари қаторнинг охирида бўлиши керак. Шундагина темир қаллаларни эслади. Бу ерда соқчи бўлмаслиги мумкин эмас. Олдиндан, қайиқлар томондан шовқин эшитиларди.

— Бу греклар шарпа чиқармай бир иш қилолмайдиларда,— пичирлади Стоун аламзада умидсизлик билан.

— Қила оладилар, лекин камдан-кам,— жавоб берди Берк. У орқасига қарай-қарай, тўлқинлар шовиллаши орасидан бирон бегона товуш эшитиб қоларман дея қулоқ сола-сола баланд-паст, дўнг тошларни аста-аста босиб келяпти.

— Орқамиздан бирор келяпти,— деди у.

Мана, улар энг чеккадаги қайиқ ёнига етишди. Энди орқадан келаётган одим шарпасини Нис ҳам эшитди. Талос билан иккинчи грек овоз чиқариб гаплашганча чопиб кетишиди.

— Ҳей, секинроқ,— деди Нис уларга.

Орқадан ҳануз одим товушлари эшитиляпти. Шунда улар ҳам югурга бошлашди. Нис ҳаммадан кейинда чопяпти, зеро Берк билан Стоун ундан аввалроқ югуришга тушишган эди. Узундан-узун чўзилиб кетган қайиқлар сафи бирдан тугади. Учта қайиқ елканини ёйиб, аллақачон кўрфазга чиқиб олибди. Нис улардан бирининг ўртадаги елкани ҳилпираётганини, шоша-пиша тумшуқдаги қия елканчаларни кўтараётган одамни кўриб турарди. Булар аллақачон очиқ дengизга бемалол чиқиб олишлари керак эди.

Талос тик, дўнг-дунг тош девордан сувда чайқалиб-хопиллаб турган қайиққа туша бошлаган эди. Нис ҳам ўша ёққа ўғирларкан, қирғоқ лабида, шундай тўлқинтўсар ёнида аллакимнинг қораси кўзга ташланди. Кейин яна бир нечта шарпа кўринди.

— Тезроқ,— деди у грекчалаб.— Шу ёққа келишяпти.

Нис Талос кетидан қайиққа сакради. Стоун Талоснинг қайигини ёнидаги қайиқдан ажратишга уринарди.

— Занжир билан боғланган әкан,— деди у аламзадалик билан.

— Буни айтгандим-ку, ахир.— Нис мачтадаги асосий елканни кўтаришга киришган эди.

— Қаттиқ боғланган әкан,— деди Стоун.

— Бир амаллаб еч уни,— деди Берк.

— Буни янаги йилгача уннаганда ҳам ечиб бўлмайди.— Стоун иккала қайиқ бир-бировига тақаб, маҳкам қилиб боғланган лангар занжирини кучи борича тортарди.

Бу орада бошқалар боғлоқ занжирларни ечиб бўлиб, елканларни кўтаришга тушган әдилар. Иккинчи сирнослик нариги қайиққа ўтиб, уни сафарга ҳозирлаётганди.

Шу пайтда бир эмас, бир неча темир каллалар келаётгани аён бўлиб қолди.

Нис чатаногини кериб турганча, тумшуқдаги қия елканча арқонини бўшатарди. Бу қайиқнинг жиҳозу анжомлари ҳам худди Спаданинг ясси туб қайигиникининг ўзгинаси әкан. Тумшуқдаги қия елканчалари тезликни ошириш ҳамда чаққон сузиш имконини берарди. Берк иккала қайиқ қирғоққа боғлаб қўйилган узун арқонни ечиб бўлди.

Стоун бир оёгини Талоснинг қайиги, иккинчисини қўшни қайиққа қўйиб, иккала қайиқ бир қилиб тушовланган занжирни ечиш билан овора әди ҳануз. Занжир ҳар иккала қайиқ биқинидаги тешикдан ўтказилиб, пала-партиш боғланган әди, бироқ қайиқлар тўлқинда чайқалиб, икки томонга қараб интилаётгани оқибатида занжир тортилаётганидан тугунни ечиш қийин әди. Стоун занжирни тугун бемалол ечиладиган қилиб бўшатишнинг уддасидан чиңа олмаётганди.

— Ечиб бўлмайди буни,— бўкирди у.

— Унда узвб ташла,— заҳаромуз деди Берк.

Худди ана шу сонияда ҳаммалари ғанимларни яққол кўришди.

Тўрт нафар темир калла тўлқинтўсар бўйлаб тизилишиб келишарди.

Улар тўхтамай, бақириб-чақирмай келишарди. Эллик ярда масофа қолганда улардан иккиси ўқ узди.

— Қайиқларни олға ҳайдар,— деди Нис Талоста.— Кейин, денгизга чиқиб олгач ечармиз.

Талос бир-бировига боғлиқ қайиқларни олға сузишга мажбур этиш учун рулни дам у ёққа, дам бу ёққа буради.

Нис шамол турмадимикин деган ниятда тепага, елканга тикиларди. Қаёқдан, қайси тарафдан эсяптийкин? Бироқ, қиалт этган шабада йўқ. Бола жуда тўғри айтган әкан, бул-булнинг нафасичалик ҳам шабада эсмаяпти.

— Тезроқ ҳайдар!— қичқирди яна. У эшкак ёки қайиқни олға силжитишга ярайдиган бирон иманин топиш мақсадиди ён-верига аланглади.

Тўсатдан у биринчи бўлиб йўлга тушиши лозим бўлган қайиқларни кўриб қолди. Бу қайиқлар тўлқинтўсарнинг ёнгинасида қиялаб келяпти. Учта қайиқ. Биттасида одамлар бор. Ўшениси елканлари солиниб турган иккинчисини шаттакка олиб сувяпти. Учинчисида бирғина одам кўриняпти. Буниси фақат тумшуқдаги елканчалар ёрдамида илгарилаяпти.

Талоснинг қайифи қирғоқдан узилганди, лекин Нис уни жадаллатишнинг уддасидан чиқа олмасди. У тумшуқдаги елканчалар арқонини таранг тортиб боғлаб қўйди-да, орқага, катта елкан ёнига отилди.

Берк катта елкан арқонини тортаётган әди. Нис иккичи қайиқнинг ҳалигача ажратилмаганини кўрди. Иккала қайиқ бир томонга сурилиб, турган жойида аста айланарди. Стоун жон-жаҳди билан занжиорни учидан тортар, бироқ бундан ҳеч наф чиқмасди.

— Сираям әпга келадиган эмас,— яна бўкирди у.

Кетма-кет тўрт марта ўқ узилди. Нис ўқларнинг сув бетини чўлпиллатиб ўтганини эшилди. Биттаси қайиқнинг тахта қопламасига тегди.

Кўққисдан ёнгиналарида пулемёт тариллаб қолди. Иккинчи қайиқдаги грек ўзининг «мадсен»ини ишга солганди. Қайиқни у афтидан мутлақо унутган әди. У типпаптик турганича, пистолет-пулемётни худди милтиқдай беўқшовлик билан елкасига тираб, тўлқинтўсар устида тўпланиб олиб нималардир деб қичқиришаётган тўртала темир каллага қаратса ўқ узарди.

Нис бўралаб сўкканича иккинчи қайиққа сакради. Бу қайиқ Талоснинг қайифини эндиликда сургаб кета бошланди. Соҳил томондан турган енгилгина шабада елканларга урилди.

— Борадиган томонимизга тўғрила! — қичқирди у Талосга.

— Сен орқага тортиб, юргизмай қўйяпсан.

— Катта елканни шамолга тўғрила! — қичқирди Нис. — Шамолга тўғрила. Икки томонга қараб юриш керак, эҳтимол, шунда занжир узилиб кетар, йўналишни тўғрила.

У ҳали асосий елқани кўтарилмаган, тумшуқдаги елканчалари шамолда шалоплаётган иккинчи қайиқда қолди. У ўзлигини унтиб, тумшуқдаги елканчалар кўтариладиган арқонни торта бошлади, айнан шу сонияда ўқ овозларини, бунга жавобан нақ боши узра пулемётнинг тариллаганини эшитди.

— Қайиқларни ажратиб юборсанглар-чи, ахир! — ваҳшиёна бўкирди Берк.

У Талоснинг қайигидаги катта елканни кўтарадиган арқонни охиригача тортиб бўлди, ўша заҳотиёқ шамол елканни қаппайтириди-ю, бир-бировига боғланган иккала қайиқни ҳам олға суриб кетди. Шунда ҳар иккаласи биқуни билан бир-бирига тўқиллаб урилди.

— Тагтўсинни туширинг! — қичқирди Нис Беркка. Үзи әса иккинчи қайиқ румпелини ташлаб, у ҳам киль — тагтўсинга ёпишди.

Варанглаб олти бор ўқ узилди. Ўқлар қайиқ қопламасини дўмбира қилиб чалди. «Мадсен»ли грек гуппа қулади, қўлидаги пистолет-пулемёт тарақлаганча Ниснинг оёқлари остига сирғалиб келди.

— Мана, тайёр бўлди,— деди Нис.

Стоун тўйатдан у турган қайиққа сакраб ўтди-ю, пулемётни олди қўлига.

Энди Нис билан Стоун бир қайиқда әдилар. Бошқасида әса Берк билан Талос икковлари қолишли.

— Шундай баландга қаратиб отдики, осмонни пойла-яптими дебман-а! — қичқириб деди Стоун.

— Бу тўйнеканинг отишни билмаслигини олдинданоқ фаҳмлагандим ўзиям,— деди Берк.

Нис лангарчўпни суришга тушди. Тумшуқ елканларини қаппайтирган шамол эпкини запти, шунингдек, биринчи қайиқ сургаётгани натижасида қайиқ бир томонга хийла оғиб бораарди. Талос билан Берк нариги қайиқдан алла-

нимадеб қичқиришар, лекин ўқ овозлари ҳамда елканларнинг шалоплашидан ҳеч нимани эшишиб бўлмасди.

Нис банкага қоқилиб йиқилди, лекин ҳар қалай румпель ёнига етиб олди. Бир қўли билан рулни тўғрилаб, иккинчиси билан катта елкан арқонини охиригача тортди. Кўндаланг лангарчўп боши тепасидан шигиллаганча, ҳавони гўё шамширдай кесиб ўтди, худди шу сонияда тумшуқда турган Стоун варанглатиб ўқ уза кетди. Тўлқинтўсардагилар қичқириб юбориши. Бу орада лангарчўп жойига қайти-ди-ю, Нис қайиқнинг гизиллаганча шатакчи ортидан илгарилаб кетганини сезди.

— Кўзингга қара!— қичқирди у Талосга.

Тўлқинтўсарда бирдан пулемёт сайраб қолди. Иккала қайиқ ҳам бу аснода эллик ярда узоқлашганди. Энди қайиқлар шитоб билан ортга қайта бошлади. Нис тезликни ҳисобга олган, унинг кучига ишонган эди. Мана, қўш қайиқ тўппа-тўғри тўлқинтўсарга қараб сузяпти. Йўналишни ўзгариш учун Талос билан Нис икковлари ўз қайиқларини бараварига икки томонга қараб буришлари керак. Шунда занжир уэзилиб кетади. Кейин улар ажралишиб, бирин ўнгга, иккинчиси сўлга қараб сузади, бироқ бу тўлқинтўсарнинг ёнгинасида содир бўлади. Икковлари ҳам буни жуда яхши тушуниб туришарди. Тўлқинтўсарда тағин пулемёт тилга кирди.

— Бошла!— қичқирди Талос.

— Ҳали эрта! Вақт бор!— қичқириб жавоб берди Нис.

Стоун жавобан ўқ узди. У тумшуқ томонда тикка турганича, пулемёт милини пастга қаратиб, тўлқинтўсарда ётиб олиб отаётган темир каллаларни мўлжаллаётган эди. У пулемёт оғзини аста-секин буриб, қаторасига ўқ узарди. У қоронгиликда ўқ бориб теккан жойда чатнаган тош парчаларининг атрофга учайдиганини кўриб, қанчалик мўлжалга аниқ олаётганини билиб турарди.

Нис, зўриқишдан қўли зириллаб оғриса ҳамки, зўр бериб арқонни тортишни қўймас, иккала қайиқ эса елканлари дўмбира бўлиб олға қараб елдек учис борарди. У иккинчи қайиқнинг ажраб кетишга уриниб кўрсатаётган қаршилик кучини сезиб турарди. Берк билан Талос ҳам занжирга кўпроқ зўр келсин деган мақсадда атайлаб уни чайқатиб-лопиллатишаётганди.

Тўлқинтўсарга ниҳоятда яқинлашиб қолгандай, тезлик эса ҳаддан эиёддай, кўз юмиб-очгунчалик фурсат ўтмай

тоти деворога бориб урилаётгандай юраклари ҳаприқиб турарди. Нис қайиқлар яна бир-бировига деярли тақалгунича қўйиб берди-ю, сўнgra:

— Башла! — дея овози борича қичқирди.

У румпелни жони борича ўзи томон тортди, ўша ондаёқ қайиқнинг тумшуғи итоаткорлик билан шартта бурилди. Талос ҳам худди шундай қилди, лекин бир сония кеч қолди. У ўз қайифини тескари томонга бурди. Қайиқлар бир он тек қолди. Тўлқинтўсар эса биқинларида турарди. Шу пайт қўққисдан нимадир шарақлади-ю, қайиқлар иккиси икки тарафга қараб сапчигандай бўлди. Силкинишдан иккала қайиқ ҳам ёнбошлаб қолаёзди. Нис ўз қайифи кўндаланг лантарчўпининг бир учи ҳатто сувга текканини пайқади. Аммо қайиқлар тушовдан ҳалос бўлганди.

Улар деярли тўлқинтўсарнинг биқингинасида эдилар шу топда. Нис шоша-ниша елкан арқонини тортди. Фурратни бой бермаслик аозим эди.

У бунга кетадиган вақтни аниқ ҳисобга олганди.

У ўзини румпелга ташлади. Қайиқ аввалига оҳиста бурилиб, сўнgra тўсатдан шамолга кўндаланг бўлди-ю, унинг зўр эпкини зарб билан елканини шиширди.

Нис Стоунга кўз ташлади. У анжомларга ўралашиб, тумшук томонда тилирчилётган эди шу алфозда.

— Тезроқ қочинг у ердан! — деб қичқирди Нис грек-чалаб.— Елканча олдидан қочинг тезроқ,— буюрди инглизчалаб.

Стоун мувозанатни йўқотиб, гурс этиб қулади. Тумшукдаги елканчалар ҳилпирай бошлади, қайиқ яна бир оз бурилиб, деярли зарурий йўналишга тўғриланди. Тўлқинтўсаргача йягирма ярда қолган, ундан ортиқ эмасди. Энди тинимсиз отишма борар, ўқлар бошлари узра чувиллаб ўтар, чўллиллаб сувга тушарди. Стоун ўқларни отиб туғаттанди. У пулемётни ташлаб, яраланган грекни қайиқнинг ўртасига сургаб келди.

Нис елканларни шамолга мослар, қайиқ эса тобора тўлқинтўсардан олисласиб бораарди. Елкан нанасида у Талос билан Берк бораёттан қайиқни кўрмасди. У елканларни минг азоб билан бошқараётган эди.

— Бу ёқда келинг,— деди у Стоунга.

Ҳар ўқ узилганида икковлари ҳам беихтиёр энганишар, қайиқ биқинига тарсиллаб тегаётганини эшитиб турришарди.

— Арқони ушланг,— деди Нис.

Стоун бу пайтда қайиқ тубига ўтириб олганди. У әмак-лаб келиб, Ниснинг қўлидан катта елканинг арқонини олди. Қайиқ шамолга мосланиб аста кетаётганди. Ниҳоят-да секин. Бироқ Нис шу усул билан борган сайин тўлқин-тўсардан узоқлашаётган эди.

Баногоҳ у румпелни ўнг томонга сурди. Қайиқ тумшуғи ўша замоноқ сўлга бурилди. Катта елканинг лангар-чўпи орқага қараб силтаниб кетди. Стоун гафлатда қолди. Худди Спаданикига ўхшаган баланд, лекин ундан кўра сал энсизорқ елкан ногаҳоний бурилишдан чиқиб кетаёзди қўлидан.

Қайиқ йўналишини ўзгартирди. Энди у тўлқинтўсарга нисбатан параллель йўналишда сузиб боряпти. Илло олдинга томон, очиқ дengизга қараб сувяпти. Тезлиги ҳам катта. Бунақсанги шамолда бундан ортиқ тезликнинг ўзи бўлиши мумкин әмас. У ёнбошига оғиб кетяпти. Нис өса шамол елканга тўла-тўқис уриб турсин деб уни жўрттага тўғриламаяпти.

Энди олдингидай тез-тез ўқ узишмасди, бироқ у беҳисоб узилаётган бу ўқлардан бирининг ўзига келиб тегишини кутарди.

— Аниви қайиқ қай гўрда қолди? — сўради Стоун.

— Кўрмаяпман.

— Тўлқинтўсардан узоқлашиб кетдимикин ўзи?

— Мен қаёқдан билай?

Улар тўлқинтўсардан әндиликда таваккалига ўқ узаётган пулемётни ҳам унутиб, атрофга аланглай бошлишди. Улар шу топда ҳавони шувиллатиб ёриб боришарди, тўлқинтўсар ҳам анча ортда қолганди.

— Ана у,— деди Стоун.

Нис ўгирилиб қараб, уни кўрди. Талос мувофиқ шамолдан ажрашини хоҳламай, йўналишини ўзгартишни жуда кетга суриб юборганди. Бунинг оқибатида тескари йўналишда сузишга мажбур бўлибди. Тўлқинтўсардагилар тағин ўт очишиди уларга қаратса.

— Йўлни ўзгартишни чўзиб юборибди-да,— деди Нис.

Атрофни қоронғилик чулғаб олганди. Худди чироги ўчиқ хонада пайпасланиб юрган шарпадай сузиб боришарди улар. Елканлари сур ранг-қорамтири доғдай әлас-әлас кўзга ташланарди. Нис ўз қайигини тўппа-тўғри дengиз томонга ҳайдарди. Олдинда, ўнг соҳил яқинида сузиб бораётган биринчи тўда билан жўнаши лозим бўлган қайиқлардан бирини пайқади.

Айнан шу дамда унинг қулоғига мотор овози чалинди. Мотор даставвал үзилиб-үзилиб, кейин бир маромда, ра-вен патиллай бошлади.

— Таъқибчилар,— деди Стоун баланд овозда.

— Қирғоқ ёқалаб сузамиз. Ишқилиб маҳқам ушлаб турсангиз бас, тағин қўйиб ё бўшатиб юборманг,— деди Нис унга елкан тўғрисида.

— Иккинчи қайиқ тарафга буринг. Энгесни оливоли-шимиз керак,— деди Стоун.

— У ҳозир Талосга керак. Боланинг ёлғиз ўзи әплол-майди.

— Уни қўлга туширишади. Орқадан моторли қайиқда қувиб келишяпти.

— Ҳечқиси йўқ, қутулиб кетишади. Талоснинг бир ўзи уддалаётмайди.

— Улар тарафга буринг,— деди Стоун яна.

— Йўқ. Унга айтаман, соҳил ёқалаб сузади.

— Қайиқни бошқариш қўлидан келадими ўзи?

— Ҳар қандай әркакнинг қўлидан келади бу,— деди Нис жаҳл аралаш. Иккала қайиқ бир-бировига қараб су-зиб келаётганди. Қоронғилик қўйнидан моторнинг бир меъёрдаги патиллаши эшитилиб турарди. У хийла яқин-лаб қолганди. Талоснинг қайиги эса уларнинг қайиги билан деярли тенглашганди бу орада. У узундан-узун, кенг Сулия қўлтиғининг қарама-қарши қирғоги сари сузиб бораётган ёди. Ораларидаги масофа шу топда юз ярдан ошмасди.

— Талос!— қичқириб чақирди Нис.

— Ҳозир буриламиз,— жавоб берди Талос.

— Қирғоққа қараб бур,— деди Нис унга.— Иложи бо-рича қирғоққа яқинроқ сузгин.

— Сенинг кетингдан ҳайдайман,— деди Талос.

— Йўқ. Ҳозир кетаётган томонингга кетавер. Наҳот-ки моторнинг овозини эшитмаётган бўлсанг?

— Эшитяпман. Унда йўлимиз чўзилиб кетади. Ҳозир бураман.

— Жонинг керак бўлса — бундай қила кўрма. Қир-ғоққа яқинроқ боравер. Қирғоқ ёқалаб ҳайдайвер.

— Сенинг австралосинг елканни бошқаришни билар-канми?

— Йўқ.

— Буниси ҳам билмас экан. Қаёқда ўсган булар ўзи?

— Денгиз йўқ жойда.

— Қанақанги одам булар ўзи, сира билолмадим, аллаҳ

қанақанги ёввойиларга ўхшайди-я. Шундайм австралос-ларингга айтиб қўй, мен уларнинг дўстиман.

— Хўп, айтиб қўяман. Гапга қулоқ сол, соҳил томонга бур.

Шунда Нис одатда қурол-яроғ ортилган қайиқларни қандай ҳайдашларини эслади. Ушанда имкони борича очиқ денгизга чиқмасликка ҳаракат қилишарди. Соҳилга яқинроқ сузиш, қирғоқ қўланкасида яшириниб, чап бериб кетишга, таъқибчилар кўзи олдида ҳеч қачон ошкора қочмасликка, қўлларидан келганича қирғоқ яқинидан писиб боришга тиришишарди.

— Ишлар қалай, Берк? — қичқирди Стоун Энгесга.

— Агар манави шайтонвачча грек нима қилиш кераклигини яхши билса чакки әмас,— жавоб берди Берк.

— Биз бир томонга, сизлар иккинчи томонга кетяпсизлар,— деди Стоун.

Бу пайтда бақириб гаплашишга тўғри келиб қолганди. Стоун тикка туриб олганди. Қайиқлар эса тобора бир-биридан узоқлашиб бормоқда әди.

— Қирғоқка чиқасизларми?

— Йўқ! — қичқирди Стоун.— Пайидан бўлиб тур, қирғоқдан олислашиб кета кўрмасин тағин.

— Сизлар қаёққа қараб кетяпсизлар?

— Қарама-қарши соҳилга қараб.

— Кўришгунча хайр! — бўкирди Берк.

— Кўришгунча! — жавобан қичқиришди бериги қайиқдагилар.

Шундан сўнг Берк билан Талос кенгбар Сулия қўлтигининг нариги томонида ғойиб бўлдилар.

Дизель мотор бир маромда, вазмин гупилларди. Нис рулни салгина бурганди, қайиқ соҳилга қараб деярли тикиласига суза кетди. У моторли қайиқ кўринмаяптимикин деб дам-бадам аланглаб қўярди.

— Уни кўрмаяпман,— деди Нис Стоунга.

— Яқинлаб қолди. Овозини әшишиб турибман.— Стоун бўш қўли билан ярадор грекни чалқанчасига ётқизиб қўйишга уринарди.

— Сал бўшатинг,— деди Нис унга.

Стоун арқонни то Нис, бас, демагунича аста бўшатаверди.

Хозиргина турған енгилгина шабада қўлтиқдан чиқаверишга яқинлашгандари сайин кучая бораверди. Бунинг оқибатида жон бита бошлаган мавжда чайқалиб боришар-

кан, ҳамроҳлар қайиқни зудлик билан қирғоққа қараб суринб кетадиган шамол әпкинини интиқлик билан кутишарди.

Нис токи баланд қирғоқ кўланка ташлаб турган ерга етмагуналирча қайиқни тўғри ҳайдайверди. Низоят кўзлаган маррасига етгач, йўналишни ўзгартироди. Энди улар қирғоққа параллель равишда, дengизни тўсиб турган қоя сари сузив боришаради. Моторли қайиқ қўлтиқнинг ўртасидан жадаллаб сузяпти. Ҳамроҳлар уни кўришмасди, зеро ой ботиб, борлиқни тик сожил кўланкаси ўз қаърига тортганди.

Нис таваккал қилиб, дengиз йўлини тўсган тик қирғоқ биқингинасидан ҳайдайверди қайиқни.

— Уларниг қайифи кетидан қувиб боришаётгани тайин,— деди Стоун. Шу дамда у Талоснинг қайифи бу ердан бир милдан ортиқроқ жойга, қўлтиқнинг нариги тарафига олиб кетган Беркни ўйлаётган эди.

Мотор шовқини аста-секин пасайиб бормоқда эди.

— Агар қирғоққа яқин сузишса, уларни топишомайди.

— Бу-ку тўғри-я, лекин болакай қирғоққа яқин сузармикин?

— Қайдам,— деди Нис.

У орқасига ўгирилиб қараб, ичкарига қараб торая борган қўлтиқдан бўлак марсани кўрмади. У қояни айланиб ўтиб, очиқ дейғизга чиқиши ниятида рулни бир озусурди. Шу топда у, Литтос қишлоғи қаерда бўлсайкин, деб бош қотираради. Мабодо эсон-омон қутулиб кетишга муваффақ бўлишса, Талос билан Берк икковлари ўша ёқда боришади. Ҳози Михали ўша ерда яшаркан. Қояни айланиб ўтаётганида ҳам, айланиб ўтиб, қайиқни тўпта-тўғри дengиз соҳили ёқалаб ўйллаганида ҳам хаёли шу ўй билан банд эди.

Қаёқка кетаётганини ўзи ҳам билмасди. Ҳозир энг муҳими — иложи борича моторли қайиқдан олислашиш эди.

## 15 боб

Ярадор грек Сулия қўлтиғи ёнидан қайта сузиб ўтаётганида ҳушига келди. Қояни айланиб ўтилгач, Нис қайиқни гарбга буриши лозим эди. Бирор, унинг гарбга

бургиси келмади, негаки у ёққа борилса Ғаэстосдан чиқиб қолишарди. Ғаэстосга ўхшаган жойлардан эса олисроқда бўлган маъқул. Чунки у шаҳар, ҳа, каттагина шаҳар эди. Шу сабабли Нис Талос билан Берк кетган иккинчи қайиқни учратиб қўларман деган умидда тонг ёришгунига қадар соҳил ёқалаб у ёқдан-бу ёққа сузаверишга аҳд қилганди.

Ярадор грек ўзига келди.

— Бу менинг қайиғимми? — сўради у.

— Сеники,— деди Нис. Стоун икковлари ажабланиб кўз уриштириб олишди. Улар, бу грек тирикмикан, деб қараб қўймоқчи бўлиб туришганди.— Қаеринг оғрияпти? — сўради Нис.

— Курагим,— деди у.

— Курагидан яраланибди,— деди Нис Стоунга.— Еланни боғлаб қўйсангиз, уни бир кўздан кечирадингиз.

— Мен уни ўлди деб ўйловдим,— деди Стоун. У катта елканинг арқонини боғлаб, ўрнидан турди.

— Қандай қилиб орқа томондан тегдийкин у сенга? — сўради Нис.

— У деганинг нимаси? — грек қайиқ тубида ўтирган жойида шамолда қанпайган елканга тикиларди.

— Ўқ-да.

— Ҳеч қанақаңти ўқ теккани йўқ. Шунчаки йиқилиб тушдим.

— Демак, яраланмабсан-да?

— Йўқ.

— Оббо сен-э.

Зими斯顿 қоронгиликда бу одам кўринмас, товушигина эшитиларди, холос. Илло Нис овозидан унинг авзойини, жizzакилиги, қайсарлити, енгилтаклиги, бемулоҳаза иш тутиши — барн-бари хислатини пайқаб турарди.

— Жароҳати отирга ўхшамайди,— деди Стоун.

— Мутлақо яраланмаган. Шунчаки йиқилиб тушибди, холос.

Стоун индамади. У арқонни ечиб, елкани бошқатдан бўшатиб юборди.

— Литтос қайси тарафда? — сўради Нис грекдан.

— Шундоқ Кавро Мелиссанинг ёнгинасида.

Бу Сулиядан йигирма беш милча наридаги қоя эди. Ҳозир улар сузиб бораётган соҳилни ёқалаб кетаверишса, эртами-кечми албатта ўша ерта етишади.

Нис ортиқ ҳеч нима демади-ю, аммо елкасидан босиб ётган тегирмон тоини олиб ташлангандай бўлди.

- Ҳамма қайиқни олиб кетишдими? — сўради грек.
- Билмадим. Темир каллалар орқамиздан моторли қайиқ жўнатишиди.
- Биз Энтося боришимиз керак,— деди грек, тўсатдан Литтоснинг қаердалигини сўраганлари эсига тушиб.
- Литтосга,— унинг сўзини тўғриламоқчи бўлди Нис.
- Литтос Энтосадан нарида,— деди сирнослик.
- Бизни ўша ёққа олиб бориб қўяссан-да, кейин қайтаверасан,— деди Нис. У бу гапни овозини заррача кўтармай, босиқлик билан айтди.
- Хотиним, ҳамма яқинларим мени Энтосада кутишади.
- Нима, Литтосдан у ерга қайтиб бўлмайдими?
- То у ёққа бориб, яна қайтиб келгунимча моторли қайиқ етиб олади менга.
- Қулоқ сол гапимга,— деди Нис унга,— биз икковимизни, кейин яна битта австралосни Литтосдаги Ҳожи Михали деган одамнинг олдига элтиб қўйишга ваъда беришган. Ўша одамнинг инглизлар билан алоқаси бор экан. Биз Мисрга етиб олишимиз керак.
- Мен бўлсан бола-чақаларимни олисроққа, шарққа олиб кетишм керак,— деди сирнослик.
- Литтосдан қайтиб келасан уларни олиб кетгани,— деди Нис.
- Унгача таъқибчилар етиб келишади. Шунинг учун яқинларимни олиб, тезроқ жўнаб қолишим керак бу ерлардан.
- Сен ҳақсан.— Нис ўзлигига содиқ қолганди.
- Оролдан жўнаш ниятида бироннинг қайифини олдим. Бунинг учун темир каллалар бутун бошли қишлоқни яксон қилишди, менга қайифини берган одамни бўлса хотини билан қўшиб осишди. Мана энди бўлса Литтосга етиб олишим керак. Қаёққа бормай, мени деб манавинга ўхшаганлар жабр кўришади. Бизнинг жатимизга уйига ўт қўйиб, қайифини тортиб олганлари боисидан бу шўрлик бола-чақалари билан сарсон-саргардон бўлиб юриши керак энди.
- Литтосга соҳил ёқалаб пиёда бора қоламиз,— деди у Стоунга инглизчалаб.
- Нега энди, қайиқда бормаймизми ахир?
- У бола-чақасини олгани Литтосдан берироқдаги бир қишлоққа бориши керак экан.
- Олдин бизни элтиб қўйса бўлмас эканми?

Нис «йўқ» деган маънода бош чайқаб қўйди, аммо Стоун буни кўролмади. Нис танаси оғирлигини румпелга ташлаб ўтиради. У шунчалик чарчагандики, ҳатто юмилиб кетаётган қовоқларини очишга мажоли етмасди. Кун анча ёришиб қолган, у тонг отаётганидан ҳатто хурсанд эди. Шу топда Литтосга қандай етиб олишларини ўйлагиси ҳам келмаётганди. Шунингдек, Берк тўғрисида ёки Мисрга етиб олиш учун Литтосдан қайиқ топилиштопилмаслиги ҳақида бош қотиришни истамасди. Бу ниҳоятда қимматга тушиши мумкин. Қайиқ — эгасининг бор бисоти, ризқи-рўзи, ҳаёти әканини ўз тажрибасидан биларди. Ҳеч кимнинг осонликча қайигидан ажрагиси келмас. Лариссадаги тош зинданда уч йиллик умри танҳоликда, бир оғиз гаплашадиган одамсиз, бекорчиликда, изтиробли бекорчиликда ўтди. Бу йиллар орасида у қайиқ одам учун қанчалик қимматга эга әканини унуганди. Бироқ ҳозир у сирносликнинг шу топдаги ҳис-туйғусига шерик эди. Унинг: «Қайиқсиз одам — оч қолади», деган гапи ёдида эди. Бу қайсар грекнинг қайиқда ётиб олиб, рулни ёки елкан арқонини тутишга ошиқмаётганининг сабабини тушуниб турарди. У яхшилаб дам оливолишини истаяпти. Бундан кўра ҳам қайтадан ўз қайифининг хўжайини бўлишни хоҳлаяпти.

— Берк балки етиб олгандир у ерга,— деди Стоун.

— У ерга етиб боришимиз биланоқ яна қийинчиликлар бошланади.

— Катта қишлоққа кетаётганимиз ёқмаяпти менга.

— Гап бундаямас,— деди Нис.— Мисрга жўнаш учун тағин қайиқ топишимиз керак-ку.

— Улар гапирган ўша грек ким әкан ўзи?

— Ҳожи Михали. Чоғимда курашни давом эттираётган сергайрат одам бўлиши керак.

— Ҳўш, қайиқни қандай топамиз?

— Балки унинг инглизлар билан алоқаси бордир. Ҳамма умид ана шундан.

— Ҳеч кимнинг ўз қайифини Мисрга жўнатиб юборгиси келмас.

— Турган гап.

— Унда фақат битта чора — қайиқни ўғирлаш қолади, холос.

— Ҳеч қачон бундай қилмаймиз,— деди Нис.

— Менимча ҳам шундай. Лекин унда, эртами-кечми, бари бир бизни қўлга туширишади бу ерда.

— Кўрармиз, анави Ҳожи Михали нима маслаҳат бе-  
заркин.

— Ҳа, кўрармиз. Агар ростдан ҳам инглизлар билан  
алоқаси бўлса.— Сўз оҳангидан Стоуннинг бу гапга ун-  
чалик ишонмаёттани яққол сезилиб турарди.

— Сизнингча бундай бўлиши мумкин эмасми?

— Сал даргумонроқ,— деди Стоун.

— Наҳотки инглизлар Критдан бутунлай воз кечган  
бўлсалар?

— Бўлиши мумкин,— деди Стоун ҳорғинлик билан.

— Унда фирт бемаънилик бўларди-да. Оролдагилар-  
нинг жамикиси темир каллаларга қарши. Илгари Метак-  
сасга қарши бўлишгандай.

— Ҳўш, сизнингча, инглизларнинг қўлидан нима  
келади?

— Кураш бари бир давом этаверади. Критликлар те-  
мир каллаларни жинидан ёмон кўришади.

— Борингки, шундай ҳам дейлик. Лекин инглизлар  
нима қила олишади?

Баногоҳ ёнгиналарида пайдо бўлиб қолган қирғоқ-  
дан узоқлашиш учун йўналишини ўзгартириш зарур әди.  
Қайиқ тўғри йўлга тушгач, суҳбатни давом этти-  
ришди.

— Критга қурол-аслаҳа юбориб туришлари мумкин.  
Маҳаллий аҳолининг уюшишига ёрдамлашишлари мум-  
кин,— деди Нис.

Стоун бу гапдан ошкора кулди.

— Ишонмаяпсизми?— сўради Нис.

— Ҳа.

— Сабабини тушунолмадим.

— Мен ўзим ҳам гоҳо тушунолмай қоламан,— деди  
Стоун мунозарага чек қўйиш ниятида.

— Бунақанги сиёsat юритишиша урушда бой бери-  
шади,— деди Нис.

— Мени бунга ишонтираман деб уриимай қўя қо-  
линг,— деди Стоун.

— Инглизларни ўз манфаатларини тушумайдиган  
бунчалик ҳафтафаҳм деб ўйламайман.

— Сабр қиласак кўрармиз,— деди Стоун, тагин шубҳа  
аралаш кулиб қўяркан.

Нис оғтиқ ҳеч нима демади. Қайиқ ўнг биқинига кий-  
шайди. Шамол кучайиб, чағалай қанотига ўхшатан елкан-  
ни дўмбирадай қаппайтиарди. Стоун эса елкан арқомла-

рини тарант қилиб тортни санъатидек унчалик мушкул бўлмаган юмушни ўзлаштириб олганди аллақачон.

Шунинг ўзи кифоя эди.

Мана, Литтосга кетяпмиз. Эҳтимоа Ҳожи Михалининг инглизлар билан алоқаси бордир. Инглизлар эса Критни тақдир измита ташлаб қўядиган даражада калтабин әмас-дирлар.

— Кел, ўзим бошқара қолай,— деди сирнослик томдан тараша тушгандай.

У ухлаб ётган эди, қайиқнинг ногаҳоний қийшайиб кетиши уйғотиб юборганди уни.

— Ўша Энтосинг узоқдами ҳали?— сўради Нис ундан.

Сирнослик субҳидам гира-шираси орасидан қора-йиб кўзга ташланиб турган тоғлиқ қиртоқ тарҳига ти-килди.

— Яна бир соатлик йўл қолди,— деди у.

У Ниснинг қўлидан румпелни олди. Нис тумшуқ томонга ўтиб, жиққа ҳўл қайиқ тубига чўзилди-да, чайқалища юмалаб кетмайин деб оёқларини маҳкам тираганча ёта-верди.

Шу тариқа уйғуга кетди.

Бир соатдан кейин сирнослик уни уйғотди. Нис ўша замоноқ қайиқ тўхтаб турганини сезди.

— Энтосда туашасизларми?— сўради сирнослик.

— У ерда темир каллалар йўқми?— сўради Нис сал-қаддини кўтариб.

— Хабарим йўқ,— деди сирнослик.— Бу ерларда темир каллалар ҳали етиб келмаган қишлоқлар кўп.

— Бизни Энтосга етмасдай қиртоқка тушириб кетол-майсанми?

— Бўлади.

— Шундай қилган маъқул,— деди Нис.

Аллақачон кун ёфишиб бўлганди. Нис куала бўлиб, тумшуқ томонда ҳатто оёғи сувга ботиб ётганини ҳам сез-май, донг қотиб ухлаётган Стоунига қаради.

— Сизларни жон-жон деб Литтосга элтиб қўярдим-а, лекин бунинг иложи йўқ-да.

— Тушунаман,— деди Нис.— Бу атрофда Энтосга борадиган йўл-иўл борми ўзи?

— Йўқ.

— Литтосга-чи?

— У ёқса ҳам йўқ. Бу атрофдагилар фақат денгиздан

қатнашади. Литтосдагиларнинг машғулоти тўр тўқишу мусаллас солиш.

— Демак, у ёққа қатналадиган йўл бўлиши керак.

— Йўқ, фақат денгиздан қатнашади.

Улар яна қайиқни йўлга шайлашди. Қайиқ шамол таъсирида бир ёққа оғиб, дengiz ва тик чўққию қоялар билан қопланган соҳил оралиғидаги энсиз қўлтиқчалардан бири бўйлаб сирғала кетди.

Стоун уйғониб, туриб ўтириди.

— Келдикми?— деб сўради у.

— Ҳа,— жавоб берди Нис.— Қишлоққа етмай тушиб қоламиз.

Улар то ой ўроғи янглиғ қўлтиқча қопқасига етгунлари ча елканни сўл томонда әсиб турган шамолга мослаб сузиб бордилар. Шу ерга етганда сирнослик елканни қирғоқдан зсаётган мувофиқ шамолга мослаб, йўл-йўлакай тагтўсинни ичкари тортиб, қўлтиқчага кириб борди. Нис қайиқни қирғоқнинг қия ерига тўғрилади, кейин шамол ёрдамида уни орқага буриб олди-ю, қайиқнинг қўйруғи қумлоқ саёзликка бориб тақалди.

— Литтосга боришда бошқа қишлоқлар ҳам борми?— деб сўради у сирносликдан овози борича, шамолда шалоплаётган елкан шовқинини босишга уриниб.

— Бор. Ҳаммаси балиқилар қишлоқлари.

Стоун қўйруқдан ҳўл қумга сакраб тушиб, хуруж қиласлаётган тўлқин томчилари ёмғири остида қолмаслик учун нарироққа юрди.

— Адио,— деди Нис сирносликка.

— Адио. Қайиғимни омон-эсон қутқариб олишимга мадад берганинг әвазига самимий дўстлигимни қабул эт.

— Миннатдорман сендан, аҳволингга ҳам тушуман,— деди Нис хушмуомалалик билан.

— Анави кичик инглизга тушунтириб қўй, мен темир каллалардан қочаётганим йўқ. Кейин бола-чақаларим билан шарққа кетишим зарурлигини ҳам тушунтири. Лекин мен қочиб кетаётганим йўқ. Мен учун темир каллалар ни маю метаксасчилар нима. Мен ўша ёқдаям икковларига қарши курашсам бўлади. Курашиш учун эса қайиқ зарур менга.

— Ҳаммасини тушунтираман,— босиқлик билан жавоб қайтарди Нис.

— Унга яна шуни айтгинки, қайиқ — балиқчи ва болачақасининг ош-нони, ризқи-рўзи. Шунинг учун ҳам бола-

чақали одам билан бир иш қилиш қийин. Темир каллалар ҳамда метаксасчилар билан жанг қилишда әнг ишончли шерик ҳеч вақоси йўқ сўққабош одам бўлади. Унақалар қайғимдан айрилиб қоламан-ку, деб ташвиш ҳам чекмайди. Мени тушунармикин у, сен нима деб ўйлайсан?

— Тушунади, тушунади,— деди Нис.

Шундай деб у қайиқни сувга итариб юборди. Сирнослик катта елканини йигди. У фақат тумшуқдаги елканчалар ёрдамида сузиг кетиш ниятида эди, чунки ҳамма елканини ёлғиз ўзи эплаёлмасди.

— Адио,— деди Нис яна бир бор.

— Унга яхшилаб тушунтир, ўзинг ҳам гапимни мағзини чақиб кўр.

— Хўп.

— Адио,— деди сирнослик. У тумшуқдаги елканчалар тизгинини тортди. Ана шу елканчалар ёрдамида чапдастлик билан денгизга чиқиб олди.

Нис билан Стоун бу овлоқ, ҳувиллаган соҳилда бир нафас унинг ортидан кузатиб туришди. Сўнгра Стоун:

— Пулемёт қайиқда қолибди-ку,— деди.

— Қолаверсин, у ерда кўпроқ иш беради,— деди Нис.

— Афсус, бу грек Мисрга боришга кўнмади-да.

— Ҳеч қандай афсусланадиган жойи йўқ,— деди Нис.

Шундан кейин улар шарққа, Литтосга йўл олмоқ учун тепага қўтарила бошладилар. Балки Берк уларни ўша ерда кутаётгандир.

## 16 боб

Уч кун дегандагина Литтосга етиб бордилар. Улар мўлжалдан нарига ўтиб кетган әканлар, ортиқча йўл бир кун вақтларини олди. Ўтиб кетганларини әртасига кечқурун билдилар. Нис озроқ нон билан саримсоқ сотиб олиш мақсадида чўпон кулбасига кирганида ўшандан билиб чиқди. Бу атрофларда Литтос токзорлари, зайдунзорлари ҳамда мевазор боғлари бор яккаю ягона қишлоқ экан.

Шу гапни эшитгани замоноқ худди ўшандай жойнинг юқорисидан ўтиб кетганлари Ниснинг ёдига тушди. Улар орқага қайтиб, тун бўйи йўл босиб, әрталаб ўша жойни осонгина топдилар. Водийга тушиб, бир нечта якка-ёлғиз кулбалар ёнидан ўтиб, ниҳоят водийнинг бурилиб бориб

денгизга тақалган ерида жойлашган қишлоқдан чиқишидди. Водий чўпон таърифлаганчалик катта өмас әкан. Уч томондан тоғлар билан қуршалган, тўртинчи ёғи дengизга тақалган чоғроққина чуқурлик әкан. Бу водийдаги яккаю ягона аҳоли истиқоматгоҳи — Литтос қишлоғи әкан.

Литтос иланг-билинг соҳил ёқалаб чўзилиб кетган, бир қисмигина ҳосилдор мўъжаз воҳа ичкарисига ёриб кирганди. У худди Т шаклида әди. Бу ўз қиёфасида балиқчилар ҳамда виночилик қишлоқлари манзарасини мужассамлаштирган истиқоматгоҳ әди. Бофу дараҳтзорлар бетартиб ҳолда барпо әтилганди. Бироқ қайга боқманг, мўл-кўлчиликдан далолат берарди. Зайтун, ўрик, току хурмолар аралаш-қураш бўлиб гуркираб ётарди.

Бу ернинг тупроғи ҳам худди Мессараникадай ғовакғовак, оҳактош аралаш әди. Ўйлар тошдан қурилган, гувалак кулбалар мутлақо кўринмасди. Ўйларнинг аксарияти оқланган, уйни оқлаш эса Критда камдан-кам учрайдиган ҳол әди.

Нис билан Стоун қишлоққа тоғ томондаги ёлғизоёқ йўлдан тушиб боришиди. Йўл-йўлакай улар воҳада ишлаётган тўда-тўда дэҳқонларни кўриб келишарди. Дэҳқонлар токларни хомток қилишаётган, бошқалари пишиб етилган ўрикларни теришаётган әди. Уйиб узум солинган саватлар ортилган хачирлар учраб турди йўлакай.

Нис билан Стоун тоғ қишлоққа киргунларича ҳеч зор билан гаплашишмади.

Литтосда тўппа-тўғри кетган кўчанинг ўзи йўқ әкан. Чор атрофга тош сўқмоқлар таралиб кетган, уларнинг уйларни оралаб бориб қаёққа бурилиши, қаёққа әлтишини ҳам сира тушуниб бўлмасди. Нис билан Стоун қишлоқнинг бу қисмини тўхтамай босиб ўтиб, соҳилга чиқиб қолишиди. Бу ер қуйиб қўйгандай Сирносга ўхшаб кетар, фақат сал каттароқ бўлиб, кўкиштоб тош йўлкасигина йўқ әди, холос. Гурна қатор саф тортган, шарққа қараган кулбалар қатори бўйлаб узунасига чўзилиб кетган оппоқ ҳошия — оқ тошлардан барпо әтилган йўлка қишлоқни соҳил бўйидан ажратиб турарди. Лекин қишлоқ ичкарисига олиб кирадиган биронта йўл кўринмасди.

Соҳил ёқалаб бошдан-оёқ тўр ёйиладиган қозиқ-устунчалар қоқиб ташланган әди. У ер-бу ерда балиқчилар уймалашиб, тўр ямашяпти, улардан нарида бир қолипдаги қайиқлар сувда чайқалиб турибди. Нис ўша ёқда разм солди, бироқ Талоснинг қайиғи кўринмади. Улар соҳил бўйи-

дан боришаркан, ҳамма қизиқсиниб тикилар, лекин одоб сақлаб чурқ әтишмасди. У балиқчилардан бирининг ёнига бориб тўхтади.

Нис гап сўрамоқчи бўлган балиқчи тўр арқонини ўнг оёғи бошмолдоги билан иккинчи бармоги орасидан ўтказиб чиллакка ўраётган эди. Офтобда қорайган бошига тўр қалпоқ кийиб олганди.

— Калимера,— одоб билан салом берди Нис.

— Калимера,— алиқ олди тўр билан машғул балиқчи. Нис тўғридан-тўғри ишга ўтишни маъқул кўрди.

— Мен сирнослик Галос деган болани излаб юрибман, у билан бирга яна бир одам бўлиши керак.

— Бу ер Литтос қишлоғи,— деди балиқчи.

— Биламан. У Литтосга ўз қайигида келган.

Балиқчи жавоб бермади.

— Бу ерда Сирносдан бошқа ҳеч ким йўқми?— сўради Нис ундан.

— Нимагадир қулоғимга унақа гап чалинмади.

— Ундаи бўлса, айт-чи, Ҳожи Михали деган одамни қаердан топсак бўлади?

Балиқчи арқон ўрашни бас қилди-ю, аммо ҳеч нима демади. Яна икки киши келиб, ёнларида тўхтади.

— Ўзинг кимсан?— сўради улардан бири.

Нис бу одамларнинг ўзларига сергаклик билан тикилаётгандарини билиб турарди. Ўзи ҳақида бор гапни очиқ-часига айтиш зарурлигини ҳам яхши тушунарди.

— Мен Нис Галланосман. Бу ёқقا ер билан яксон қиilib ташланган Сирносдан келдим.

— Бу-чи?— деб сўрашди Стоунни кўрсатиб.

— Бу фаранг.— Нис одатда ҳар қандай муҳожирга нисбатан ишлатиладиган сўзни айтди.

Тўри билан машғул бўлган балиқчи Стоунга тикилиб қаради, бироқ австралийлик ҳам унинг кўзига мижжа қоқмай тик боқди. Унинг катта-катта мовий кўзлари ишонч билан тикиларди.

— Орқамдан юринглар,— деди балиқчи.

У терчилаган кафтини чоловорига артиб, таги ёғоч кавушини оёғига илди-да, тош йўлкадан кетаверди.

— Бирон нимани билдингизми?— сўради Стоун Нисдан.

— Ҳозирча ҳеч нимани. Бизга ишонишмаяпти.

— Берк тушган қайиқ бу ерда кўринмаяпти-ку,— деди Стоун.

— Ҳа, афтидан, бу ерда йўқ у.

Улар жим қолишиди, негаки олдинда бораётган балиқчи ўгирилиб қараб, гаплашиш мумкин эмас, деган маънода бош чайқаб қўйди. Хотин-халаж уларга тикилишар, шир яланғоч болалар кетларидан югуришар, кейин орқада қолиб кетишарди. Чошгоҳ чоғи әди, йўлдан чанг кўтариларди.

Балиқчи уларни оқ тошдан қурилган уйларни оралаб кетган иланг-биланг ёлғиз оёқ йўлдан әргаштириб борарди. Улар қишлоқнинг нариги чеккасига қараб кетишарди. Бу ердаги уйлар каттароқ әкан. Ер бетини эса оқиш қум босиб ётибди. Қум тегиб ишқаланиши оқибатида тош яр-қираб кетибди.

Балиқчи узун, пастак кулба остонасида тўхтаб, икки—остки ва устки тавақали әшикни тақиллатди. Кейин тепди.

— Сарандаки!— деб чақирди у. Бу сўз грекчада «қирқ» деган маънони англатарди, бироқ у, афтидан, бу сўзни исм ўринида ишлатганди.

— Ким,— деган овоз әшитилди әшик ортидан.

Балиқчи ўз отини айтди.

— Политис,— деди у.

Эшикнинг устки тавақаси очилиб, Стоундан ҳам йирикроқ бир киши кўринди. Турқидан бир қарашдаёқ греклиги кўриниб турарди-ю, лекин тузи мисрлик ёхуд суряяликлардай қоп-қора әди; худди девнинг ўзгинаси. Ҳумдай, тўқ қўнғир тусли боши тап-тақир, кўзлари теграсини майдада-майда ажинлар қоплаган, сергак боқарди.

— Калимера, қари укки,— деди у.

— Калимера,— деди балиқчи.

— Ким бўлди булар?— Ў Нис билан Стоунга тикилди.

— Эшикни оч.

— Тўхта, ошиқма.— Балиқчи Сарандаки деб атаган даванги ўзига яраша айёр кўринарди.

— Эшикни очсанг-чи,— такрорлади балиқчи.

— Хўш, сабаб?— сўради у, кейин лабларининг таноби қочиб илжайди.

Нис шу топда яна очиқласига сўзлаши лозимлигини англади.

— Мен Нис Галланосман. Сирносдан келганларни кўришим ёки Ҳожи Михалига учрашишим керак.

— Сени кўргани жуда кўзи учиб турибди-да ўзиям,—

истеҳзо-ла деди Сарандаки, сўнг темирчи босқони ҳаво уфургандай, қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Уларни қўришим керак,— деди Нис қатъий оҳангда.

— Менга қара, уккича. Ўзинг аллақайси гўрдан қандайдир фарангни етаклаб келибсан-у, менга Ҳожи Михалини қўрсат, деб тиқилинч қилганингга ўлайми? Уни танишимни қай гўрдан била қолдинг дарров!

— Танийсан,— деди Нис унинг қўзига тик қараб.— Айт, сирнослик болакай қаерда?

— Нимага керак бўлиб қолди у ўзларига?

— Ҳожи Михалини қўришим зарур бўлгани учун. Уни қаердан топсам бўлади.

— Вой-бўй, ўзинг ҳаммасидан хабардор кўринасан-ку.— Сарандаки шўхчан кулди.

— Йўқ, хабарим йўқ,— деди Нис.— Айт, қаердалигини айт.

— Ҳе-ей, сал ўпкангни бос,— деди Сарандаки имиллаб, лекин маънодор қилиб. Бу машмаша унга ёқаётганди.— Унақа болани умрим бино бўлиб әшитмаганман.

— Талосни танимайсанми? Эксанинг укасини-я.

— Йўқ.

Нис сабр-тоқат билан ҳамма гапни: Сулиядан қайиқларни қандай олиб қочганларини, Талос билан Берк исмли австралоснинг Литтосга қараб жўнаганларини бир бошдан ҳикоя қилишга тушди.

Сарандаки бир нафас унга синовчан назар ташлаб турди-да:

— Балки бу ерда сирносликлардан баъзилари учраб қолар,— деб тағин кулди.

У ташқарига чиқиб, ҳамроҳларни шундоқ денгиз ёқасидаги, худди ўзининг кулбасига ўхшаган узун, пастак кулбага бошлаб борди. Ўзи әшикни очди.

— Мана, шу ердан ўша сирносликларингни қидириб кўринглар,— деди Сарандаки кулба ичкарисига имо қилиб.

Нис олдинда, орқасидан Стоун ичкари киришди. Кулба остига тош ётқизилганди. Бир бурчакда оппоқ губка — денгиз булути<sup>1</sup> уйилиб ётибди. Нариги, қоронгироқ бурчакда одамлар ғимирлашяпти.

— Талос,— чақирди Нис. Кўзи ҳеч нимани илғамасди.— Талос,— такрорлади у яна. Талоснинг шу ердалигини ҳали аниқ билмасди.

<sup>1</sup> Денгиз булути — сув жонивори.

Оний сукунатдан сўнг:

— Нима? Ким бу, Георгиймисан? — деган овоз эши-тилди.

— Йўқ. Нис Галланосман.

Шунда Талос эшикдан ёруғлик тушиб турган жойга келди. Унинг чеҳрасида маъсумона айёрик йилат этди.

— Эҳ-ҳе! — қичқириб юборди у. — Биз сизларни ушлаб олиши деб ўйлагандик.

У Ниснинг қўлини маҳкам қисди, бу орада эшик олдига келган Берк индамай ёnlарида турарди. Берк ўз одатига содиқ қолганди. У бутун туриш-турмуши билан ўзини ҳеч гап бўлмагандай тутишга ҳаракат қиласади. Улар кутилмаганда кириб келишди бу ерга, Берк эса уларни кутиб оляпти, холос. Бундан бўлак гап йўқ. Бироқ у шерикларини илиқ қаршилаяпти. Стоунни қайта кўришдан эса фоятда хурсанд. Нис бу икки одам орасидаги муносабатда пинҳоний илиқлик борлигини пайқаб турар ва ўша меҳрни қадрларди.

— Саломат бормисан, Стоун,— биринчи бўлиб деди Берк.

Унинг сўзлари ишорадай бўлди. Учовлари қўл олишишиди. Бу ноқулайроқ чиқди, айниқса Энгес Беркнинг Нис билан кўришиши.

— Қачон етиб келдинглар бу ерга? — сўради Стоун.

— Эртасигаёқ. Ўзларинг қаёққа гумдон бўлдиларинг?

— Пиёда келдик,— деди Нис.

— Қайиқларингни чўқтириб юборишдими? — сўради Берк Нисдан.

— Йўқ,— деди Нис.— Энтосдан бу ёғигагина яёв келдик.

— Бизни бўлса қўлга тушишимизга сал қолди,— деди Берк.

— Орқаларингдан қувиётганларини билиб-эшитиб турдик,— деди Стоун.

— Манави зумраша дарров очиқ денгиёга қараб бурса бўладими қайиқни. Улар бўлса бизни қирғоқ яқинидан излашаётган экан чоги.

Нис эса Талос билан ҳаммасини ипидан-игнасиғача, бирваракайига гаплашиб олишга шошиларди. Энтос тўғрисида, йўқ-йўқ, аввал моторли қайиқ ҳақида, кейин Ҳожи Михали тўғрисида сўраб-суриштирса, Талоснинг акаси Мисрдан келган-келмаганини тезроқ била қолса.

— Ҳали қайтгани йўқ, ҳозирча австралосим билан ма-  
на шу ерда, денгиз булути овчилари кулбасида яшаб ту-  
рибман,— деди Талос Нисга.

— Ие, литтосликлар денгиз булути овлашадими ҳали?

— Йўқ. Булат овловчилар бу ёққа ёздагина кели-  
шади.

— Анави давангি Сарандаки ҳам рангига қараганда  
шуларданга ўхшайди-я?

— Ў, бу Сарандаки жуда машҳур одам.— Болакай би-  
рон нима ҳақида ҳикоя қилаётганида ҳамиша юзи айёрона-  
мамнун тусга киради.— Унга нега бунақа лақаб қўйишга-  
нини биласанми? У билан икки укаси денгиэда қирқ  
саржин чуқургача шўнгий олишаркан. Қирқ саржин-а!  
Қанчалик чуқурлика шўнғилса, денгиз булути ўшанча  
яхши бўлади.

— Инилари ҳам шу ердами?

— Йўқ. Ҳозир Сарандакининг бир ўзи қолган. Битта  
укаси сув остига шўнғиб, қайтиб чиқмаган экан. Бошқа-  
сини қаердадир метаксасчилар ўлдиришган экан.

Шунда Ниснинг ёдига худди мана шунақанги офтобу  
шамолда қорайган, кўкрак қафаси кеңг Ҳамагуста будут  
овловчилари тушди.

— Сен айтган анави Ҳожи Михали қаерда?— сўради  
Нис.

— Шу ерда.

— Инглизлар билан алоқа боғлабдими?

— Ҳозирча унчалик эмас,— деди Талос. Унинг чек-  
расида тағин боягидай муғамбирлик акс этди.— Ҳозир  
бориб, у билан сизлар тўғрингизда гаплашиб келаман.—  
Кейин қўшиб қўйди:— Австралос иккаламиз яқингинада  
овқатланувдик. Сизлар ҳам ўтиринглар. Боримизни баҳам  
кўринглар.

У жавобни ҳам кутмай, ташқарига чиқди.

— Қаёққа кетди у?— сўради Берк.

— Ҳожи Михалининг олдига,— деди Нис.

— Биласиэм,— деди Берк унга,— ўша Ҳожи Миха-  
лингиз бу ерда ҳаммага бош-қош экан.

Улар кулбанинг нариги бурчагига ўтишди. Берк боя  
уларнинг одим шарпалари әшитилганда беркитиб қўйған  
дераза қопқоғини очиб юборди. Кулба ёришиб кетди. Нис-  
нинг кўзи шунда товоқда турган ийланган саримсоқ билан  
дедқонларнинг тегарак бугдой ионига тушди. Улар чўк  
тушиб, очқўзлик билан овқатга уришди ўзларини.

— Уни танимайман ҳам, билмайман ҳам,— деди Нис.

— Бу ердан қутулиб кета олсак бахтимиз кулиб боқ-кан бўларди-да,— деб қўйди Берк.

— Уни гапга солиб кўрдингларми ўзи?— сўради Стоун ундан.

— Биздан бошқа бу ерда яна беш киши бор,— деди Берк.— Юқорида, тоғдаги кулбада икки инглиз офицери билан уч томми гумдан ошиб ётишибди. Эртага ўша ёққа бормоқчийдим. Олдинроқ ҳам борардим-у, сизларни кутиб тургандим-да.

— Инглизлар?— сўради Стоун.

— У жўнатишга вавъда берибдими?— сўради Нис.

— Йўқ. Бу Ҳожи Михали биттаям қайиқни қўлдан чиқармоқчи эмас.

— Нега?

— Инглизларни кутяптими-еї, аллақайси оролдан кимларнидир қутқаришга тайёрланяптими-еї.

— Буни қаёқдан била қолдинглар?

— Инглизлар орасида бир майор бор. У грекча гаплашишни биларкан. Ушанинг Ҳожи Михалини қўаррга кўзи йўқ, қайиқ бермагани учун уни ит сингари ғажиб ташлашга ҳам тайёр. Михали бўлса Мисрдан кимдир келмагунча бермасмиш бари бир. Кўриниб турибдики, қайиқлар унинг ўзига нимагадир керак. Бу ерда янаги йилгача қолиб кетадиганга ўхшаймиз.

— Жин урсин,— деди Стоун.— Ҳеч ким қайифини бергиси келмайди-я.

— Ҳўш, сиз нима деб ўйлагандингиз?— ўша заҳотиёқ ёпиштириди Нис.

Стоун ҳатто довдираб қолди. Кейин самимий жилмайиб, бош чайқаб қўйди.

— Ҳеч нима деб,— деди у.

— Ҳаммасини ўз кўзларинг билан кўрасизлар,— деди Берк.— У ёқда, тоғда, ўзаро ғажишиб ётишибди. Анави Михали қайиқ бермаяпти, улар бўлса темир каллалар ана келиб қолади-мана келиб қолади, деб хавотирдалар.— У жўрттага ана шу иборани ишлатди.

Бир муддат жимгина овқатланишиди.

Талос қайтиб келди. У Нисни Ҳожи Михалининг ҳузурига олиб кетгани келибди. Буни әшитгач, ўша бургут чангаль, ғоятда қаттиққўл, ҳаммага ҳукмини ўтказувчи, инглизлар билан баҳслашиб, Миср томонга лоақал битта

қайиқни жүннатишга күнмаётган одамни тезроқ кўргиси келиб кетди.

У ўрнидан туриб, Талос билан бирга Ҳожи Михали ҳузурига йўл олди.

## 17 боб

Унинг сочи Нисникига ўхшаган қалин, аммо қора әмас, оппоқ әди. У паст бўйли, Нисдан ҳам пастроқ әди. Илло тузи денгиз булути овчиси Сарандаки сингари офтобда қорайиб кетганди. Қоп-қора кўзлари бурчига майдада ажин гул чекканди. У тик, мижжа қоқмай боқарди. Ёши қирқлар атрофифа, эҳтимол эллик ёки олтмишдадир. Ҳар қалай бу одам талайгина умр кўрганига қарамай, чайир ва ихчам бўлиб, вужудидан машаққатли йиллар юки әмас, камолга етган куч-қувват ёғилиб турарди.

— Қочиб қолишга шунчалик сабринг чидамаяптими? — унинг оғзидан чиққан илк сўзлар шу бўлди.

— Мен қочмоқчи әмасман,— жавоб берди Нис.

— Ёш Талоснинг айтишича, Мисрга отланмоқчимишсан.

— Наҳотки бу қочиш деган маънони билдиrsa? — сўради Нис.

— Қай томондан ёндошишга боғлиқ бу,— деди Ҳожи Михали.

Улар бетма-бет туришар, икковининг ҳам нигоҳи бир хилда синчков, айни вақтда сергак әди. Улар кенг-ковул тош уйнинг ошхонасида туришарди. Ҳона деворлари шир ялангоч, шифтида боғ-боғ саримсоқ осиглиқ. Манқалнинг панжарасида сихлар билан мис идишлар турибди. Ўзоқда милтиллаб ёнаётган ўт устида мис чойнак турибди. Айтидан, Ҳожи Михали янгигина тамадди қилиб бўлган шекилли. Талос эшик пешбурнига суюнган кўйи, бўлаётган сухбатдан ошкора ҳузурланиб, малла сочларини титкилаб турибди.

— Ахир у ёқда уруш кетмаяптими? — овозини кўтармай деди Нис.

— Кетяпти,— деди Ҳожи Михали.— Лекин бу ерда ҳам уруш бўляпти.

— Ҳаммаси ўша ёқда ҳал бўлади. Қаердадир ўша ёқда, лекин бу ерда әмас.

— Бу ерда ҳам. Бу ердагиси янайм муҳимроқ.— Ҳожи Михали бош иргаб ўз сўвларини алоҳида таъкидлади.

— Йўқ.

Улар шу топда кураш майдони ўртасида қулай фурсатни пойлаб тек қотган икки курашцидай рўпарама-рўпара туришади.

— Темир каллаларни пачақлаб ташлаш учун ҳамма бир ёқадан бош чиқариши лозим. Шу қаторда бизлар ҳам. Бу фақат инглизларнинггина ташвиши эмас.

— Тўғри,— деди Нис.— Лекин ўша ташвишнинг энг оғири ҳозир ўшаларнинг зиммасига тушган.

— Шунинг учун инглизлар қанотига бориб олмоқчи мисан?

— Ҳа, шунинг учун. Гарчи уларга батамом ишонмасам ҳам,— деди Нис.

Гап шу ерга етганда Ҳожи Михали, гўё ноёб совға олган одам сингари қувониб кетгандай бўлди. Қора кўзларида учқунлар чақнаб, кўзлари бурчидаги ажинчалари текис тортгандай туюлди.

— Навқирон шунқор, гапларнигга астойдил ишонаман,— деди у кулимсираб.

Нис нима деярини билмай қолди. Бу ногаҳоний ўзгариш ҳаддан ташқари тез содир бўлганди.

— Асли қаерликсан?— сўради ундан Ҳожи Михали.

— Патраслик. Галланосман.

— Қайиқчими?

— Ҳа. Отам билан қайиқчилик қиласардик.

— Йёёнчи Галланос — сенинг отангми?

— Шундай.

— Уни билардим,— мамнунлик билан деди Ҳожи Михали.— Э, уни ҳамма биларди. Ўша пайтда Қувайтдан келтирилган баъзи қурол-аслаҳалар ҳанузгача сақланиб қолган бу ерда.

— Қурол олиб келаётганимизда бизни қўлга туширишган эди,— деди Нис.

— Хабарим бор. Отангга нима бўлган?

Нис бошини сарак-сарак қилди:

— Билмайман.

— Сени қўйиб юборишганмиди?

— Мен Лариссадаги қалъада уруш бошлангунича ётдим. Кейин ҳарбийга сафарбар қилиб, инглизлар ва македонияликларга қўшиб шу ёқقا, Критга келтиришди.

— Ҳўш, нега энди Мисрга бормоқчисан, ҳар қалай?

— Бу ерда қиладиган ишим йўқ,— саркашлик билан деди Нис.— Ишни ниҳоясига етказиши учун зўр куч керак, бунағанди куч эса фақат инглизлардагина мавжуд.

— Бу ерда ҳам иш топилади.— Ҳожи Михали шашт билан бош силкиганди, оппоқ соchlари ҳурпайиб кетди.

— Темир каллаларни узил-кесил бир ёқлик қилиш керак, бу ерда эса иложи йўқ ундаи қилишнинг.

— Гапимга қулоқ сол,— Ҳожи Михали ҳам бўш келмади.— Метаксасчиларга қарши ҳозирланган барча чораи тадбир эндилиқда темир каллаларга қаратилган. Бу эса ҳазил гап әмас.

— Ҳўш, уларга ҳужум қилмоқчимисизлар?

— Балли. Қизифи шундаки, укасига қарши тайёрланган зарба акасининг биқинига тушади. Агар уруш бошлиниб қолмаганида, аллақачон метаксасчиларни бир ёқлик қилган бўлардик.

— Бари бир бу майдагаплар,— деди Нис.

— Биламан. Лекин ҳозир гап темир каллалар ҳақда боряпти, бу эса жиддий гап. Яъни ўша эски гапнинг ўзи-ю, лекин маъноси катта. Ҳаракат қилиш керак. Ҳаракат қилгандаям инглизлар билан бирғаликда, темир каллаларга қарши курашаёттаяларнинг жамикиси билан биргаликда иш кўришварур. Ўз ҳолича олишиш эса номаъкул иш.

— Инглизлардан жавоб олдингми?

— Йўқ. Лекин Экса тезда қайтиб қолиши керак.

— Демак, ҳамма иш шунга қараб қолибди-да? Жавоб келишини кутяпсамми?

— Йўқ. Биз бари бир бошлайверамиз.

Ҳожи Михалининг бутун фикри-ёдини шу сўзлаётган гаплари банд этгани шундоққина кўзга ташланиб турарди.

— Нимани бошлайсизлар?

— Гавдосга юришни.

Гавдос—Мальтага ўхшаб кетадиган, қоялар билан қопланган өрол бўлиб, Айттосдан ўттиз милча нарида эди. Нис шунда ўша ердаги сув ости қояларни қандай айланиб ўтганини әслади.

— У ерда, Гавдосда нима бор?

— Қалъа. Нақотки билмасанг? Метаксасга қарши чиққан бари одамларимиз ўша ерда қамоқда.

— Ҳа, әшитгаидим буни.

— У ерда йигирма киши ётибди. Улардан ўн кишини шахсан танийман. Ҳаммалари Айттосдан. Қолганлари — денгиз булути овчилари.

— Сен ўшаларни озод қилгани Гавдосга ҳужум қилмоқчимисан? — сўради Нис шубҳалани.

— Баракалла. Ҳудди шундай қилмоқчиман.— Ҳожи Михали тоқатсизлана бошлади. Бу доим ёниб-куйиб турадиган ўт-олов одам эди. Оппоқ соchlари эса боши теграсида оқ алангадай ҳилпиравди.

— Лагерни кимлар қўриқларкан?

— Ҳозирча метаксасчилар. Менга маълум бўлишича, ҳали-ҳозирча у ерга темир каллалар қадам ранжида қилганлари йўқ. Темир каллалар етиб келгач, у ердагиларнинг ҳоли нима кечишини тасаввур эта оласанми ўзи? Ҳўш?

— Ҳа,— деди Нис. Шу аснода Спада эсига тушиб кетди.

— Улар метаксасчилардан бешбаттар. Гавдосдаги лагерда ётгандарнинг бари метаксасчиларнинг душманлари. Темир каллалар Гавдосни эслаб қолмасларидан бурунроқ уларни қутқариш керак.

Нис жавоб бермади.

Уни ҳаммадан олдин ажаблантирган нарса немисларнинг шу пайтгача Гавдосни әгалламаганлари эди. Ҳожи Михалига тикиларкан, унинг баъзан туюлганидек оғирвазмин, кўнгли бўш одам эмас эканини кўриб турарди. Бироқ бот-бот қизишиб турган онларидагидек шафқатсиз, телбанамо одам ҳам эмасди. Илло ҳар иккала жиҳат ҳам мужассам топганди унда. Бунинг устига у кўзи ўткир, ақли тезкор одам эди — бу билан ҳисоблашмай бўлмасди.

— Мен шу ердаги инглизлардан ёрдам беришларини сўрагандим, нега деганингда, биз ўзимиз тўпларни ишлатиши билмаймиз,— деди у.

— Қанақангি тўплар?

— Бизда миномётлар бор,— деди Ҳожи Михали.— Бу ишда ўша қурол жуда зарур.

— Неча дона?

— Уч дона. Ўзиям жуда зўр-да. Ҳудди ёғ боғлаб кетган ўрдакка ўхшайди, роса иш беради-да.

— Шунчалик зарурми ўша миномётларни ишлатиш?

— Уларни ишлатмай Ҳавро Спати қўлтиғига ўтиб бўлмайди. Сабабини ҳозир тушунтириб бераман. Гавдосда учта чоғроқ-чоғроқ истеҳком бор, ўшаларга пулемётлар ўрнатилган, токи пулемётлар ишлаб турарсан Ҳавро Спата гириб боришнинг сира иложи йўқ. Лекин истеҳкомлар жуда баландда, уларни фақат миномёт билангина овозини ўчириш мумкин.

— Кечаси ўтиб бўлмайдими қўлтиққа?

— Йўқ. Ҳамма ёқда қоя бодраб ётиби, айниқса сув ости қоялари кўп. Еруғда ўтиш керак.

— Бўлмаса илгари қандай қилиб ўтмоқчи әдинглар?— Ҳайрон бўлиб сўради Нис.

— Бунга аҳд қилганимизча йўқ эди. Бир гранатани ишга солиб кўрсанмикан, деган хайлга ҳам бордик, лекин бизда граната йўқ. То Идрис подачи тоғда миномёти бор аэропланни кўриб қолмагунича бирон иложини тополмай тоза гарант бўлиб юрдик. Ана шундан кейин илож топилгандай бўлди. Кейин иш яна чигаллаши, сабаби, миномётларни қандай ишлатишни ҳеч қайсизмиз билмасдик. Кейин инглизлар келишди, шунда тағин имкон туғилгандай туюлди. Ахир инглизлар ҳар қанақангги машинани ишлатишни билишади-ку. Шу боисдан ҳам ўшаларга мурожаат этдик.

— Қандай қилиб?

— Улардан бири грекчани биларкан, амал-тақал қилиб гапига тушунса бўлади,— деди Ҳожи Михали.

— Йнглиз грекча гапиришни биларканми?— Ҳайрон қолди Нис.

— Мен ҳам ҳайрон бўлдим. Лекин у битта гапни топиб олибди. Ҳадеб қайиқ беришимни талаб қилиб ётиби. Унга қайиқни қаёқдан топиб бераман? Ана шунда ундан ёрдам беришларини сўрадим. Сенингча қандай, бунақангги тўплардан отишни ҳамма инглизлар ҳам билишармикин?

— Эҳтимол,— деди Нис, гарчанд ўзи ҳам бунга амин бўлмасда.

— Кейин уларга қайиқ бераман. Лекин ҳозир эмас. Гавдосдаги маҳбусларни қутқариш учун ҳамма қайиқларимиз керак бўлади. Миномётларни бўлса кимдир отиши керак-ку, инглизлар ана шу иш учун зарур бизга. Одам кўпроқ бўлса зарап қилмайди.

— Агар улар ғози бўлишса, кейин қайиқ беришни вაъда қилдингми?

— Ҳа. Ҳамма иш битгач. Мен ўз қайифимни қўш қўллаб тутқазаман. Борди-ю ўшангача қайтиб келиб қолса, Эксани уларни әлтиб ташлагани жўнатаман.

— Қаердайн қайтади?— Нис бу гапнинг моҳиятига тушуна бошлаганди.

— Эксани ўз қайифида инглизлар ҳузурига жўнатганман. У тез орада келиб қолиши керади.

- Бундан хабарим бор. Лекин у айнан қаерга қетган?
- Искандарияга.
- Демак, Мисрдан инглизларнинг жавобини ўша олиб келиши керак әкан-да?
- Балли.

Шу топда, инглизлар билан алоқа ўрнатишга урина-ётган одамга рўбарў бўлгач, Нис бирдан шубҳага тушиб қолди, Стоуннинг нимага иккиланиши боисини тушунди. Айни шу ерда, алоқа боғлашга уриниб кўрилган жойда бу нореал—хаёлий гапдай туюлди.

- Хўш, у ёққа қайси томондан бормоқчисан?
- Денгиз томондан. Бирдан-бир йўл шу, нега деганингда, маҳбуслар ётган лагерь тепада, шундоқ **Хавро Спати** қўлтигининг тепасида. Қуруқликдан у ерга йўлаб бўлмайди. Тўрт тараф жуда қаттиқ қўриқланади, ҳамма ёқ мустаҳкамлаб ташланган.

— Боя сен айтган учала истеҳкомдан бутун қўлтиқни ўққа тутиб турса бўладими?

— Шундай. Улар ўқ узишга тушганларида ўтиб бўлмайди. Олдин учала истеҳкомни ҳам яксон қилиш керак. Шунинг учун ҳам ишни миномётлар бошлаб бериши шарт.

— Қандай қилиб борасизлар у ерга, ким йўл кўрсатади?— ҳадеб суриштиради Нис.

— Анави Сарандаки, денгиз булути овчиси, йўлни ўша беш қўлдай билади. У Метаксас замонигача **Хавро Спати** қўлтиғида булат овлаб кўп марталаб сув остига шўнғиган. Лекин бу иш осонликча битмайди.

— Қайиқда туриб миномёт отиш ҳам осон иш эмас.

— Бу инглизларнинг иши,— қатъий деди **Ҳожи Михали**.— Башарти улар кўнишса, қандай қилиш уларнинг иши. Лекин ҳаммаси уларнинг усталигига боғлиқ, чунки истеҳкомлар **Хавро Спати** йўлини ҳатто қуш учиб киролмайдиган қилиб тўсиб туради.

— Борингки истеҳкомларни яксон қилинди ҳам дейлик, кейин-чи?— Оз-оздан бутун режа Нис қўзига ойдинлаша борди.

— Унда қирғоқдаги сим тўсиқ қолади. Қум устида сим тўсиқ бор. Биласанми, лагерь тикка кесиб тушган қирғоқ тепасида. Тўсиқдан ўтилиши биланоқ дара бошланади. Лагерга олиб чиқадиган бирдан-бир йўл ўша.

— Сим тўсиқ тўсиб турарканда ўша йўлни?

— Баракалла. Локин инглизлар истеҳкомларни яксон қила олсалар, унда сим тўсиқни бир ёқлик қилиш қийин

эмас. Ҳаммадаи бурун истеҳкомларни ишдан чиқариш шарт.

— Соқчилар кўпми?

— Билмаймиз. Локин Элизияда аскарлар кўп. Шу туфайли ўша ёқдан мадад етиб келмасдан бурун ишни вудлик билан битириш зарур.

— Наздимда, осонликча бўлмае-ов бу,— деди Нис.

— Ҳа, осонликча битмайди,— деди Ҳожи Михали.— Локин, Талосдан эшитганимдай, сен ростдан ҳам инглизчани билсанг, бу инглизларни амаллаб кўндирасан.

— Уриниб кўраман,— деди Нис заррача иккиланмай.

— Галланоснинг ўғли инглизчани қаерда ўргангани?

— Кипрда.

— Унда анавиларни кўндирасан. Уларга гап уқдира оласанми ўзи?

— Билмадим-ов,— жавоб берди Нис.— Қизиқ, инглизлар қайиқни нега сўраб ўтирмаи олиб кетишвермадийкин?

— Сўрамай олиб кетишиб бўпти.

— Қочиб қолишга бунчалик сабрлари чидамас экан, шундай қилганиларида ҳам сира ажабланмасдим,— деди Нис истеҳзоли кулиб.

— Қайиқларимиз бекик қўлтиқда турибди,— деди Ҳожи Михали.— Бизни жуда унақанги лақма деб ўйлама. Мен ўша грекча гапирадиганига, кимки қайиқни сўрамай олса, шартта стиб ташлайман, дедим. Ҳа, ким бўлеа ҳам, ҳатто инглиз бўлганидаям, дедим. Локин гапимга тушундими, йўқми, билмайман. Бу гапим чинданам рост. Ахир ўзинг ўйла, ҳозирги пайтда бирорта қайнқ бера оламанми? Экса келсин, ана шундан кейин у билан жўнайверишади. Бундан ортиқ нима керак уларга?

— Улар шошилишяйти-да, ахир,— деди Нис Беркни эслаб.

— Бизлар ҳам шошиляпмиз. Фурсатни ўтказиб бўлмайди, чунки темир каллалар бу ерда ҳам ҳадемай қораларини кўрсатиб қолишади. Нима бало, инглизларнинг ҳаммасиам шунақа бесабрми?

— Улар кутиш, ғашни ортга чўзишни ёқтиришмайди.

— Анави икки австралосни-чи, кўндира оласанми?

— Шу ишгами?.. Қайдам. Йўқ, билмадим,— такрорлади Нис ўз-ўзича гудранаётгандай.

— Бир амаллаб кўндири уларни,— деди Ҳожи Михали

қатъийлик билан салмоқлаб. Кейин ўша заҳотиёқ ўз одатича кулиб қўйди.

— Қачон бошламоқчисан?

— Иложи борича тезроқ. Агар инглизлардан бир ишчиқара олмасак, унда ўзимиз бошлайверамиз. Негаки темир каллалар бугун-эрта оролга келиб қолишлари мумкин. Бу ерга ҳам. Ҳозир бўлса бизга ҳеч ким халал бермайди. Тадорик кўриш енгил кўчди, нимага десанг, бу ердаги метаксасчиларни, полициячи ва солиқ йиғувчиларни бирвакайига қўлга олдик.

— Борди-ю инглизлар рад этишса-чи?

— Рад этишса уларсиз ҳаракат қиласверамиз. Локин бунга деярли йўл қўйиб бўлмайди. Сен уларга метаксасчиларнинг кимлар әканини тушунтири.

— Бари бир тушунишмайди.

— Нимасини тушунмас әкан? Нима, уларга метаксасчилар ҳақида ҳечам гапиришмаганми? Уларнинг халқ қонини ичаётганларини айтишмаганми сира!

— Ҳаммасини билади улар,— деди Нис деярли зарда билан.— Локин, бу билан ишимиз йўқ, деб ҳисоблашади улар.

— Ҳар қалай уларга яна бир марта тушунтириб кўргин. Буларнинг Литтосда қилган ваҳшийликларини гапириб бер. Мессараникни ҳисобламагандан, бу ернинг зайдуни Критда энг олди мева әканини, ҳосилни бутунича метаксасчиларга топширишимиз шарт бўлиб қолганини айт. Ҳокимият ҳам, фабрикаю заводлар ҳам ўшаларники бўлганини, ер ҳам ўшаларники әканини сўзлаб бер. Шунинг учун уларнинг кўнгиллари кўчасига келган ўйдан қайтмаганларини, биз эса ҳосилимизни улар белгилаган нархда топширишга мажбур бўлганимизни гапир. Уларнинг омборхоналарига зайдунни ҳам, овлаган балиғимизни ҳам, ҳатто ўз ўйимизда солган мусалласу виномизни ҳам ўзимиз ташиб берганимизни, улар боримизни шилиб, қонимизни симирганларини, эвазига эса бир қисимгина дирхам берганларини айтиб бер. Кимки сал қаршилик қиласа, оролга, Гавдосга жўнатганларини сўзла. Ана ўша Гавдос лагерида ётганларни қутқармоқчи әканимизни тушунтири.

— Қўлга олган метаксасчиларни нима қилдинглар?— Нис аста-секин бу кишининг вужудида жўш ураётган қудратни ҳис әта борар, ҳайратдан ёқасини тутгудай бўлади.

— Илгари бизни қамаганларидай, хонага тиқиб, ус-

тиларидан қулфлаб қўйдик. Ҳудди бизни қамайдиган жойларига, мэрия биносига.

Нис шошиб қолганди. Ҳожи Михали шоша-пиша гапи-рар, узук-юлуқ, бироқ аниқ, маъноли сўзлари билан унинг кўзи олдидаги ўзлигини намойиш этарди.

— Кечиктириб бўлмайди бу ишни. Мабодо метаксас-чиларнинг душмани бўлган маҳбуслар темир каллаларнинг қўлига тушиб қолсалар, уларни нимта-нимта қилиб ташлашлари аниқ,— деди Ҳожи Михали, гўё юришни ҳозироқ, айнан шу ондаеқ бошлаш зарурдай бир оҳангда.

— Агар миномётлар бутун бўлса...— Ниснинг сўзи оғизда қолди.

— Уларни қисмларга ажратиб қўйибмиз. Қисмлари булат овловчиларнида ётибди. Ўзиям жуда ажойиб қурол-да.

— Миналари ҳам борми?

— Уч яшик мина бор. Тағин иккита кичкина пулемётимиз ҳам бор. Менга қара, навқирон шунқор,— қизишиб давом эттириб сўзини Ҳожи Михали,— инглизларни кўндири. Агар яхшилаб тушунтира олсанг, ишнинг ярми битди дейвер. Ростдан биласанми ўзи тилларини? Ҳозироқ бор олдиларига.

Ниснинг вужудига аллақачон ўт туташганди. Метаксасчилар ўзини Лариссадаги қалъада уч йил қандай азоблаганларини унга эслатиб ўтиришнинг ҳожати йўқ әди. Ўзини темир каллалар панжасида тасаввур қилиб кўришини-ку айтиб ўтирмаса ҳам бўлади. Ҳозир пухта ўйлаб, бир қарорга келадиган фурсат етганди. Ҳаммаси равшан. Йўлга тушиш даркор. Барининг падарига ланъат, лекин анави маҳбусларни қандай бўлмасин Гавдос қамогидан халос этиш лозим. Бунинг учун биринчӣ галда инглизларни кўндириш керак. Ундан ҳам олдин Стоун билан Беркни. Ҳа, Энгес Беркни.

Нис ҳозир кўп нарса ўзига боғлиқ әканини биларди.

Борди-ю унамайдиган бўлишса, бу одамларни тушунишга ҳам тайёр әди у.

Ўзи — бошқа гап. Метаксасчиларни у билганчалик билиш, бу ёвуздардан нафратланиш, ёвуздар нафратини ўз бошида синаб кўриш бошқа гап. Бундай одам темир каллалардан ҳам худди ўшандай нафратланади.

Башарти икки ҳамроҳи тушунишмаса, уларга таъна қилишга ҳаққи йўқ. Берк, турган гапки, бари бир тушумайди. Стоун эса оқибатигача тушуниб етмайдиган нар-

тасини сезгиси орқали фаҳмлайди афтидан. Илло Берк, тушунишга қодир бўлса-да, тушуниши истамайди. Истамаслиги тайин.

Нис бу гапларнинг (ўзини назарда тутилса) қайиқقا ҳеч қанақанги дахли йўқлигини англаб етмаганди ҳали. У шунчаки, Гавдосдаги литтослик маҳбусларни темир каллалар қўлига тушмасдан бурун озод этиш зарур деб биларди, холос, бошқа нарсани ўйламасди.

— Олдин австралос шерикларим билан гаплашиб кўраман,— деди у.

— Инглизлар билан ҳам гаплаш. Тезроқ кўндирип уларни,— қисталангига олди Ҳожи Михали.— Бугун, эрта ичида. Бу ишни фақат сен эплайсан, негаки, грекчани биладиган инглиз мендан аччигланиб қолган. Талос бошлаб боради.

Талос эшик олдида қимир этмай туарди. У чидам билан қачон ўзи керак бўлиб қолишини кўтиб турганди.

Бу пайт Нис эшик ёнига етиб борганди. У эшикни очди-да, нимадир демоқчи бўлиб орқасига ўгирилди.

— Кўндирип уларни,— деди Ҳожи Михали.— Тушунтири, агар озод қилсак, улар курашни давом эттирадилар. Чинакам мард одамлар улар.

— Яхши.

— Темир каллаларни енгиш учун шундай қилиш зарурлигини айт,— деди Ҳожи Михали.

Нис буни уларга айтмаслигини, лекин ҳақ гап эканини билиб, тушуниб туарди.

— Яхши,— тақрорлади у.

— Адио,— деди Ҳожи Михали.

— Адио,— жавоб берди Нис.

Нис, гўё ҳозироқ, худди ушбу дақиқадаёқ Гавдосга ҳужум бошланадигандек, тош сўқмоқдан жадал одимлай кетди.

## 18 боб

У кулбага кириб келди-ю, тўғридан-тўғри бундай деди шерикларига:

— Агар қайиқ олишни хоҳласанглар, Гавдос оролида-ги лагерда қамалиб ётган бир неча литтосликни қутқаришда ёрдамлашишимиз керак.

— Шуниси етмай турувди-да ўзи,— тўнғилаади Берк.

- Қанақа одамлар әкан? — сўради Стоун.
- Улар Метаксасга қарши чиқишган, шунинг учун метаксасчилар уларни лагерга тиқишиган.
- Энди биз ўшаларни лагердан қутқазишимиз керак әканми?
- Ҳа, оролга темир каллалар етиб келишмасдан олдинроқ.
- Жуда соз,— деди Берк.— Ҳўш, яна нималар қилишимиз керак әкан?
- Улар темир каллалар қўлига тушиб қолишилари мумкин — шунинг ўзи етарли эмасми?
- Ҳўп, шундай ҳам дейлик,— деди Стоун.— Ҳўш, биз нима қилишимиз керак әкан.
- Литтосликлар қайиқда оролга яқинлашишлари учун биз истеҳкомларни миномётдан тўпга тутишимиз керак.
- Миномётдан? — қайта сўради Стоун.
- Ҳа, миномётдан.
- Телбалик-ку бу,— деди Берк.
- Аслини олганда у ҳақ әди.
- Ким тўқиган бу чўпчакни? — сўради Стоун.
- Чўпчак эмас бу. У, Ҳожи Михали, бари бир шундай қиласди.
- У ерда ётганлар ўз йигитлари әканми?
- Нис унга таажжуб-ла тикилди.
- Ҳалиги, оға-инилари ё дўстларими? — тушунтириди Стоун.
- Йўқ. У ердагилар Ҳожи Михалининг ўзига ўхшаб Метаксасга қарши курашганлар.
- Бизсиз ҳам амаллашади ўзлари,— деди Берк.
- Литтосликлар миномётни қандай ишлатишни билдишмайди. Миномётлар эса жуда зарур, чунки лагерга кираверишда, соҳида жойлашган истеҳкомларни яксон қилиш керак олдин.
- Жуда вақтида келган әканмиз-да, омадимизни ҳаранг-а,— тўнгиллади Берк.
- Фақатгина қайиқни деб қилмаймиз бу ишни,— деди Нис.
- Шунақами? — деди Берк.— Борди-ю битта қайиқни индамай олаверсак-чи!
- Нис бош чайқади. Қсийн у Ҳожи Михалининг, шундай пайтда қайиқни сўрамай-нетмай олган ҳар қандай одамни отиб ташлайман, деганини сўзлаб берди. Дарвоқе, на Беркни, на Стоунни бу билан қўрқитиб бўлмаслигини

биларди у. Ҳар қандай пўписа уларни аҳдидан қайта-  
ролмайди.

— Бу қанча вақтимизни олади? — сўради Стоун.

— Уч-тўрт кунни.

— Оролда греклар қўп әканми? Турган гапки, орол  
жуда яхши қўриқланса кераг-а?

— Анигини билмайман. Лекин миномётлар уларга  
устунлик беради.

— Миномёт,— жаҳл билан тўнгиллади Берк,— аниқ  
мўлжаллашни талаб қиласди. Масофани аниқ билиш ке-  
рак. Ҳаммаси аппа-аниқ қилиб ҳисоблаб чиқилиши лоэм.  
Умуман олганда, агар миномётни бунақангї қайиқчага  
ортилса, кўз очиб-юмгунча оёғи осмондан бўлиб тўнка-  
рилиб кетади.

— Катта қайиқлари бор әкан,— деди Нис, у ҳам ач-  
чиғлана бошлаганди.

Улар мунозараага тушиб кетишиди. Лекин баҳс тезда  
бўшашиди. Зотан Нис ҳамишагидек бафуржа, бир маромда  
сўзлар, ўзини холис воситачилардай тутарди. Аммо ас-  
лида эса бу гапларнинг бари, худди Ҳожи Михали синга-  
ри, унинг шахсий ишидай бўлиб қолганди. Австралослар  
учун бўлса бу қайиқ топиш учун бир имкон әди, холос. У  
розилик беришдан мақбули йўқ әканини исботлашга ти-  
ришарди. Хўш, улар бу ердан тезроқ кетишини исташяпти-  
ми? Марҳамат, ишни кетга суриб ўтиришмасин. Негаки  
ҳамма иш темир каллалар Гавдося, ҳатто бу ерга, Литтос-  
га етиб келмасларидан бурун ниҳоясига етказилиши ке-  
рак.

— Қачон бошлашмоқчи улар? — сўради Берк.

— Ҳозироқ бошлашга тайёр улар. Инглизлар кўнса  
бас. Уларсиз эса бунинг иложи йўқ.

— Нимага?

— Одам кам. Энг асосийси — миномётлар. Биз учо-  
вимиз учта миномётни уddaлай олмаймиз-ку, ахир?

— Ҳақ гап, уddaлайлаймиз,— деди Стоун.

— Демак, инглизларни кўндириш керак унда,— деди  
Нис.

Беркни қўққисдан рози бўлишга нима мажбур этганини  
Нис билмади-ю, лекин Энгес сабрсизлик билан бундай  
деди:

— Бўпти. Кимларнидир қайсиdir оролдан қутқариши-  
миз зарур бўлса, қутқарганимиз бўлсин. Лекин қанча тез  
бошласак, шунча яхши.

— Миномётлар биланми? — деди Стоун.— Мумкина-  
мас бу.

— Ие, кимдан эшитяпман бу эътиrozни?

— Ё худо. Энгес, миномёт нималигини ўзинг яхши би-  
ласан-ку, ахир.

Стоун жим қолди. Ҳаммалари ҳам бир-бирларига ти-  
килганча жим туришарди. Кейин Стоун елкаларини учи-  
риб қўйди.

— Агар миномётсиз иш битмаса,— деди у таслим бў-  
ларкан,— ҳаммасини олдиндан пишитиб, пухта ўйлаб олиш  
керак. Қаерда әкан ўша миномётлар? Уч дюмлисицир-  
да, а?

— Билмадим,— деди Нис.— Мен ҳали инглизларни  
кўндиришим керак.

— Бундан бирор наф чиқиши маҳол-ов,— деди Берк.

— Мен билан бирга юра қолинг,— таклиф қилди Нис  
унга. У Беркнинг бояги, бўпти, кимларнидир қайсицир  
оролдан қутқаришимиз зарур бўлса, қутқарганимиз бўл-  
син... қанча тез бошласак, шунча яхши, қабилидаги сўзла-  
рининг чинакамига ёрдами тегиши мумкинлигига ақли  
етиб турарди.

— Ўша миномётларни бир кўздан кечириш керак,—  
деди Берк.

Нис қолган нондан бир бурда ушатиб, саримсоққа тे-  
гиэди. Кейин қаддини ростлаб, йўлакай кавшаганича таш-  
қарига қараб юрди.

Талос учалови кулбадан чиққунларича кутиб турди-да,  
одатига хилоф равишда индамайгина уларга әргашибди.  
Жим бориш кўпга чўзилмади. Унинг чеҳрасига одатий ай-  
ёронга, лекин маъсум кулги қалғди.

— Агар анавиларни кўндиrolсанг,— деди Талос,—  
мен ҳам сизлар билан бирга бораман.

— Сен миномётни сира яқинидан кўрганмисан ўзи?

— Йўқ.— Талос қалта оёқларида ирғишлаб бораради.

— Нимаям дердим, Ҳожи Михалинг рухсат берса, май-  
ли,— деди Нис.

— Рухсат беради.

— Қандай қилиб бу ерда оқсоқол бўлиб қолган у.

— У Франко Кастеллада метаксасчиларга қарши жанг  
қилган. Буни гапириб бергандим-ку сенга.

— Эсимда. Фақат шунинг учунми?

— Литтосда ҳамма Метаксасга қарши әди. Лекин ме-  
таксасчиларга қарши биринчи бўлиб ростакамига кураш

бошлаган ўша. Ҳатто бөгбону мусалласчилар ҳам Ҳожи Михали билан ўйлашиб гаплашишади.

— Шунақа де,— деди Нис.

— Ҳа, шунақа. У доим метаксасчиларга қарши чиққан,— сўзини давом эттириди Талос.— Метаксасчилар қамамоқчи бўлиб уни роса қидиришарди, у бўлса Сарандаки ва бошқа булат овчилари билан бирга жўнаб қоларди. Кейин яна қайтиб келарди.

— Қисқаси, метаксасчилар бир мартаям қўлга туширишолмаганми уни?

— Бирон мартаям. Унга Сарандаки ёрдам берарди-да. Булат овловчилар уни ҳимоя қилишарди. Гавдос тўғрисида бўлса то сенга гапириб бергунича ҳеч нима эшитмагандим. Қизиг-а, бу ерда булат овловчилар балиқчилар билан теппа-тeng. Уларга қандай муносабатда бўлишларини ўзинг ҳам биласан-ку, ахир.

Нис балиқчилар билан денгиз булути овчилари орасида мавжуд бўлган тафовутдан хабардор эди. Булат овловчилар паст табақа, қора ҳалқ ҳисобланарди. Балиқчилар булат овлашни номуносиб касб ҳисоблаб, буни ўзларига эп кўрмасдилар. Бу foятда мушкул ҳамда камнаф касб эди. Одамлар тирикчилиги ўтмай, ночор қолганларидан бу ишга бел боғлардилар. Ёки ўзларича алоҳида, эркин ҳаёт кечириш умидида бунга жазм этардилар. Булат овловчилар тоғу тошлардан иборат кичик-кичик оролчаларда яшардилар. Ғақат ёёдагина соҳил томонга кўчиб келардилар. Литтосга ўхшаган қишлоқда уларни ўз тенгларидай қабул қилишлари азалий удумни бузиш деган гап эди. Бу ерда Ҳожи Михали аралашган бўлиши керак. Унинг анави Сарандаки олдида катта қарздорлиги аниқ. Ёхуд ҳамма гап унинг литтосликлар орасида ҳам, булат овловчилар орасида ҳам баравар эътиборга эга эканлигидадир. Нис метаксасчиларнинг Литтос сингари жойларда ҳар икки томон ўртасига атайлаб низо уруғини сочишларини биларди. Улар деҳқонларни — балиқчиларга, балиқчиларни эса булат овловчиларга гиж-гижлардилар. Ҳожи Михали, метаксасчилар истагига зид равищда, уларнинг бу ерда баҳамжиҳат, аҳил яшашларига муваффақ бўлган кўринади.

— Ҳа, бу ҳол жуда ажойиб,— деди у Талосга.

— Инглизлар ёрдам беришармикин?

— Манави икки австралос кўнди.

— Инглизлар-чи? Кўнишармикин?

— Қайдам. Мен ҳали уларни кўрганим йўқ.

— Агар кўнишмаса,— ўз фикрини рўйирост баён этди  
малла соч бола,— мен уларга сира тушунолмайман унда.

Нис пиқ әтиб кулди. Олдинда кетаётган Стоун билан  
Берк ҳайрон бўлиб ўгирилиб қарашди.

— Оролни миномётдан отгани борганингларда мени-  
ям олиб кетинглар, деяпти у,— тушунтириди Нис хижолат-  
пазлик билан.

— Вой жинқарча-ей,— тўнғиллади Берк.

— Агар инглизлар кўнишмаса, уларга сира тушунол-  
майман, деяпти яна.

— Айтиб қўйинг, унда мен жуда яхши тушунаман,—  
деди Берк.

Шу тахлит, олдинма-кейин тизилишиб қишлоқнинг  
чеккасига етиб келишди. Кейин Талосни олдинга ўтказиб  
юбориб, яқиндаги ён бағирда тепага кўтарилиб борадиган  
ёлғиз оёқ йўлдан юқорилай бошлашди. Йўл баландлаб,  
деярли тиккага кўтарилиб борарди. Атрофда қизил гулли  
чўл буталари ўсиб ётиди. Ер қуруқ, сарфимтири, оёқ ости-  
да қумоқ-қумоқ бўлиб ётиди. Пастга тикиларканлар,  
улар мудроқ зайдунзорлар билан қопланган Литтос воҳа-  
сини яққол кўрдилар. Илон изи янглиғ чўзилиб кетган  
кўм-кўк ток қаторлари, ён бағирлар этакларида бодроқдай  
бодраган оппоқ кулбалар антиқа манзара касб әтарди.  
Денгиз томондан воҳани қучиб турган қўлтиқ ҳам бутун  
борлиғи билан намоён бўлди.

Бу сокин манзара қуёш нурларида чўмилмоқда әди.

Улар олдинда йўғон, калта оёқларини ўйноқлатиб, ди-  
канглаб бораётган Талосдан орқада қолмасликка тиришиб  
одимларкан, тобора воҳадан узоқлашиб, тепага кўтарилиб  
боришарди. Берк унга тикилганча, ҳансираб қадам таш-  
ларкан, Оскар Уайлднинг шеърини ғўлдираб ўқирди:

Арҳар оёқ, арклар тангриси,  
Қани айт-чи, пелар кечди аҳволинг?

— Нима?— сўради Стоун.

— Ҳеч нима,— деб қўйди Берк қуруққина.

Тўсатдан улар қаршисида бир-бировига мингашиб кет-  
ган қоя тизмалари, қават-қават тик деворлар пайдо бўлди.  
Ана шу қоялардан бирининг ясси чўққисида қоп-қора, ер  
бағирлаган подачи кулбаси кўринди. Атрофда, харсанглар  
устиди беш ёки олти нафар одам узала тушиб ётишибди.  
Ярим яланғоч, соч-соқоллари ўсиб кетган бу одамлар ёв-

войига ўхшашарди. Барчаларининг кўкракларида шахсий белгилари илиғлиқ тасмачалар кўзга ташланарди.

Афтидан, булар инглизлар әди.

## 19 боб

Энгес Берк йўл-йўлакай Нисга бир неча исмларни айтди. Нис уларни эслаб қололмади, зеро инглизча номларни ёдда сақлаш амри маҳол ўзи. Фақат майорнинг исмигина өсида, чунки Берк у ҳақда Стоунга:

— Гирт разил әкан,— деганди.

Майорнинг исми Тилли әкан.

У новча, чайир, ялтироқ бош әкан. Қоп-қора мўйловли, пастки лаби сал дўрдоқ бўлиб, кўзлари маъносиз, совуқ боқаркан. Ундан ташқари яна бир офицер—лейтенант ҳам бор әкан. Буниси тиқмачоқдай, башарасидан оқ кўнгил кўринади.

Қолган тўрт нафари оддий аскар. Улардан бири кўзга ташланиб турарди. У паканароқ, буғдой ранг, афтига қараб турсангиз ҳозир кулиб юборади дейсиз-у, лекин ҳар қанча тикилганингиз билан сира кулмайди. Нис беихтиёр айнан шу аскарга мурожаат қилди.

— Мен сизлардан ёрдам беришингизни сўраб келдим,— деди у жўнгина қилиб.

Хеч қайсиларидан садо чиқмади.

— Мисрга кетиш учун қайиқ топишингида ёрдам беришимни хоҳлайсизларми?— деди Нис.

— Гавдосдаги аллақанақанги маҳбусларни озод қилибми?— сўради лейтенант.

— Ҳа.

— Ҳом хаёл бу,— деб қўйди лейтенант.

— Қайиқ топиш учун арзимаптими бу?

— Э, бу шароитга қараб-да.

— Миномётларни у айтгандай ишлатиш — ўз бўғзимизни ўзимиз тифга тутиб бергандай гап,— деди аскарлардан бири. Талаффузидан унинг оддий лондонликлардан әканини дарров билиб олса бўларди.

— Миномёт ишлатишни ҳеч қанақанги қийин жойи йўқ,— деди лейтенант.— Лекин анави грек айтгандек қилиш умуман мумкин эмас. Денгиз томондан яқинлашиб бўлмайди. Буни хаёлига ҳам келтирмай қўя қолсин.

— Нимага?

— Орқа-олдингга қараб улгурмасингданоқ жонингни жаннатга жўнатишади-қўйишади,— деди лондонлик.

— Э, бу кўргулиқдан шу ерда ҳам қочиб қутулоғмайсан бари бир,— жавоб берди Стоун.

Бир муддат ҳаммалари жим қолишиди.

Буғдой рангли, лабларидаги кулги ғунчаси чатнай-чатнай деб турган бояги аскар яқинроқ келиб тўхтади-да, кўксидаги шахсий белгисини ўйнаган кўйи:

— Ҳожи Михали деганлари сенмисан?— деб сўради. Тўғри талаффуз билан сўзлади, зотан у шотланд әди.

— Йўқ,— Нис ўзини танитиб, Ҳожи Михалининг кимлигини тушунтириди унга.

— Сен бизга мундоқ батафсил гапириб бергин-да,— деди шотландиялик. Шунда Нис, боя Стоун билан Беркка тушунтирганидек, уларга ҳам Гавдос лагеридағи литтоликларни фурсат ўтмай, оролга темир каллалар келмасидан бурунроқ озод этиш қанчалик зарур эканини гапириб берди.

— То бу ишни бажармагуни мизча қайиқни тушимиздаям кўролмаймиз,— деди Нис.

— Ҳўш, миномёт масаласи нима бўлади?— деди учинчи аскар. Бучуваккина, қилтилаб турган чол әди.

— Бу масалани сизлар ҳал қиласизлар,— деди Нис.

Улар Ниснинг фикрига тушунишмади.

— Майдачуидаги жиҳатларигача пухталаб ўйлаб кўриш— бизнинг ишимиз,— тушунтирган бўлди Стоун.

— Менга қаранглар,— деди Нис уларга.— Темир каллалар эртами-кечми, бари бир бу ерга ҳам этиб келишади, шундоқ әкан, тоғ тепасига чиқиб олиб, улар қачон келишаркин деб кутиб ётаверасизларми?

— Бизнинг тилагимиз битта — бу ердан қутулиб кетиш,— деди лейтенант.

— Бунинг учун өса қайиқ керак,— деди Нис.

— Нима, сен ҳам Мисрга кетмоқчимисан?— сўради ундан шотландиялик.

— Шундай,— деди Нис.— Мен ҳам кетмоқчиман.

Яна орага сукунат чўмди.

Бу сукунат замирида иккиланиш ёхуд боши берк кўчага кириб қолганларини англаш туўғуси ётарди. Шу аснода ҳаммалари тик туришар, ёлғиз майоргина ўтиради. У ҳали-ҳозирча чурқ этиб оғиз очмаганди. У бошини кўтариб, Нисга ошкора нописандлик билан хўмрайиб тикиларди.

— Қайиқда туриб миномёт отиб бўлмайди,— деди лондонлик.

— Миномёттга ўнча-мунча ақлингиз етадими ўзи?— сўради Нис.

— Ҳа, ўнча-мунча ақлим етади,— кулимсиради лондонлик.

— Демак, бунинг сизга унчалик қийин жойи йўқ экан,— деди Нис.

Берк кулиб қўйди. Бироқ у тобора гижиниб борарди. Стоуннинг ҳам жаҳли чиқиб турарди. Ниҳоят Беркнинг эардаси қайнаб, ғазабига эрк берди.

— Ҳаммаларингни жин уриб, жаббр чалсин-э,— деди у.— Қайиқсиз бу ердан қутулиб кетолмаслигимиз кундай равшан гап-ку, ахир. Шундоқ бўлгач, келинглар, ўша керакли одамларни халос қиласиллигу бу лаънати оролдан түёғимизни шиқиллатиб қолайлик.— Берк юрагидагини бўшатиб, енгил тортгандай бўлди.

— Ораларингда бирорталаринг қайиқ бошқаришнинг уддасидан чиқа оласизларми?— сўради лейтенант.

— Манави уддалайди.— Берк боши билан Нисга ишора қиради.

— Нега энди тихирлик қиляпсизлар ўзи?— деди Стоун.

— Ўша миномётларни деб асфаласофилинга равона бўлгим йўқ,— деди лондонлик.

— Унда шу ердан жилмай, раббимсан, ўзинг халос эт мени, деб дийдиё ўқиб ўтиравермоқчимисан?

Нис ҳамма гапни Беркка қўйиб бериб, аралашмай тураверди.

— Э, ўша ишдан омон қайтиб бўпсан,— деди кекса аскар.

— Ўтакаларинг ёрилиб кетяпти, вассалом, бошқа гап йўн,— деди Стоун.— Ҳамманг қўрқоқсанлар.

— Бас, етар,— деди шу топгача индамай ўтирган маъор. Лекин қандайин дағдаға билан гапирганини қўяверасиз.

— Бас денг? Бекорларни айтибсиз. Кўриб турибман, сиз ҳам қўён юракликда бошқалардан тирноқчалик қолиш мас экансиз.

Бу ҳаддан ошиш эди.

— Менга айтяпсизми бу гапни?— Майор ўрнидан туриб кетди.

У Стоундан ҳам баланд экан-у, бироқ кўзларида жан-  
гари ўт чақнаб турган малла сочу малла соқол паҳлавон  
олдида сал пачоқроқ қўринаётгандек туқлди.

— Ҳа, сизга айтялман,— деди Стоун.

Вазият мушкуллашди, зеро майор ҳарқалай майор  
эди-да. Бироқ ҳеч зор унинг ёнини олмади. Шунда Нис-  
га инглизлар орасига келишмовчилик — нифоқ оралага-  
ни дарҳол ошкор бўлди.

— Ҳеч ким ҳеч нимадан қўрқаётгани йўқ,— деди шот-  
ландиялик босиқлиқ билан. Аммо бу гапни у майорнинг  
ёнини олиш учун айтмади. У шунчаки бор гапни таъкид-  
ламоқчи бўлди:

— Бўпти,— деди Берк.— Келинглар, бу гапни қўяту-  
райлик.

— Сизлар, австралияликлар, билганларингни қилаве-  
ринглар,— деди майор.

— Қайсарлик қилманг, майор,— деди Берк.— Агар  
бу ердан қутулиб кетиш кўнглингизда бўлса, маҳбусларни  
қутқариш ишида қатнашишингизга тўғри келади барι  
бир.

— Нега энди биз аллақандай маҳбусларни қутқари-  
шимиз керак экан?— деди майор.

— Бу ердан қутулиб кетиш учун,— жавоб берди Берк.

— Ҳеч қаёққа бормаймиз ҳам, ҳеч кимни қутқармай-  
миз ҳам,— деди майор.

— Буни, майли, ҳар ким ўзича ҳал қиласин,— деди  
Нис шотландияликка қараб.

Барчалари ниманидир кутишарди. Шотландиялик ўрта-  
да, гўё бу гаплар уни қизиқтириб қўйгандай бир қиёфа-  
да, пешсанасини тириштириб турарди.

— Ҳўш, нима дейсан, Макферсон?— сўради ундан  
лейтенант.

Ҳаммалари бор-йўғи капрал унвонди пастаккина шот-  
ландияликка тикилиб қолишганди. Берк бу манзарани  
кузатаркан, Жек Лондон ёдига тушиб кетди. Унинг қаҳра-  
монлари фавқулодда аҳволга тушиб қолган пайтларида,  
даражаси ёхуд әътибори юзасидан фармонбардорлик ҳақ-  
ҳуқуқига эга бўлганлар бир ёқда қолиб, ўзларига муносиб  
раҳнамо сайлаб олишлари тасвирланган ҳикояларини эс-  
лади. Оғир дамларда одамнинг фақат одамлик хислатиги-  
на қолади, ҳар қандай сунъий тўсиқлару имтиёзлар бар-  
бод бўлади. Зўр гап, қойил. Қани энди, Жек Лондон ҳо-  
зир шу ерда бўлса.

Лондонлик ҳам, кекса аскар ҳам, лейтенант ҳам — ҳамма-ҳаммалари шотландияликнинг оғзини пойлашарди. Ёлғиз майоргина четда қолганди.

— Қўлимиэдан бошқа нима ҳам келарди? — деди шотландиялик. У бу сўёларни тақдирга тан беришга тайёр одамдек хотиржамгина айтди.

— Йўлга чиқиш керак, ҳозироқ, — деди Нис,

— Ўша миномётларни бир кўздан кечириш керакмиди, — деди, аскарлардан бири. У «ш-ш»лас гапирди, чунки олдинги икки тиши йўқ әди.

— Миномётлар. Э, бошга битган бало бўлди-да, — деб қўйди қария.

Шу билан гап тугади. Шотландиялик аслини олганда деярли ҳеч нима дегани йўқ. У бир қарорга келган ва фикрини сўрашларини кутаётган әди, холос. Ниснинг наазаридаги худди шундай әди. Шотландияликнинг бафуржа мулоҳаза юритиши унга ёқиб қолди.

Шундан сўнг майор дарғазаблик билан, дона-дона қилиб:

— Ҳамманг тўнкасанлар, — деди.

— Қўйсангиз-чи, Тилли, — деди лейтенант. — Ўзга иложимиз йўқ.

— Гап бунда эмас. Гап принципда. Энди пастдаги анави битлиқи грек бизга уни қил, буни қил, деб буйруқ қиларкан-да.

— **Мен, офицер сифатида сиз биринчи бўлиб розилик берарсиз, деб ўйлагандим,** — деди Нис.

— Бу ерда сизларни деб жанг қилганимиз камлик қилибди-да, — майор ғазаби қайнаганидан ўзини йўқотиб қўяёзганди. Сизлар ҳали бизни қандайдир гуноҳлари учун қамоққа ташланган аллақанақанги телба грекларни қутқазишга мажбур ҳам қиларкансизлар-да.

— Метаксасга қарши чиққанлари учун қамашган, — деди Нис ўзини тийишига ҳаракат қилиб.

— Тупурдим ҳаммасига, — деди майор.

— Гап бундай, — деди Нис унга қараб, — хоҳласангиз — боринг, хоҳламасангиз — қолаверинг. Сизсиз ҳам амаллармиз. Аммо шу нарса ёдингиэда бўлсинким, мабодо қолсангиз, Мисрга жўнайдиган қайиқда сиз учун жой йўқ. Сизсиз ўзимиз кетаверамиз. Ана унда билганингизни қилаверасиз.

— Йўқолинг кўзимдан, — деди майор.

— **Ўзингиз даф бўлинг!** — бақирди Нис. — Ана Ливия

дэнгизи. Кўрятсизми? Ўшандан бечалол сузуб бораверинг. Ҳа, сузуб кетаверинг, жин урсин сиздағанги инглизни.

Бу чинакам асаб жунбуши әди. Нис деярли бақириб, алам билан унинг оғзига ургандай бўлди. Сўнгра бурилди-ю, шахдам одим ташлаганича, оғир-оғир нафас олиб, сўқмоқдан қўйига тушиб ке:авёреди. Унинг қулоғига ҳеч нима кирмасди. Гуп-гуп тепаётган юраги зарбигина эши-тиларди, холос.

Тепадаги жон зоти борки бир муддат бамисоли таёқдай қотиб қолди.

Сал ўтмай одамлар бирин-кетин кийиниб, лаш-лушларини йигиштироқ учун қулбага қараб юрдилар.

Майор якка ўзи шўппайиб қолди.

Тик ён бағирдан тушиш бағоят мушкул әди, бу мушкулотни енгиг пастга интиларкан, Ниснинг аста-секин қо-ни совий борди. Шунда у майорнинг қандайин қаршиликка учраганини кўз олдига келтироди. Бу тасавурдан у зумда хотиржам тортиди. У асосий жиҳатини англаганди. Майордан ташқари ҳаммалари фақат бир нарса — миномётларни ишлатиш хусусидагина тортишдилар, холос. Гавдос лагеридаги метаксасчиларга қарши курашган маҳбусларни озод әтишда ёрдам беришдан ҳеч ким бош тортмади. Уларга миномётларни ишга солиш амалга ошириб бўлмайдиган хомхаёлдай бўлиб кўринди, бор гап шу.

Ҳа, майордан ташқари ҳаммаларига шундай туюлди.

У шундай ўй сураркан, майорга нисбатан кўнглида кеки ўйқ әди. Бироқ Нис кўпроқ паст бўйли шотланд тўғрисида, бу одамнинг ҳал қилувчи таъсирга эга экани ҳамда бошқаларнинг унинг гапини қандай инобатга олишлари тўғрисида ўйлаб бораради.

Ниснинг хаёлидан нималар кечаетган бўлса — кечаверсин-у, аммо майор шу аснода бошқаларнинг тоғдан қўйига тушаётгандарини индамай кузатиб турарди. Улар йўлакай тугмаларини қадаб, лиқ тўла тўрваларини тўғрилаб боришарди. Бир оздан сўнг майор ҳам қулбага кириб, ўзининг офицерча бежирим сумкасини олди-да, бошқалар кетидан пастга туша бошлади.

## 20 боб

Ҳожи Михали уйда йўқ әкан. Бир кампир Нисга уни соҳилда, қайиқлар олдида деди. Нис Сарандаки иккаласи-

ни ўша ердан топди. Ўн мөгли қип-яланғоч бола-бақра саёз жойда сувни шапиллатиб чўмилишяпти. Улар қатор тизилган балиқчи қайиқлар ёнидан Ҳожи Михали билан Сарандаки гаплашиб ўтирган ерга ўтиб бораётган Нисга қизиқсиниб тикилишарди.

— Саида<sup>1</sup>,— деди Ҳожи Михали Нисга.

Бу арабча сўз әди.

— Саида,— тақрорлади Нис.

— Танишинглар,— деди Ҳожи Михали у билан Сарандакига.

— Аллақачон танишиб олганмиз,— дўриллади Сарандаки.

Сарандаки соч-соқоли ўсиб кетган Нисга, унинг ҳорғинликдан қизарган, илло тешиб юборгудек боқувчи кўзларига тикилди. Бу пакана одамнинг вужудида жўш ураётган қудратга тан бераркан, қанчалик оғир ботмасин, унинг ўқрайишини кечиришга тайёр әди. Бироқ айни чоғда, қони қайнаган пайтда қандай қилиб ўзини тезда босиб олишни Ҳожи Михалидан ўрганса бўларкан, деган фикр ҳам кечди унинг хаёлидан. Бу борада Ҳожи Михалига заррача ўхшамас экан. У ҳаддан эйёд қайсар, ҳамиша шиддаткор бўлса керак, деб ўйлади. Шунга қарамай девқомат паҳлавон бу одамнинг қудратига тан бериб, умуман одатига биноан, Нис билан муомалада ўзини әҳтиёткорона тутишга ҳаракат қилди. Айни чоғда у Ниснинг грекчани мұхложирларга ўхшаб, лекин тиниқ сўзлаётганига қулоқ солиб турарди.

— Улар ёрдам беришга тайёр,— деди Нис.

— Бундай хушхабарни әшитишдан бениҳоя хурсандман,— деди Ҳожи Михали ва шўхчан кулиб қўйди.

— Талос уларни бу ёққа бошлаб келяпти.

— Инглизлар-чи?

— Мен инглизларни айтапман-да,— деди Нис.— Австралослар ўз-ўзидан-а.

— Қойил!— Улар мамнун, хурсанд әдилар. Ҳожи Михали қўлидаги тизимчани қўйиб, ўринидан турди.

— Сен инглизча тиллашишга жуда устаси фаранг чиқиб қолдинг-ку,— деди у.

— Уларнинг тоза ўтакаларини ёрганга ўхшайсан-а,— деб Сарандаки шундай қаҳ-қаҳ урдики, гўё вулқон отилгандай бўлди.

<sup>1</sup> Саида — бахт тилайман (арабча).

— Йўқ,— деди Нис.— Ҳаммасиям яхши одамлар ёкан.— Унинг талтайиб кетишига мойиллиги бўлмаса-да, ҳар қалай буларният мақтоби кўнглига хуш келганди.

— Демак, бошларканмиз-да.

— Миномётлар қаерда?— сўради Нис.

— Аниви австраолосинг турган кулбада.

— Кетдик ўша ёқقا,— деди Нис.

— Ана энди отингни қамчилайвер,— деди Сарандаки, Ҳожи Михалининг елкасига қўлинни ташлаб.

— Ўзиям шу фурсатни тоқатим тоқ бўлиб кутиб ётгандим-да,— жавоб қилди Ҳожи Михали.

Ниснинг эса ҳақиқатан ҳам сабри чидамаётган эди. Кеч кириб, соялар хийла узайиб қолган, Нис эса австраолосларнинг миномётларни ёруғда кўздан ўтказишларини истарди. Унинг ўзи ҳам бир кўрмоқчи әди ўша миномётларни. Шу пайт у тўсатдан миномётни умрида кўрмаганини эслаб қолганди. У ўзининг техника бобида жоҳил бир одамлигини, австраолосларнинг, эндиликда эса аниви инглизларнинг бу борада устунликларини ҳис эта бошлаганди. Бу ҳол унга ёқмасди. Удли-шудли одамнинг, ҳатто мутлақо бегона соҳада ҳам, ўзини нодону жоҳил ҳис этиши ҳамиша кўнглига хуш келавермайди.

У Талос бошлаб келаётган одамларни йўл устида учратди.

— Инглизларга розилик бергандаридан бошим осмонга етганини айт,— деди Ҳожи Михали Нисга, улар ёнига етиб келганларида.

Нис бу антиқа тўдага юзланди, Стоун билан Талос олдинда туришарди. Ниснинг қаватида эса Сарандаки. Ҳар иккала паҳлавон, новча одамлар одатича, беихтиёр бир-бировларини чамалашаётганди.

Бири тутам-тутам малла соқолли, кўзлари мулоийим ҳамда самимий боқувчи одам; гавдаси бамисоли бир тогу малла соchlари ўрмон дейсиз.

Иккинчиси — грек, бадани қоп-қора, ялтироқ, тишлиари инжудай, кенг пешана, боши гумбазсимон, қошлари бароқ — нақ әртаклардаги девнинг ўзгинаси.

— Манавиниси биродарим бўлади.— Сарандаки тагини момақалдириқдай қаҳ-қаҳ ўрди.

— У сизни биродарим бўлади деяпти,— тушунтирди Нис Стоунга.

Стоунга бу кинофильмлардаги ҳиндуларнинг гапларига ўхшаб туюлди.

— Унга айтинг, мен ииниси бўламан.— Стоун Сарандакининг давангирдай гавдасига разм соларкан, оҳиста жилмайиб қўйди. Сарандаки улардан шубҳаланган пайтдаги илк учрашувлари ҳисобга кирмасди. Ҳозир Сарандаки вулқон қаъридан чиқиб келган Аҳраман девга ўхшарди. У ҳаммаларини оға-инилариdek қабул этишга тайёр эди. Лекин у Стоунга — соchlариmall, ўсиқ соқоли тутам-тутам, чеҳраси хотиржам Стоунга айниқса қизиқсиниб қолганди. Улар кулишиб, узум әзиладиган кулбалардан сизиб чиққан кўлмакли тор кўчада ёнма-ён йўлга тушиди.

Кулба ёнига етгач, Ҳожи Михали:

— Улар денгиз булатлари остига яшириб қўйилган,— деди.

— Ишончли жойми бу ер ўзи? — сўради Нис.

— Қурол-яроf биқинингда тургани маъқул,— вазминлик илиа деди Ҳожи Михали.— Уни ишончли жойга яширсангу зарур пайтда зудлик билан ишлатолмасанг, бундан неча пуллик фойда.

Нис, нега миямга шу фикр келмабди-я, деб ўйлади. Илло Ҳожи Михали ана шу оддий, жўн гапларию хислатлари билан ҳам ажойибу антиқа одам эди.

— Қаранглар-а, қум босиб кетибди-ку ҳамма ёқни,— дўриллади Сарандаки, кулбанинг тош саҳнига уюб қўйилган денгиз булатидан бир қучоғини оларкан.

— Сарандаки, қадрдоним, пов этиб ёниб кетадиган оловсан-да,— деди Ҳожи Михали унга.— Сал ўзингни босиб олсанг бўларди.

— Узингни бос дейди-я,— ўкирди дев.— Бу сабил қумдан манавини зил-замбил бўлиб кетганини қара. Майнин денгиз қуми бўлсаем гўрга-я. Бу жонивор булатни лаънати олиб сотарларга юз-қўлингни ювандай пок-покиза қилиб сотасан, улар бўлса қумга белаб қўйишади.

Шундай дея Сарандаки то остидаги қурол кўринмагунича денгиз булатларини жаҳлу нафрат-ла тўрт томонга қараб улоқтираверди.

Улар шундоқ кулба деворига тақаб, қоқ ерга тахлаб қўйилган экан. Учта миномёт — иккитаси сақкиз сантиметр, биттаси беш сантиметр калибрли; ҳаммасининг қўшоёғи бор.

Миналар жойланган пўлат бўғовли узун яшиклар, битта солотерн қўл пулемёти, яна битта немисларнинг әрма пистолет-пулемёти ҳам бор экан. Еғоч филофлӣ

иккита люгер. Захира ўқдонлар. Немисларнинг тасмаси узилиб осилиб қолган маузерсимон кўҳна милтиқлари учлари жуфтлаб, тиккасига батартиб териб қўйилибди. Бу милтиқлар бир вақтлар Қувайтдан келтирилган қуроллардан эди. Жамикисининг денгиз булути теккан жойи дөғ-дүғ бўлиб, қум босиб ётарди.

Уларни бирма-бир тузукроқ кўздан кечириш учун қош қорайиб қолган эди.

— Ташқарига ташиб чиқамиз,— деди Энгес Берк Нисга.

Нис унинг гапини Ҳожи Михалига тушунирди, кейин ўгирилиб қараган эди, Стоуннинг аллақачон бирваракайига иккита миномётни қўлтиқлаб олганини кўрди; миномётларнинг печка карнайига ўхшаган калта мили иккала қўлтиги остидан чиқиб турарди. Ҳатто икки кишилашиб қўтариш ҳам маҳол эди уни, айниқса мурвати маҳкам бураб қўйилган қўшоёқлари халақит берарди. Берк билан инглизлар қолган қуролларни кўтаришди. Улар барча қуролларни ташқаридаги тош йўлкага тахлашди. Қурол-аслаҳа, лофи билан айтганда, том баравар уюлиб кетди.

Инглизлар бешовлашиб — майор чурқ этмай бир чеккада турарди — миномётларни кўздан кечиришарди.

Стоун билан Берк каттароқ миномётлардан бири билан машғул бўлиб қолишди. Стоун атрофга аланглаб, кўзлари билан ниманидир изларди.

Нис Беркнинг милни пасту баландга қўтарадиган меҳанизм ва маҳкамлайдиган мурватни қандай қилиб тёклишираётганини кузата бошлади. У, гарчи наздида отиш осон бўлмаса-да, миномёт тузилиши жуда содда эканини кўриб ҳайрон эди.

Кенглиги уч дюймча келадиган, худди печка карнайига ўхшаган мили қўшоёққа ўрнатилган, паст-баландлиги ҳамда оғзи йўналиши тўғрилаб туриладиган дастаги бор, бор-йўғи шундан иборат экан, холос. Ҳозир мили типпатик осмонга қараб турибди. Афтидан, оғзини қанчалик тепага қаратилса, мина шунчалик яқинга бориб тушади чоғи. Қанчалик пастга туширилса, шунчалик олисга учса керак.

Нис қўлини узатиб, мош ранг металл милни сийпаб кўрди. Мил кутилганидан кўра юпқароқ, унчалик тоза бўлмаса ҳамки, мустаҳкам металлдан ясалган экан. Лекин нишони ниҳоятда аниқлик ва моҳирлик билан ишланган.

Мили тўёри осмонга қараб турибди. Қўшоёқ, нишон ва барча механизмлари мил билан шундоқ оғзи яқингинасида туташган. Қаеридан ўқланишини эса тушуниб бўлмайди. Эҳтимол, мина оғзидан жойланар.

Бошқалар қолган икки миномёт атрофини қуршаб олишганди. Талос инглизлар орасида турар, негадир яна тишларини тижирлатарди. Йнглизлар эса кичик миномётни кўздан кечиришяпти, бунисининг тузилиши сал мураккаброққа ўхшайди. Мана, Стоун улар ёнига келди.

— Таянч тахтаси қаёқда? — сўради у.

Шунда барчалари атрофга аланглаб, излашга тушиди.

— Анави ёққа кириб қара,— деди Берк кулба ичкарисига ишора қилиб.

— Қараб чиқдим,— жавоб қилди Стоун.

— Йе, таянч тахтаси бўлмаса фойдаси йўқ буни,— деди Берк.

— Ундан сўранг, таянч тахтаси қаердайқин,— деди Стоун Нисга.

— Тахтаси нимаси?

— Мана, қаранг,— деди Стоун мили қўшоёқларда саланглаб осилиб турган иккала катта миномётни кўрсатиб.— Манави жойида таянч тахтаси бўлиши керак. Ҳудди баркашга ўхшаган, мили тирагиб турадиган нарсаси бўлади. Қани, бу ёққа юринг-чи.

У Нисній кичкина миномёт олдига бошлаб борди. Миномётнинг таги ерда ётган пўлат баркашга тифиз тирагиб турнибди. Бу баркаш милга асос, пойдевордай хизмат қиласкан. Унинг худди чой тортиладиган патнисникига ўхшаган икки четида банди бор экан. Миномёт ўшанга тирагиб тураркан. Миномёт мили тирагиб турадиган, мина отилган пайтдаги акс таъсир кучини қайтарадиган ўшандан бўлак нарсаси йўқ экан.

Ҳожи Михали ҳам шу ерда турганди, зеро бу унинг қуроли әди-да, ахир. Бу зилдай Minenwerfes<sup>1</sup> унга ёқарди.

— Анави иккитасининг ҳам мањавинақанги баркаши бўлиши керак экан,— деди Нис унга.

Ҳожи Михали бошини сарак-сарак қилиб:

— Мен буни билмагандим,— деди.

— Буларни самолётдан ким олиб тушган?

<sup>1</sup> Миномёт (нем.).

— Мен ўзим, ака-ука Косталар билан биргалашиб. Бунақанги баркашлари бўлишини билмагандим.

— У, кўрганим йўқ, деяпти,— жавоб қилди Нис Стоунга.

— Унга айт, баркаши бўлмаса булар икки пулга қиммат,— деди Стоун.

Нис бу гапни Ҳожи Михалига тушунтириди.

— Баркашлари ўша ёқда, самолётда қолган бўлиши керак,— деди Ҳожи Михали.— Агар чўпонлар топиб, олиб кетишимаган бўлишса. Австралосдан илтимос қилас, мен билан биргалашиб бориб, ўзи қараб кўрсин. Ўша ёқда бўлиши керак. Баркашлариям бўлиши кераклигидан бехабар эдим.

— Бугун кеч бўлиб қолди,— деди Нис.

— Ҳечам кеч бўлгани йўқ-да,— деди Ҳожи Михали.

— Ўша аэроплан қаерда ўзи?

— Иккинчи тизманинг орқасида, оҳактош бошланадиган жойда.

Нис таржима қилиб бергач, Стоун бундай деди:

— Майли. Ҳозироқ борамиз. Бирорта ёритгич оливолишинин, кейин пўлат тахталарни қандай олиб келишининг чорасини кўришисин.

Турган гап, гарчи бу ишларга ўз одатича андишасизлик билан қараса-да, Берк ҳам йўлга тушди.

— Инглизларга айт, уларга одатдагидай овқат беришади,— деди Ҳожи Михали.— Овқатни шу ерга, кулбага келтиришади. Бизни шу ерда кута туришсин. Тағин уларга айтгинки, миномётларни таппа-тахт қилган заҳотимизор ўйлга тушамиз. Қайиқларимиз тайёр. Талос,— Ҳожи Михали болани чақириди.

— Лаббай.

— Манави инглизларга овқат олиб кел.

— Қаердан оламан?

— Менинг уйимдан оласан, айтсанг беришади.

— Ҳўп бўлади.

Шундай деди-ю, Ҳожи Михали одатдагидай зипилла-ганча Сарандаки билан ёнма-ён йўлга тушди. Нис, Берк ва Стоун уларга әргашишди. Нис Ҳожи Михалининг Сарандакига қандайдир икки мачтали шхуна тўғрисида, сув олгани мешлар ҳозирлаб қўйиш ҳақида гапирганини эшишиб борарди. Унинг гапларини эшишиб бўлгач, Сарандаки қаёққадир жўнади.

Нис, Берк ҳамда Стоунлар Ҳожи Михали ортидан узум ээзиладиган омборхоналарни оралаб, узву кун тер тўкиб қилинган меҳнатдан сўнг аёллар әшиклари олдида турпанглашиб ёхуд болалари билан уймалашиб ўтирган тор кўчалардан боришаپти. Қош ҳам қорайиб қоляпти. Улар зайдунзорлар ёқалаб кетган ёлғиз оёқ сўқмоққа чиқишиди. Мана, токзор ва ўрикзорларни ортда қолдириб, қишлоқ чеккасида етимчадай шўппайиб турган яккаю ёлғиз кулба ёнига етишди.

Ҳожи Михали икки оғизгина гаплашиб, бу ердан иккита яйдоқ хачирни сўраб олди. У Стоун билан Беркни, мана шу хачирларни миниб олинглар, деб қистади. Ҳар қайсисининг қўлига таёқ тутқазиб, хачирни ўнг ёки сўлга бурмоқчи бўлишса, унинг тумшуғига ана шу таёқ билан қандай қилиб туртиш лозимлигини тушунтириди. Бу гапларни у грекчалаб айтди. Нис бундан роса ҳузур қилди-ю, аммо ҳузурланганини асло сездирмади. Ҳожи Михали яна иккита хачир билан учига аллақандай қўланса ҳидли латта боғланган узун таёқ топди. Буларни унга шундоқ воҳадан чиқаверишдаги кулбадагилар беришди.

Қисқаси, улар яйдоқ хачирларга миниб олишиб, лўқиллаганча ён бағирдан қўтарила бошладилар. Қум тепаю оҳактошли қоядан ошиб ўтиб, ниҳоят дараҳтлар билан қуршалган ясситоғликка чиқдилар. То Ҳожи Михали хачирни тўхтатмагунича ана шу ясситоғлик бўйлаб кетаверишди. У хачирдан тушиб, олдин бир қояга, кейин иккисига тирмашиб чиқди-да, охири Нисга:

— Шу ерда. Уларни бошлаб кел бу ёққа,— деди.

Ҳали бутунлай қоронғи тушиб бўлмаганди. Англия оқшомига ўхшаб кетарди. Қулаб тушган «Юнкерс-52» аниқ кўзга ташланиб турарди. У пастак тоф тизмаси устидан пастлаб учайтиб мана шу, сал баландроқ қояга келиб урилганди. Жуда қаттиқ урилганидан тилка-пораси чиқиб, юзлаб парча-пурчалари қоя ён бағрига сочилиб кетганди. Унинг соясигина қолибди, холос. Танаси пачақ-пачақ бўлиб, худди зарқоғоздай ғижимланган-у, лекин шаклини йўқотмабди. Қанотлари узилиб тушиб, парча-пурча бўлиб ётиби. Қаёққа қараманг, антиқа шаклдаги маъдан бўлаклари кўзга ташланади.

Нис самолётга яқинроқ борди. У бир миль нариданоқ димоқни ёрадиган қўланса ҳидни пайқаганди. Етиб кел-

ғанларида эса ҳаммасидан ҳам даҳшатли парса ана шу ҳид бўлди.

— Тфу, жин урсин,— деди Стоун.— Келинглар, тезроқ бир ёқлик қилайлик бу ишни. Рона бижғиб кетибдида ўзиям.

— Бу ерда ётганига бир ойдан ҳам ошиб кетган,— деди Берк.

Ҳожи Михали самолёт харобасига яқинлашадиган қулайроқ томонни танлади. У ўзлари учун зарур бўлган нарсани тезроқ топиш учун таёқ учига боғланган латтани ёқди. Шамол қорамтири-қўнғир алангасини лопиллата бошлади.

— Ҳеч ким ҳеч нимага тегмаган кўриниади,— деди Ҳожи Михали.

Нис ҳам яқинроқ борди. Шунда қўйқисдан кўз олдида бу самолётда учиб келган темир калладарнинг жасадлари намоён бўлди. Бирни, кимдир курагини ерга текказиб шартта остига босиб, таниб бўлмайдиган дараҷада дўппослагандай, чалқанча ётибди. Жасад шунчалик яқин ерда ётардики, бешафқат вақтнинг даҳшатли иши яқъол кўзга ташланиб туарди. Эти ириб, суюгидан ажраб кетибди, очилиб қолган қовурғалари оралиғида кийимининг парчапурчалари ётибди.

— Миномётларни у ёқдан, аэроплон ичидан олгандим.

Ҳожи Михали бундайин жаҳаннамий даҳшат ҳамда димоқни ёргудек сассиқда излашни давом эттиришга мажбур бўлганлари учун гўё узр сўраётгандай оҳангда сўзларди.

Самолётнинг ўртасида абжаги чиққан учта мотор юмалаб ётибди. Зарб билан урилганда самолёт асоси орқага сурилиб кетган бўлса керак. Ҳожи Михалининг қўлидаги машъала ёруғида Нис кабина дарчасидан ичкарига мўралади. Турли синиқ-ёриқ, парча-пурча бўлаклар билан темир калладарнинг абжаги чиққан жасадлари айқаш-үйқаш бўлиб ётибди. Улар гайри табиий бир ҳолатда, нимталанган бўлаклари майишиб, буралиб кетган самолёт асосига чиппа ёпишиб қолибди. Бу одамзотдан қолган шарпага ўхшарди. Чириб, ириб кетган материя — жисм эди.

Ҳожи Михали ичкарироқда тимирскиланяпти. У ерда брезент парчалари, темир-терсак, тунука, ўқ обоймалари, темир калладарнинг мурдалари сочилиб, аралаш-қуралаш бўлиб ётибди. Машъала ёғдуси самолётнинг бир бўлак-

Бир бўлак саҳнинигина юлқиб оларди зулмат қаърида!

— Аnavи иккита қаттаси мана шу ерда турганди,—  
деди Ҳожи Михали.

Бу қўланса ҳавода ҳар қайсилари нафас олмасликка  
тиришар, ҳеч кимнинг оғиз очиб гапиргиси келмасди.

— Мана шу ерда экан,— деди Нис Стоунга.

Тўртовлон қўйруқ томонда уюлиб ётган харобани шо-  
ша-пиша нари-бери суришга тушиб кетдилар.

Маъдан тахтадан эса асар ҳам кўринмасди.

— Аnavи ерга тутинг машъалани, олд томонга,— деди  
Стоун тез шивирлаб.

Нис унинг гапини Ҳожи Михалига айтди, кейин улар  
тизилишиб, сочилиб, айқашиб ётган парча-пурча нарсалар,  
мурдалар устидан әхтиётлик билан, тагин бошимизни тे-  
пага уриб олмайлик деб әнгashiб, олд томонга юриши. Стоун пулемёт ўки солинадиган яшикка қоқилиб кетди;  
портламай қолган ўқлар чор атрофга сочилиб ётиби.

Стоун яшикни нарига қараб тепиб юборди. Яшикдан  
нарироқда тилка-пора бўлган темир калланинг ўлаксаси  
ётиби, унинг бир қўли йўқ, калласи ўрнида бир каска  
лиқ тўла «атала», танаси остидан алюмин тўшаманинг  
учи чиқиб туриби.

Берк аллақандай найчанинг бир бўлагини олиб, машъ-  
аланинг лопиллаб турган шуъласида ўща билан жасадни  
четроққа суриб қўймоқчи бўлди. Аммо Берк найчанинг  
учи мурданинг ириб ётган сонига ботиб кетганини кўриб,  
худди мурдага тўсатдан жон битгандай, шартта четга  
сакради.

У маъдан найчани тагин ишга солди, мисрангга ўхша-  
тиб биқин томонидан остига тиқди-да, бир әмаллаб мурда-  
ни сал нари сурди. Кейин унинг остидаги алюмин қопла-  
мани олиб ташлади. Иккала маъдан тахта ҳам шу ерда  
экан. Иккови энли брезент тасма билан қўшиб боғланган  
ҳолда, бандлари тепага қараб, ёнламасига туриби.

— Мана,— деди Берк. Бошқалар ҳам унинг ёнига етиб  
келишган эди.

Стоун шундоқ бандидан тутди-ю, ташқарига отилди.  
Машъала ёғдусидан кейин ташқарида бирон нимани пай-  
қаб-кўриб бўлмасди, шунга қарамай у тўхтамай чопиб бо-  
рарди. Бошқалар изма-из келишарди.

То пастга, хачирлар боғлаб қўйилган жойга тушгунла-  
рича ҳеч ким чурқ этиб оғиз очмади. Стоун шу ерга ет-  
га, маъдан тахталар чандиб боғланган брезент тасмани

шартта узиб, улоқтириб юборди-да, ҳиди кетсин деб уларни ерга роса ишқалади. Кейин қўлларини ишқади.

Ҳануз ҳеч қайсиларидан садо чиқмасди. Тўртвлон мавъдан тахталарни хачирларга ортишди. Кейин, ўша қўланса ҳид тутиб кетган ҳаводан нафас олмасликка тирнишиб, йўлга тушиши.

Қанчалик узоқлашмасинлар, бари бир қўланса ҳид димоқларидан сира кетмасди. Бензин, тупроқ, ириб-чиригай этиси қоришмасидан иборат кўнгилни айнитувчи бу қўланса ҳид бутун кийимлари, ҳатто териларигача сингиб кетганди.

Йинсон боласи ўлимидан сўнг ундан қолган бирдан-бир моддий из ана шундай илашқоқ эди.

Ҳожи Михали тезроқ Гавдос сари йўлга тушмоқ ниятида уларни шошилтиради.

## 21 боб

Ҳожи Михали уларнинг ётиб ухлашларини истамасди. У ҳозир, кечқуреноқ гапни бир ерга қўйиб, субҳ палла ёхуд кечасиёқ йўлга тушишини хоҳларди, у хачирларни эгаларига әлтиб берди.

— Бунақа шошма-шошарлик билан битмайдиган иш бу,— деди Нис.

— Нимага?— сўради Ҳожи Михали. Нис бош чайқаб қўйди, холос.

Иккала австралос ҳозир дастлабки учратган пайтларидагидан тамоман ўзгариб кетишганди. Чаккалари ич-ичига ботиб, бир аҳволга тушиб қолишганди. Ҳатто тиқмачоқдай Берк ҳам. Улар хийла чиниқкан, аммо ниҳоят даражада ҳолдан тойишганди. Бўлажак сафардан олдин албатта ухлаб олишлари зарур эди. Шу боисдан ҳам Нис бош чайқаб қўйганди.

Хуллас, бу кечани ҳаммалари уйқуда ўтказдилар.

Денгиз булути сақланадиган кулбада, қоқ ерда қатор ётишди. Кулбанинг бир бурчига қуроллар уйиб қўйилган, иккинчисида ўқ-дори солинган яшиклар.

Уйқуга кетар олдидан ўзаро узоқ гаплашиб ётишди. Греклар тўғрисида ҳам, лекин әҳтиёткорлик билан гаплашишди, негаки Нис ёнғиналарида ётганди. Қизиқ, нега бунчалик қизишиб кетишли-я, сира тушунмайди одам,

дэйишарди улар. Кўп грекларни кўрганмиз, улар бугун бўлмаса эртага битар, қабилида иш тутишаори одатда. Анави, бу ерда ҳаммага оқсоқоллик қилиб юрган грек бўлса нуқул шошгани-шошган. Гапларига бир қулоқ солиб кўргин-қ. У анави Метаксасни жинидан баттар ёқтирмас әкан. Ҳаммалари ўлгудек ёмон кўришаркан ўшани. Ўзиям тоза палид одам бўлганга ўхшайди ўша Метаксас. Қайси грек билан гаплашма, фалончини бадарга қилган, писмадончини бошини олган, шундан бошқа гапни әшиitmайсан.

— Ахир улар миллатчи-фашистлар тўдаси-да,— деди кекса аскар.

— Сен қаёқдан била қолдинг?— сўради Энгес Берк.

— Мен Кандияда әканимда,— деди қария,— ўша ерда ғалаба шарафига ҳарбий парад ўтказишганди, ўшанда грек полициячилари итальянлар билан елкама-елка ўтган. Уларга шу керак әди. Ҳаммаси бир гўр.

— Сен нима қилиб юргандинг?— сўрашди ундан.

— Грекча тунги либосда сайр қилиб юргандим,— жавоб берди у.

— Қизиқ, ҳаммалари қаёққа гумдон бўлишганикин-а,— деди лейтенант.— Бир вақтлар Критда машҳур одамлар оз эмасди-ку, ахир.

— Зиён-захмат чекмай Қоҳирада писибина ўтиришибди, гапимга ишонаверинглар,— деди шотландиялик.

— Ҳўш, метаксасчилар-чи?— сўради қария.

— Ҳа-я, метаксасчилар-чи?— сўради Энгес Берк ҳам.

— Ахир улар миллатчи-фашистлар-ку. Уларнинг бари немислар тарафдори.

— Э, сиёсатдонликни қўй,— деди Берк унга.

— Менга нима?— деди қария ўзини оқлаётгандай.— Лекин греклар бунга жимгина қараб туриша олмайди.

— Ҳўш, нима бўпти?

— Ё тавба-ей! Ҳўш, унда бизлар ким томондамиз ўзи? Кимни деб урушяпмиз, хўш?

— Сени нима ишинг бор?— деди Берк унинг жигига тегиб.

— Бас қил, Энгес,— деди Стоун муросасозлик оҳангиди.

— Нимани бас қиласман?

— Жигига тегишини.

— Ҳечам жигига тегаётганим йўқ-да,— деди Берк, гўё дили оғриган бўлиб.

— Тўғрисиям шу-да, ўйлаб турсанг, бу гапларнинг бари бемаъни бўлиб чиқяпти-да ўзи,— деди шотландиялик.

Қоронгиликда Нисга унинг овозида, худди қимтилган лабларидағидек, истеҳзоли кулги бордай туолди.

— Эртага,— деди у,— аллақанаканги метаксасчиларнинг тумшуғига туширмоқчимиз. Ҳўш, Мисрга боргани миздан кейин эса, қарабсизки, бу абллаҳлар бизнинг иттифоқчиларимиз бўлиб чиқишиади.

— Бу билан сенинг нима ишинг бор?— деди Берк.

— Яна-тағин, билмадим-ов,— деди шотландиялик оқ кўнгиллик билан.

— Сенга алам қиляптими бу?— Беркка нимадир тинчлик бермаётгани яққол сезилиб турарди.

— Эҳтимол алам қилаётгандир.

— Бари бир бунга аралашолмайсан.

— Сен-чи?— сўради шотландиялик, шунда Стоун хаҳолаб кулиб юборди.

— Хаёлимга ҳам келтирганим йўқ буни,— жавоб берди Берк, мунозарага чек қўйиш ниятида.

Бироқ лейтенант ҳеч қандай ғаразсиз, самимий деди:

— Қоҳирада метаксасчилар борми ё йўқми, бунинг нима фарқи бор?

— Ана, бу гап тўғри,— деди Берк заҳархандалик билан.

— Тили заҳар одам әкансиз,— деди лейтенант бегараз.

— Келинглар, ухладик,— деди Стоун.

Ҳаммалари бир нафас жимиб қолишибди.

Нис уларнинг суҳбатига қулоқ солиб, ҳайрон бўлиб ётарди. Унинг бу гапга ҳеч қандай алоқаси йўқ әди. Үзоқ жудоликдан сўнг дийдор кўришган оға-иниларнинг оиласвий суҳбатидай бир гап әди бу. Инглизлар билан австралосларнинг суҳбати. Нис борлиги туфайли вазмин, сипо суҳбатлашишаётган әди, аммо у гап қўшмай ётарди. Уларнинг гаплари кўнглига заррача қаттиқ ботмас, нима деяётган бўлсалар бари, ҳатто Беркнинг жигига тегаётгани ҳам ёқарди. Буларнинг Метаксас ҳақида шунча нарсани билишлари уни ҳайрон қолдиради. Унга қарши чиқиши туйғулари йўқлигидан эса ҳайратга тушарди. Ўз вақтида инглизларнинг Метаксас билан сабр-тоқат-ла муносабатда бўлганларига қараб уларни Метаксас тўғрисида ҳеч нимани билишмайди деган тахминга боришга ҳам тайёр әди. Тўғри, бу одам-

ларнинг касби жанг қилиш, Метаксас билан дўстлашсак бўладими, йўқми, деб булардан сўраб ҳам ўтиришмайди.

Майордан ташқари, сұхбатга аралашмаган одам қолмади, у буига уриниб ҳам кўрмади. Кейин ўз ҳол-аҳволларидан гап бошладилар. Қоронгида фақат обозларигина эшитилиб тургани сабабли сұхбат жуда илиқ, самимий чиқиб, гаплари-гапларига қовушиб кетди. Эндиликда иккӣ австраалос билан инглизлар гурунглашмоқда әдилар.

— Бирортангларни немисларнинг анави саккиз миллиметрик миномётига ишларинг тушмаганми? — сўради Стоун. Шу пайтгача у жуда кам гап қўшган, шунида ҳам Беркни қайириб турган эди.

— Тўрт дюймлик стокедан Фарқи йўқ,— деди шотланд Макферсон.

— Уларнинг Granatenwerferларини<sup>1</sup> аввалги урушда кўргандим,— деди қария.

— Granatenwerferлари бутунлай бошқа нарса,— деди лейтенант.

— Бари бир, Granatenwerferларини яхши биламан,— деди қария.— Бунисиням әплаштираман. Ҳеч қанақаңги қийин жойи йўқ.

— Сенсиж ҳам уддалаймиз,— деди Макферсон бетоқатланиб.

— Бекорларни бештасини ебсан,— деди қария.

— Йўқ, йўқ, Тич. Денгизда ҳозир жуда совуқ. Ўпканг шамоллаб, у дунёга равона бўлмагин яна.

— Ҳозирча шамоллатганим йўқ чоғи.

— Қўй, қўй, бўлди,— деди Макферсон.— Бизни шу сарда кута турасан.

Қария Макферсоннинг буйруқомуз гапига эътиroz билдирамади, бу ҳол Нисни таажжублантириди. Ҳаммалари чуваккина шотланднинг эътибор-иуфузини сўзсиз тан олардилар. Нисга унинг масаланинг моҳиятини тез илғаб олиши ёқарди. Айтидан, бу илгарироқ қарор топган, шунинг учун ҳам майор аламзада эди.

Ҳаммалири пастда қояларга урилаётган тўлқиннинг шовиллашига қулоқ солиб, бир муддат жим ётишди. Лондонлик эса ухлаб қолганди. У оҳиста хуррак тортар, хурраги ҳам кемшиклиги туфайли «ш-ш» лаб чиқарди.

— Қизиқ, ҳозир бизникилар саҳронинг қаерида экан? — деди лейтенант озроқ жим ётгач.

<sup>1</sup> Гранатомёт (немисча).

- Миср атрофларида дир-да,— деди қария.
- Нима фарқи бор буни?— деди Берк.— Энг муҳими— бу ердан эсон-омон қутулиб кетиши.
- Сувайш каналидан кўпам олисласиб кетишмагандир-ов,— деди лейтенант.
- Ие, бу қанақаси бўлди?— истеҳзо-ла деди Берк.— Қараб турсам, тарбузларинг қўлтиқларингдан тушиб кетган кўринадими?
- Сиз австралияликлар жудаям гапга чечансизларда,— деди лейтенант ғижиниб.
- Бас, етар, энди ухлайлик,— дея тақрорлади Стоун.
- Барни бир,— деди Макферсон,— Мисрга етиб борганди Исқандарийга яқинроқ ерга тушганимиз маъқул. Лекин гарб томонга эмас.
- Йўналишни қайси биримиз бунчалик аниқлай оламиз?— деди қария.
- Биз биргалашиб келган грек,— деди Берк.— У сайдераларга қараб мўлжал олади.
- Қанақанги сайдераларга?
- Қўёш билан ойга қараб,— деди Берк Нисга тақдидан. Илло у мазах қилаётгани йўқ эди. Бу ҳазиллашиб қитиққа тегиш эди. Нис қоронгида беихтиёр Беркка қарди, гарчи унинг афтини кўрмаса-да, ҳеч қанақанги ғараз йўқлигини ҳис этди. Салдан сўнг қария:
- Кутқармоқчи бўлаётган одамларимиз, ҳар қалай, кимлар экан ўзи?— деб сўради.
- Метаксас қамоққа тиққан литтослик балиқчилар экан,— деди Стоун.
- Немислар етиб келмасдан бажариш керак экан буни,— деди лейтенант.
- Улар бу ерга ҳам етиб келишади-ку,— деди Берк.— Шундоқ бўлгач, нима фарқи бор экан?
- Нима бало, бугун чаپ ёнинг билан турганмисан, нуқул почадан оласан-а,— деди Стоун Беркка.
- Шунда Макферсон, ҳамиша лабларида кулгу жилвалиниб турадиган шотланд тўсатдан қоронгилиқда кулиб юборди. Нақ дизель мотори устма-уст пақиллаб кетгандай бўлди.
- Кўринг-а машмашани, учи қайдо-ю, охири қайдо, билиб бўлмайди,— деб қўйди у.
- Унинг бу сўзи гурунгга иуқта қўйди. Ҳаммалари жим бўлиб қолишиди. Суҳбат тинди. Нис шунча кун заҳ ерда тунагандан сўнг тахта тўшамада ётиш қандай роҳат экан-

нини ўйларди. Уни уйқу элитди-ю, донг қотиб ухлаб қолди.

Хожи Михали уларни каллаи саҳарлаб уйғотди.

## 22 боб

— Энди ҳаммасини бир бошдан бафуржга маслаҳатлашиб оламиз улар билан,— деди у Нисга.

— Шошилма, улар ҳозир қайтишади,— деди Нис.

Стоун, Энгес Берк ҳамда инглизларнинг бари муздек денгиз сувида юз-қўлларини ювиб, жиндаккина чигилларини ёзиб келгани чиқиб кетишиди. Нис ҳам соҳилга бориб, ҳануз сассиқ ҳид келиб турган юз-қўлини ювди. Сўнгра кулбага қайтди. Уни беш нафар инглиз ҳамда Стоуни билан Берк кутиб туришганди. Бурчакдаги мино-мётлардан бирини аллақачон олиб чиқишибди.

— Буларга тушунтириш,— деди Хожи Михали:— Ҳаммалари булат овловчилар денгизга чиқадиган иккита туби ясси катта қайиқقا ўтиришади, учинчисига Талоснинг қайигини оламиз, у кичикроқ. Миномётлардан биттаси кичикроқ-ку. Ўша ясси тубли қайиқлар энг катталари. Улардан биттасини сен, иккинчисини Сарандаки бошқарасизлар. Талос ўзининг қайигида боради. Инглизларга айт, иккига бўлинишсин.

— Ҳаммаси бўлиб нечта қайиқда борилади?— сўради Нис.

— Ўнта. Бизларнинг қайиқларимиз чоғроқ. Лекин ҳаммасиям керак бўлади, нега деганингда, қутқазган одамларимизни ўтқазишимиз зарур-ку. Литтосдан баравар йўлга чиқамиз, то Гавдос кўрингунича ҳам биргалашив сузамиз. Кейин ажралишиб, Хавро Спатига турли томондан яқинлашамиз. Илло ҳаммамиз у ерга бир вақтда етиб боришмиз шарт. Хавро Спати — шундоққина лагерга бориб тақалган қўлтиқ. Ана ўша ердан бошлаймиз ишни. Сарандаки йўл бошлаб боради, чунки у жойни ҳар бир қаричигача билади.

— У ер, Хавро Спати, чуқурми?

— Унчалик әмас, иннайкейин, сув ости қоялари жуда кўп, кўзга кўринмайди, лекин шундоққина сув юзасида. Уларга чап бериб, айланиб ўтса бўлади-ю, бироқ бу шамолга боғлиқ. Сарандакининг орқасидан борамиз, у ерни беш қўлдай билади.

— Анави истеҳкомлар қаерга жойлашган?

— Катта қояни айлашиб ўтганимиздан кейингина кўринади. Кўэга ташланди дегунча инглизлар уларни тўпга тутиб, яксон қилишлари керак. Агар шундай қилинмаса, сим тўсиқларга яқин бориб бўлмайди, чунки бутун қўлтиқ ана ўша учта истеҳкомдан кафтдагидай кўриниб туради.

— Ўша истеҳкомларда қанақанги қурол бор?

— Аниқ хабарим йўқ. Локин пулемётлари бор, балки тез отар замбараклари ҳам бордир. Балки биз етиб борган пайтда аскарлар ухлаб ётган бўлишар. Локин истеҳкомларни гумдон қилмай туриб сим тўсиқларга яқинлашолмаймиз. Буни хаёлга келтиромасак ҳам бўлади.

— Сим тўсиқнинг нариёғида нима бор?

— Бошқа ҳеч нима. Сим тўсиқ эса лагерга олиб чиқадиган энсизгина даранинг оғзигинасида. У ерда ётган литтосликлар билан денгиз булути овчилари ўқ овозларини әшитишлари керак. Борди-ю ўзлари ташқарига чиқа олмасалар, унда биз дарадан ўтиб бориб, уларни озод қилалимиз.

— Демак, бошқа истеҳком йўқ әкан-да?

— Лагерь атрофи девор билан ўралган. Локин бунинг қийинчилик жойи йўқ.

— Кичик қайиқлар нима бўлади, улар тўғри қирғоққа бораверадими?

— Истеҳкомларга қарата ўт очганларидан кейин биз қўлтиқча кириб боришга ҳаракат қиласмиз. Агар истеҳкомлар вайрон этилса, у ёғи осон қўчади. Биз бисотимиздаги жамики пулемётлару Қувайтдан келтирилган милтиқларни оливоламиз. Сон жиҳатдан ҳам кам әмасмиз. Кичик қайиқларда қирғоққача борамиз. Озод қилинган литтосликларни кейин соҳилга бошлаб келамиз. Улардан бир нечасини сизлар катта қайиқларга чиқариб олишларинг керак. Локин Сарандакининг айтишича, катта қайиқларда қирғоққа яқин бориш хавфли әмиш, чунки сув ости қояларининг оралиги жуда тор әкан.

Шу гапларга қарамай, Нисга ҳали ҳамма жиҳати тушунарли әмасди, ҳар қалай.

— Сарандаки катта қайиқда бўлса, сизларни қирғоқча ким бошлаб боради?

— У ерда, қирғоқ яқинида, қояларнинг жами сув юза-сига чиқиб, кўриниб туради. Уларни четлаб ўтиш қийин әмас.

— Ўйлаган режанг шунинг ўзими?

— Ҳа.

— Истеҳкомлар жуда баландда жойлашганми?

— Улар қўлтиқ тепасида, уч томонда жойлашган. Тик қоялар ёнбошида. Қўлтиқнинг қирғоқлари ҳамма ёқда ҳам тик қоялардан иборат, фақат битта дара бор, ўша ердан лагерга борилади. Метаксас ўзига қарши қанчалик ҳозирлик кўрилаётганини пайқаганидан кейин қурдиртирган бу истеҳкомларни. У пайтларда жуда кўплаб метаксасчиларга қарши чиққанлар қамалганди бу лагерга. Темир каллалар билан уруш бошлангандан сўнг ҳаммаларини бу ердан олиб кетишган, фақат литтосликлар билан булут овловчилар қолишган, холос. Шу боисдан ҳозир у ерда қўриқчилар кам бўлса ажаб эмас.

— Демак, истеҳкомларни портлатгач, инглизларнинг жимгина кутиб ўтиришдан бошқа ишлари қолмас экан-да?

— Ҳа. Кўриб турибсанки, ҳаммаси хамирдан қил сурғандай осонгина битадиган иш.

— Осон битадими ё қийинми — бу миномётларга боғлиқ,— жавоб қайтарди Нис.

— Шундай,— деди Ҳожи Михали ва кулиб қўйди.— Инглизларга айт, бутун умидимиз шулардан.

Нис Ҳожи Михали билан гаплашаётгандан Стоун, Берк ва бешала инглиз биргалашиб катта, миномётларни йигиш билан банд бўладилар. Кейин миналар ҳафсала билан, орасига кийиз қўйиб жойланган узун яшикларни кўздан ўтказдилар.

— Қани, қулоқ солинглар,— деди Нис уларга.

Улар Нис теварагида давра қуришди. У олдин Ҳожи Михалидан кўра пухтароқ қилиб, майда-чуйдасигача қолдирмай, ўзича ўйлаб-пишишиб олди-да, сўнгра сўзлай бошлади. У ҳар бир сўзни одатдагига қараганда ҳам кўпроқ ёътибор билан танларди. Ынглизчада грекча гапирганда гидек аниқ-яққол, лўнда чиқмасди фикри. Буни унинг ўзи ҳам фаҳмлаб турарди.

Нис учун бу ишларнинг ҳеч қандай фавқулодда жойи ўйқ әди. Отаси билан бирга сузуб юрган кезларидаёқ Қувайтдан яширинча келтирилаётган қурол-яроғ ортилган қаймакни шаҳар пристанига олиб кирган ҳоллари кўп бўлган. Шундай пайтларда у фақат бир нарсани — зиммаларига юклangan вазифани беками-кўст ҳамда тезроқ адо

этишнигина ўйларди. Ўша пайтлардаёқ у хавф-хатарни ту-шунадиган даражада улғайиб қолганди. Бироқ ҳеч қачон қўлга тушиб қолишлари мумкин әканини хаёлига келтир-масди. Ҳожи Михалининг ҳозирги режаси ҳам унинг наз-диди худди ўшанақсанги ишдай әди. Бу ҳам Қувайтдан яширинча қурол-аслаҳа ташишнинг давомидай, лекин уч йиллик танаффус — Лариссадаги қамоқда уч йил умрини ўтказгандан кейин яна ўша ишни давом этираётгандай әди. Илло қамоқ ҳам, худди Қувайтдан яширинча қурол ташиш сингари, қўрқув нималигини, хавф-хатарни ҳис этишга ўргата олмаганди уни. Ҳибсга олиниши кес-кин ҳамда қатъий ҳаракат этиши, нима қилаётганини очиқ-сайдин тушуниши ва янада кўпроқ нафратланиши учун сабоқ бўлганди, холос.

Ҳулласи қалом, Нис ўйланган режани тез ҳамда аниқ-равшан тасаввур этишлари учун иложи борича равон, лўнда қилиб инглизчалаб таърифлаб берди.

У сўзини тугатгач, ҳаммалари бир муддат жим туришди. Сўнгра Берк изтеҳзоли оҳангда бундай деди:

— Оғизда ҳаммаси жуда қойилмақом чиқади.

— Оғизда айни десант операцияси машғулотлари ўт-казилаётган пайтдагидай осонгина битади-қўяди,— деди лейтенант.— Ўша лагерга яқинлашишнинг бошқа йўли йўқ-ми?

— Йўқ,— деди Нис.— У ерда бир вақтлар метаксас-чиларнинг кўплаб душманлари ётган. Шунинг учун ҳамма томондан истеҳкомлар билан мустаҳкамлаб ташланган.

— Ўша катта қояни айланиб ўтганимиздан кейин ана-ви истеҳкомларга яқин қоларканми?— сўради Стоун.

— Истеҳкомларгачами?— қайтариб сўради Нис.

— Ҳа, истеҳкомларгача,— деди Стоун.

Нис ўз навбатида Ҳожи Михалидан сўради.

— Уч юз метрча,— деди сўнгра инглизчалаб.

— Шундоқ денг,— деб қўйди кимдир.

— Бу ёғи-ку жуда соз әкан-а,— деди Энгес Берк,— лекин бунақсанги қайиқ миномётни кўтара оладими, йўқми, буни билмаймиз-ку ҳали.

— Буни ҳозир синааб қўрамиз,— деди Стоун.— Ҳўш, денгизга қачон чиқамиз деяпти у?

— Ҳозироқ. У жуда шошиляпти, ишқилиб, темир каллалар етиб келишмаган бўлишсин-да, деб чўчиялти.

— Ундан сўранг, баландлиги қанчайкин у ернинг,— деди Макферсон.

— Йигирма беш метрча, лекин девордай тилла-тик, деяпти.

— Унда ҳатто кичиги ҳам ура олади,— деди Макферсон.

— Борди-ю ҳозир йўлга чиқадиган бўлсак, қачон етиб борамиз мўлжалга?— сўраб қолди майор тўсатдан, бўшашиброқ.

Атрофдагилар ўнғайсизланиб, жим қолишли.

— Мувофиқ шамол эсиб турса эртага эрталаб Гавдоснинг қораси кўринадиган жойда бўламиз,— жавоб берди Нис бафуржা.

— Бўпти,— деди Стоун оғир сўлиш олиб.— Ҳаммаси қайиқда туриб, миномётдан отиб бўлиш-бўлмаслигига боғлиқ. Демак синаб кўриш керак.

Стоун катта миномётлардан бирини кўтараркан, атрофдагиларга қаради.

— Ҳаммасини тушуниб олишдими?— сўради Ҳожи Михали Нисдан.

— Ҳаммасини,— жавоб берди Нис.— Улар тайёр.

— Кетдик бўлмаса, тезроқ,— деди Ҳожи Михали ҳовлиқиб. У Стоуннинг миномётни бағрига босиб кўтариб турган қўлини қисди.— Бунақангি, Сарандакига ўхшаган паҳлавонлар ёнингда бўлса, доғда қоламиз, деб ташвиш чекишига ўрин йўқ. Ҳамма иш осонгина битади, кўрасан,— деб қўйди у.

Нис ва бошқалар мина жойланган яшикларни кўтариб, қўлтиққа қараб юрдилар. Ўнта қайиқ қирғоқда бошқаларидан четроқда турарди. Қишлоқ аҳли қайиқлар атрофида уймалашиб юришибди, кимлардир қопларни жойлашяпти — афтидан уларга озиқ-овқат солинганди, бошқаларининг қўлларида худди Спада Нисга берганига ўхшаган мешлар. Баъзи эркаклар қайиқлар тубига милиқларни тахлаб қўйишияпти.

Стоун миномётни әнг катта ясси тубли қайиқ олдига олиб борди. Унинг мачтасида чорси елкан ўрнатиладиган иккита кўндаланг лангарчўп бор экан.

— Шунисими?— сўради Стоун.

— Ҳа.

Нис йиғиштирилиб, лангарчўп остига қалаб қўйилган елкан ва қайиқнинг бошқа жиҳозларига кўз югуртириди ўша замоноқ. Елканлари худди чийпардага ўхшаб пастга тушириб, тепага кўтариладиган экан. Тумшуқдаги учбурчак елканчалари буриб қўйилган. Қайиқ жиҳозлари но-

қулагай, беўхшов бўлиб, Ниснинг кўнглига ўтиришмади. Талос билан Спаданинг кичкинагина қайиқлари бундан ўн чандон яхшироқ жиҳозланган эди. Бироқ, гарчи тезлигини айтарли даражада оширмаса-да, танаси япасқи қайиққа шунақсанги елкан жуда боп келарди.

Стоун миномётни қайиққа олиб чиқди-да, сурилувчи тагтўсинга авайлабгина суюб қўйди. Кейин икки дона мина билан портлатгич солинган яшикчани олди.

— Ҳар биттасида тўрттадан экан, ундан кам эмас,— деди у.

— Иккиталаб синааб кўрамиз,— деди Энгес Берк.

— Бундай масофага албатта тўрттадан солиш керак.

Портлатгич қанча кўп солинса, мина шунчалик олисга бораарди.

— Унда қайиқ тилка-пора бўлиб, пайраҳалари осмонга учади-ку,— деди Берк.

— Ҳўп. Бўлмаса иккитадан ишлатиб кўрамиз. Чининглар.

Литтосликлар ва булут овловчилар қизиқсинаётганларини сездирмай, сиполик билан уларнинг атрофини қуршаб туришарди. Ҳожи Михали уларга қайиқни итариб юборишини буюорди. Макферсон билан лейтенант ҳам қайиққа чиқишиди. Қайиқ ғўлқинлар елкасида чайқала бошлаганди, Стоун билан Берк миномётни ушлаб туришиди.

— Шу ерда синааб кўрмоқчимисизлар? — сўради Нис. У руль ёнида ўтиради. Бу пайтда улар соҳилдан бор-йўғи бир неча ярдгина узоқлашган эдилар, холос.

— Ҳа.

— Бу ер жуда осойишта-ку,— деди у.— Кўрфазга ўтиш керак.

Талос елканларни ўрнатди, шундан сўнг Нис қайиқни торгина йўлақдан кўрфаз томонга қараб йўналтириди. Қўлтиқдан чиқишилари биланоқ қайиқни тўхтатдилар. Стоун минага иккита портлатгич жойлади. Берк эса миномёт асосини ушлаб турди. Стоун минани миномёт милига солди-ю, дарҳол ўзини орқага ташлади.

Чинакамига ер қимирилагандай бўлди. Ҳаммаларини тўрт томонга итқитди, теваракларидағи сув асов тулпордай сапчиб, ўйноқлаб кетди. Қайиқни пўқак тиқиндай итқитиб юборди. Мина милдан отилиб чиқаркан, бутун акс таъсир кучи қайиқ тубига тушганди.

Қайиқ чирпирак бўлиб айланиб, тўнтарилиб кетиши-

га бир баҳя қолди. Нис зудлик билан катта елкан арқонини тортганди, у ўзини ўнглаб, шамолга мосланди. Улар минанинг олисларга учиб бориб, денизни шовиллатиб кўтариб ташлаганини кўришиди.

— Нимаям дердик, ҳаммаси жойида.

— Ишқилиб онамизни кўрмасак бўлгани,— деб қўйди лейтенант.

— Бўларкан,— деди Стоун Нисга.

Нис қайиқни орқага, қўлтиққа буриб, бошқа қайиқлар турган ерга олиб келди. У Ҳожи Михалинга икки оғизги на қилиб гапириб берди. Шундан сўнг жиддий тадорик кўришга тушиб кетилди.

Орадан бир соат ўтгач, улар қайиқларга тушишиб, қирғоқдаги истеҳкомларни вайрон этмоқ учун Гавдос сари сузиб кетдилар.

## 23 боб

Нис барча елканларни ишга солганди. Қайиқ, ҳар тўлқин кўтарилганида деярли қирғогигача ботиб, Ўртаер денизи бўйлаб шитоб билан илгарилаб борарди. У сузишга жуда боп, мустаҳкам экан. Шамол чорси елканга қаттиқ уфурар, бунинг оқибатида гарчи қайиқ тумшуғи сувга кўпроқ ботса-да, аммо тезликдан ютилар эди. Улар мувофиқ шамолда жадал сузиб борардилар. Шарқдан кучли шамол өсиб турарди. Нис кечгача худди шу тариқа сузиб бормоққа, кейин эса йўлни ўзгартиб, қайиқни жануб ёққа бурмоққа қарор берди.

Бу унинг суюги қотган ишӣ эди. Бу жабҳада унинг устунлигини тан олмасликка, унга шак келтиришга ўрин йўқ эди. Миномётлар борасида гап борганида у қандайдир нохуш биро туйғуни — техника бобида жоҳиллигини ҳис өтганди. У Ҳожи Михали билан австралослар ўртасида гёй икки соҳилни туташтирувчи кўприк хизматини ўтаганди, холос. Механикани шунчалик билиш учун қанчалик ўқиб-ўрганиш зарур бўларкин, деб ҳайратланиб, бироқ әдтиром-ла ўйлаганди. Бу иккала австралос бир умр миномёт билан машғул бўлиб келишган кўринади.

Бу ерда-чи, бари беш қўлдай аён унга. Бу қайиқнинг абзалу жиҳозлари ёқмайди, лекин бу қайиқда исталған томонга сузиб боришга тайёр. Бу унинг маҳоратига борлиқ. Миномётларнинг тақдири қайиққа боғлиқ, қайиқ-

минг тақдир жилови эса унинг қўлида. Бу айтишгагина осон, ходос. Ҳали талай қийиничилигу мاشақдатлар кутиб турибди олдинда, чунки режа охиригача пукта пишитилаш әмас. Қўй нарсани ўша ёқда, жойида, истеджомларни барбод этишга киришган пайтларида йўлакай ҳал қилишга тўғри келади.

Нис румпелга тирсагини тираб, бошқаларни излаб атрофга аланглади. Яқин атрофда Сарандаки бошқараётган иккинчи ясси тубли қайиққила сузига келарди. Бошқалар анча орқада қолиб кетганди. Баъзилари мутлақо кўринмасди. Қайиқларниң тезлиги турлича бўлиб, бир хил сузиш маҳдел әди. Аекин у қолганларни Гавдоснинг шарқий соҳили томондаги Хавро Спати қўлтиғига кираверишда кутади.

Эртага әрталаб етиб боришади у ерга.

У ўз қайигидагиларга кўз ташлади. Стоун билан Беркнинг ёнида бўлиши ўз-ўзидан аён гап. Учинчиси әгнида бўз чоловоригина бор ярим яланғоч, бир кўзли денгиз булути овчиси әди. У олд томонда, учбурчак елкан остида ўтирибди.

Сарандакининг қайигида сира ёзилиб кулмайдиган, қора соч, жиккаккина одам — шотландиялик капрал Макферсон ўтирибди. Қайиққа чиқаётганларида ҳар бир инглизга унинг жойини кўрсатган ана ўша. Чуваккина лондонликни ўзи билан бирга олди. Калибри саккиз миллиметрик иккинчи миномёт шуларнинг қайигида.

Литтосдаликларида Сарандаки уларниң ёнига келди-да, миномётларни даст кўтариб қайиққа ташлади.

— Зап буюм экан-да,— деди у кафти билан милини шапатилаб қўяркан.

— Ундан сўрасанг-чи, манави тўппончани ҳаёдан олдийкин,— деди Макферсон Нисга.

Сарандаки сербар туркча белбоғига оғзи катта, сўлақ-мондай қора тўппончами қистириб олганди. Бу немисларниң сигнал берувчи тўппончаси бўлиб, у инглизларниң айнан шумдай тўппончасига қараганда сифат жиҳатидан хийла афзалроқ әди.

— Ҳожи Михали авропландан топиб келган,— жавоб берди Сарандаки Нисга.— Ўзиям бўйимга жуда мос экан-да. Эҳ, жуда вўр.— У тўппончасини белбоғи остидан суғуриб олиб, бир дюйм келадиган оғзини, йўғон ўқини кўз-кўз қилди.

— Буни нима қилмоқчисан?

— Нима қилмоқчисан деганинг нимаси? Отаман, ўлдираман,— шундай деб у момақалдириқдай қаҳ-қаҳ урди ўз жавобидан мамнун бўлиб.

— Ахир бу сигнал берадиган тўппонча-ку,— деди Нис унга.— Унда ракета отиласди.

— Нима қипти,— деди Сарандаки.— Бемалол одамини ўлдирса бўлади. Яқинроқда бўлса, албатта. Гавдосга борганда ўзинг кўрасан ҳали.

Шундан сўнг у аллақачон жойлашиб ўтириб олган булат овчисига алланима деб қичқирди-да, қайиқни итариб юборди. Кейин уни қўлтиқдан кўрфазга ўтиладиган жой томон шитоб билан ҳайдай кетди.

Майор билан лейтенант Талоснинг қайифига чиқиб олишган, кичик миномёт ҳам ёнларида эди. Бу энг тезкор қайиқ эди. Аммо Талос камоли тоқатсиэлигидан шошқалоқлик қилиб, ортиқча бош қотириб ўтирмасди. У йўналиш ва тезликни аниқлаш, ҳисоблашни билмасди ҳам. У шунчаки доим олға сузишни билар, иложи қолмагачгина йўналишни ўзгартиради. Ҳа, ўзга чора қолмагачгина. Мана, ҳозир ҳам у шамолга қараб бошқалардан ниҳоятда четлаб кетган, энди бўлса қувиб етиб олиш учун деярли қирғоқ ёқалаб сузяпти. Лекин елканни яхши эплаштиради.

Ҳожи Михали ва бошқалар анча орқада қолиб кетган, бироқ йўналишни тўғри олгандилар.

Эртага, агар иш ўйлаганларидай борса, бир-бировларига яқинроқда бўлишлари керак.

Стоун ва Берк миномёт билан овора эди. Нис ҳамроҳларидан унинг қандай тузилганини батафсилоқ тушунтиришларини илтимос қилди. Улар Нисга паррак думли минани, дум томонидан жойланадиган, ўққа ўхшаган портлатгични қандай ишлатишни кўрсатишиди. Унга қанча кўп портлатгич солинса, мина ўшанча олисга бориб тушишини тушуниришиди. Миномёт оғзидан ўқланишини, минани солган заҳоти дарҳол ўзини четга олиши зарурлигини, портлатгич портлаганда ичкарида ҳосил бўладиган зўр тўлқин минани итқитиб юборишини гапириб беришиди. Тиккаси ва кўндалангига мўлжалга олишда айланма музвати иш бераркан. Беркнинг айтишича, нишондан фойдаланиб бўлмас экан, негаки унда ҳисобкитоб миллиметрларда берилган, Энгес бўлса дюймга ўрганиб қолган экан. Шу сабабли шунчаки кўз билан чамалашга тўғри келармиш.

Шунда Нис бу иш ўйланганидай осонликча битмаслиги-ни фаҳмлади; чунки, пухта режанинг ўзи йўқ әди, ҳам-маси енгил-елпи, чала ўйланган әди. Ҳеч ким тузукроқ билмайдиган тўплардан фойдаланилмоқчи, шундоқ экан, пишиқ-пухта режа тузиб бўлармиди?

Сўнгра унинг хаёли Сарандакига кўчди. Худди эр-таклардаги жину девларнинг ўзгинаси. Тўпори бўлиб ту-ғилган, ўз касби-кори туфайли ўшандайлигича қолган одам.

Нис дengiz булути овчиларини илгарилари ҳам кўр-ганди. Одатда улар чуқур нафас олиб, ярим соатлаб нафасни ичга ютиб машқ қиласар, кейин ўпкаларини тўл-дириб, каттакон япасқи тошни қучоқлаб сувга шўнгир-дилар, оғир тош шифиллатиб сув тубига олиб тушиб кетарди уларни. Улар сув остида гоҳо бир неча минутлаб қолиб кетишар, сўнгра булатларни бўйниларига осиб, қалқиб чиқишаради. Баъзан акула-наҳангларга ем бўли-шарди. Ёхуд бу атрофларда врема деб аталувчи майдайда медузалар таловида қолардилар. Улар ўз маш-гулотларини жуда эрта бошлар ва жуда ёш нобуд бўлиб кетардилар. Ит азобида кун кечиришар, ҳаётлари жа-ҳаннамий ҳаёт әди. Овлаган булатларни олиб сотарлар-га сув текин сотардилар. Энг чуқур ердан овланган әнг нозик булатларнингина нархи бир оз баландроқ әди. Нис ўшанақсанги олиб сотарларни Кандия ҳамда Мира-беллада учратиб туарди. Улар булатларни тарозида тортиб олар ва қуми йўқми деб ўлардек синчиклаб тек-ширадилар. Кейин эса ўзлари қум тўлатиб сотардилар. Борди-ю сирлари фош бўлса, ҳамма айбни овчиларга тўнкардилар. Денгиз булути савдоси катта фойда келти-рарди, шу боисдан олиб сотар зоти борки, жами Метак-сас тарафдори әди. Унга жон-танлари билан содик әди-лар. Ўша ит әмган разилни ёқлардилар. Ана шунинг учун ҳам Сарандаки булатларга қум илашганини кўр-гандан жон-пони чиқиб кетарди.

Нис Сарандаки ҳақида ана шу тахлит ўй сурарди. Нариги қайиқдан эса Сарандакининг қўшиқ айтадиган гулдуракдай овози әшитилиб туарди. Бу саримсоқни ёқтиромайдиган келин билан уни жонидан афло кўради-ган куёв бола ҳақидаги грек халқ қўшиғи әди. Күёв саримсоқни шунчалик яхши кўрарканки, ҳамиша, ҳатто ҳалигиндай юмуш билан банд бўлган пайтларидаям тамшагани-тамшаган экан. Бу қилифи ниҳоят келиннинг

жонига тегибди-да, саримсоқ емайдиган әр қидириб қочиб кетибди.

Ашулани тутатгач, Сарандакининг қаҳ-қаҳ урган қуалгиси янгради.

Улар шу тариқа Гавдос сари сузиб борардилар.

## 24 боб

Улар Хавро Спати қўлтиғига киравериш яқинида безовталиқ билан қолганлағни кутишарди.

Осмонни булат қоплаган, у нақ босиб тушадигандек кўринади. Соҳидан газаб тулидорига қамчи босган шамол эпкини дам-бадам шитоб билан бостириб келади, гўё само ўз ҳолича, шамол ўз ҳолича ҳукмронлик қилаётгандай туюлади. Денгиз сатқи узра кўкка сапчигудек бўлиб юксак тўлқинлар бир-бировига мингаша кетади. Шамол ҳам кўкка даф қилаётган тўлқиннинг «қалпогини» юлқиб олади-ю, атроф-теваракка фаввора қилиб, сочқи сочади. Кўнгли тўлиб кетган осмоннинг тобора «ўпкаси шишиб» боради, бетиним ёмғир селпийди, шамол әса уни учирисуриб кетмоқчи бўлади. Бир-бирови билан туташиб, чаплашиб кетган ёмғир «торлари» ёруғликин ютиб юборган, борлиқни дилни хуфтон қилгувчи қороғилик чулғаб олган.

Улар яқингиниадаги қоя-бурунни айланиб ўтиб, истеҳкомлар билан қўриқланган Хавро Спати қўлтиғига кириб бориш тадорикини кўяртилар. Нис фақат битта катта ҳамда қайиқ тумшуғидаги кичик елканлардан фойдаланяпти. Бошқа елканлар йигилган. Денгиз бундайин безовтаю бехаловат пайтларда, гарчи тезлик пасайса-да, уларсиз сузган маъқул. Зотан тўлқинлар қайиқни худди отасининг тиззасига чиқиб өлган гўдакдай итқитиб ўйнатарди.

Нис қирғоққа яқинроқ сузишга тиришарди. У елканларни шамолга мослаб, йўналишни ҳозиргина ўзгартирди, индиликда то қўлтиққа етгунича шу йўналишда сузишлари лозим әди. У Сарандакига етиб олди. Икковлари ҳам ҳали тонг ёримасдан оролга яқинлашиб келган, шу топгача бошқаларни кутишаётган әди. Шу пайтгача сатита қайиқ етиб келди, холос. Бундай ҳавода ана шу сатита қайиқнинг етиб келишининг ўзи ҳам мўъжизадай бир гап әди. Қизиқ, нега энди ҳамиша сен кутган, сен ўй-

лаганнинг акси бўлиб чиқади-я. Бир вақтлар қайиқчилик килиб юрган кезларида ҳам нуқул шундай бўларди. Э-воҳ, тескари дунё!

Нис ёмғиру кўкка сапчиётган денгиз томчиларидан сақлаётгандек бошини елкалари сарі ичкари тортиб, Ҳавро Спати йўлини тўсиб турган серқирра бурунга жавдираб тикилди. Ҳамма гап ана ўша ердан бошланади. Бурунни айланиб ўта бошлаганлари замон юқоридалар уларни пайқашади. Истеъкомлардаги метаксасчиларнинг ҳаммаси донг қотиб ухлаб ётишмагандир, ахир. Эҳтимол ҳеч зоғ йўқдир у ерда? Эҳтимол миномётларнинг ҳам дожати бўлмай қолар? Шу аснода ўйлаган режалари бемаъни туюлиб кетди унга. Бу ерда, Ҳавро Сиати остонасида бу режа ақлга сифмайдиган, фирт телбанамо ўй бўлиб кўринди. «Мен жон-дилим билан тайёрман бу ишга, аммо миномёт ишлатиш — ақл бовар қилмайдиган иш. Бунағанги об-ҳавода умуман телбадик, ақлга сифмайдиган иш барি».

— Тебраниб, ўйноқлаб турган бу беланчакда туриб миномёт отиб бўлмайди! — деб қичқирганди аллақачон Энгес Берк унга қараб.

— Балки қўлтиқ сал тинчроқдир,— жавоб берди Стоун.

— Э қаёқда, тушингни сувга айт,— деди Энгес Берк.

— Бари бир ҳеч нарса чиқмайди бу ишдан.

Нис дилида уларга қўшилди. Лекин у бошлаган ишларини қандай бўлмасин охирига етказади.

Эндиликда ортиқ кутмасликка аҳд қилиб, Сарандакига етиб олишга киришди у.

— Нимани кутяпмиз ўзи? — сўради Берк ундан.

— Қайдам,— жавоб берди у.— Ҳозир Сарандакига етиб оламиз-да, бошлайверамиз.

Шундан сўнг Нис бир кўэли грекка асосий елканни кўтаришни буюрди. Қайиқ бир юлқиниб, шитоб билан олға интилди. Гўлқинлар уни итқитиб ўйнар, чор атрофдан човут солиб, сувга тўлғазаёзарди. Нис ниҳоят Сарандаки билан тенглашди, шундан сўнг асосий елканни йиғиб, яна оҳиста сувга бошлади.

— Бошлайверамиз,— қичқирди у.

Сарандакининг қайифи лиқ-лиқ сувга тўлган, елканлари шамолда шалпилларди.

— Бошқалар қаёқда? — дўриллаб сўради у.

— Кўявер бошқаларни, ахир етиб келишар.

У шундай деб, орқасига ўгирилиб қараркан, ёмғир қамчилари остида яқинлаб келаётган бешта майда қайиққа кўзи тушди. Бошлаш керак. Ҳожи Михали ўша ёқда, у ҳамманинг қўлтиққа кириб боришига бош-қош бўлади.

Кичкина миномётни ортиб олган Талоснинг қайиги кўринмайди. Усиз ҳам бошлайверишга тўғри келади бари бир. Бу ерда ҳадеб ўралашиб юравериш мумкин әмас. Кейин кеч бўлади. Бошлаш керак.

— Бошладик! — дўриллади у.

Сағандаки қаддини роз тутиб, ўрнидан турди — қопқора, жиққа ҳўл, сигнал тўппончасини белбоғига қистириб олган, денгиз қароқчиларининг нақ ўзгинаси.

— Бошладик! — дея ўқирди у яна.

У ёрдамчисига асосий елканни кўтаришни буюрди. У Макферсон билан лондонликка шайланиб туришни амр әтди. У момақалдироқдай овоз-ла, оролликларга хос талаффузда фармойиш берди. Шундан сўнг қайиқ шартта бурилиб, Хавро Спати бурунининг чеккаси сари жадаллай кетди.

Баланд, симоби тусли қирғоқ сув бағрини ёриб чиққанди. Ёмғир пардаси орасидан янада симобийроқ кўринарди у.

Нис Сағандаки изидан, кўпикланиб турган тўлқинлар сийнаси сари солди қайигини. Мана у Сағандакини қувиб етаёзди.

— Устимга бостириб келаверма! Сал орқароқда юр! Изимдан келавер! — деб қичқирди Сағандаки унга.

— Ўзинг теззатгин-да, ахир.

— Ҳа, палапон укки-е. — Сағандаки бошини ортга ташлаб қаҳ-қаҳ урди. Шу пайт қайиги беногоҳ бостириб келган шамол әпкенин заптидан оғиб кетди-ю, ёнбошдан човут солган тўлқин Макферсон билан лондонликни бошдан-оёқ шилтаи-шалаббо қилди-қўйди. Нис Сағандакининг бурунни айланиб ўтиб, қўлтиққа кирмоқ учун ярим ёйсимон йўналишда сузиб бораётганини кўриб турарди.

— Бошладик, — деди у шерикларига қисқагина.

Стоун билан Берк шалаббо чўнтакларидан зайдун мевасини чиқариб, тамшанаётган эди. Ўша заҳотиёқ буни йигишириб, тагин қайиқ тубида у ёқ-бу ёққа бориб-кел-

масин деб, устидан сув сизилиб турган миномётга ёпишишиди. Икки кўзлари қораси ғира-шира кўзга ташланиб турган соҳилда эди. Нис орқага аланглади. Бошқалар хийла орқада, олдинма-кейин тизилишиб келишяпти.

Барі бир энди фурсат ўтди. Сарандаки қўлтиққа кириб боряпти. Нис ярим доира ҳосил қилиб бориб, тўлқинлар узра чайқалиб, унинг изидан қўлтиққа кирди.

Улар узундан-узун бурунни айланиб ўтиб, Хавро Спатига кириб бўлишганди. Стоун билан Бёрк истеҳкомлар қаердайкин деб тепани кузатишарди.

Шу аснода Нис истеҳкомларни ўйламасди. Ҳар қадамда шўнгигиб чиқиб турган сув ости қоялари билан банд эди хаёли. Хавро Спатини қуршаб турган соҳил туташ тик қоя деворлардан иборат эди. Қўлтиқ ярим доира шаклида бўлиб, қоқ ўртасида қирғоққа туташ оппоқ қумлоқ кўзга чалиниб турибди. Қумлоқдаги илон изи тиканли сим тўсиқ қоялар бағрини ёриб кирган қоронги камгак ичкарисига қараб кўтарилиб бораркан. Ана ўша жойдан дара бошланаркан.

— Ҳув ана,— деди Стоун тўсатдан, орқа томонни кўрсатиб.

Сув ости қояларининг узун чанглларига чап бериб ўтаркан, Нис у қўли билан кўрсатаётган ёққа қараб, ярим ой шаклидаги соҳилнинг бир учидан пастаккина чорбурчак истеҳкомни кўрди. Узоқдан истеҳком зифирдаккина кўринарди.

Нис шоша-пиша у ердан кўзларини олди. У румпелни сал нари суриб, кейин ўзи томон тортди, сўнgra яна нари сурди. Шунда у бир кўзлига елканларни диққат билан кузатишни буюрди, зотан бодроқдай бодраб ётган сув ости қояларини оралаб сузиш тобора мушкуллаша бораётган эди. Улар энди бошни айлантиргудек даражада тез, гизиллаганча сузиб бораётган Сарандакидан талайгина орқада қолиб кетишганди. У деярли қарама-қарши қирғоққа етиб қолган ва қўлтиқнинг ўртарогига қайтиш учун қайиқни бураётган эди.

Худди шу дамда Нис тезликни оширган, қайиқ эса маист чангичи янглиғ иланг-билинг из ҳосил қилиб, жадал сузиб бораётган эди. Қўққисдан алланиманинг қасирлаган-тариллагани эшитилди. Дастребига бу шунчаки бир шовқиндай, уларга ҳеч қанақанги алоқаси йўқдай туюлди. Бу шовқин қўйруқ томондан эмас, олд томондан эшитилди.

— Ана, олинглар насибаларингни,— деди Берк.

Ниснинг онги хиаватхоналарининг бир бурчидა, бу пулемёт, деган ўй йилат өтди. Пулемётдан сурункасига ўқ узилиди. Бу Сарандакига қаратилган бўлиши керак. Йўқ, метаксасчилар уйқуда әмас, улар бедор. Нис қайиқни тўлқинни тилимлайдиган йўналишда тутмоққа уриниб, жон-жоҳди-ла румпелга ташланди. Тўлқин әса қайиқни олдиндаги беҳисобу бесаноқ майдада сув ости қоялари сари суреб бораради. Тўлқинлар жўш уриб, парчаланиб, сув бетини қоплаган вижир-вижир оппоқ қўпиклар кўрпаси остидан қояларнинг қоп-қора қиррадор чўққилари мўралаб турарди.

— Тагтўсинни тортишга ҳозирлан!— бақирди Нис бир кўзлига.

— Сен йўлни тўғри ол, тўғрилайвер, чўчима,— ўша ондаёқ жавоб қилди бир кўзли.

Бироқ Нис, тагтўсинни тортишга ҳозирлан, деб ўдагайлаб берди унга. Узи әса румпелни шунчалик кескин нари суреб юбордики, қайиқ  $180^{\circ}$  бурилиб кетди. Энди у катта елкан тўсиб қўйган Сарандакини кўролмай қолди. Шунда ҳам у қайиқни қоялар орасидан бошқаришни давом эттираверди, ёмғир ҳамда тўлқин сочқисидан бўккан бошини вақти-вақти билан силкиб қўярди, холос. Пулемёт тариллаши бетўхтов ашитилиб туарди. Беркнинг қайиқ ёндорига қиялатиб миномётни тўғрилаётганини кўрди. Стоун мувозанатни сақлаш учун чатаноғини кериб туриб олган, портлатгични жойламоқчи бўлиб минани қўлига олган ҳам эди. Улар бир-бировларига нималардир деб қичқиришар, ювларидан шариллаб сув қуилиб туарди.

Ниснинг борлиги биргина нарса — тўлқин билан банд әди. Уларни қўлтиқ ичкарисига томон ҳайдайтган тўлқинлардан бўлак нарса кўринимасди кўзига. Теваракни қуршаган дengiz худди шахмат тахтасига ўхшарди. Қора сув ости қояларию оппоқ қўпикли тўлқинлар. Dengiz қайиқни дуч келган қоя сари итқитмоқчи бўларди.

— Катта елканни йиф!— бўкирди Нис бир кўзлига.

Бир кўзли тўртта елкан арқони учини маҳкам чангальлаганича, қайиқ ёндорида ўзини орқага ташлаб ўтиради. У оёгини бор кучи билан қайиққа тираб олган, Ниснинг қайиқни гоятда кескин буришини кузатиб, доимо унинг фармойишини адо әтишга шай бўлиб ўтиради. Буйруқни ёшитган заҳоти ўрнидан турди-ю, елкан арқонларини барчасини чандиб боғлади. Кейин асосий елкан лангарчўпини

тушириди. Лангарчўп қамчи чарсиллагандай чувиллаб пастга тушди.

Улар бу орада қўлтиқнинг нариги соҳилига етиб бориши ганди. Бир пайт Стоуннинг, иккинчи истеъком шу ерда, тепада әкан, дегани Ниснинг қулоғига чалинди. Ҳудди ана ўша жойдаги пулемёт тариллаётганди, бироқ Нисга бари бир әди ҳозир. Айни чоқда у, оддин пўртана билан олишган пайтидагидек, денгиз ила олишар, шамолни ўз измига юритишга уринарди. Мана, қаршисида яқингинада Сарандаки қайиғини орқага бурган сув ости қояласисиз саҳн намоён бўлди. Сарандаки эса тўппа-тўғри қўлтиқ ичкарисидаги соҳил томон сузиб боряпти.

Ҳудди шу лаҳзада иккинчи пулемёт тилга кирди.

Нис қайиқни Сарандаки изидан буришга шайланди. У румпелни қаттиқ чанглалаганича, тўлқин қайиқни худди кутилган йўналишга буриб юборадига қулай фурсатни кутиб, ўзини орқага ташлади. Пулемётнинг «сайроққа» турганини дарҳол әшита қолмади у. Сув ости қояларига ҳамла қилаётган тўлқинлар ўкиригигина қудоғига киради, холос. У тўлқинлар қайиқни суреб бораётган жойнинг ниҳоятда саёз эканини кўрди. Буни илгарироқ билган, қоялар узра янгреётган ўзига хос қулқуллашни әшифтанди. Мана энди ўз кўзи билан кўрди-ю, бир кўзлига, тагтўсинни торт, деб қичқирди.

Эндиликда пулемёт тўғридан-тўғри ўққа тутаётганди уларни. Иккала австралоснинг гайри ихтиёрий равища әнгашганини кўрди, бироқ ўзи әнгашишдан чўчиди. У сув остида қора вабодай даҳшат солиб турган қоядан кўз узмасди. У ўша жойда сув айланив-буралаётганини, лак-лак қўпиклар вижирлаётганини, сув тубидаги ҳайбатли қояни кўриб туради.

— Тагтўсинни торт! — бақирди у бир кўзлига. Борди-ю тагтўсин тортиб олинмаса, қайиқ бориб сув ости қоясига санчилади.

Бир кўзли тагтўсин билан ўралашиб қолди, негадир уни уddyалай олмаётганди.

Нис тагтўсин ҳали сувда турган сўнгги сониядан фойдаланив, қайиқни буриб юборди. Энди тўлқиннинг қайиқни ё сув ости қоясига олиб бориб уриши, ё унинг устидан ошириб итқитишини кутишгина қолганди.

— Маравзлар, това савалашяпти-ку,— деди Берк, чунки худди шу аснода пулемёт яна тариллай бошлаганди.

— Бу ердан жуфтакни ростлаб қолиш керак,— деди Стоун.

Нис қайиқни ҳаракатсиз ҳолатга келтироди, у мавжда чайқалиб турарди, холос. Нис, боя айтганимиздек, ё ўзларини сув ости қоясидан ошириб юборадиган, ё қайиқни унга олиб бориб урадиган тўлқинни кутарди. Бундан ўзга чора қолмаганди. Тагтўсинсиз улар фақат оқим бўйлабгина суза олишлари мумкин эди. Тагтўсинни тортиб олмасалар-чи, унда қояга бориб урилишлари аниқ эди.

— Нега әнди бир жойда турибмиз қимир әтмай? — бўкирди Берк унга қараб.

Стоун икковлари ётиб-биқиниб олган кўйи тепага, ис-теҳком томонга мўралашарди. Нис у ёқда, тепада нималар бўлаётганидан бехабар эди. Икки кўзи қувалашганча қояга қараб бостириб келаётган улкан тўлқинлардагина эди. Нижоят пулемётдан сурункасига узилган ўқ ёмғири остида улкан бир тўлқин келиб етди.

— Эҳтиёт бўл!

Нис бутун кучи билан румпелга ёпишиб, қайиқни ёнламасига буриб юборишга қўймади. Тўлқин қайиқни елкасига миндириб юксакка сапчиди. Мана ҳозир улар ё қарсиллаб қоя устига, ёхуд нарига ошиб тушадилар.

Шу иккисидан бири содир бўлади, ўзга гап йўқ.

Қайиқ бир сония юксакликда тек қотгандай бўлди. Сўнгра сопқондан отилган тошдай шифиллаганча пастга тушди, әнди у қоянинг нариги ёғида чайқалиб турарди. Нис рулни бурган эди, ўша ондаёқ елканлар қаппайди.

— Тагтўсин! — дея қичқирди у бир кўзлига.

Теваракларига ўқ дўлдай ёғиларди. Чувиллаб тушиб сувни сачратар, қайиқ тахталарини шилиб-тирнар, елканларни галвир қилиб, бошлари узра ғувиллаб учарди.

— Юргиз! — қичқиришди шериклари Нисга.

Бир кўзли тагтўсинни ярмигача тушира олди сувга. Илло шунинг ўзи ҳам кифоя эди. Нис қайиқни ўнгларкан, афти бужмайиб, кўзимга ёмғир тушмасин деб бошини яширади. Эндиликда қайиқ тўғри қўлтиқнинг ўрта қисмига қараб сузис бормоқда эди.

Айни чоқда у миномётларнинг зарурлигини бутун вужуди билан англаб етганди. Зеро орқа томондан ҳануз муттасил пулемётдан отиб ётишганди. Ўқлар бошлари узра, ён-верларидан учиб ўтиб, ҳамон қайиқни тешиб, тилиб, тахта-ёғочларга қадалиб ётибди. Кутимаганда у қўлида турган руль титраб кетганини сезди. Ўқ румпель

рулга маҳкамланган жойга келиб текканди. Стоун билан Берк чайқалиш, муттасил оғишда ағдарилиб кетмасли учун миномётни ушлаб туришарди. Ўқ асло тинай демасди. Энди яна аллақаेқдандир ота бошлагандилар.

Йўқ улар ухлаб ётгандари йўқ. Ҳаммалари уйғониб бўлдилар. Улар бизни аллақачон пайқаб бўлдилар. Энди биз ана шу истеҳкомлар ҳукми-измидамиз.

— Нима қиляпсизлар, отмайсизларми? — қичқирди Нис иккала австралосга.

— Қандай қилиб отади бу ерда жин чалгувларни,— жаҳл билан ўшқирди Берк.

— Отинглар! — ўзини йўқотиб бақирди Нис.

Аммо шу заҳотиёқ яна барини унуди, зеро олдинда кўриниб турган сув ости қоялари тиэмасини оралаб ўтиш лозим эди. Пулемёт әса орқа томонларида ҳануз сайраб ётибди. Ундан тезроқ ҳалос бўлиш учун барча елканларни ёйдилар.

Сарандаки Ниснинг кўз ўнгидан лип этиб ўтди. У хийла олислаб, қўлтиқнинг ўртасига этиб олганди, ана, соҳилдаги қумлоққа, тўппа-тўғри йўлда сўппайиб турган улкан қояга қараб кетяпти. Шунда Ниснинг тасаввур кўзгусида қайиқнинг қояга бориб урилиб, тилка-пора бўлиши жонланди. Буни тасаввур әтмоқ мушкул әмасди.

— У соҳилга бормоқчи,— деди Нис, инглиз сўзларини зўрма-зўраки талаффуз этиб.

Орқа томондан ўқ узаётган пулемётнинг тариллаши энди әшиитилмай қолди. Улар эндиликда оппоқ қумлоқда чўзилиб кетган тиканли сим тўсиқ сари, тўлқинлар елкасида гоҳ кўкка сапчиб, гоҳ пастга ўнгиб, жамики елканларини қаппайтириб, бошни айлантиргудек тезлик билан учиб бораётган Сарандакининг қайигини кўриб туришарди. Ана, қайиқ теварагига қўроғшин сели қуиляпти, узлуксиз ўт бўлиб ёғаётган қўроғшин шарроси атрофдаги сувни чакичлаяпти. Олд томонида ҳам, қайиқ тепасида ҳам беҳисоб ўқлар визиллаяпти. Икки истеҳкомдан, ўртадаги билан қаршидагисидан отишяпти. Ҳа, Сарандакининг қайиги тепасидан ўқлар дўли савалаяпти, ўқлар чипиллаб сувга санчилляпти, қарсиллаб қайиққа тегяпти, овозлари әса қўлтиқнинг камбаргина тўридан акс-садо бериб қайтяпти.

— Тезлат! — овози борича қичқирди Нис Сарандакига.— Тезлат! Бўл! Яна!

Кўроғшин рақси давом өтмоқда. Ана, бари ҳал бўлдикўйди. Сарандакининг ясси тубли япасқи қайиги қўққисдан

чирпирак бўлиб, тумшуғи билан шамолга қараб қолди. У рулга итоат этмай қўйганди. Елканларни ёса шамол четга қараб суриб кетганди, ана шундай тўс-тўполонли дамда Нис олд томонда қалашган қояларни кўриб қолди. Шамол ўз ҳолича қолган елканларни уфуриб-юлқилаб, қайини ёнбоши билан тарақлатиб қояга олиб бориб урди. Нис яқинда бўлгани туфайли қайиқдаги икки химса — Макферсон ва лондонликнинг тайёр бўлганини ўша замоноқ пайқади. Ҳа, тайёр бўлди улар. Кейин у миномётнинг лапанглаб ёндорига урилганини, унинг оғирлиги қайиқни ёнбошлатиб қўйганини кўрди. Қайиқ ичига шовва сув тозиб кирди.

Сарандаки қайиқ оғиб кетганида узилган абзалу жиҳозларга ўралашиб қолганди, энди бўлса жон-жаҳди билан қутулишга ҳаракат қиласлти. Уйдай-уйдай тўлқинлар унинг устидан юмалаб ўтятди. Теварак-атроф қайнаб-кўпиряпти. Денгиз ўкириги орасидан вақти-вақти билан Сарандакининг наъраси, ҳануз уларни ўққа тутаётган пулемётнинг тариллаши әшитилиб турибди.

Бу жаҳаннамий сув гирдоби, айқаш-үйқаш жиҳозу абзаллар, ўралашиб қолган елканлар орасида Сарандаки тўсатдан қаддини ростлади. Макферсон ёса аста қўйруқдан сувга қараб сирфала бошлади... Тамом. Улар дарҳол тушундилар. Қайиқдаги сув бетида йилтиллаётган унинг қони әди.

Сарандаки дам қонига беланганди. Бироқ у метаксасчиларини бўралаб сўкканича, етказган оилавий хўрликлари, иснодлари ҳамда ўв ўлими учун, ҳали у дунёда сенларга кўрсатиб қўйман, деб дағдага қилганича турарди. Девқомат паҳлавоннинг қўллари олга чўзилди. Сигнал тўппончаси қоядаги чоққина истеҳкомни мўлжалга олди. Сарандаки оёқларини қаттиқроқ тиради қайиқقا. Варанглаб ўқ узилди. Ёнарўқ — ракета камон йўли ҳосил қилиб учди ҳавога. Ана, ёрилди. Сариқ ҳамда яшил олов ишком ясад паастга туша бошлади. У жуда баландда, шундоққина истеҳком тегасида ёрилиб, қуёшдан ёрқинроқ чарақлаб, ҳаётдан кўра матонатлироқ, ўлимдан эса кучлироқ ёғду бўлиб, ял-ял ёниб, учқунари оҳиста сузиб тушарди.

Сариқ ва яшил учқунлар.

Шунда истеҳкомдан тагин ўт очдилар. Сарандаки ўз жисмини қалқон қилди ўқларга. У жаҳд ва алам билан ўқца тутиб берди ўзини. Бундайин бағоят қаттиқ варбага дош бера олмаслиги равшан әди. Визиллаб учиб келаётган

зигирдак-зигирдак ўқлар ҳам девкор қудратга әга әди,  
ана шу девкор қудрат ундан ғолиб келди.

Бу сўнгти дақиқа етди деган гап әди.

У чайқалиб кетди. Ана, елканни чангллади. Шу кўйи,  
қайиқ супачасига, Макферсоннинг алчайиб ётган оёқларига  
тақалиб қуларкан, залвори билан мачта, елканлар — жами-  
жамини тортиб кетди.

Қайиқ тўнтарилиб, қоя устидан сирғалиб тушди-ю,  
сувга ғарқ бўлди.

Қайиқка қўшилиб унинг ўзи ҳам, Макферсон ҳам, ми-  
номёт ҳам,чувваккина лондонлик ҳам ғойиб бўлди.

Яшил ва сариқ учқунлар фаввораси йўлакай сўниб,  
йўқолиб тушиб келарди.

Лондонлик сувда охирги марта қалқиб кўринди-да,  
ғарқ бўлди.

Сарандакининг лаънатлар ўқиётган наъраси ҳануз қу-  
лоқлари остида янграётгандай әди.

Пулемёт яна тилга кирди. Ёмғир эса қийғандан-қуяр-  
ди. Яшил ва сариқ учқунлар — учиб тушаётган юлдузлар—  
ёмғиода сўниб, тутаб тушяпти.

Ниснинг нигоҳи яшил ва сариқ учқунларга қадалган.  
Кўзларини узишга мажоли етмасди. У учқунлар ўз йўлла-  
ри интиҳосига етгуниларигача тикилиб, кузатиб турди.  
Шундан сўнггина Сарандакига қаради.

Сарандаки эса ғойиб бўлганди. Ҳеч вақо қолмаган,  
бари сувга ғарқ бўлганди. Ёлғиз катта елкандан юлқиб  
олинган бир парчагина оппоқ лаҳтак пуфак каби шишиб-  
қаппайиб турганди, аммо тўлқин дамини чиқариб юбор-  
ди-ю, у ҳам ўша ондаёқ сув қаърига кетди.

## 25 боб

Нис ана шу қоялар тўдасига яқинлашганида қайиги  
деярли ёнбошлаб қолганди. Иккала австралос билан бир  
кўзли — ҳаммалари шамол забтини кесиш ҳамда мувоза-  
натни сақлаш ҳаракатида шамол ураётган томонга оғирлик-  
ларини ташлаб туришарди.

— Ҳозир отса бўладими? — қичқирди Нис.

— Йўқ, асло. Денгиз бунақанги безовта вақтда мум-  
кин әмас,— зарда билан жавоб қилишди унга.

— Унда соҳилга борамиз,— деди Нис. Ўша замоноқ  
қайиқни бура бошлади.

— Қолганлар ҳам соҳилга қараб сузишяпти.

Берк Сарандаки ва бошқалар сувга чўкиб кетган жойга ишора қилди. Лекин бунинг ҳожати йўқ әди. Улар иккى истеҳком ўти орасига тушиб қолишганди. Чўлп-чўлп-чўлп — қайиқнинг ўқ кўчирган пайраҳалари атрофга учарди.

Нис елканларни шартта ўнг томондан рўпара қилди шамолга. У ўт ёмғири остидан чиқиб кетишга уринмади ҳам. У шамол кўмагида соҳилга тўппа-тўғри, тезроқ етиб олишни мўлжаллаганди, холос. Ҳа, тўппа-тўғри бир-бировига мингашган қоялар, тиканли сим, сув ости қоялари, тўлқинлар, яна қоялар, понасимон оппоқ қумлоқ — ҳамма-ҳаммаси айқаш-уйқаш бўлиб кўринаётган томонни мўлжалга олганди.

Чўғдай қизиган қўрғошин парчалари дўл мисоли ёғил-япти тепаларидан. Шамол заптидан қайиқ борган сайин кўпроқ оғяпти. Ўз оғирликлари билан мувозанатни сақлаш мақсадида улар қайиқ ёндори оша деярли ётиб олгандай әдилар. Шу топда лагча чўғ қўрғошин парчасидан кўра бу муҳимроқ әди.

Стоуннинг етмиш икки томиридаги қон бир йўла калласига қўйилгандай бўлди. Энгес Беркка әса ҳеч нима қилмади. Ғақат афти аламдан буришиб кетганди.

Кутимаганда бир кўзли ийқилди. У сувга қулаганди. Ўққа учиб қулаганди у. Оқиши-қўқимтири гирдоб ўша ондаёқ ўз комига төртди уни.

Эўриққанидан Ниснинг белию кураклари қақшаб оғирди. У румпелга ёпишиб олган, ўзларини олға, соҳил томон суриб бораётган ақл бовар қилмайдиган тезлик билан олишиб, нақ мажнунтол новдасидай эгилиб-букилиб кетганди.

Қоқ рўпараларидағи оппоқ кўпик билан қопланган сарғимтири қумлоқ шигиллаганича яқинлаб, гўё устларига бостириб келяпти. Қайиқ унга урилгани ҳамоноқ мажақ-мажақ бўлади. Ҳатто тўлқинлар ҳам у ерга урилиб тилка-пора бўляпти. Улар бўлса тифи паррондай учиб боряптилар, ҳозир урилишади, мана ҳозир.

Мана, уларни тўлқин елкасига олди. Мана, пастга туширди. Тўлқину шамол яктан бўлиб, пулемёт сайроғи жўрлигига олға учириб боряпти. Мана, шигиллаганча пастга итқитилдилар. Қайиқ бамисоли самолётдай шўнгриб кетди. Денгиз уни сарғимтири қумлоққа итқитиб юборганди.

Юлқиниб жиловини узган елкан уларни шапатилаб, йиқитиб шамолда ҳилпирай кетди. Ҳаммаси тамом бўлди. Қайиқ ярмигача тошу қумга кўмилиб қолганди. Бу тошларни аввалроқ кўришмаганди. Тўлқинлар қайиққа шовиллаб қуйилар, елканлар шалопларди.

Стоун, девқомат Стоун белигача сувга ботиб, миномётни боши узра даст қўтарди-ю, сувдан югурла кетди. Нис тасма тутқичига чанг солганича мина солинган яшикни қайиқдан юлқиб олди. Шу пайт елкан уриб йиқитдӣ уни. У яшикни Беркка узатди. Бошигача оппоқ қўпикка шўнғиган гирдиғум Энгес Берк әнди бир томондаги пулемётгина ўқ узаётганини эшитиб, пайқаб турарди. Ҳа, фақат бир томондагисигина отяпти.

Улар қоқила-сурила, қоялар панасидан қоялар оралиғида чўзилиб кетган сим тўсиқ томон юриши.

Аммо шу замоноқ орқага қайтишди, чунки лағча чўғ қўрошин парчалари зумда атрофлари даги қумлоқни ғалвир қилиб юборди. Сим тўсиқ эса йўлларини тўсиб турарди. Олға юрадиган бўлишса, кўз юмиб-очгунчалик фурсат ўтмаёқ, уларни биттама-битта ер тишлатишлари тайин әди.

— Фақат битта истеҳкомдан отишяпти. Бошқалари узоқда,— деди Стоун.

У шикастланган, денгиз юлқиб, кейин яна тошлар, сарғиш қум устига итқитаётган қайиқ ёнига чопиб борди.

— Ҳув ана,— Берк бармоғи билан кўрсатди.

Бу қўлтиқнинг қарама-қарши бурчагидаги истеҳком әди. Биринчи бўлиб ўша ердагилар ўт очишганди.

Нис билан Берк мина солинган яшикни сургаганча Стоуннинг ортидан қайиқ томонга югурдилар. Улар ҳануз дўлдай ёғилиб турган пулемёт ўқларидан ўша ерда, денгиз қутуриб, елканлар юлқиниб-ҳилпираётган жойда жон сақламоқчи әдилар. Улар абжаги чиққан қайиқ ортидан паноҳ топдилар. Унинг ортига чўнқаярканлар, лағча чўғ қўрошин парчалари қайиқ ёнбоши ҳамда тубини ногора янглиғ чала кетганини эшитдилар.

Тошлар қайиқнинг талайгина жойини ёриб, тешиб ташлабди. Қўйруқ томони деярли ажраб кетибди. Шамол елканларни пора-пора қилибди, парча-пурча қуроқлари бостириб келаётган тўлқинларда сувиз юрибди. Нис ва иккала австралос қайиқ панасида сувга ётиб олдилар. Ёмғир бешбаттар зўрайди. Пулемёт эса қўрошин дўлини янада кучайтирди. Ўқлар бошлари узра визиллаб ўтар, ёнбошлиб

ётган ясси туб қайиқ танасини савалаб, нақ товуқ сингари патини тўзитарди.

— Сизларга нима бўлди? Отсанглар-чи, ахир,— жаҳл билан деди Нис.

Стоун миномётни саёзликка ўрнатди. У сал қаддини кўтариб, ёнбошлаб ётган, пастки ёндори тобора ҳўл қумга ботиб бораётган қайиқ орқасидан мўралади. Мўралади-ю, яна даров чўнқайди. Берк ҳўл, қалтироқ қўллари билан мина яшигини пайпаслади. Кейин қўлини жами тугмаси қадоғлиқ хакиси остига суқиб, портлатгичлар солинган тўрвани чиқарди. У учта портлатгични олиб, минага жойлади.

— Ораси беш юз ярдча келар-ов,— деди Стоун.

Энгес Берк минани кафти билан урганди, портлатгичлар қайтиб тушди. У бошқатдан, бу гал иккитасини жойлади. У мўлжаллаш мурватини бураб, Стоуннинг маъдан тахтани сув шалоплаб турган саёзликнинг сирғанчиқ тошу қумлоқ тубига мустаҳкам ўрнатиб бўлишини кутди.

— Бошла,— деди Стоун ва чўнқайди.

Нис қорни билан ётйб олди. Берк минани икки қўллаб кўтариб, милга жойлади. Портлатгичлар намиқиб қолган бўлса-я? Милига сув кирган бўлса-чи? Бирон сабаб билан отилмай қолса-я! Йўқ-йўқ, отилди:

Гум!

Шундай кучли гумбурладики, гўё снарядлар тўла яшик портлади, вилвила бўлиб, вулқон отилди. Мина сира ақл бовар қўлмайдиган даражада имиллаб учиб боряпти. Олдинига гувиллаб тепага қараб кетди. Улар қайиқ ёндорига ёпишиб, бошларини ичларига тортиб олишди. Нис қўлтиқнинг тепасида бир-бирига мингашган оппоқ, тик қоялар юксакларга интилган чеккасини ана шундагина кўрди. Шундоқ қоянинг чўрт кесилиб тушган чеккасида жойлашган чоққина истеҳкомни ҳам биринчи марта кўрди. Уша ҳангиллаб турган чорбурчак дарчадан ўқса тутишаётган эди уларни.

У минанинг портлашини кутарди.

Мина қоянинг истеҳкомдан анчагина пастроғига бориб урилди. Осмонга оппоқ тўзонли булут кўтарилди. Ана шундан кейнингина гумбурлаш ашитилди.

— Падарига лаънат, бекор кетди,— бўкирди Берк.

Стоун шундоқ миномёт мили оғзи рўпарасида турар, унинг бўғриқкан ҳўл юзида телбаларча табассум ўйнарди. Берк алланималар деб бўғилиб сўкинганича иккинчи мина-

га портаатгич жойлади. Худди шу дамда бостириб келган тўлқин сапчили уларга. Стоун пайпасланиб, илло эҳтиёткорлик билан мурватни бураганди, мил сал кўтарилиди. У акс таъсири кучи суриб юбормасин учун тиргагини мустаҳкамроқ ўрнатди-да:

— Жойла! — дей қичқириди.

Нис қайиқ ёндори устига чиқиб олиб, диққат билан кўзларини қисиб, ёмғир пардаси орасидан чоққина истеҳком дарчасига тикиларди. У порташни кутмоқда әди.

Мина баландроққа, қоянинг нақ чеккасига, лекин истеҳкомдан чапроққа бориб тегди.

— Ҳа лаънати, бари бир мўлжалга оламан! — қувонч билан қичқириди Стоун.

Шу чоргулемёт тағин улар устига қайноқ қўрғошин дўйини ёғдирди. Қаердадир орқа томонда, қўлтиқ ичкарисида яна битта пулемёт тариллаб қолди. Бироқ улар қўлтиқда нималар бўлаётганини кузатмай қўйгандилар. Эндиликда на олдиндан ўйланган режанинг зарурату аҳамияти, на Гавдосдаги маҳбусларнинг тақдиринга қизиқиш қолганди. Учовлон ана шу қумлоқ саёзликка, абжафи чиққан қайиқ ёнига дафъатан келиб қолгандай, гўё бошдан сёқ қуролланиб туғилган Миневра янглиғ, миномёт билан бирга осмондан тушгандай әдилар. Аnavи тепадаги бутун қуроллари билан тўсатдан барпо бўлиб қолган истеҳкомни яксон әтмоқлик учун гўё дафъатан пайдо бўлганди бу учовлон. Бу гўё ўлкан олам қўйнида бандоқ ўралган алоҳида бир оламча әди. Тушунарлим? Равшанини бу гап сизга? Бу ишларниг жами тепадаги аnavи маразларни гумдон этиш учун содир бўлган. Мараз эса одамларни англатмайди. Маразлар — бу шу атроф, жойнинг ўзи, истеҳком, пулемёт, тепадан ёғилиб турган қайноқ қўрғошин — бари жам бўлиб.

Нис яшикдан мина олиб, Беркка узатди. Берк унга портаатгич жойлаб, Стоунини кутди. Стоун эса мўлжални ўзгартиради. У таваккалга мўлжалга оларди. Ҳамма ишлари таваккал бўляпти. Сўнгра Берк минани милга тушироди. Стоун тиргакни маҳкам тутиб турди, акс таъсири зарбидан саёзликдаги сув кўкка сапчили. Улар минанинг қаерда порташими кўриш учун яна миномёт ёнидан четга ўтишди.

Улар бир неча лаҳза кутишди.

Истеҳкомниг ёнгинасида оппоқ тўзон кўтарилиди. Бунисиям сал чапроққа бориб текканди. Мўлжалга яқинроқ-

да портладими ёки узоқроқдами, буни аниқ кўришга ёмғир халал берарди.

— Тайёр! — бўкирди Стоун.

— Тайёр бўлганича йўқ ҳали.

Гумбурлаш садоси зумда етиб келди. Қум тўзони тарқала бошлади. Нис кўзларини юмиб-очиб жикқа ҳўл сочларидан киприкларига сизиб тушаётган томчиларни тушириб юбориб, истеҳком вайронасини кўриш ниятида ўша ёққа тикилди. Аммо истеҳком бус-бутун эди. У яна зўр бериб ўққа тута бошлади. Учовлари ҳам қайиқдан нари қочиб, ўзларини шилта қумга чалқанчасига ташладилару қимир этмай ётавердилар. Ўқлар тепаларидан визиллаб ўтар, ҳар тўлқин бостириб келганида сув остида қолиб кетардилар.

Стоун миномёт ёнига эмаклаб борди. Денгиз юзларини шапатилаб турар, тепадан эса ёмғир саваларди. У тагин мурватни бурашга тушди.

— Орқага сурилиб кетиби,— деди Берк.

— Биламан.— Акс таъсир кучи зўри билан миномётнинг тиргаги сурилиб кетганди.

— Оёқларини боғлаб қўй,— деди Берк.

— Арқон олиб бер.

Берк арқон олгани уюлиб, айқаш-уйқаш бўлиб ётган жиҳозлар ёнига чиқди. Буни кўрган Нис ҳам қайиққа чиқди.

— Манавини узишга ёрдамлашиб юборинг,— деди Берк унга.

Улар икковлашиб тумшуқдаги елканчанинг арқонини тортишди, Берк уни то узилгунича темир илгакка ишқайверди. Енбошлаб ётган қайиқ ёндори тўсиб турган бўлсада, пулемёт уларни бетиним ўққа тутиб турди бу орада. Кейин Берк миномётнинг бир оёғини, Стоун иккинчисини арқон билан боғлашга киришишди.

— Бўлди, бас,— сабрсизлик билан деди Берк.

Нис Беркка янги минани тутқазди. Мина ҳўл, қўлдан сирғалиб кетарди. Берк дарров олди уни. Портлатгич жойлади. Стоун ўзини четга олар-олмас, уни милга солди.

Тагин вулқон гумбурлади, ҳамма ёқ ларзага келди.

Қайиқ ортидан мўралаб қараган Нис портлашни, илло кўкка ўрлаган тўзон булатининг юқори қисминигина кўрди. Бир оз нарроққа бориб тушибди. Лекин истеҳкомнинг шундоққина орқасига тушган бўлиши керак. Истеҳкомга ҳам теккан, чунки ўша атрофни тўзон қоплаб олибди, у тарқай демаяпти ҳали-вери.

— Қойил, ўғил бола! — қичқирди Энгес Берк Стоунга.

— Яна ўқла! — Стоун қувончдан терисига сиғмай кетганди. — Ўқла деяпман тағин.

Нис Беркнинг қўлидан портлатгични олиб, уни ўзи жойлади. Нис минани миномёт милига солди-ю, ўзини четга олди. Гумбурлаб отилди миномёт. Берк бу орада бошқасини тайёрлаб турганди. Яна гумбурлади. Яна ва яна. Кетма-кет беш марта: гум-гум-гум-гум-гум. Кейин четроқ-қа ўтдилар. Шунчаси ҳам етар. Нис қаддини ростлаб, охирги икки портлашни кўриб турди. Учовлон қайиқ теграсида туришарди. Орқасида әмас, теграсида, бу ҳол ажабланарли ҳамда ваҳимали кўринарди.

— Вой шайтоннинг шогирди-ей! — қичқирди Энгес Берк Стоунга.

— Ўзинг шайтоннинг шогирдисан! — жавобан қичқирди Стоун.

Нис ҳам сўкиниб қўйди, бироқ грекчалаб, ичиди. У мина истеҳкомга тўғри бориб тушмаганини билиб турарди. Лекин бошқатдан қайноқ қўроғшин дўли ёға бошламасмикин, деб кутаётган эди. Айни чоғда у, ҳар қалай, қайтадан бошланмаслигини биларди.

— Тайёр,— деди у шерикларига. Истеҳкомдагиларнинг уни ўчиб бўлганди. Ана шу дақиқада уларнинг алоҳида, катта оламдан ташқари ҳаётлари қўққисдан тугаган, интиҳосига етганди. Улар мавжуд оламга қайта бошлагандилар. Сарғимтири қўмлоқда учовлон танҳо туришибди, на қайиқлари, на бошқа нарсалари бор, ёнларида миномёту ўн дона мина — бўр бисотлари шу, холос.

Нис орқага, қўлтиқ томонга юзланди, у кўзлари-ла бошқаларни изларди.

## 26 боб

Олтига балиқчилар қайифи қўлтиқнинг у бошидан-бу бошигача ёйилиб кетганди. Улар сув ости қоялари орасида ўралашиб юришарди. Битта қайиқ бу қояларнинг кўзга кўринмас тузоғига тушиб қолибди. У ночору ноиложликда бир жойда гирдикапалак бўлиб айланар, елканлари шалопларди. Уч нафар липтослик — жон-жаҳдлари билан қайиқ ёндорига ёпишиб олгандилар. Қолган бешта қайиқни сирт-

қи томондаги, саёзликдан кўринмайдиган истеҳкомдан уз-  
луксиз ўт очаётган пулемёт тўзитиб юборганди. Фақат  
уминг таримладигина эшитиларди.

— Кириб келишаптими улар? — сўради Стоун миномётни сувдан кўтариб олаётib.

— Киришади, — деди Нис. — Энди анавинисимииг чо-  
расими кўриш керак.

Намчил шамол заҳри суяқ-суякларигана ўтиб кетган,  
уст-бошлиридан денигиз суви шариллаб қўйиларди. Нис ми-  
на яшигини судраганича, сим тўсиққа қараб борарди. У  
ердан бутун қўлтиқ кафтдагидек кўриниб турарди. Ҳудди  
уларнинг тепасидаги, ўртадаги истеҳкомнинг аввал-боши-  
даёқ уни ўчганди. Унда жон асари борлигидан заррача  
нишона йўқ эди шу тешгача. Миномёт ишга тушгач, у ер-  
дагилар жўнаб қолишгандир балки, деб ўйлади Нис. Еки  
тўлқин бизни қумлаққа отиб урганида жуфтакни ростлаш-  
гандир. Аммо учинчи истеҳком қўлтиққа кириладиган ва  
ундан қайтиб чиқиладиган йўлни қўриқлаб, ўққа тутиб  
ётибди. Ҳали анави қайиқчаларда бу ердан қутулиб чиқиб  
кетиши ҳам тоза «гаштли» бўлса керак.

— Юринглар. Илдамроқ юринглар! — қичқирди у ўги-  
рилиб қараб.

Стоун милини қўлтиғига қистириб олганича миномётни  
кўтариб келаётган эди.

— Текага чиқишининг фойдаси йўқ! — бақирди у Нисга.

— Амави истеҳкомни ҳам яксон қилиш керак, — жа-  
воб берди Нис.

— Шу ердан ҳам боллаймиз уни, — деди Стоун.

Нис орқага қайтди.

— Бу ердан кўринмаяпти-ку, ахир, — деди у.

— Кўринишининг кераги йўқ, — жавоб берди Стоун.

Стоун миномётни занглаган сим тўсиқнинг ярим ёй  
шаклида бурилган жойига яқин, истеҳкомдан кўринмайди-  
ганди ерга ўрнатди. Берк сим ёқалаб, тўсиқ бурилган жой-  
гача борди-да, ерга ётиб, нарига эмаклаб кетди.

— У нишонни тўғрилаб айтиб туради, — деб тушунтир-  
ди Стоун Нисга. — Сиз ўқлашни уddaрай оласизми?

— Уддалайман.

— Бўпти, бошлидик бўлмаса. — Стоун портлатгичлар  
жойланган яшикни унга ташлаб, ўзи сим тўсиқ дара де-  
ворига тақалган ерга югуриб борди-да, ҳануз сайроғи тин-  
маётган яккаю ягона истеҳкомга кўз ташлади. Сўнгра бир  
инача сакрашда бояги жойига қайтиб келиб, миномётни оз-

гина сурди-да, қирғоқнинг баланд четига, кўринмас истехом жойлашган ерига тўғрилади оғзини.

Бу ишлар битгач:

— Қани бошланг,— деди у Нисга.

Нис минани милга туширди, ўша ондаёқ гумбурлаган садо янгради. Улар гарчи портлашни кўрмасалар-да, овозини әшитишиди. Аммо Берк уни яқдол кўриб турарди.

Стоун Берк томонга қаради, у қўл силкиди. Ўша заҳоти ётиб олди, чункичувиллаб келган ўқлар теварагидаги қумга қадала бошлаганди.

Нис дафъатан пулемётни унуди. У қўлтиққа кириб келаётган олтита кичик-кичик балиқчилар қайиқларига тикилиб қолганди. У тумшуқдаги елканчалар ёрдамида ўзлари турган ерга қараб тўппа-тўғри сузиб келаётган Ҳожи Михалининг қайиғини кўриб турарди. Ҳожи Михали руль олдида ўтирас, жиққа ҳўл оппоқ соchlари тутамтуватам бўлиб юзига тушиб кетибди. Қаршидан эсаётгани шамол тўлқинларни олдига солиб қувалаб келиб, қайиқни муттасил тумшуқ томондан қамчиларди. Ҳожи Михали қайиқни шамол устига солиб, тўғри қирғоқнинг Берк ётган жойига томон ҳайдарди. Сув ости қоялари оралиғидаги бирдан-бир очиқ йўлак шу тарафда эди. Йўналишни ўзгартирмаса, борди-ю истеҳкомдагилар ўт очиб йўлини тўсиб қўймаса, албатта етиб келади.

— Яна отинглар!— бақирди Берк.

Стоун шошилинч минани шайлади. Ўз вазифаси ёдига тушиб, Нис орқасига ўтирилган пайтда у минани милга солиб улгурганди.

Буни кўрган Нис миномётни Стоуннинг ёлғиз ўзига қолдириб, Берк томонга отилди. У олис-олисга сакраб чопаркан, қайноқ қўрошин ана тегади, мана тегади, деб борарди ўзича. У Беркнинг ёнидан гизиллаганча ўтиб кетди. Тез юргургани сайин ёмғир ҳам тобора шиддат билан саваларди бетини.

— Қай гўрга югурипсиз ўлкангизни қўлтиқлаб?

— У ёққа. Анави ёққа!— дея қичқирди Нис ҳансираф.

Нис Ҳожи Михалининг ниҳоятда яқинлаб қолганини, қайиқни қирғоққа етажсанда тўнтарилиб кетмайдиган йўналишга бурмоққа шайланганини кўриб борарди. Қайиқдаги иккинчи балиқчи шоша-пиша тагтусинни тортаётиди.

Нис югуриб келганича сувга кирди-ю, юз тубан ётиб олди. У кийимлари зид-замбидай бўккани, сувнинг лой-

қаланиши, оғзига қум кирганига парво қилмай, қумлоқ саёзликдан ўрмалай кетди. Кейин қўққисдан бошини кўтариб ўринидан турди-да, белидан сув кечиб, қояларни оралаб Ҳожи Михали қирғоққа яқинлашишга уринаётган ерга қараб кетди. У пулемётнинг устма-уст калта-калта ўт очганини ҳамда деярли ўша заҳотиёқ миномётнинг гумбурлаганини эшилди. У шартта чўнқайди, чунки тўлқин орқага қайтиб, ўзи бошдан-оёғигача юзага чиқиб қолганди.

Нис бир тўлқин тогидан иккинчисига сакраганча, шиддат билан олға интиларди. Ҳудди шу пайт уйдек келадиган ҳайбатли тўлқин Ҳожи Михалининг қайифини ғизиллатганча қирғоққа қараб суриб келаверди. Нис уни кутиб тўхтаб қолди.

Ҳожи Михали, бу ёғига келма, деб бақирди унга.

Қайиқ пастга шўнғиганда Ҳожи Михали рулни шартта буриб юборди. Тумшуқдаги елканчалар қарс ургандек қарсилаб кетди. Қайиқ шамолга мосланиб, тумшуғи билан Нис томонга қараб қолди. У шунда дарҳол қайиқ тумшуғидан тутди-ю, қирғоққа қараб сургай кетди. Иккинчи балиқчи ошиғич елканчаларни йиғишга киришди. Ҳожи Михали сувга сакраб тушиб, тўлқиннинг ҳар бир ҳамасида қайиқ билан бирга сакраганча, уни қирғоққа тортиб чиқаришда Нисга ёрдамлаша бошлади.

— Анави ёққа юр,— деди Нис яккаю ягона ўт очиб турган истеҳкомдан узилаётган ўқлар етиб боролмайдиган жой, ҳалокатга учраган ясси тубли қайиқ томонни кўрсатиб. Энди улар қайиқни денгиз чангалидан уч кишилашиб қутқазишига тушгандилар. Денгиз уни қумлоққа кўтариб уриб, ҳудди ясси туб қайиқ сингари ажагини чиқармоқчи бўлиб хезланарди. Улар эса қайиқ тумшуғини пастга босиб, тўлқиннинг елкалаб кетишига қўймасдилар. Улар қайиқни то Нис оёқлари остида юмшоқ қумни әмас, қирғоқдаги тош аралаш қаттиқ ерни сезмагунича сургаб бордилар. Шу ерга етганларида у қайиқни дадил сувдан тортиб чиқаришга тушди.

— Қирғоққа чиқарамиз,— дея қичқирди у.— Бу ерга ўқлари етмайди.

Улар навбатдаги тўлқини етиб келишини кутиб туриб кейин қайиқни қирғоққа чиқардилар. Улар бунда қайиқ тумшуғи қумга тиқилиб қолмаслиги учун қуйруқ томонини орқага тортиброқ турдилар. Сўнгра уни сувдан нарироққа олиб кетдилар.

Нис тагин миномёт гумбурлаганини эшилди.

У энди бошқа қайиқларни кутиб олгани орқага бурилди.

Пулемёт бафуржә тирилларди. У эндилукда қўлтиққа кириб кела бошлаган иккита кичик қайиқни ўққа тутаётган әди. Қайиқлардан бири асосий елкан ёрдамида нақ юракни ёргудек тезлиқда қирғоққа қараб учиб келарди. Нис унинг истиқболи сари ошиқди. У қайноқ қўргошин парчалари қайиқ атрофида сувни элак-элак қилиб ташлаётганини кўриб борарди. Бу лаънати истеҳкомни Стоун қачон унини ўчираркин? Берк турган ерга бориб отса бўларди. Агар қайиқлар қирғоққа етиб келолмаса, бу ердан бирор жон зотини олиб кетиб бўлмайди-ку, ахир. Тезроқ гумдон қила қолса-чи.

— Катта елканни йиғ! — дея қичқирди у шитоб билан сузиб келаётган қайиқдагиларга.

Елканни йиғиши керак. Тагтўсими ҳам сувга чиқиб турибди. Ҳа падарига лаънат бу елканни.

Ҳар иккала қайиқ ҳам қирғоққа томон келяпти. Ҳожи Михали билан ёнидаги балиқчи иккинчи қайиқни қарши олишмоқда әди. Нис эса биринчисини, катта елкани қаппайиб турганини қаршилаяпти. Мана, шундоқ яқингинасида дириллаяпти елкан.

— Лангарчўпни тушир, онасини гўрига... — сўклиди у.

Катта елкан лангарчўпи нега туширилмаганини шундагина фаҳмлади. Қайиқда биргина киши кўринарди, шериги истеҳкомдан узилган ўққа учган шекилли. Ана ўша ёлғиз қайиқчи қумни курай бошлаган тагтўсинни тортиш билан овора әди. У тагтўсинни Нис айни қайиқ тумшуғига осилиб олган пайтда тортиб бўлишга улгурди. Шундан сўнг литтослик лангарчўпга ташланди-ю, чайқалганча уни пастга торта бошлади. Лангарчўп қарс этиб пастга тушди. Тўлқин эса қайиқни ёнбошга оғдириб юборганди, Ниснинг боши унга тарақлаб урилди.

— Қуйруққа қара, қуйруқни ушла, — жон ачифида қичқирди у.

Литтослик тўлқин запти ила олишиб, қуйруқни маҳкам тутганча сувда турарди. Денгиз жазавага тушиб қўлларидан қайиқни юлқиб олмоқчи, ғазаб билан тик қояга кўтариб урмоқчи бўларди. Сувга тўлган қайиқ зилдай оғирлашиб кетган, дам-бадам от солиб келаётган тўлқин лашкари унинг устидан ўмбалоқ ошиб ўтарди. Нис сувда шишиб-кўпчиб кетган метаксасчиларниң йиртиқ әтиклариди.

рини қумга тираб туради. У зўр бериб қайиқнинг тумшуғини пастга босарди. Оғзи-бурни қум аралаш шўр денгиз сувига тўлганди, шўр сув кўзларини чидаб бўлмас даражада ачиштирас, боши гувилларди.

Аммо у бу қайиқни Ҳожи Михалининг қайифи олдига сургаб борди бари бир. Охирги кучигача сарф бўлди бунга. Шўр сув кўнглини беҳузур қилиб, тинка-мадорини қуритганди. Шунга қарамай у шартта бурилиб, бошқа қайиқларни кутиб олгани жўнади. Энди унинг қулогига на пулемётниг тирилаши, на миномётниг гумбуралиши кираар, каракт бўлиб қолганди. У охирги қайиқ кўриниб қолмасмикин деб денгизга аллангарди. Аллангарди-ю, лекин кўзлари ҳеч нимани илгамасди. Емғир, муздек, жонни ачитувчи шамол халал берар, кўзларига қон қуюлиб, ачишиб оғрирди. У охирги қайиқни кўрмасди. Бироқ унинг шу яқин атрофда ækанини билиб, бақириқ-чақириқларни эшитиб туради. Ҳожи Михали етиб олди унга. Нис бошини хам қилган кўйи тўлқинлар оралаб гандираклаб юар, тиззалири букилиб-букилиб кетар, кўнгли айниб, ўқчиғи келарди. У ҳеч нимани кўрмай қолди. Мутлақо ҳеч нимани. Денгиз уни авраб, гангитиб қўйганди. Ҳеч нарсани фаҳмламасди у. Ширавагина сезиш қобилиятигина қолганди. Илиқина сувни сезарди, холос, белидан юқориси сувдан ташқарида бўлгани туфайли илиқ туюлаётган эди.

Бироқ уни ушлаб олдилар. Икки киши қўлтиқлаб сувдан олиб чиқди, деярли қайиқ олдигача судраб борди. У бошдан-оёқ бўккан, шалаббо, қумга беланганди, аъзойи баданини Ида чўққиси сингари муз қоплагандай, ичак-чавоги эса буралиб-буралиб гужмалоқ бўлиб қолгандай эди.

— Кўйинг, қўйинг, кераги йўқ,— Беркнинг овозини эшитди.

Кимдир уни қумга ётқизиб, кураги ўртасига муштлади. «Нима қилдим? Гуноҳим нима? Нега улар жонимни қийнашяпти, ўз ҳолимга қўйишмаяпти?» Бироқ кўзлари сал равшан тортгандек бўлди.

— Хўш, ўтиб кетдими?

— Анча ўзига келиб қолди.

— Ағдариб қўй уни.

Шунда у икки букилиб, ичидагула солаёттан жамики нарса — денгиз суви, сафро, меъда шираси, зайдун, кечаги қоқ балиқ, икки кун мұқаддам ичилган вино, жамини рад қилди.

Сўнгра у ўрнидан турди-да, атрофдагиларга жавдиради.

— Турибман,— деди у грекчалаб, ҳануз қарахтлик билан.

— Сим тўсиқдан ўтамиз,— деди Ҳожи Михали.

— Утаверинглар. Мен ҳам бораман.

Стоун ҳам, Берк ҳам шу ерда эди. Берк қўл пулемётини кўтариб олганди. Уч оёққа ўрнатиб отиладиган солотерн әди бу. Стоуннинг қўлида эса чоққина пистолет-пулемёт. Унга, Нисга люгерни тутқазиши. Нис Ҳожи Михалининг занг босиб кетган симни қандай тортқилаётганини кўриб турди. Сим қайсарлик билан фирчиллаб кетди. Ниснинг эса ҳамон қулоғи шангилларди. Ҳожи Михали бошчилигига бораётган олти нафар литетосликнинг ғовурларини әшишиб, кифтини кўриб турса-да, сим тўсиқ орасидан уларга кўр-кўёна эргашиб ўтди.

Стоун билан Берк эса кейинида инглизча сўзлашиб келишарди. У ҳозир бу сўзларнинг мағзини чақишига ожиз әди. Шу топда қўлидаги оғир люгерни маҳкам чанглалаш, қадамини тезлатишга ҳаракат қилишдан ўзга нарсага қодир әмасди.

## 27 боб

Тиканли сим тўсиқнинг әгилган-букилган жойлари осонгина узилиб кетарди. Айниқса нам қумга тегиб занглаб кетган ери. Улар сим тўр оғсисини йириб, қайириб аста-секин тўсиқлардан ўтиб бордилар. Олдиндагилар аллақачон дарага етиб олгандилар. Денгиз булути овчиларидан бири Нис билан бараварлашди. Нис унинг овозини әшилди.

— Сувга чўкиб кетган Сарандакими? — қизиқсиниб сўради у.

— Ҳа,— жавоб берди Нис.

— Уни анави истеҳкомдаги пулемёт тинчитдими?

— Ҳа.

— Ростдан чўкиб кетдими? Ўз кўзинг билан кўрдингми?

Нис жиққа бўккан бошмоғи билан йўлдаги симларни нари-бери суриб кетаётган Стоуннинг изидан борарди.

— Ҳа. Чўкиб кетди. Нима, бўлмаса осмонга учиб кетарми? Фарқ бўлди сувга.

— Йўқ, йўқ. Бундай бўлиши мумкин эмас. Йўқ.

Бу одамнинг ижикилаши Ниснинг жиғига тегаётганди. Асосий иш энди бошланяпти. Сарандаки эса ҳалок бўлди. Бунинг қандай ва қай аҳволда содир бўлгани кейин гаплашаверилади. Ҳозирги энг асосий мақсад — лагерга ётиб олиш. Ўша ёққа, тепага чиқиш. Спада билан бирга сойлик ёқасида анави темир каллани қувганларида ҳам худди шундай бўлганди. Спада ва Сарандаки. Пещаналарига дору метаксасчилар билан темир каллалар ўқидан ажал топиш битилган экан. Ҳозир улар қамоқдаги литтосликларни, Метаксас билан курашган литтосликларни халос этиш учун у ёққа, тепага чиқишлиари керак.

Стоун билан Берк овозларини баралла қўйиб инглизчалаб гаплашиб кетишияпти, у эса ёмғирда букчайиб олганча, симларни сурисдан ўтиб, шериклари кетидан боряпти. Оёқлари дам-бадам симга чалишиб кетар, Стоун билан Берк бўлса жадаллаб, уни ҳам тезроқ юришга ундарди.

Тепага кўтарила бошлаганида мияси тиниқлашиб, анча енгил тортди. Шу топда улар дарага кириб бўлишган, нишабликдан тепага кўтарила бошлагандилар. У ҳамма иш тепада ўзларини нималар ва кимлар кутаётганини боғлиқ әканини биларди. Улар лагерга кириб борищади. Қоровуллар қочиб қолмаган бўлишса, уларни ўт билан қарши олишади. Афтидан, метаксасчилар ўша ёқда писиб туришган бўлишса керак. Юқорига тармашган кўйи у, барчада қурол борми, деб атрофдагиларга разм солди. Литтосликларнинг деярли ҳаммаси қуролланган: қумлоқ ён бағириликдан турна қатор тизилишиб чиқиб келаётган булат овловчиларнинг қўлида маузер милтиқлари, Стоун бўлса эрма пистолет-пулемётини елкасига осиб олганди. Буни кўриб Нис қувониб кетди.

Берк ҳеч ерда кўринмайди. Кейин Нис уни тўсатдан кўриб қолди. Бу ўрта бўйликини одам зипиллаганча хийла олдинга ўтиб кетган, аллақачон Ҳожи Михалининг ёнида бораради. У бесўнақай солотерн пулемётини кўтариб олганди. Ҳожи Михалининг эса қуроли йўқ әди. Чакноқ кўзли Ҳожи Михалидай одамга қурол ушлаш ярашмайдигандек әди. Аммо унинг қаватида бораётган Берк узун мили пулемётни елкасига ортмоқлаб, мили учидан ушлаб олганди. Йкковлон деярли тепага етажишишган әди.

Ниснинг энди нималар бўлаётганини тўла-тўқис англай оладиган даражада онги тиниқлашиб, ҳуши жойига кел-

танди. Фақат боши ғалати тарзда ғувуллаб турарди, холос. У буни ғувуллаш босилгандан кейингина пайқади. Қулоғига сув кириб қолган, тепага күтарилишда силкиниб-чайқалиши оқибатида ўша сув сиртга чиқиб кетди-ю, ҳаммаси жой-жойига тушди-қўйди.

Қўллари кўмагида сўнгги қирқ ярд масофани босиб ўтди.

— Хўш, ишлар қалай? — дея сўради Стоун орқасига ўғирилиб.

— Жойида. Юраверинг,— жавоб берди у.

Шундай деди-ю, беихтиёр ўзини таппа ерга ташлади, чунки тепада қаердадир пулемёт тириллаб қолганди.

— Парво қилманг,— деди унинг ёнига етиб келган Стоун.— Бу ўзимизнинг солотерн.

— Беркми?

— Xa.

Улар ён бағирликни исканжага олган оҳак тошли қояларга биргаликда тармашиб, узундан-узун лагерь жойлашган ясситоғликка чиқиб қолишиди. Қаддиларини ростлаб, Ҳожи Михали билан Беркни излаб атрофга алангашлари биланоқ юзларига шамол уфурди.

Нис чўзилиб кетган, ёмғирда шилтайи шалаббо бўлган мунгли лагерга назар ташлади. У кўкиштоб-қўнгир тош девор билан ўралган узунчоқ тўрт бурчли қўрага ўхшарди. Улар ҳозир ўша деворнинг дара томонида туришарди.

Бир пайт, иттифоқо, сал чеккароқдаги Энгес Беркка кўзи тушиб қолди. Берк деворга миниб олиб, ноқулай бир тарзда, пулемётни сонига тираганича ўқ узарди. Иккни бор сурункали ўт очиб, яқингинадаги дўнглик ортитидан чиқиб келган литтоslickларга ёрдамлашинглар деган маънода имо қилди. Стоун ҳам аллақачон деворга миниб олиб, бесўнақайлик билан пистолет-пулемётини силкиётган эди.

Нис ҳам унга эргашди. У тош қирраларига тирмашиб, тепага чиқишга уринар, қўллари бўлса сирғалиб кетарди. Тўсатдан у бўшашиб кетганини ҳис этди, мабодо шу аснода Стоуннинг сўлоқмондай қўли маҳкам чанглаб, тепага тортиб олмаганида йиқилиб тушиши аниқ эди.

Нис қархисида намоён бўлган лагерь ичкарисини яққол кўрди. Девор билан қуршалган оддий қўра-ховлидан фарқи йўқ. Ер яп-яланғоч, ҳамма ёқда ҳалқобчалар. У

ер-бу ерда қуриб, чирий бошлаган пастак гиёҳлар тўпи кўринади. Ҳовлиниңг чекка-чеккасида бир неча тош уй. Биттаси, ҳовлиниңг ўртасидагиси битмай чала қолибди. Одам боласининг қораси кўринмайди. Бироқ Берк чала қолган бинога қаратади ўқ узялти.

Нис девордан сирғалиб тушиб, ерга йиқилди. Боши тепасида алланима тарақлаб деворга келиб тегди. Овозига қараганда ўққа ўхшайди. Ғақат биттагина ўқ. Лекин дам ўтмай иккинчиси етиб келди чувиллаб.

— Юғуринг! — қичқирди Стоун тепадан.

— Чала уйда әкан улар.— Нис ўрнидан туриб олғанди. Атрофига келиб тушаётган ўқларни сезибгина қолмай, барини кўриб, чувиллашини әшитиб турарди у. Лекин ўқлар тегмай, четлаб ўтъяпти. Ҳа, четлаб ўтъяпти нуқул. Ўнг қўлида люгер бор әди, аммо у хаёлидан кўтарилиб кетганди.

— Бирга югурамиз! — қичқирди у Стоунга.

Стоун бўлса сира девордан тушолмасди. Шундан кейин Нис ёлғиз югура кетди.

У ҳўл қумдан оёгини аранг ажратиб чала уй томон әллик ярдча чопиб борди. Ёмғир яна шаррос қуя бошлади, йлло у шундоқ ҳам бўкиб бўлган, шу сабабли аҳамияти йўқ әди бунинг. Унинг аъзойи бадани дам оташ бўлиб ёнар, дам муз қотарди. Чала уйдан әнди отмай қўйишган әди.

Шу аснода у девор ёқалаб нариги томонга чопиб бораётган Берк билан Ҳожи Михалини кўриб қолди. Улаор девор ёқалаб қовжираган дарахтлар орасидаги ер бағирлаб, беўхшов биноларга қараб чопишиялти.

— Ҳей, жон керагамасми сизга? — қичқирди Стоун Нисга, орқадан етиб келаркан.

Нис қаршисидаги чала қолган деворларнинг қийшиқ-қинғир тарҳини кўриб турарди. Чор атрофда қум, оппоқ оҳак пилта парчалари сочилиб, дераза ўринлари ўпирилган ўрадай ҳангиллаб ётибди. У уйга тақалгундай чопиб борди, сўнгра өшигини излаб, айланасига югура кетди. Тўртинчи ёқдаги деворини әнди кўтара бошлаган әканлар, шу туфайли бу томондан бинонинг ичи яққол кўзга ташланиб турарди.

Ниснинг кўзи бир грекка тушди.

Грек тик қотиб, жим турарди. Милтиқ тутган қўли жонсиз осилиб қолган. У содир бўлаётган воқеаларнинг фаҳмига тўлиқ етмаётган кўринади. У қўнғир тусли, кап-

раллик белгиси қадалган ҳарбий либосда. Қиёфасида ҳайрат ичра әсанкираб қолгани акс этиб туриди.

— Ташла қуролингни! — буюрди Нис унга.

Узининг қўлидаги люгер эса ҳануз ёдида йўқ эди. Уни маҳкам чангллаган қўли пастга солиниб турарди. У шахт билан бориб, аскар қўлидаги миљтиқни тортиб олди. Бу ёғига на қиларини билмасди у. Бу ҳол гоятда ноқулай ҳамда тентагона туюлди.

— Шу ерда тур. Агар ташқарига чиқсанг отиб ташлашади,— деди у.

Шундан сўнг у бурилиб, миљтиқни осилтириб ушлаганча чала бинодан чопиб чиқиб кетди. Стоун қўлидаги пистолетини исталган дамда ўқ узишга шай тутиб, уни кутиб турарди.

— У ёқда биттаси бор экан,— деди Нис.

Шу пайт солотерн сурункасига тариллаб қолди. Атрофда тирик жон зотидан асар кўринмайди. Аммо Нис сал олдинроқ Берк ва бошқалар югуриб кетган барак томондан узилаётган ўқ овозини яққол әшишиб турарди.

— Ҳозирча етади,— деди Стоун.

Нис тушуммади. Бироқ Стоун ўқ овозлари әшитилаётган тарафга қараб югурди. Нис атрофга аланглаб, лагернинг нариги чеккасидаги каттароқ иморатларни кўрди. У, асосий бинолар ўша бўлса керак, деган қарорга келди. Ҳозирча ана шунинг ўзи ҳам кифоя эди.

— Анави ёққа,— деди у Стоунга.

У Стоун орқамдан келяптими, ўқумни, деб ўгирилиб қараб ўтиромади. У кўлоблар, яккам-дуккам гиёҳлар устидан чопа кетди, шамол қаппайган кўйлаги әтагидан ғувиллаб кириб, этини жиз-жиз чимдирди. Миљтиқни ташлаб юборди. Чопишига халал берадётган эди-да, ахир. Қуролинг шу топдаги аҳамияти ҳақида ўйламасди у. Энг муҳими унинг ўзи, ўзининг ана шу ерда экани эди. У ўргимчакка ҳамла қилаётган пашшадай гап эди ҳозир.

Яқинроқдаги уйдан унга қаратса ўт очишиди. У ўзини таппа ерга ташлади. Ҳудди шу лаҳзада Стоун унга етиб олганди. У пистолет-пулемётини тўғрилаб, уйлар тўпига қараб ўқ узди, гўё уйлар бир жойга ғуж бўлиб олгандай эди. У пистолетни пастроқ ушлагани сабабли акс таъсир кучи йиқитиб юбораётди. Сўнгра у олга югурди. Энди яна аллақаёқдан дир отишма овози әшитилди. Берк солотерндан отяпти.

Нис ўрнидан туриб, Стоун кетидан чопди. Олдиндаги уйга яқин қолганда паҳлавон тўсатдан тўхтади. Уй әшигидан уч киши отилиб чиқиб, қўшни уйга югорди. Стоун қўлидаги әрмани биқинига тираб туриб ўқ узди-ю, уларни асфаласоғилинга жўнатди. Учовини ҳам. Йикки марта калта-калта ўқ узиб.

— Эҳтиёт бўлинг! Шошилиш ярамайди! — қичқирди Нис унга.— Бу ерда маҳбуслар бўлиши мумкин. Эҳтиётроқ бўлинг.

— Қаерда бўлиши мумкин улар!

Икковлон уйнинг нақ девори ёнида қаердандир келаётган ғовур-ғувур ҳамда қичқириқларга қулоқ солиб туришарди бу орада.

— Қайдам,— деди у. Кейин грекчалаб бақирди:— Литтосликлар, бу ёққа чиқинглар! Ҳожи Михали шу ерда.

Шовқин ўша заҳотиёқ тинди. Қўшни уй томондан яккам-дуккам ўқ овозлари әштиларди, холос.

— Ўзларинг бу ёққа келинглар,— деди бирор литтосликлар шевасида.— Биз чиқолмаймиз у ёққа.

— У ерда аскарлар борми?

— Яккаю ягона. Бунисининг ҳам иштонига ўтиб кетди.

— Эпа!— бошқа овозлар ҳам қўшилди.

— Улар бу ёққа киринглар, дейишяпти,— деди Нис Стоунга.

Икковлон биринчи уйнинг девори ёқалаб иккинчисига яқинлашишди. Бу уй бошқаларига ўхшаб узунчоқ эмас, деярли чор қирра шаклда эди. Эшигидан панжарали туйнукчиши бор экан. Туйнукчадан икки печи бор чорси ошхона кўзга ташланиб турибди. Литтослик маҳбуслар йўғон ҳамда пишиқ ёғоч панжарали ягона дераза олдида уймалашибашяпти.

— Литтосликлар,— чақирди Нис.

Улар әшикка томон ташландилар. Улар тўрт киши — соч-соқоллари ўсиб кетган, ранг-рўйлари мурда янглиғ, яланг оёқ, ярим оч, ярим яланғоч, эгниларида биргина ип газламадан тикилган аскарча иштон бор, холос.

— Эпа!— қичқиришарди улар.

Бараварига қичқиришганча әшикка ёпишишарди. Қаёқ дандир тўсатдан бешинчиси пайдо бўлди, у милтиқ кўтариб олганди. Шунда Стоун пистолет-пулемётини кўтариб, тумшуғини панжара орасидан ўтказиб, ичкарига тўғрилади.

— Йўқ, керак өмас,— деди Нис унга.

— Ҳой метаксасчи! — деб қичқирди у миљтиқли кишига.— Миљтиқни ташла.

Миљтиқ тош саҳнга тарақлаб тушди. Литтосликлар ҳатто қайрилаб ҳам қарамадилар. Улар бу ўртада эшикнинг зилдай ғалақасини суриб, бир-бир кетин уйдан отилиб чиқа бошлагандилар.

— Ҳожи Михали қани?

— Қандай қилиб кела олдинглар бу ёққа?

— Ўқ овозларини эшигдик. Бутун бошли армиясизлар дейман-а?

— Бошқалар дарвоза олдидағи уйда.

— Истеҳкомдагилар ўт очганларини эшитиб, уларни дарвоза олдидан ҳайдашди. Ўша уй қўриқланади, жуда мустаҳкам ўзи.

— Тезроқ ўша ёққа.

Улар бир-бировларига гал бермай бидирлашишарди. Худди ёш боладай. Афт-ангиларидан эса нақ чолларнинг ўзгинаси әдилар. Стоун ҳайрат-ла тикиларди уларга. Тўртовлари ҳам бир қолипда. Заррача фарқлари йўқ. Юз тузилишларию ундаги ифодаларигача бир хилда. Тўртирик мурда.

— Юрақол,— Нисни шошилтиради улар.

Улар Стоунга ўз тилларида сўз қотишиди. Аммо у бақ-райганича тикилиб тураверди. Уларнинг афтларига бир неча сония диққат билан тикилиб қолган Нис шунда дарҳол ўзига келди.

— Ҳожи Михали анави ёқда, ёнида бошқа одамлар ҳам бор,— деди у қўли билан кўрсатиб.

— Қўлингда қуролинг бор әкан, бориб бошқаларни қутқар.

Бу сўзлар Стоунга қаратилган эди.

— У — инглезос,— тушунтириди Нис.

— Инглезос? Улар урушиб бўлишган-ку. Бу ерда нима қилиб юрибди у?

Нис уларни шу ерда қолдириб, нари жўнади. Стоун бу пайт лагерь ҳовлисидан дарвоза олдидағи уйга қараб чопиб бораётган эди. У ёқда тағин отишма бошланганди. Ҳар икки томон пала-партиш отишаётган эди. Миљтиқларнинг якка-якка, бунга жавобан солотернинг сурункали ўт очгани эшитиляпти. Нис Стоунга етиб олганида, яна варанглаган ўқ овозлари янгради. Ўқ овозлари узундан-узун, танҳо шўппайиб турган барак ортидан эшитилаётганди. Тарам-тарам новли темир қопланиб, тиканли сим

тортилган дарвоза ана ўша баракнинг орқасида әди. Қаердадир яқингинада отишишяпти. Ўқлар темир дарвозага тараклаб тегяпти.

Стоун дарвоза ёнидаги тоғ бўлиб уюлиб ётган сув ўтларию тошлар уюмига қараб югурди. Уюм орқасига биқниб олиб, барак деразасини ўқса тутди. Нис ҳам ўша ёқса бурилди, лекин чопиб бораётуб, Стоун қаерни мўлжалга олаётганини кўрмоқчи бўлиб, ўгирилиб қаради.

Худди шу аснода, гарчи Нис баракнинг пастак әшиги ёнидаги икки аскарни яққол кўриб турган бўлса-да, Стоуннинг пистолет-пулемёти жимиб қолди.

— Нима гап? Отсангиз-чи,— деди Нис.

— Жин урсин, ўқ қолмади.— Стоун пулемёт тепкисини босганди, фақат металлнинг чиқиллашигина әштилди.

Афтидан әшик олдидаги икки аскар уларни пайқамаган әди. Улар ўқ узишни бас қилдилар. Улар дарвоза яқинидаги сийраккина бутазорга тикилишарди, чамаси Берк солотерни билан ўша ерга яшириниб олган кўринади.

— Майлимий?— шивирлаб сўради Стоун Нисдан, унинг маҳкам қисилган панжасидаги люгерни оларкан. Люгер оғир бўлиб, Ниснинг қўли аллақачоноқ увишиб қолган, бироқ шу маҳалгача бу қуролдан отиш эсига ҳам келмаганди. Мана энди бўлса Стоун уни қўлидан олди. У ўнг ёғини тиргак сифатида олдинга ташлаб, мўлжаллашга тушибди.

— Уларга қараб бақиринг, ташқарига чиқишин,— деди Стоун Нисга.

— Шундоқ отаверинг,— деди Нис.

— Ташқарига чиқишин,— такрорлади Стоун.

Баногоҳ Ниснинг қотиб-қотиб кулгиси қистаб кетди. Люгерни олдинга чўзиди, аскарлар жойидан қўзғалса отаман, деб кутаётган паҳлавонни кўриб қистаганди кулгиси. Гап унинг қай тахлитда туришида әмасди. Стоуннинг шунчаки қўлидаги қуролга ишончи йўқ әди. Кейин у Ниснинг аскарларга овоз беришини кутарди.

— Ҳей, бу ёқса қаранглар!— қичқирди Нис.— Бизда қурол бор. Ташқарига чиқинглар. Бекинманглар. Бизнинг қуролимиз бор.

Аскарлардан бири шартта ўгирилиб, сув ўтлари ғарамига бирров кўз ташлади-ю, орқа-ўнгига қарамай қоча бошлади. Стоун ўша заҳотиёқ орқасидан ўқ узди. Бир, кетидан тағии икки бор отди. Люгернинг овози солотерни икки олдида ниҳоятда пастдай туюлди.

Стоуннинг ўқи хато кетди, грек эса ҳамон қочишини қўймасди. Иккинчи аскар эса милтифини пастга тушиб, уларга қараб югурди.

Иш шу билан тугади.

Ҳожи Михали билан Берк барак орқасидан, нариги томондан чиқиб келишди. Демак, улар буталар орасида эмас эканлар. Нис уларнинг қаерда эканликларини ўйлаб топа олмай гаранг эди. Бироқ улар аллақачоң узун, пастак баракнинг эшигидан кириб кетиб бўлгандилар.

Бу иш тугади деган гап эди.

Нис Стоундан сал олдинроқ баракка отилиб кирди-ю, кўзи ерда ётган икки аскарга тушди. Баракнинг саҳнига тош ётқизилган, погона-погона бўлиб, у қонга бўялган эди. Ҳожи Михали, Берк ва бошқа әшикдан югуриб кирган литтосликлар кўлоблаб ётган қон ҳалқобчаларини босиб олмасликка уриниб, икки томондаги камералар эшигидаги ёроч тамбаю тиргакларни сурешга тушиб кетгандилар. Бу камералардан худди бояги тўрт кишига ўхшаган маҳбуслар — литтослик балиқчилар ва денгиз булути овчилари чиқа бошладилар. Улар ўн саккиз киши эканлар. Ташқаридан яна тўрт киши — Нис билан Стоун қутқазган маҳбуслар кириб келдилар. Улар торгина хонада Ҳожи Михали билан Беркни қуршаб олдилар. Берк ҳануз солотерни қўлтиқлаб олган, чеҳрасида ҳамон жиддий, асабий ифода акс этуб туради.

Шунда Ҳожи Михали бундай деди:

— Антрос билан Политисни ҳам келтиришсин.

Бир неча литтослик баракдан чиқиб, дарвоза томонга кетишли. Тезда улар икки кишини аранг кўтариб, гандирлаб кириб келишдий. Бу икковидан бири ўн беш ёшлардаги, ҳали мурти ниш урмаган сип-силиқ юэли, узун бўйли йигитча эди. Иккинчиси — жиккаккина, ажин босган, ёши бир жойга бориб қолган киши эди. Бу Нис биринчи келган кунлари Талосни сўраган ўша балиқчи эди. Унинг ўнг қулоғи ўрни ўпқондай ўпирилиб ётарди. Аллақандай юмалоқ учли суюги чиқиб турибди. Антроснинг баданида жароҳат кўринмасди.

— Жонлари узилибдими?

— Билмадим, эҳтимол ҳали жонлари узилмагандир,— деди литтосликлардан бири.

— Иккаласи ҳам тамом бўлган,— деди бошқаси.— Болакайнинг қорнига теккан ўқ.

Нис боланинг кўкрагига қулоғини тутди. Бироқ қулоқ

тутиб ўтиришга ҳожат қолмаганди. Ҳали бадани совимаган, аммо териси сарғайиб, совуқ ажал тери тепчиган эди.

— Оламдан ўтиби,— деди Нис қаддини ростлаб.

— Политис бўлса аллақаҷон кўз юмган,— деди бошқа бир литтослик бамайлихотир.— Бошидаги ўпирилиб кетганди жойини қаранглар.

Дарҳақиқат, бошидаги жароҳатга қараганда балиқчи Политиснинг омон қолишини ақл бовар қилмасди.

— Олиб боринглар уларни,— деди Ҳожи Михали.

Шундан сўнг ҳаммалари олдинма-кейин тизилишиб лагерь ҳовлисини кесиб ўтиб, дара томон йўлга тушишиди. Ҳожи Михали халос этилганлар билан суҳбатлашиб, Сарандаки ҳақида, бу ердан қандай қилиб кетажаклари тўғрисида сўзлаб бораради. Энг қийини — шундай шамол, шундай ёмғириден гиз шундай қутуриб турган пайтда қўлтиқдан чиқиб кётиш эканини айтди.

Улар йигирма икки киши әдилар.

Улар гоҳ югуришар, гоҳ Ҳожи Михали билан келган литтосликлар ва булут овчилари атрофида ғуж бўлиб тўдалашиб олишарди. Стоун билан Берк яқинигинадаги югуришдан сўнг ҳануз нафасларини ростлаб ололмагандилар. Улар Нис тушунмайдиган австралияча лаҳжада гурунглашиб келардилар. У икковлари ўртасида, шерикларининг қалб ҳароратини ҳис этиб одимларди. Улар ҳам мамнуният, ҳам ғуурланиш, ҳам хотиржамлик — хулласи қалом учовларини ҳаяжонга соглан барча муштарак ҳамда тури ҳис-туйғуларни баҳам кўриб борарадилар. Улар уч киши. Паҳлавон Стоун ва метаксасчиларни солотерндан қийратган қўрс Берк. Кейин унинг ўзи — Нис. Бу фалати зот, жиккаккина чайир одам — унинг ўзи, ҳозиргина кўргани мудҳиш лагердаги мунг ҳамда даҳшатни ҳис этиб боряпти. Захкаш, нам деворлар. Ҳувиллаган, ҳайҳотдай ҳовли. Совуқ, қаёқда қараманг ҳамма ёқ бир хилда. Тош бараклар. Уларни қўриқлаётган молтабиат, ифлос соқчилар. Бу ерга гўё у, унинг ўзи ҳисб этилгандай эди. Бу жонсиз-тилсиз совуқ, ёмғир пардасига чулғанган дилга ғашлик согувчи мунг унинг ўзини эзив-янчиб тургандай эди. Шунда иттифоқо унинг бу ердан иложи борича тезроқ чиқиб кетгиси, ҳозир даҳшатли бир фалокат юз бериб, худди Лариссадагидек, бу ерда ҳам уч йил қолиб кетадигандек туюлганди. Бу туйғудан қутулиш мушкул эди. Бироқ Стоун билан Беркнинг ёнида экани, бунинг устига Ҳожи Михалининг аҳдида қатъийлиги унинг бу ҳиссини.

жиловлаб турарди. Бу ўз навбатида унинг учун қалқон хизматини ўтаётган әди. Уларнинг қудрати, литтослик-ларнинг қалб ҳарорати уни ўз паноҳига олганди. Айниқса Сарандаки хотираси.

Девқомат Стоун деворга чиқишига ёрдамлашиш учун унга қўлини узатганида ҳам худди шундай туйғуни ҳис этганди. Стоун, Сарандаки. Сарандаки, Стоун. Девқомат жин қия дарадан сирғана-сирғана тушаётганида ҳам, кеин бешта қайиқ қумлоқда ёнма-ён тизилиб турган соҳилга кетаётганида ҳам хаёлидан жилмади. Шунча одамни балиқчиларнинг бештагина лиқилдоқ қайиқчасида, бунинг устига денгизнинг шундай жазаваси қўзиб турган пайтда олиб кетиш осон бўлмас.

Ҳожи Михали икки литтосликка Антрос билан Политиснинг жасадини метаксасчилар қўлига тушиб, таҳқир этмасликлари учун даранинг ичкарисига әлтиб кўмишни буюорди. Нис ерда жонсиз, ўлиб ётган болага тикилди. У бола жасадига тикилганча ўйга толди.

Улар йигирма икки кишини халос этдилар.

Бу ишни адо этганлар эса ўн икки киши әди. Икки киши ҳалок бўлди. Ўттиз икки киши. Сарандаки ўттиз учинчиси бўлиши мумкин әди.

Девқомат жиннинг қиёфаси Ниснинг кўз ўнгидан Хавро Спати қўлтиғи осмонида порлаган яшил ва сарғиш оловли соққачалар фаввораси қучогида намоён бўларди. Темир каллалар панжасига тушиши әҳтимол бўлган йигирма икки маҳбусни қутқариш әвазига берилган қурбонлар — Сарандаки, капрал шотланд Макферсон,чуваккина лондонлик, бир кўзли балиқчи, сув ости қоясига урилиб яксон бўлган қайиқдаги литтосликлар, ўсмир Антрос билан балиқчи Политис. Сарандаки ҳам. Сарандаки — сарғиш ва яшил чўғлар фавворасига қўшилиб кетган Сарандаки. Ҳуллас, шу билан иш битди.

Энди бешта чоққина-чоққина балиқчилар қайиқчаларидан бу ердан әсон-омон қутулиб кетишлари керак.

## 28 боб

Улар тепасидаги ҳайбатли қоя хавфли әди; у дақиқа сайин истеҳкомларнинг ўт очиб қолишлари мумкинлигини ёдга солиб турарди. Ёхуд соғ қолган соқчилар лагерь то-

мондан қўққисдан ўққа тутиб қолишлари мумкин. **Ҳавотир-ланиб дам-бадам** тепага қараб-қараб қўяётган ёлғиз Нисгина эмасди. Токи ким қайси қайиққа чиқишини аниқлааб, бўлининб бўлгунларича Стоун билан Берк ҳам бот-бот бошларини буриб, ўша ёққа кўз ташлаб қўярдилар.

— Австралосларга айт, менинг қайигимга чиқишин,— деди Михали Нисга.

Барчалари тўдалашиб, қайиқларни қуршаб туришарди. Литтосликларни суриштириб ўтирамай, шунчаки санаб-санаб ўтқазаверишди қайиққа. Қайиқлардан бири етти кишини олиб, йўлга ҳам тушди. Юки оғирлигидан сувга ботиб кетаёзган эди. Тўлқинларни тилишлаб-ёриб боришига интиларкан, у оғир-оғир чайқалиб-силкиниб кетар, тўлқинлар эса ҳар гал ёнламасига буриб қўярди, охири қайиқ қирғоққа қайтди. Яна бир бор уриниб кўриш ниятида бошқатдан жойлашдилар унга.

**Ҳожи Михали** тўсатдан орқага, сим тўсиқлар томонга югуриб қолди. Нис унга қичқириб, нима гаплигини сўради.

— Миномёт,— деди **Ҳожи Михали**.— Эсимиздан чиқиб қолибди-ку.

У Стоун миномётни ташлаб кетган жойга етиб бориб, милидан ушлаганча қумдан судрашга тушди. Буни кўрган Берк Нисдан сўради:

— Нимага керак бўлиб қолибди унга?

— Олиб кетмоқчи,— деди Нис.

— Қайиқни чўқтириб юборади. Айтинг, бундай қиласин.

— Қайиқ уники, миномёт ҳам.

— Бош эса бизники,— деди Берк тағин одатича киноя билан.

— Австралос миномётни қайиққа олмасин деяпти,— деди Нис **Ҳожи Михалига**.

— Нега энди? Сабаб? Бунинг қанақанги ажойиб қурол ёканини ўзлари кўришди-ку, ахир. Ўз кўзлари билан кўришди-ку!

— Тўғри. Лекин тағин қайиқни чўқтириб юбормасин деб чўчияпти.

— Чўчийдиган жойи йўқ,— деди **Ҳожи Михали**.— Бу посонги хизматини ўтайди. Шундай ажойиб қуролни ташлаб кетишга кўз қиймайди. Кейин, миналарини оливол.

**Ҳожи Михали** солотерн билан пистолет-пулемётни бўлса аллазамоноқ қайиққа жойлаб қўйган эди.

— Мина қолгани йўқ,— деди Нис. У таваккалига газираётган эди, чунки миномётдан у беҳуш ётганидаёқ отмай қўйишганди.

— Шундаям миномёт бари бир кунимизга яраб қолади,— Ҳожи Михали қайиққа солмоқчи бўлиб, уни қўтаришга уринди. Стоун итоаткорлик билан миномётни қўтариб, энг охирги, кичкинагина қайиққа ортишда Ҳожи Михалига ёрдамлашди. Ҳожи Михали оғзи қулоғига етгудек жилмайиб қўйди Стоунга ва унинг алпона елкасига қоқди.

— Қани, бўла қолинглар, бўла қолинглар,— шоширади Берк.

Шошилиш лозимлигини Нис ҳам фаҳмлаб турарди. Озод қилинган икки литтослик билан биргалашиб, қайиқни сув томон сурга бошлиди. Улар қайиқни қумлоқдан жилдирив, мавж етиб келиб турган жойга туширилар. У сувда чайқала бошлагач, Нис ёндоридан тутиб, ичига тушиб олди. У дарҳол тумшуқдаги йигноқ турган елканчаларни тушуриб, арқонларини бўш қилиб боғлаб қўйди. У маҷтани ушлаган кўйи туарар, бошқалар эса қайиқни сув ости қоялари тизмаси оралиғидаги бўш йўлак сари ҳайдашарди. Қолган литтосликлар билан булут овчилари ҳам ўз қайиқларини сувга туширилар. Қайиқлардан иккитаси бу орада, барча елканларини ёйиб, тўлқинлар тўшини тилимлганча, гоҳ баландга сапчиб, гоҳ қуйига шўнғиб жадал сузиб борарди.

Ниснинг ҳамроҳлари ўтиришди. Улар шундай бесўнақайлий билан ўтиришдики, оз бўлмаса қайиқ тўнкарилиб кетаёзди. Тўлқин уларнинг қайиғини шу аснода қирғоқдан сираям узоқлашмай, сувни шалоплатиб турган бошқа қайиққа дейрли тақаб қўйди. Эндиликда ёмғир бўшашган, салгина селпиб турарди, холос.

Стоун энг охирни чиқди. У тумшуқ томонга ўтди, шундан сўнг Ҳожи Михали қайиқ тумшуғини тўлқинга тўғрилаб, ўзи ҳам сакраб чиқиб олди. Ҳожи Михали руль ёнига ўтиши биланоқ, Нис тагтусинни тахминан ярмигача олға чиқарди. Кейин у тумшуқдаги елканчалар арқонини тарағтортган эди, уларни ўша ондаёқ шамол қаппайтириди. Бу юмушлар мобайнинда бирор чурқ этиб овоз чиқармади. Ҳамма ўз ишини билиб қилаётган эди.

Шамол елканчаларни қаппайтириди-ю, қайиқ олға суза кетди. Стоун олд томонда ўтиргани туфайли чоққина қайиқнинг тумшуғи хийла сувга ботиб борарди. Тўлқинлар

қайиққа рўпарадан сапчир, ичига қуйиларди, шу боисдан Нис Стоунга, қуириққа ўтиб ўтир, деб қичқирди.

Ҳожи Михали қайиқни тўғри денгизга қараб солган, оқибатда тумшуқдаги елканчалар олд томонга пухакча янглиг шишиб чиққан әди. Нис тагтўсинни батамом олға чиқариб, асосий елкан лангарчўпини кўтаришга тутинди. Қайиқ ичи филқ-филқ сув әди. Литтосликлар уни ҳовучлаб сепишарди. Қайиқнинг юки шунчалик оғир әдикি, шамол заптидан деярли оғмай, тўғри сузиб бораарди.

Асосий елкан кўтарилач, сув ости қояларини оралаб илон изи ҳосил қилиб антиқа сузиш бошланди. Ниҳоят қайиқ бодраб ётган сув ости қояларининг дастлабки тизмаси чеккасига бориб қолди. Нис, гарчи ҳалок бўлганларини аниқ билса-да, беихтиёр Сарандаки ёки шотланд капралдан бирон нишона кўриниб қолмасмикин деб атрофга аланглади. Девкелбат жиннинг тил тортмай ҳалок бўлгани аниқ әди.

Нисни сув ости қоялари ташвишлантирмасди. Ҳожи Михали, худди ўзи сингари, бу ёққа келишда йўл топган, ҳозир ҳам буни әплаши турган гап әди. Олдинда икки қатор бўлиб саф тортган қоялар орасидан икки қайиқ йўл топиб илгарилаб боряпти. Бошқалари орқада келишяпти, лекин улар ҳам қирғоқдан анча узоқлашиб қолишганди.

Қисқаси, иш битган әди.

Нис Ҳожи Михалининг ёнида ўтирган Беркка қаради. Сийрак соч тутамлари бошида гўё гулбарглардай тангача-тангача қатлар ҳосил қилганди. Манглайи, ёноқларидан оқиб тушаётган сув, думалоқ бурун катаклари ёқалаб, қаттиқ қимтилган лаби бурчларидан пастга қараб сизяпти. Жиққа бўйканидан яшил ранги қора тусга кирган кўйлаги у ер-бу ерида баданига ёпишиб турибди. Кўзлари эса бошқаларникига ўхшаб шўр сувдан қизариб кетибди. Еноқлари ҳам қизариб, юзи бундан олти-етти йил бурунги тусига қайтгандай әди.

Кейин малла соч, шўр сувда туздан қирор боялаган малла соқол Стоунга кўз ташлади. Унинг икки бети доимо қипқизил, лекин бу туз таъсири эмас, очиқ чеҳрасида совуқ ҳамда бўлиб ўтган воқеалар мұҳри акс этиб турибди. Оқ кўнгил, саховатли паҳлавон. Лекин ҳозир, Хавро Спати ҳодисасидан сўнг ана шу оқ кўнгиллик, саховатлилик устуга яна қандайдир бир нарса қўшилганди. Бу паҳлавон ўзини ўққа тутган ёки нима биландир халал берган пайтларида қутуриб, жазаваси қўзиб кетаркан.

Улар бўлса ўз навбатида шу жиккаккина, кўзининг қорачифи катта-катта, қора соч Нисни кўриб туришарди, уни энди яқиндан танишган әди. Ҳа, мана шу Нис соҳилдаги истеҳкомларни яксон қилмоқ учун тап тортмай ясси туб қайиқни қумлоқ қирғоққа олиб келиб урди. Миномётни отиб бўладиган жойга олиб ўтиш учун қилди бу ишни. У шундай қарорга келганди. Ўша қарорини амалга ошира олди ҳам. Ўтли нигоҳи диққат-ла, наштардай боқади. Бу шерикларини унга әргашибга, хатарли ишга қўйл уришга, адо этишга мажбур қилган, ўзининг эса ўқ ёмғиридан тап тортмаслигига мададкор бўлган бекиёс бир қудрат әди. Ҳа, унга шунчалар сабот ҳамда файрат бахш этган ана шу ички қудрат әди.

Қайиқда яна улар халос этган, ранг-рўйларининг мурдадан фарқи қолмаган маҳбуслар ўтиришибди. Маъюс, ўлим билан бетма-бет олишган одамлар булар.

Ана, Ҳожи Михали. Ҳаммаларига бош-қош бўлган одам бу. Мулоимлик-ла, зўравонликсиз бошқарди ҳаммаларини. Бу ишлар шунинг режаси әди. Таваккалига, ярим-ёрти пишистилган ва фақат ярмигина амалга ошган режа. Ҳа, бу Ҳожи Михали чизган режа әди. Ҳаммалари ана шу режани рўёбга чиқаришга ёрдамлашадилар. Бироқ бу режани рўёбга чиқиши имконини яратиб берган нарса Ҳожи Михалининг тиниқ, порлоқ нигоҳида акс этиб турибди.

Ҳожи Михалига келсак, у шу аснода фақат Сарандакини ўйларди. Унинг учун Ҳавро Спати, Сарандаки, Гавдос — жами бир нарса әди. Буларнинг бари жам бўлиб, унинг вужудидаги ўзларига зулм ўтказган, сиқиб сувларини ичган, қамоққа тиққан, бунинг оқибатида эса шундай кўргиликларга олиб келган метаксасчиларга қарши ғазаб ва нафратини оширади.

Ўз ақли ёхуд туйғуси билан илгарироқ шундай хуло-сага келганди, аммо ҳозир бу хулоса-ишончи ҳар қачонгидан кўра мустаҳкамроқ әди. Ҳаммасига мана шу метаксасчилар айбдор. Улар ва уларнинг оғалари — темир калалар.

Шу пайт Беркнинг ёдига иттифоқо учинчи миномёт тушиб қолди.

— Улар қай гўрга ғойиб бўлдийкин-а, ҳар қалай? — сўради у.— Анави калибри беш сантиметрлик миномётни оливолганлар.

— Денгизнинг Сирон ерида адашиб-улоқиб юришган-  
дир,— деди Нис.

— Энди барি бир әмасми бу,— деб қўйди Стоун ҳор-  
ғинлик билан.

Шу таҳлит улар очиқ денгизга чиқиб олдилар. Ҳожи  
Михали оёқларини калибри 8,1 сантиметрлик миномётга  
тираган кўйи рулни бошқариб ўтиради. (Темир калла-  
лардан бўлак ҳеч ким бу ўндан бир улуш ҳақида эслама-  
сади.) Ҳожи Михали бирор марта бўлсин орқасига қай-  
рилиб қарамади. Дарвоқе, ҳеч қайсилари қайрилиб қара-  
мадилар.

Ўйланган иш битганди.

Шунда Ниснинг хаёлидан: «Борди-ю, темир калла-  
лар аллақачон Литтосга етиб борган бўлишса нима бўла-  
ди?»— деган фикр кечди.

## 29 боб

Критга яқинлашган сайин ҳаво илиб борарди, чунки  
шамол ер томондан илиқ ҳавони олиб келарди. Одамлар  
қунушган, әгик қадларини ростладилар. Ҳожи Михали  
ҳеч ёққа қарамай, ҳеч нимани ўйламай, тўппа-тўғри Лит-  
tos қўлтиғига қараб ҳайдаб борарди. У қўлтиқдан иккى  
милча берида оролга яқинлашиб, кейин соҳил ёқалаб кета  
бошлади. Бир-бировига мингашиб кетган юксак тоғ тиз-  
малари этагидаги қишлоқ кўзга ташлашиб тўрибди. Бу  
ердан қишлоқ бор-йўғи денгиз бўйидаги бир неча кулба-  
лардангина иборатга ўхшаб кўринарди.

Қирғоққа қанчалик яқинлашсалар, Сарандаки ва бош-  
қаларсиз қайтаётгандари шунчалик оғир туюла бошлади.  
Ҳожи Михали Гавдосдан чиққанларидан бери Сарандаки  
тўғрисида бирон марта оғиз очмади. Қутқарилган булут  
овчилари ҳадеб у ҳақда сўраб-суринтиришарди. У бўлса  
қисқа, бир хилда жавоб қайтарарди. Улар Сарандаки қан-  
дай қилиб чўкиб кетганини Нисдан сўрашди. Нис ҳам-  
масини гапириб берди. Лекин Ҳожи Михали чурқ эт-  
масди.

Литтосга яқинлаб қолганларида у кутилмаганда одат-  
дагидай хотиржамлик билан бундай деди:

— Сарандаки учун бу адолатсизлик бўлди.

Ҳеч ким индамади.

— У Гавдос тутқунларини озод қилиш йўлида шаҳид бўлди. Бу катта гап, албатта. Локин асосий ишни бажа-раётганида — бевосита метаксасчилар билан темир калла-ларни тугатиш жангидаги ҳалок бўлганида яхшироқ эди. Локин буям ўшангага боғлиқку-я, ҳа, менимча шундоқ.

Шундан сўнг бу ҳақда қайтиб оғиз очмади.

— Биз қашшоқ одамлармиз,— деди у кейин Нисга.— Локин австралосларга айт, қайиқ энди сизларники, сен билан уларники. Унда хоҳлаган томонларингга сузуб кета-веришларинг мумкин.

— Хўп, айтаман,— жавоб берди Нис.— Хўш, ўзинг бу ёғига нима қилмоқчисан?

— Иш кўп. Энди темир каллаларга қарши кураш бош-лаш керак,— деб қўшиб қўйди Ҳожи Михали бир оз сун-кутдан сўнг.

Нис буларнинг барини аллақачон бошқатдан ўйлаб, ўз фикри ғалвиридан ўтказиб қўйган. Бу ерда қолганидан нима фойда? Темир каллаларни йўғон гарданига игна сан-чиғандай гап бу ерда қолиб курашиш, бошқа нима ҳам ке-лади қўлларидан. Ҳеч нима. Ҳа, ҳа. Бошқа ҳеч нима. Аммо-лекин Нис бу гапни атайин, ўзининг Мисрга ёхуд умуман темир каллаларга узил-кесил зарба беришга ҳозир-лик кўрилаётган бирон бошқа жойга кетаман деб пишитиб қўйган аҳдини асослаш ниятида жўрттаға таъкидлаётга-нини жуда яхши билиб турарди. У бу ердаги игна санчиш жангидаги әмас, балки асосий зарбани беришда қатнашади. Ҳожи Михали учун бунақангаги игна санчиш ҳам иш, нега-ки унинг юраги кенг, сабр-тоқати бисёр. Аммо Нис учун кураш әмас бу. У ниҳоятда сабр-тоқатсиз, темир каллалар билан метаксасчиларнинг бўйнига тўғридан-тўғри чанг сололмагач, ўзини ночору нотавон ҳис этади, тоқат қилол-майди бунга. Ҳа, ўша оға-иниларнинг бўғзига ошкора чанг, сололмайди.

— Ҳар қалай, инглизлар билан алоқа боғлаш сенга, хусусан, нимага керак бўлиб қолганини тушунолмадим,— деди у Ҳожи Михалига ўз ўйлари ришталарини чуватиши-ни давом эттириб.

— Бошқалардан айрича, ўз ҳолича ҳаракат қиласлиқ учун. Акс ҳолда темир каллаларнинг соchlарини юлқи-лаб тортишдан нарига ўтолмаймиз.

— Хўш, кейин-чи?

— Кейин нима қилишни инглизлар маслаҳат беради. Уларга ҳарбий мадад керак бўлади.

— Жуда катта ёрдам кўрсатасизлар-да бу ерда,— деди Нис.

Айни чоқда қайиқ бир миляча берида Литтосга қараб қирғоқ ёқалаб енгилгина сузиг борарди.

— Ҳаммадан кўра кўпроқ ёрдам кўрсатишими мумкин.

— Нима билан, қандай қилиб?

— Худди мана шунақанги қаршилик кўрсатиш йўли билан,— деди Ҳожи Михали.— Фақат бизларгина темир каллаларга чинакам қаршилик кўрсата оламиз. Биз метаксасчиларга зарба бериш тадорикини кўриб, ҳаммасини таҳт қилиб қўйгандик. Эндиликда барини темир каллаларга қаратамиз, вассалом.

— Сизларни ғиппа бўғиб ташлашади.

— Ҳаммани бўғиб ташлашолмайди. Биз бўлмасак, бошқалар топилади. Литтосликлар бор. Ласитида кучли одамлар бор, сфакияликлар орасида ҳам бундайлар оз эмас. Ҳўш, сенингча, Дикте ёки ҳатто шаҳардагилар жим туришаверадими? Йўқ. Асло. Локин метаксасчиларга қарши курашмоққа уюшқоқлик билан ҳозирлик кўрганларгина чинакамига ҳаракат қила оладилар. Бошқаларнинг эса ҳозирча бунга қудрати етмайди. Фақат инқилобчиларгина бир йўла ва дарҳол қўзгала оладилар.

— Чакки эмас,— деди Нис.— Асло ёмон эмас. Инглизларнинг бундан хабари борми?

— Эксани худди ана шунинг учун юбордим-да. Локин, ўйлайманки, улар шундоқ ҳам хабардор. Ҳа, ҳамиша хабардор бўлиб келганлар бундан.

— Боҳабар бўлган чоғларидаим бу билан унчалик ҳи соблашмаган кўринишади, йўқса улар Метаксасни қўллагмаган бўлишарди.

— Ҳа, бу тўғри,— деди Ҳожи Михали, инглизларнинг аввалги гуноҳларини кечираётгандай бир оҳангда.— Локин илгарироқ шундай бўлган, улар балки кескин ўзгаришлар рўй беришидан чўчишгандир ўша пайтларда. Тушунарлими? Ҳозир аҳвол бошқача. Буни тушунмаслик — телбалик бўлади.

— Улар учун телбалик жойи йўқдир балки.

— Нимага?

— Уларга балки биздан кўра метаксасчилар маъқул келар.

— Йўғ-э, шунчалик калтафаҳм эмасдир улар. Ҳозир уларнинг бирдан-бир мақсади — темир каллаларни тор-

мор келтириш. Бу масалада уларга ёрдам берадиган бир-дан-бир куч метаксасчилар әмас, балки бизмиз. Ҳозирги кунда улар учун өнг муҳими ана шунда.

Нис тан олди. У Ҳожи Михали билан, яқингинада ўзи Стоун билан тортишишганидек, баҳслашаётган әди. Нис учун ҳамиша унинг ўзини ҳам кимдир ишонтириб туриши варур әди. Ҳожи Михалининг ишга худди унинг кўзи билан қараётганини фаҳмлаб, суюниб кетди. Ҳатто Стоундек одамнинг бу масалани қанчалик андишасизлик билан уқидирмоқчи бўлгани ёдидан кўтарилганича йўқ әди ҳали. Бироқ ҳозир гап инглизларнинг Греция ички сиёсатига қизиқиши устида бормаётган әди. Гап шунда әдикни, улар бу ерда темир каллаларга қарши курашда ўзларига мададчиларни топишлари мумкин әди. Бутун Греция темир каллаларга қарши бош кўтаради. Метаксасчилардан ташқари бутун Греция. Ҳа, шундай.

Суҳбат бу орада умумий тус олган, қайиқда ўтирган литтосликлару булат овчилари ҳам унга қўшилиб кетган, бутун гап, ҳамма жиҳатлари муфассал ҳисобга олинган ҳолда, қайта бошдан такрорланаётган әди. Суҳбат Ниснинг қулоғига чалиниб турарди. У шу топда яқинлашиб келаётган қишлоққа тикилганича: у ерга темир каллалар етиб келган бўлсалар нима бўлади, деб ўй сурарди.

— Эҳтимол у ерда бизни кутиб ўтиришгандир,— деди Берк. У Ниснинг хаёлидан кечётган ўйни пайқаганди.

— Билмадим,— деди Стоун.— Мен ҳозир фақат битта нарсани, уйқум келаётганини биламан.

— Ўйқуга тўясан ҳам ҳали,— деди Берк.— Шунча одам сени мириқиб ухласин, әрталаб туриб бутун немис қўшини билан танишиб чиқсин деб уриниб ётибмиэда ўзиям.

— Жуда ҷарчадим,— деди Стоун.

— Ана, айтмадимми. Айниқса гарданинг қотиб кетгандир.

Нис уларга қайиқ өнди ихтиёрларида әканини айтди:

— Бари бир инглиз майорни кутишга тўғри келади,— деди Стоун.

— Анави Талос билан кетганими?— сўради Нис.— Улар Ҳавро Спатига етиб боролмаганларидан афсусланмай, қайтага худога шукур қилишаётгандир.

— Ўша шайтонвачча билан тирик қолмасдиларда ўзиям,— деди Берк.

— Мен Макферсон билан анави инглизга ачинаман,—  
деди Нис.

— Бари бир әмасми, бу ерда бўлмаса бошқа жойда  
тугарди,— деди Стоун.

— Эсимда, Макферсон, бу ёққа немисларга қарши  
урушгани келиб, әнди аллақанақанги грекларга қарши  
курашарканмиз, дегандай гап қилганди. У гап нимадали-  
гини тушунган әди.

Стоун билан Берк Макферсон ишнинг моҳиятини ту-  
шунганига ишонишмасди. Аммо иккови ҳам индашмади.  
Гапириб ўтиришга вақт қаёқда әди дейсиз, чунки қайиқ  
ўша дамда қўлтиқни денгиздан ажратиб турган қумлоқ  
тилни айланиб ўтаётган әди. Гавдосдан халос әтилган маҳ-  
буслар ўзаро чукурлашиб, олдинги қайиқларда келганлар  
кўринмаяптими деб қирғоққа тикилишарди ҳадеб.

— Лоп этиб темир каллалар келиб қолишган бўлса-я  
бу ерга?— деди Нис инглизчалаб.

— Мен ҳам шуни ўйлаб турибман-да,— деди Берк.

Шу тахлит улар соҳилни ўзларидан ажратиб турган  
сўнгги әллик ярдча масофани сузиб ўтиш учун қайиқни  
атрофи қуршалган ёпиқ қўлтиққа бурдилар.

## 30 боб

Темир каллалар әса йўқ әди. Бутун литтоциклар,  
хотин-халажу бола-бақрагача қирғоққа кўчиб чиққанди.  
Улар яқинлаб келаётган қайиқларни олис-олисданоқ қў-  
ришган, ҳозир әса қайиқлар сафарга жўнаган нишаб  
соҳилда кутиб туришган әди. Улар тўда-тўда бўлиб,  
шовқинсиз, сас-садо чиқармай кутишарди. Бироқ қайиқ  
қўлтиққа кириши билан булат овчиларининг шир яланғоч  
болалари ўзларини сувга ота солиб, истиқболлари сари  
сузиб келаверишди. Ҳожи Михали:

— Ҳой, булутваччалар, тагтўсинга ёпишиб олма-  
ларинг!— деб қичқиради уларга қараб.

Болакайлар әса катталар ўргатганидай чуқур ва узоқ  
вақт шўнғиб, сув устида әмас, остида сузганча қайиқни  
қувиб келишарди.

— Сарандаки қани?— чукурлашишарди улар.

— Бошланди,— деб қўйди Ҳожи Михали.

У қайиқни буриб, тўғри қирғоққа қараб солди. Кейин  
сувга сакради, бошқалар ҳам унга әргашибди. Бирдан

музделек сувга тушганидан Ниснинг ичак-човоғи тортишиб кетгандай бўлди, шунда у қанчалик бўшашиб, нечоғлик тинкаси қуриганини ҳис этди. Лекин у сув ичра дадил одимлаб, қайиқни одамлар ёрдамга ошиқаётган қирғоққа қараб итараверди.

Энди тўрт тарафдан қичқириғу савол ёғила кетдӣ: бўшқалар қани? Ўйлаганларининг ҳаммаси битдими? Сарандаки қаёқда қолди? Гавдос маҳбусларининг қолганилари қани? Ў ерда темир каллалар бор эканми?..— ҳоказо ва ҳоказо.

Ҳалос бўлган, улар билан бирга келган икки литтолик кимларнидир отини атаб чақираради. Чор атрофдан Сарандакини сурнштиришни қўймасдилар.

— Спарити,— деди қайта-қайта такрорлади маҳбуслардан бири.— Мен Спаритиман. Спаритилардан бирортаси борми бу ерда?

Ҳеч зог жавоб бермади унга. Афтидан, бу одамларни таниш амри маҳол эди. Нис эса, ҳозир нимадир содир бўлади, деб кутарди. Охири қора соч, оппоқ юзли, қўри нишидан дэҳқон бир аёл олдинга ўтиб:

— Мен қариндошинг бўламан,— деди оддийгина қилиб.

Икковлари бир-бирларига тикилиб туриб қолишиди. Нима қилишларини билмай, икковлари ҳам ноқулай бир аҳволда туришаверди. Иккови ҳам гиқ әтмасди.

Иккинчи маҳбусга эса қора кўйлакли, балиқчи аёлларга ўхшаб шолрўмол ўраб, оёғига тумшуғи тепага қараган критча бошмоқ кийган муштдаккина бир кампир ёпишиб йиғларди. У жуда-жуда қариб кетганди. Уларнинг ҳам гаплари қовушмаётганди.

— Жудаям қариб қолибсан,— деди кампир унга ташвишли термилиб.

— Унчалик қариб қолганим йўқ, она,— эҳтиром-ла эътиroz билдириди у.

— Илоё жаҳаннамга тушсин яшшамагулаар,— деди кампир метаксасчиларни қарғаб.

— Қизингиз Акселя — хотиним қаёқда?

— Ўйда, сени омон қайтганлар орасида йўқ бўлса-я, деб ўтакаси ёрилиб ўтирибди.

— Юринг кетдик, она,— деди у.

Улар бу сұхбатнинг тугашини кутиб, одоб сақлаб жимгина теваракларини қуршаб турган каттаю кичиклар тўпини оралаб ўтиб, йўлга тушдилар. Бироқ маҳбус билан кампир қишлоққа олиб борадиган сўқмоқдан кўтарила

бошлаганларида кўпчилик улар орқасидан югурди. Гавдос, Сарандаки ва бошқалар ҳақидаги саволларга кўмиб ташладилар. Аёллар Гавдосга борганлар тўғрисида суришириб кетишиди, у бўлса улардан ҳар қайсиси ҳақида билганича бирон нима дер, фақат Сарандаки ҳақида миқ этмасди.

Аёллар кўз ёши қилишмас, тўсатдан бирортаси худога шукур дегандай уҳ тортиб қоларди. Уни ҳамон савол кетидан саволга тутишни қўйишмасди. Бошқалар қачон келишишиди деб такрор-такрор сўрашарди. Кейин чопганча орқага қайтиб, Ҳожи Михалини ўраб олишиди.

Нис билан Ҳожи Михалига ҳам худди шу саволларни ёғдиришиди.

— Сарандаки қани?

— Менианднинг ўғли Лактос қаёқда?

— Ахир мен ҳеч қайсиларининг отини билмайман-ку, Ҳожи Михалидан сўранглар,— дерди Нис нуқул.

— Спатис... виночи Спатисни кўрмадингми у ёқда?

— Ҳожи Михалидан сўранг.

Хуллас Нисни тинч қўйишиди, шундан кейин у австралияларга эргашиб сўқмоқдан тепага қараб йўл олди. У энди нима қилишни ўйлаб борарди. Нима қилишсин? Талоснинг қайифида кетганларни кутишсинми? Ё инглиз майорини ташлаб кетаверишсинми? Мисрга тезроқ етиб олишсинми? Албатта-да. Бу ерга темир каллалар етиб келмасларидан бурун. Шунча вақтгача Литос уларнинг эътиборидан четда қолиб келганининг ўзиям катта гап.

Ўйи худди шу ерга етганда Ҳожи Михалининг овози қулоғига чалинди. У, литтосликларнинг ҳаммаси тўр қуритиладиган майдончага тўпланишсин, ўша ерда бор гапни айтаман, деяётган эди.

Шундан сўнг ҳаммалари Ҳожи Михалининг сўзини әшифтани олдинма-кейин майдончага қараб юришиди.

У катта-кичик тўпларга бўлинган оломоннинг ўртасида турарди. Булат овчилари — улар ўн ёки ўн икки нафар әдилар — чеккароқда туришарди.

Бутун майдон саҳнини литтосликлар, аксарият хотин-халаж тутиб кетганди. Нис Ҳожи Михалининг орқа томонидаги харсангга ўтирди. Стоун билан Берк ҳам чўкди.

Ҳожи Михали бор гапни жўнгина қилиб сўзлаб берди. У бир бошдан, грек тили имкон берганича, оддий сўзлар билан ҳикоя қиласди. Сарандакининг ҳалокатига келган-

да ҳам у соддагина, жўшмай-қизишимай шартта айтди-ю, дарҳол ҳикоясини Ниснинг қирғоққа қандай етиб борганига буриб юборди. Сўнгра у, қисқагина тин олгач, ҳикоясини тугатди. Кўпчилик аёллар энди ошкора ув тортиб йиғлашга тушдилар, ҳатто Ҳожи Михали яна гапга тушганида ҳам йигини қўймадилар.

— Афсуски, бу ерда метаксасчиларга қарши кўриб қўйган чора-тадбирларимизни барини бошқа жойда ишлатдик,— деди у.— Лекин шундай қилишимиз зарур эди. Буни ўзларинг ҳам яхши тушунасизлар. Гавдося темир каллалар келишади бари бир, балки етиб ҳам келишгандир. Улар бу ёққа ҳам келишади. Қўлларига тушганларидан антиметаксасчиларни ўша заҳотиёқ осишлари аниқ эди. Чунки метаксизм уларнинг тартибот-тузумларини ўзгинаси, фарқи йўқ.

У сўзини давом эттиаркан, гоҳо-гоҳо ўз-ўзи билан гаплашаётгандай туюларди.

— Бизда энди, метаксасчиларни енгсақ бўларкан, деган умид туғилганди. Локин худди шу пайт дард устига чипқон деганларидек, одамзодга қарши бу даҳшатли урушни бошлаб қолдилар. Мана энди бор кучимизни асосан темир каллаларга қарши қаратишимиз зарур. Метаксасчиларни ҳали-ҳозирча думини тукканимиэча йўқ. Локин темир каллалар уларнинг катта оғалари. Темир каллалар метаксасчиларни бамисоли ютиб юбордилар, ана шунинг учун ҳам аввало ўшаларга зарба бериш керак. Илло темир каллаларга узил-кесил зарба бериш учун эса қудратли қўшин керак, шу туфайли биз инглизлар билан биргалашиб ҳаракат қилишимиз даркор. Нафақат улар билангина, балки кимки темир каллаларга қарши бўлса, ҳаммалари билан баҳамжиҳат иш кўришимиз лозим. Ҳозирги пайтда эса уларга қарши курашаётгандар инглизлар — демак, биз инглизлар билан бўлишимиз шарт. Тезда Экса қайтиб қолади, инглизларга қандай ҳарбий ёрдам зарурлигини билib келади у.

У бир нафас жим қолди, лекин ҳеч ким ҳеч нима демагач, яна нотиқлигига давом этди.

— Башарти Сарандаки ва бошқалар тўғрисида гапирадиган бўлсак, биз ҳеч қачон уларнинг хунини тўлата олмаймиз. Сарандакининг хуни бунаёнги майда ишлардан лак-лак бора қимматроқ. Локин ҳамма катта ишларнинг ҳам замирида ана шунаёнги кичик-кичик ишлар ётади. Ақлли-ҳушли одам борки, у метаксасчиларни ақалли бир

нафасга ҳам унутмаслик зарурлигини билади. Биз метак-  
сасчилару темир каллалар билан келишолмаганимиздек,  
инглизлар ҳам темир каллалар билан асло келишолмайди-  
лар.

У нутқини ниҳоясига етказмоқда әди. Бу гапларни ўзи  
учун айтиб, ўзича пухталаб олаётгандай әди.

— Биз токи темир каллалар етиб келгунларича  
ҳозирлик кўриб қўямиз. Улар әртага, индинга, истал-  
ган куни етиб келишлари мумкин. Ҳозир биз учун энг му-  
ҳими — инглизларнинг жавобини олиш. Ана унда нима  
қилишимиз лозимлигини аниқ биламиш. Гапнинг индаллоси,  
биз ўзгаларнинг катта кучи-мададига муҳтожу маҳталмиз,  
бусиз темир каллаларни енгиб бўлмайди. Шунга қарамай  
биз ўз ишимизни қилаверишимиз зарур, чунки ўзимиз  
учун керак бу. Ҳудди илгаригидек. Илгари Метаксасга  
қарши қурашган әдик. Эндиликда иккала оға-инига қарши  
курашмоғимиз лозим. Ана шунда биз Сарандаки ва  
бошқаларнинг ўчини оламиш. Гавдося қилган юришимиз-  
га ўхшаган кичик-кичик ишлар билан.

— Биз учта қайиқдан ажрадик. Сирнослик Талоснинг  
қаерда эканини билмайман. У Ҳавро Спати қўлтиғига бор-  
мади, нима бўлганидан хабарим йўқ. Биз иккита катта яс-  
си туб қайиқ ва Мениаднинг ўғли Лактоснинг қайиғини  
йўқотдик. Ўзимнинг қайиғимни бўлса бизга кўрсатган  
ёрдамлари әвазига австралосларга беришимиз керак.  
Анавиниси, малла сочлиси, истеъкомларнинг унини ўчири-  
ди, Галланоснинг ўғли Нис қайиқни қирғоққа олиб ўтиш-  
га муваффақ бўлди, негаки миномётни денгизда туриб  
отиб бўлмас экан. Мен ваъда қилгандим, сўзимнинг усти-  
дан чиқаман ҳам. Қайиғим уларнинг измида. Улар Экс-  
нинг қайтишини кута олмайдилар. Ҳадемай бу ёққа темир  
каллалар келиб қоладилар.

— Эксанинг ўрнига бошқалар келишди,— деди ким-  
дир оломон орасидан.

Бу гап нотиқликка нуқта қўйди. Барчалари жой-жой-  
ларидан қўзғалиб, гўё дарс тугаб, энди суҳбат бошқа нар-  
салар тўғрисида борадигандек Ҳожи Михалини қуршаб  
олдилар.

— Мисрдан тўрт киши келди,— деди бир аёл.— Улар  
денгиз булатлари сақланадиган кулбада ўтиришибди.

— Экса бўлса келмади,— деди бир бола.

— Улар Экса тўғрисида ҳеч нима дейишмадими?—  
Ҳожи Михалининг бирдан ҳуши жойига келиб қолгандай

бўлди. У оломон қуршовини ёриб йўлга тушди, афтидан ҳозироқ кулбага бормоққа аҳд қилганди.

— Улар ҳеч нима дейишмаяпти. Улар сени кутишяпти.

— Уларни инглизлар юборишибди.

— Улар ёлғиз сенга айтишмоқчи,— деди бояги аёл.— Қуроллари бор, иккиси афиналиҳ экан. Улар мундоқ гапиришмайдиям, нуқул овқат сўрашади — сен келгунча нақ тоғ-тоғ овқатни еб ташлашди.

Ҳожи Михали тўхтамай борарди. У ёнларидан ўтиб бораётган одамлар ўзаро шангиллашиб гаплашишар, у ербу ерда хотинлар йигларди. Ўн беш чоғли булат овловчи бир чеккада, ҳеч кимга қўшилмай, қимири этмай, тўдалашшиб туришарди.

Ҳожи Михали ана ўшаларга яқинлашди.

— Гоятда афсусланаман,— деди у.— Чин юракдан ғамларингга шерикман. Самимий биродарлик туйғумни қабул этгайсизлар.

— Қабул этаман, Ҳожи Михали,— деди бир хотин.

Бу эркаклар сингари қорачадан келган, юзи-соchlари офтобда қўйган аёл эди. Унинг бўлиқ кўкраклари юпқа ип кўйлагини дўппайтириб турарди. Тоголчага ўхшаш кўзлари ифодасиз, қуруққина боқарди. Бу Саандакининг хотини эди.

— Шундай одамдан жудо бўлганда ҳатто унинг хотини кўнглини юпатадиган сўз ҳам топилмай қоларкан,— деди Ҳожи Михали.

— Қанчалик әзилаёттанингни кўриб, тушуниб турибман,— деди аёл.

Бошқалар чеккароқда кутиб туришарди. Улар гарчи унчалик қари бўлмасалар-да, соч-соқоли қордай оппоқ (денгиз булути овчилари қарилликка етолмайдилар) икки эркак, чакка суюклари туртиб чиққан бир хотин билан офтобда қўйган қоп-қора бир тўда бола эди. Барчаларининг кўзлари катта-катта, чақчайган.

— Энди сизлар Литтосда қоласизлар,— деди Ҳожи Михали уларга.

Ҳеч ким чурқ этиб оғиз очмади. Саандакининг хотини, иложим қанча, деган маънода елкасини учирив қўйди, холос.

— Дардингга шерикман, ҳамиша хизматингга тайёрман,— деди Ҳожи Михали такрор.

— Раҳмат сенга,— деди аёл.

Шундан сўнг Ҳожи Михали денгиз булатлари омбор-хонаси томон йўлга тушди.

Нис Стоун билан Беркка Мисрдан тўрт киши келганини айтди, нима гаплигини билмоқ учун улар ҳам Ҳожи Михалига өргашишди.

## 31 боб

Кулбада тўрт грек ўтиришарди. Гавдосга бормаган кекса аскар ҳам улар билан бирга әди. Нис Ҳожи Михали ва австралослар билан кулбага кириб борганида греклардан бири қария билан инглизчалаб гаплашашётган экан. Кулбага нотаниш кимсаларнинг кириб келаётганларини кўриб ҳаммалари ўринларидан туришди. Бир қаращаёқ улар Ниснинг дидига ўтирмади, аллақандай бетайин одамлар кўринди. Улардан бирининг ўзини катта олиши яққол кўзга ташланиб турарди. Сочи қоп-қора, калта соқоли ҳам тўсадай, баҳмал кўзли. Келишган афиналиклар намояндаси. Инглизча гаплашашётган шу әди.

Қолган учови ҳамма грекларга ўхшаган оддий греклар әди. Бири хўппа семиз, калондимоғ ва олифта, соchlари ҳатто шу топда ҳам силлиқ қилиб, фарқ очиб таралганди.

Қолган иккиси ёшроқ кўринарди. Бирининг қўзга ташланиб турадиган алоҳида белгиси йўқ. Иккинчиси эса сиёқидан нимжон ва камқон кўринарди.

Улар Нис ва шериклари билан одатдагидай калимера деб саломлашишди-да, Ҳожи Михалига жиҳдий тикилиб қолишли.

Кекса аскар австралияликларга, булар Мисрдан келишибди, деб тушунтириди.

— Ҳожи Михали сенмисан? — сўради ниҳоят келгарлардан бири.

Ҳозирги вазиятда «сен»сираб гапириши ғоятда андисасизлик әди. Нис, худди Ҳожи Михали каби, дарҳол сергак тортди.

— Ҳа, мен,— жавоб берди Ҳожи Михали қисқагина, лекин хушмуомалалик билан.

— Биз Мисрдан келдик.

— Инглизлар ҳузуриданми?

Тўртовлоннинг ҳеч биридан садо чиқмади. Ҳамма гап ана шундан сўнг бошланди.

— Биз сен ҳақингда әшитгандик,— деди бири, ошкора андишасизлик билан.

— Мен Мисрға Экса исмли йигитни жўнатган эдим, сизлар уни кўрмадингларми?

— Йўқ, бундан хабаримиз йўқ,— деди чиройлиси.

— Бўлмаса мени қаердан топишни қаёқдан билдинглар?

— Бизни шу ёққа юборишди. Бошқа ҳеч нарсани билмаймиз.— Бу гал нимжон гап қотди.

Ҳожи Михали ҳеч нима демади. Уларнинг сурбетларча муомала қилаётгандари дилида адоват ҳиссини уйғотганди. Дарвоқе, гап ҳатто андишасизлик билан сўзлашларидагина әмас, балки бу тўрт келгиндининг ўзларини қандай туваётгандарида әди. Улар ўзларини ниҳоятда такаббурона, сурбетларча тутмоқда әдилар. Нис уларнинг ўзлари ҳақида батафсилоқ гапириб беришларини кутарди, аммо улар бу тўғрида лом-мим демай туришарди. Вазият тобора ноқулай тус ола борарди. Ахиро Ҳожи Михали агар бирсон нима борасида гаплари бўлса кетга чўзишининг ҳожати йўқ эканини айтди.

— Биз сенинг бу ерда темир каллаларга қарши курашибашга қандай ҳозирлик кўраётганингни билишни истаймиз,— деб жавоб қилишди унга. Бу гапни яна чиройлиси айтди, унинг сўз оҳангидан менсимаётгани яққол сезилиб турарди.

— Ўзларинг кимсизлар?—сўради Ҳожи Михали.— Мен сизларни мутлақо танимайман.

— Биз Мисрдан келдик,— деди хўппа семиз.

— Бунинг ўзи камлик қилади,— ўша заҳотиёқ оғзига урди Ҳожи Михали.

— Биз бу ёққа ҳукумат вакили бўлиб келганмиз.

— Қайси ҳукуматнинг?

Эндиликда Ҳожи Михали билан тобора сурбетлашиб бораётган чиройли афиналик орасида яккама-якка олишув бошланганди.

— Эллинлар ҳукумати.

— Хўш, эллинларнинг қайси ҳукумати?

— Мисрдагиси.

— Тушунмаяпман,— деди Ҳожи Михали.— Мисрдаги грек ҳукумати қайси ҳукумат бўлди ўзи? Қай гўрдан пайдо бўлиб қолди у? Кимлар киради унга?

— Доимги ҳукумат-да. Озроқ ўзгаришлар бор. Бу қонуний ҳукумат.

— Демак, метаксасчилар ҳукумати экан-да? — сўради Ҳожи Михали.

— Қандай хоҳласанг, шундай атайвер,—деди нимжон.

— Бу қонуний ҳукумат,—деди хўппа семиз.

— Ким тайинлаган уни? Ким? Мабодо улар Метаксас вақтидаги ўша одамлар бўлса, унда бутун Грециянинг кўрарга кўзи йўқ уларни. Ким тайинлаган ўша ҳукуматни?

— Хўш, илгари ким тайинларди? — истеҳзо-ла сўради нимжон.

— Йоани Метаксас, билдингми. Улар пулемёту автоматлар билан ўзларини ўзлари тайинлаганлар.

— Бу қонуний ҳукумат,— деб қўйди яна хўппа семиз.

Ниснинг бу тортишувда Ҳожи Михалини қувватлагиси келаётганди-ю, лекин жимгина қулоқ солиб туришга мажбур әди.

— Кимлар экан ўзи булар? Нима керак экан уларга? — деб суршитирарди Стоун ундан.

Нис қисқагина қилиб, булар метаксасчилар, деб жавоб берди-да, мунозара оқибатини кута бошлади. Мунозара эса давом этарди.

— Мен бунақангидан ҳукуматни қувватламайман,— деди Ҳожи Михали.

— Сенинг қувватлашингнинг ҳеч кимга кераги ҳам йўқ,—деди чиройли афиналик.

Ҳожи Михали нафратомуз қулиб қўйди.

— Унда менга мурожаат қилишни нима кераги бор?

— Шу ерда, Грецияда туриб ишга кўмак бериш керак.

Ҳожи Михали ўша ондаёқ сўз оҳангини ўзгартириди.

— Ундай бўлса; қулогим сизларда,— деди у.

— Сенинг илгариги ҳукуматга қарши фаолиятинг бизга маълум,—деди хўппа семиз.— Лекин биз, агар ҳозирги кунда ёрдам берадиган бўлсаларинг, сен ва сенинг кўмакчиларингга афв ваъда қиласиз.

Ҳожи Михали унинг бу гапларига эътибор ҳам бермай:

— Ёрдам берсак? Лекин қандай ва кимга? Бу жуда мужмал гап бўлди-ку? — деб сўради, холос.

— Бутун Греция бўйлаб ҳукуматни қўллайдиган гурӯҳларни ташкил этиш керак.

— Сизларга айтгандим, мен бунақангидан ҳукуматни тан олмайман.— Ҳожи Михали ўзини тута олмай, деярли қичқириб юбораётди.

— Гап тан олиш ёки тан олмаслик устида бораётгани йўқ,—деди хўппа семиз, у ниҳоятда айёр әди, бу дарҳол

тезилди. Ҳа, ёшроғи, чиройлироғига қараганда хийла устомонроқ чиқиб қолди.— Гап ёрдам бериш ҳақда кетяпти. Грекия ва ороллардаги ҳукуматга ёрдам берувчи гуруҳларни мустаҳкамлаш, кучайтириш зарур.

— Шундоқ дeng. Нима мақсадда деб сўраяпман сиздан? Сизларнинг оғаларингга ёрдам бериш учунми? Сизларнинг валинеъмату пуштипаноҳларинг темир каллаларга мадад бериш учунми?

— Инглизларга мадад бериш учун.

— Наҳотки сиз метаксасчиларни инглизлар юборишган бўлса бу ёқقا?

— Йўқ,— деди хўппа семиз, бошқалар жавоб бермасидан бурунроқ.

— Ҳўш, уларга қандай ёрдам бермоқчисизлар?

— Грекия ҳамда оролларда ҳукумат тарафдорлари ташкилотлари тузиш билан.

— Ҳўш, ўша тарафдорлар нима иш қилишади? Шунчаки тарафдор ҳисобланиб юришаверадими?

— Йўқ. Қуролланилади.

— Темир каллаларга қаршими?

— Ҳа. Зарурат туғилиб қолса.

— Зарурат туғилиб қолса деганинг нимаси? Ахир энг муҳими шунда-ку. Е ҳукумат тарафдорларига алоқаси йўқми? Ҳукумат тарафдорларимиш. Очифини айтаверинг — метаксасчилар ташкилоти деб.

— Метаксас ўлган.

— Метаксас ҳаёт. Мана ҳозир тўрт Метаксас гаплашиб турибди мен билан. Улар борди-ю инглизлар урушда ютиб чиққудек бўлсалар, метаксасчиларнинг дарҳол қайтиб, ишни Йоанн Метаксас етказиб қўйган жойдан давом эттиришларига ёрдам беришимни сўраб туришибди қаршимда.

— Биз биргина нарсани— яхлит Грекия давлатини сақлаб қолишини истаймиз.

— Ҳа, ҳа. Парчалаб юбормасликларига йўл қўймасликни,— деди чиройлиси.

— Унга эътибор берма,— деди хўппа семиз.— Сенинг ҳукуматга қарши илгариги фаолиятингдан хабардормиз, мана ҳозир ўша эски гуноҳларингни ювишинингга имконият яратиб беряпмиз. Сен ҳукуматни бекорга метаксасчилар ҳукумати деяпсан. Йоанн Метаксас ўлиб кетган.

— Ўша ҳукуматга кимлар кирганини айт. Исми-шарифларини. Улар Метаксас вақтидаги одамларми?

— Баъзилари — ҳа, лекин ҳаммаси эмас,— деди хўппа семиз.

— Масалан, кимлар?

Хўппа семиз бир неча кишининг номини айтди.

— Булар Метаксаснинг ҳамтовоқлари. Буни ҳамма ҳам билади.—Ҳожи Михалининг тоқати тоқ бўлди. У тамоман ўзини йўқотиб қўйди. Уч-тўртта номни тақорорлади-да, сўнг деди:—Метаксас билан бирга ишлаган ҳар қандай одам метаксасчи. Мен бунағангига ҳукуматга ёрдам беромайман. Ҳа, шундай кунда ҳам бари бир ёрдам бермайман. Бутун мамлакатда гуруҳлар тузилармиш-а. Нима мақсаддалиги тушунарли. Э-ҳа, темир каллалар билан курашгани-я. Йўқ, аввало метаксасчиларнинг мустаҳкам замин яратиб олишлари учун бу. Бизларнинг ҳозир қаердан келётганимиздан хабарларинг борми ўзи? Ҳабарларинг борми ёки йўқ?

— Гавдос оролидан,—нафрат-ла деди чиройлиси. У бу ҳақда кекса аскардан эшиганди.

— Ҳа. Гавдосдан келдик.—Ҳожи Михали жангга ҳозирланган даканг хўроздай қаддини ростлаб, кўкрагини керди.—Биз у ёққа сиёсатига қарши чиққани учун Метаксас қамоққа ташлаган булат овчилари билан литтослик балиқчиларни қутқаргани боргандик. Сизлар бўлса ана шундай бир пайтда этиб келиб, Гречияда метаксасчиларнинг таъсирини мустаҳкамлашда ёрдам беришимизни талаб қилипсизлар. Бундай қилишдан бурун кекирдагингни узиб ташларман.

— Бу темир каллаларни тор-мор этиш учун зарур, ахир,— деб қўйди хўппа семиз маккорлик билан.

— Агар бундан бирон иш чиққанида мен ҳатто метаксасчиларга ёрдам беришга ҳам тайёр эдим. Локин гап бунда эмас. Сизларнинг ўз ўй-режаларинг бор. Сизлар метаксизмни, яъни фашизмни ёймоқчи, ўтқазмоқчисизлар. Темир каллалар билан сизларнинг хоҳиш-истакларинг бир.

— Унда бизлар нима учун бу ерда, ўшалар билан қолмадик?— гапга аралашди тўртовлон орасида энг ёши.

— Чунки оғаларинг сизларни ютиб юборишини билардиларинг, бу эса ҳисобларингда йўқ эди. Бу ерда темир каллалар билан қолишни истамадиларинг. Кейин, темир каллаларнинг Гречияда хўжайинчилик қилишларини хоҳламайсизлар. Локин бу ишни заррача ўзgartолмайди. Сизларнинг метаксизмларинг фашизмнинг ўзгинаси. Темир

каллалар билан урушда инглизларга ёрдамлашиш истакларинг бўлгани туфайли метаксизм яхшиланиб, ўзгариб қолмайди. Сизлар инглизларни шунинг учун ҳам танлагансизларки, ултэр сизларнинг Грециядаги ички ишларингга аралашмайдилар. Темир каллалар бўлса аралашишларни тайин әди. Айтмоқчи, ораларингда темир каллаларни маъқул кўрадиганлар ҳам бордир.

— Бизлар инглизлар тарафдори, темир каллалар душманимиз,—деди нимжон.— Шунинг ўзи етарлидир. Сен учун шунинг ўзи кифоя бўлса керак.

— Йўқ, бунинг ўзи кифоя эмас.

— У ҳолда биз сени ҳануз ҳукуматга қарши иш тутяпти деб ҳисоблаймиз,—деди нимжон.— Қонуний ҳукуматга, бунинг устига инглизларга ҳам қарши деб ҳисоблаймиз.

— Инглизлар номидан сўзлашга сизларнинг ҳақларинг йўқ. Мен темир каллаларга қаршиман, метаксасчиларга ҳам, кимки бизни эзмоқчи, зулм қилмоқчи бўлса, барчаси-га қаршиман.

— Ҳукуматга қарши де,— хотиржамлик билан такрорлади хўппа семиз.

— Қайси ҳукуматга?— Ҳожи Михали газаби қайнаб қалт-қалт титрар, бироқ ўзини тийиб турарди.— Эллада ва оролларни ўз ҳолига ташлаб қочган бир ҳовуч қаллобларни ҳукумат деб эълон қиласизлару бизни бунга лаққа ишониб, дарров тан олади деб ўйлайсизларми? Грек ҳукумати фақат Грецияда бўлиши мумкин. Сизларни эса, метаксасчилар, тугатганмиз. Инглизлар урушда ютиб чиқди дейиши билан тайёр ошга баковул бўлиб келамиз-у, буларга: «Мана, бизлар ҳукуматмиз», деймиз, деб чучварани хом санаб юрибсизлар. Сизларни ким тайнинлади? Қай гўрдан пайдо бўлдиларинг ўзларинг? Ўқ ва снарядлар билан қарши оламиз сизларни. Метаксизм ҳалқумимизга келган. Ҳукуматларинг бошларингда қолсин. Бутун Грецияни қурол билан даҳшатга солиб турдиларинг, ўзларингга адоват-ла қараганларни турмаларда чиритдиларинг. Ҳўш, буларни унуди деб ўйлайсизларми бизни? Эй метаксасчилар, туёқларингни шиқиллатиб қолларинг бу ердан. Тушундиларингми? Жўнаб қолларинг бу ердан!

Ҳожи Михали вазминлик билан сўзларди-ю, аммо газаби тошиб кетай-тошиб кетай деб турарди. Оғзидан чиқаётган сўзларга жо бўлган залвору қудрат бу жиккаккина одамни ҳамманинг кўзи олдида тоғдай юксалтира борарди.

Нис унинг вужудида жўш ураётган шиддат ва газабни, уларни Гавдося етаклаб бўрган бекёс қудратни сезиб турарди. Унинг, Ниснинг танида ҳам худди ана шу қудрат бор эди. Наздида бу сўзларни унинг ўзи айтётгандай эди. Уларнинг ҳаёт ришталари бир-бировига тўр мисоли чирмасиб кетганди гўё. Кечча ҳам, бугун ҳам шундай, келажак-да ҳам шундай бўлиб қолади.

— Ҳеч қаёққа кетмаймиз! — жаҳл билан деди хўппа семиз.

Шу пайтгача семизнинг жаҳли чиқмаётган эди. Бироқ Ҳожи Михали унинг қитиқ патига текканди.

— Шу ерда қоламиз ва кўп баҳслашамиз сизлар билан, — деди у. — Гапимга қулоқ беринг. Урушда инглизлар ютиб чиқади. Бу дарров битадиган иш эмас, лекин эртами-кечми улар бари бир устун келадилар. Ана ўшанда биз бари бир келамиз Грекияга. Сизлар эса халал беролмайсизлар бунга.

— Олисдан сизларга шундай туюлади. Грекиянинг ўзида бўлса манзара мутлақо бошқача кўринади. Бутун Грекия сизларга қарши бош кўтаради. Сизларнинг башараларингни яхши таниб олганмиз. Эндиликда бемалол думларингни туғиши келади қўлнимиздан.

— Бу ёққа олиб келадиган куч-қудратимизни йўқ қилишга чоғларинг келмайди! — Ушқирди семиз. — Бутун бошли армия, қуролли куч билан келамиз. Ана ўшанда бизга қарши тура оласанми, Ҳожи Михали? Ҳўш?

— **Ўшандаям** — бари бир бу грек ери, грек техникаси... Барчаси сизларга қарши туради. Грекияда қўлларингдан њеч иш келмайди. Башартики грек аскарлари хорижий ўлкаларда жанг қилаётган эканлар, улар темир каллаларга зарба бериш учун урушяптилар, сизларнинг манфаатларингни кўзлаб эмас.

— Улар танлаб ўтирмайдилар, — такаббурона деди нимжон.

— Янгишасизлар, — деди Ҳожи Михали вазминлик билан. — Уларни мажбур қилолмайсизлар. Баъзиларни ҳисобга олмаганда, албатта. Мисрда нималар бўлаётганидан хабарим йўғ-у, локин имоним комилки, у ерда метаксасчиларга ортиқ хизмат қилишни истамайдиган греклар етарлича топилади.

— Бу љеч нимани ўзгартолмайди, — деди семиз. — Биз сенга имконият яратиб бергандик, Михали, сен бўлсанг бундан фойдаланмадинг. Сен давлат хоинисан.

— Жўналаринг бу ердан, метаксасчилар. Юборган корчалонларингнинг олдига бориб, Гречияда Метаксас замони тугабди, у ёқда ҳеч кимни ҳеч қанақанги ташкилотга тортолмайсанлар, деб айтларинг. Э ўша ҳукумат тараффорлари бўлган сенлардан ўргилдим! — тўсатдан бақириб берди у бўғилиб.— Йўқолларинг, қораларингни ортиқ кўрмай бу ерда!

— Биз шу ерда қоламиз,— деди ораларида әнг ёши.— Биз мәрияга қамаб қўйилганларни озод қилишларингни талаб ётамиз.

Ҳожи Михали индамади. У тўртовига бир-бир назар ташлади, нигоҳи ҳеч қайсиларида тўхтамади, ҳеч нима деб жавоб ҳам бермади. Ҳа, бир оғиз ҳам гапирмади. Кейин у шартта бурилди-да, чиқиб кетди. Үнда ҳатто нафратдан асар ҳам кўринмади. Шунчаки булар унинг учун оламда йўқдай әди. У буларга жўнаб қолишни буюрди. Улар кетишади. Шу билан машмаша тугайди, вассалом.

Бироқ иш у ўйлаганчалик жўнгина эмасди.

## 32 боб

Нис семизга диққат билан тикилди.

— Сизларни бу ёққа юборгандарига ишонмайман,— деди у.

— Ишонмасанг, ишонма,— деди семиз.

— Бу ёққа қандай келдинглар?

— Бу бизнинг ишимиз,— деди чиройли афиналик.

— Хўш, бўлмаса, қандай келган бўлсаларинг, ўшандай жўнанглар.

— Бу ҳам бизнинг ишимиз,— деди семиз.

— Кўрамиз,— босиқлик билан деди Нис.

— То мәриядагиларни бўшатмагунларича кута турамиз,— деди нимжон.

— Бўлмаса Ида ўсиб бориб осмонга етгунича кутарансизлар. Борди-ю, бу ерда шунчалик узоқ қоладиган бўлсанглар шартта дорга осамиз-қўймиз. Қани, бир жўнаб қолинглар-чи!

— Ия, ҳали сен пандавоқи билан анави бузуқи чол бизга буйруқ қоладиган бўлиб қолдиларингми? — Қутуриб кетганидан чиройли афиналикнинг ҳатто тили айланмай қолди.

— Шундай,— жўнгина жавоб берди Нис.

— Вой исқирт ялангоёқлар-эй. Ҳаммаларингни бир-  
бировингга урган одамнинг ҳақи кетмас экан.

Нис хатосини тузатиб ўтирмади. Балиқчи, дәхқон, тў-  
қувчи, денгиз булути овчилари — улар учун бир хилда қо-  
ра халқ. Бир-биридан фарқи йўқ авом. Нис уларнинг жўна-  
шини кутиб жойидан жилмай тураверди. Қаёққа жўнашла-  
ри лозимлигини унинг ўзи ҳам билмасди. Ишқилиб кетиши-  
лари керак.

— Биз мәрияга қамаб қўйилганларни ҳозироқ озод  
этишларини талаб қиласмиш.

Нис аста бош чайқаб қўйди.

— Унда ўзимиз озод қиласмиш,— деди чиройли афина-  
лик.

Нис ўзини босиб, бир зум индамай турди, бироқ қу-  
йидаги сўзлар ўз-ўзидан отилиб чиқди оғзидан.

— Қани, уриниб кўринглар-чи, айни муддао бўлади-  
да,— деди у.— Бирорга тегмай, жимгина турган одамни  
ўлдириш қийин. Лекин у сенга қарши қўл кўтарадиган  
ёки бирон ёмонликни раво кўрадиган бўлса бундан осон  
иш йўқ. Тушундиларингми, метаксасчилар?

— Ўлдириш — бу қўлларингдан келади,— деди ора-  
ларида энг ёши.

— Минг карра афсуски, кечикиброқ ўргандик-да,—  
хотиржамгина деди Нис унга.

Шундай қилиб улар кулбадан чиқа бошладилар. Би-  
ринчи бўлиб нимжон ташқарига йўл олди. Жаҳл ва га-  
забдан у қалтиради. Қолганлари ҳам унга әргашдилар.  
Ораларида энг ёши ҳаяжондан қизариб-бўғриқиб кетган  
эди. Унинг орқасидан кўзларида газаб учқунлари чақ-  
наган чиройли йигит одимлади. Семиз эса шошилмай, бир  
маромда қадам ташлаганча, ҳаммадан кейин ташқарига  
юрди.

— Бари бир биздан ожизсизлар,— деди семиз остона-  
га етганда.— Ҳукуматга қарши қўлларингдан ҳеч иш кел-  
майди.

— Қанақанги ҳукумат? — сўради Нис.— Гавдосдаги-  
ми, сенларнинг жойларинг ана ўша ер.

Аммо бу пайтда улар гойиб бўлгандилар.

— Нима гап ўзи? — ўша ондаёқ сўради Стоун. Шу  
пайтгача Берк икковлари бирон марта бўлсин сабрсизлик  
аломатини намоён қилмай тургандилар. Улар ўлгудек чар-

чаганларига қарамай, боя Ҳожи Михалининг Гавдосдаги воқеа ҳақидаги ҳикоясини бошдан-оёқ итоатгўйлик билан тинглаган әдилар. Бу ерда, кулбада ҳам чидам билан бу мунозаранинг тугашини кутдилар. Улар нима гап бўлаётганини тушуммадилар-у, лекин кекса инглиз билан бир чеккада, тортишувга шоҳид бўлиб, дарғазаблик, адоват ҳамда ўлим дағдағасини сезиб-фаҳмлаб турдилар.

— Булар метаксасчилар, Мисрдан келишибди,— деди Нис.

— Бу ёқса қандай келишибди?— сўради Энгес Берк.

— Айтишни исташмади.

— Жин урсин. Балки қайтишларида бизниям ола кетишар?

— Менга анави қораси Кипрдан қайиқда келишганини айтди,— деди кекса аскар.— Қирғоқча икки кун аввал тушишган экан.

— Бу одамлар сизларга ҳамроҳлик қилмайди. Уларнинг хизматидан воз кечардим мен.

— Бу ёқса нимага келишибди ўзи?— сўради Стоун.

— Метаксасчиларнинг таъсир-мавқенини мустаҳкамлагани. Уларнинг айтишларича Мисрда грек ҳукумати тувиғланмиш. Худди Метаксас вақтидагидақа. Ҳаммалари метаксасчилар экан. Аммо мен бунга ишонмайман. Уларни бу ерга метаксасчилар юборгани балки тўғридир. Лекин инглизлар бунақангি ҳукумат тузилишига йўл қўймалар.

— Сабаб?— сўради Стоун.

— Улар фақат бир нарсани — бу ерда то уруш тугагунича метаксасчилар ташкилотларини сақлаб қолишининггина ташвишини қиляптилар. Улар, бизни ҳукумат юборди, биз билан ҳамкорлик қилинг, дейиши Ҳожи Михалига. Ўша ҳукуматнинг борлиги наҳотки рост бўлса?

— Кўриниб турибдики, бор экан,— деди Берк қуруққина.

— Башарти улар инглизлар урушда ютиб чиқишлиари билан ҳокимиятни қўлга олиш учун бу ерда метаксасчилар ташкилотини тузмоқчи эканлар — демак, булар ҳам худди темир каллаларга ўхшаган душманимиз экан.— Нис қизицандан-қизишиб борарди.

— Қандай бўлгандаям, аввало темир каллалардан қутилишинглар керак,— деди Энгес Берк.— Шундоқ экан, уруш бир ёқлик бўлгунича бу гапларни йигиштириб қўятуриш керак.

— Йўқ, унда кеч бўлади,— деди Нис.— Бу ерда, Грецияда олдиндан шайланиб туришимиз зарур.

— Э, ёлғон гапиряпти улар,— деди Стоун.— У ёқда, Мисрда метаксасчилар ҳам, антиметаксасчилар ҳам тўлиб ётган бўлса кераг-ов.

— Эҳтимол. Лекин у ерда метаксасчилар ҳукумати тувишган бўлса, бояги одамнинг айтгани тўғри чиқади. Улар инглизларнинг қўллашидан фойдаланиб, яна елкамизга чиқиб олишади. Ихтиёларида қўшинлари ҳам бўлади, бу тўғри гап.

Берк шу топда, Ниссиз Мисрга етиб олишимиз қийин, деган ўй билан банд эди. Стоун эса бундан ташвишланмасди. Стоун метаксасчилар билан антиметаксасчилар орасидаги кураш ҳикоясига қулоқ соларкан, суҳбатга батамом берилиб кетганди.

— Уларни нимага қўлдан чиқариб юбордингиз?— сўради Стоун.

— Билмадим,— деди Нис.— Мен Ҳожи Михалидан ибрат олиб шундай қилдим, уларга бу ердан жўнаб қолишни ўша буюрганди-да, ахир.

— Бизни ҳукумат юборди, дейишдими?— яна қайтариб сўради Стоун.

— Ҳа. Лекин уларнинг ҳаммаси метаксасчилар экан-да.

— Ҳўш, нима қипти шундай бўлса?

— Гап шундаки, Мисрда тузилган ҳукумат — метаксасчилар ҳукумати бўлиб чиқади. Борди-ю метаксасчиларники бўлмаса-чи, унда ўша ҳукумат бу ерга метаксасчилар ўз одамларини юбораётганидан хабардорми, йўқми?

— Нақ парламентда ҳал қилаётганде-я,— деди Берк ва совуқнина қўшиб қўйди:— Афсус, буни ҳукуматнинг ўзидан сўролмайсиз-да.

— Афсуски шундай,— жиддий деди Нис.

— Бунинг ишга ёрдами тегарди-да,— кулди Стоун.

— Ҳа, жавобини әшитсан ҳарар қилмасди,— деди Нис.

— Менга фақат битта нарса: бу ердан қандай қутулиб кетиш фикри тинчлик бермаяпти,— деди Берк.— Қани өнди анави архар оёқ шайтонвачча инглизлар билан келиб қолса, шу бугуноқ йўлга чиқардик-да.

— Агар фрицлар тоздан ёпирилиб тушган тақдирдаем, ҳозироқ ухлайман бориб,— деди Стоун, метаксасчилар ҳақидаги гапларга чек қўйиб.— Қорнимни тўйғазаману ётман, бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўқ менга.

Нис жимгина қулоқ соларди-ю, лекин асло тинчлана олмасди. Ҳаммаси кулагили, тақдирнинг майнавозчилигига ўхшайди-я. Булар метаксасчилар Гавдосда қамаб қўйган одамларни қутқаришса. Қайтганларида әса уларни Мисрдан келган метаксасчилар қарши олиб, ўзлари билан ҳамкорлик қилишни таклиф этиб ўтиришса.

— Қайиқ қалай, жойидами? — сўради Берк Нисдан.

— Ҳа,— паришонхотир жавоб берди Нис.

— Йўлга овқатни, чучук сувни қаёқдан оламиз?

— Литтосликлар ҳаммасини тўғрилаб беришади.

— Ниҳоят сафарга чиқадиган бўлдик-да,— деди Стоун.

— Ошиқма ҳали, ҳолва деган билан оғиз чучимайди,— деди Берк.

Стоун аранг чўқди ерга. Намгарчиликда аъзойи бадани караҳт бўлиб қолганди. Кекса аскар тўсатдан:

— Макферсон билан бошқаларга нима бўлди? — деб сўраганида у ўтирган эди.

Назарларида бу воқеалар аллақачонлар бўлиб ўтган-у, ёдларидан кўтарилиб кетгандай эди.

— Тамом бўлди,— бир оздан сўнг жавоб берди Берк. У бу қўпол, чапани гапни атайин ишлатганди.

— Мак ҳалок бўлдими? — чўчиб, баланд товуш билан деди кария.

— Шундоқ. Шеригиям. Офицерларнинг қаёқдалигини әса билмайман.— Шарт-шурт дели Берк.

— Ё худовандо. Қандай қилиб?

— Пулемёт.— Кейин сал мулоимроқ қилиб, қўшиб қўйди:— Уша ердаёқ чўкиб кетишиди.

— Ё худо.

— Дардингга шерикман,— деди Нис ҳорғинлик билан.

Қария ҳеч нима демади. У ҳуши учиб ўтирарди. Немислар ўлдирса, бу тушунарли. Лекин греклар-чи? Нима учун? Қандай бемаънилиг-а.

— Ё худовандо,— тағин такрорлади у.— Мак.

— У ҳаммасини тўғри тушунарди,— деди Нис.— Ҳа. У тушунарди.

— Нимани тушунарди? — сўради қария.

— Ҳеч нимани,— деди Берк, Нис жавоб бериб улгур масидан илгарироқ.— Ҳеч нимани. Ўзи одатда шунаقا бўлади — тамом-вассалом. Биз ёртага жўнаймиз бу ердан. Бунақсиям бўлади.

Нис индамади. У, Берк инглизга жўрттага шундай де-ди, деб ўйлади. У эътиroz билдириб ўтирмай, чўзилди ва то кулбани қаттиқ хурраги тутиб кетгунича анави тўрт метаксасчи ҳақида ўй суриб, ғазабдан титраб ётди.

## 33 боб

У Талос билан икки инглиз кириб келганида ўйғонди. Шовқиндан уйғониб кетди. Юпқагина тахтавон әшик қо-ронғида ғашга тегиб қаттиқ фийқиллаб очилганди.

— Шу ердамислар? — Бу ёш Талоснинг овози әди.

— Шу ердамиз,— жавоб берди Нис уйқу аралаш.—

Шу маҳалгача қаёқларда қолиб кетдинг?

— Бизлармиз бу. Мен билан инглизлар,— деди Талос.

— Биляпман. Биляпман. Қаерда әдинглар?

— Кетларингдан бораётгандик.

Иккала австралос ҳам уйғониб кетишиди. Берк инглиз лейтенантдан нима гап бўлганини суриширишга тушди.

— Касофат босиб улоқиб юргандик,— жавоб берди лейтенант.

Нис бир йўла ҳам грекча, ҳам инглизчага қулоқ соламан деб охири чалкашиб кетди. Шундан сўнг у фақат ла-би-лабига тегмай бидирлаётган Талоснинг сўзларинигина тинглай бошлади. Нис унинг гапини бўлди:

— Хавро Спатига нимага бормадинглар?

— Катта елканимиз узилиб тушди. Орқаларингдан учиб бораётгандик-да ўзиям. Нима, бизларни кўрмадингларми?

— Қай пайт?

— Биринчи куни, кечки пайт. Наҳотки бизларни кўрмаган бўлсанглар! Сизларга етай-етай деб қолгандик. Шунда бирдан пўртана бостириб келиб, катта елканни узиб юборди. Тўнкарилиб кетишимизга сал қолди. Инглизлар менга ёрдам беришолмади, нега деганингида, уларга нима деб тушунтиришни билмадим, анави новчаси бўлса ҳадеб кулади.

— Тушунарли,— деди Нис. Унинг аъзойи бадани чар-коқдан шалвиллаб бораётганди.

— Мен тумшуқ елканлари ёрдамида сузмоқчи бўлдим, бундан ҳеч иш чиқмади. Қирғоқча чиқиб елканни тузаат маса ёки янгисига алмаштирмаса бўлмасди.

— Бу ёққа қандай етиб келдинг?

— Тумшуқдаги елканлар билан. Менга қара, Нис, сенга айтадиган гапим бор. Бу ёққа келаётганимизда бутун бошли моторли қайиқлар флотилиясини учратдик. Темир каллалар әди улар. Уларни Эргасда, бу ердан йигирма километрча нарида күрдик. Улар қўлтиқда туришган экан.

— У ерда нима керак экан уларга? — суриншириша давом этди Нис.

— Бирон нарса керак бўлиб қолғандир-да. Мен қўлтиқ-қа кириб ўтирадим, Хавро Спатига эса тумшуқдаги елканчалар билан етиб бориб бўлмасди. Йўлда қайиқда юрган бир эргаслик балиқчини учратдик. Ўша, бутун соҳил бўйини моторли қайиқ тутиб кетди, деди. Биз томонлардаям шунақамиш. Улар эртага Литтосга етиб келишлари мумкин. Шунинг учун бу ёққа қараб келавердик. Эрталаб сизларни кўргандик. Соҳил ёқалаб келаётгандик, лекин елканчалар билан қувиб етиб бўлармиди.

— Демак, моторли қайиқлар соҳилда тўхтаб турган әди де? — Нис туриб ўтириди.

— Ҳа. Ниманидир кутишаётганди. Бу ёққаям келишади ҳали.

— Шундай. Албатта келишади.

— Хавро Спатида нималар бўлди? — сўради бола.

Нис қисқагина қилиб гапириб берди, Сарандаки ҳақида ҳам. Талос қошлиарини чимириб тинглади, болаларча қувноқлиги ўша ондаёқ барҳам топди, бироқ у чурқ этиб оғиз очмади. Ҳаммага ўхшаб индамади. Ниснинг эса моторли қайиқлар хаёлидан нари кетмай қолганди.

Кейин инглизча сўзларга қулоқ солди. Бу пайт лейтенант:

— Энди қайиқ беришар, ахир? — деяётган әди.

— Ҳа, — деди Стоун.

— Худога шукур. Қачон йўлга чиқсан бўларкан?

— Ҳозироқ, — деди Энгес Берк.

— Эрталаб, — деди Стоун. — Оддин ухлаб олиш керак.

— Соат неча бўлди өкан ҳозир? — сўради Берк.

— Қоқ ярим кечада, — заҳаромуз жавоб берди майор.

Нисга унинг овози ғалати әшитилди. Майор эса сўзини давом эттириди: — Бу ердан қанча тез жўнасак, шунча яхши. Моторли қайиқлар соҳил бўйлаб бекораки сайд қилиб юргани йўқ.

— Бу шайтонвачча моторли қайиқлар тўғрисида газидим сизга? — сўради Берк Нисдан.

— Ҳа.

- Бўлмаса дарҳол жўнаш керак,— деди Берк.
- Эрталабгача кутса бўлади,— деди Стоун.
- Сиз нима деб ўйлайсиз?— Энгес Берк Нисдан сўради.

Нис ушбу сониянинг қанчалик масъулиятли эканини ҳис этиб турарди. У айни шу дақиқада, ҳал қилувчи дамда тагин иккиланажагини ҳам сезиб турарди. Унинг ҳар қаҷонғидан кўра ҳозиргичалик Ҳожи Михали билан қолгиси келган әмасди. Анави тўрт метаксасчи уни Мисрда кетаётган катта урушда қанчалик иш қила олиши устида бош қотиришга мажбур этганди. Лекин бу ерда қила олиши мумкин бўлгани әса, наздида, ниҳоятда арзимас ишдай туюларди. Ана шу фикрлар бошини говлатиб юборганди. Лекин ҳозир бир қарорга келиши керак. Дарҳол, ҳозироқ. Ҳуллас у, яна айниб қолишга имкон бермаслик мақсадида, шартта бир қарорга келди.

- Ҳозир жўнаган маъқул,— деди у.
- Тағин йўлга отланарканмизда,— эътироz билдириди Стоун.— Менинг уйқум келяпти.
- Бу ерда тутилиб қоладиган бўлсак, унда немисларнинг «Stalag»ида ухлайсан мириқиб,— деди лейтенант.

— Бари бир йўлга озиқ-овқат, сув керак, шу маҳалда бирловларни уйғотиш яхши әмас-ку, ахир,— деди Стоун.

— Одамлар тура бошлишди аллақачон,— деди Нис.— Кетга чўзмаганимиз маъқул.

— Бўпти, бўпти,— деди Стоун ва кулиб туриб ўтириди. Нис қоронғида бу кулгини әшитаркан, малла ҳурпайма соч, қинғир-қийшиқ тизилган тиш, кулиб турган юмалоқ кўзларни кўргандай бўлди.

- Стоун ўрнидан туриб:
- Қани, кетдик бўлмаса,— деди.
  - Егулик масаласида Ҳожи Михали билан гаплашиб керак,— деди Нис.— Ораларингдан бир одам мен билан биргалашиб борса бўларди.
  - Модомики гап егулик масаласида әкан, каминалари борадилар-да,— деди Стоун.
  - Сиз бу орада қирғоқча тушиб, қайиқдаги сувни тўкиб турсангиз,— деди Нис Беркка.— Қайси қайиқлининги биласиз-а? Бу ёқقا келганимиз, Ҳожи Михалининг қайиғи.
  - Шундай қилиб, ҳозироқ жўнаймизми?— сўради лейтенант.

— Сал кейинроқ, тонгга яқин. Тайёргарлик қўришга икки-уч соат кетади.— Нис то Стоун бошмогининг чирий бошлаган илларини боғлаб бўлгунича кутиб турди.

Талос грекчалаб сўради:

— Нима бўлди?

— Биз кетяпмиз,— деди Нис.

— Ҳозир-а?

— Ҳа. Аввал Ҳожи Михали билан гаплашиб оламан.

— У сизлардан кейин етиб келган литтосликлар билан бирга. Қирғоқда ўшаларни кутиб турган экан. Биз етиб келганимизда улар ўша ерда экан. Нимага кетяпсизлар? Моторли қайиқлар келаётгани учунми?

— Шундай,— жавоб берди Нис бафуржা.— Ўша айттаётган жойинг қаерда?

— Ўзим бошлаб бораман,— деди Талос.

— Иш битгач, яна шу ерга келинглар,— деди Нис Энгес Берк ва бошқаларга.

— Нега әнди ўзингиз қирғоққа туша қолмайсиз? Бу ерга тағин келиб нима қиласми?

— Бунчалик шошилаётганимизни Ҳожи Михали кўрмай қўя қолсин. Уни раңжитмоқчи эмасман. У сизлар билан хайрлашгани келади.

Берк қоронғида хўрсиниб қўйди ва шундай деди:

— Ҳўп.

Нис билан Стоун кулбадан чиқиб, Галосга әргашиб, Ҳожи Михалини излаб кетишиди.

## 34 боб

Ҳожи Михали ва бўлак литтосликларни Талос бошлаб борган пастаккина уйнинг остонасида учратишиди. Ҳожи Михали кичкина, беш сантиметрлик миномётни кўтариб келаётган экан. Орқасидан келаётган осёқ яланг балиқчи солотерн, пистолет-пулемёт ва люгерни қўлтиқлаб олганди.

— Тайёрмисизлар?— кўзи тушар-тушмас сўради Ҳожи Михали Нисдан.

— Биз яна сенинг ёрдамингга муҳтоjmиз. Йўлга чуҷук сув билан бир оз егулик керак,— деди Нис.

— Ҳозир манави қуролларни мэрияга элтиб ташлайман-у, кейин ҳаммасини тўғрилаб бераман.

Стоун қоронғида әғилиб, Ҳожи Михалининг қўлидан миномётни олди-да, ўзи кўтариб кетаверди. Жиккаккина Ҳожи Михали учун бу паҳлавонлар кўтарадиган оғир юқдай, паҳлавон Стоун учун эса ўйинчоқдай гап эди.

— Сарандакига ўхшайдиган одамни биринчи марта учратишм,— деди Ҳожи Михали меҳри товланиб, ҳаммалари йўлга тушганларида.

— Агар сен эътироz билдиrmасанг, биз ҳозироқ йўлга тушсак,— деди Нис.

— Сирнослик ёш Талос моторли қайиқларни кўрганини сенга гапириб бердими?

— Ҳа. Мисрга қараб қанчалик тезроқ йўлга чиқсак, шунчалик яхши.

— Малла соч паҳлавон менга манави қуролни қандай отишни ўргатиб қўйса бўларди,— деди Ҳожи Михали миномётнинг тиргагидан ушлаб бораракан, хушмуомалалик билан, айни чоғда ёрдам беришга тайёр эканини англатувчи бир оҳангда.

— У миномётдан қандай отишни кўрсатиб қўйишингиэни илтимос қиляпти,— деди Нис Стоунга.

— Жуда осон бу,— деди Стоун.— Бўпти, кўрсатаман.

— Кўрсатиб қўярмиш. Лекин миномётни мэрияга олиб бориб нима қиласан?

— Барини ўша ерга жамлаб қўймоқчиман, чунки бизлар ҳам Литтосдан чиқиб кетишни хаёл қилиб турибмиз. Темир каллалар моторли қайиқларда қирғоқ ёқалаб келишяпти, исталган кун бу ерга ҳам етиб келишлари мумкин. Лоақал қуролларни ўзимиз билан тоққа олиб чиқиб кетайлик деяпмиз.

— Сен билан ажралишаётганимдан жуда афсусланаман, Ҳожи Михали.

— Илтифотинг учун раҳмат. Сени яхши билиб олдим, Нис Галланос. Мисрга етиб боргач Эксага нима бўлганини билишга ҳаракат қил. Кейин, инглизлар билан алоқа боғлашимга ёрдамлаш, уларга биз тўғримиизда, Дикте ҳамда Сфакиядан қандай мадад олишлари мумкинлиги ҳақида сўзлаб бер. Локин энг муҳими — Эксага нима бўлганини бил.

Бу аснода улар мэрия әшигига яқинлашиб қолгандилар. Бу Литтосдаги яккаю ягона икки қаватли бино эди. Бундан ташқари, энг янги ҳамда энг мустаҳкам бино ҳам шу өди. Литтосликлар қамаб қўйған метаксасчилар билан солиқ йиғувчилар ана шу бинонинг хоналаридан бирида

ўтиришганди, зотан Литтос қишлоғида турманинг ўзи ийк әди.

Ҳожи Михали дастлабки, кимсасиз хонада пайпаслаб, донаси узун-узун итальянча гугуртни топди, фонус ёнди.

— Инглизлар билан нималар тўғрисида гаплашишингни батафсил тушунираман сенга.

— Сенинг фикрингча, ҳар қалай Эксага нима бўлганийкин? — сўради Нис.

— Ўзим ҳам билмай қолдим.

— Балки Мисрга етиб боролмагандир, — деди Талос оҳистагина.

— Бундай бўлиши мумкин эмас. Унинг инглизлар билан ёки ўзи билмагани ҳолда метаксасчилар билан гаплашгани тайин. Бор гапни у кимгадир айтиб берган. Анави тўртови Литтос тўғрисида, мен тўғримда, шу ерга, мэрияга қамаб қўйилган метаксасчилар тўғрисида билишаркан-ку. Буни улар фақат Эксадан билиб олишлари мумкин. Экса бўлса метаксасчиларга ўлақолса айтмасди бу гапларни. Кейин, нега қайтиб келмади у? Экса — содиқ ва абжир йигит.

— Қаёққа қўйай буни? — сўради Стоун миномётга ишора қилиб.

Нис хоҳлаган жойингга қўявер дегандай имо қилди.

— Эксага қандай ҳаракат қил деб тайинлагандинг? — сўради Нис Ҳожи Михалидан.

— Буни шароитга қараб ўзи ҳал қилиши керак әди. Инглизларга йўлиқиб, бу ерда биз қандай ҳарбий ёрдам қўрсатишимиш мумкинлигини сўзлаб бериши лозим эди. Темир каллаларга зарба бериш қўлимиздан келишини, чунки метаксасчиларга қарши курашиб мақсадида илгарироқдан тайёргарлик кўриб қўйганимизни, худди ана шунинг учун ҳам улар айтган ишни биз, айнан биз бажара олишимизни айтиши керак әди.

— Эҳтимол, уни инглизларнинг ўзлари метаксасчиларга рўпара қилишгандир?

— Билмадим, — деди Ҳожи Михали. — Локин менга анави метаксасчиларнинг барча ишимиздан бунчалик бохабарлиги ёқмаяпти. Буни ёлғиз Эксагина айтиши мумкин әди, локин у буларнинг метаксасчилар эканини билганида асло оғзидан гулламасди.

— Дикте ва сфакияликлар билан қандай алоқанг борлигини сўзлаб беришинг керак ҳали менга. Эҳтимол бу менга асқатиб қолар.

— Яхши,— деди Ҳожи Михали ва ошиқмай қўшиб қўйди:— Ёлғиз сенгагина айтаман. Ҳатто инглизларнинг ҳам буни билишларини ҳожати йўқ. Локин кейинроқ батифсили гапириб берарман, ҳозир бўлсаmallpaҳlavонга айт, миномётни тушунтиурсин.

— Миномётни қандай ишлатишни кўрсатинг унга,— деди Нис Стоунга.

— Бунисининг тузилишиям худди катталарига ўхшаган. Уни ўзингиз ҳам билиб олдингиз-ку, ахир.

— Ҳар ҳолда менга яна бир марта кўрсатиб, гапириб беринг, кейин ўзим тушунтираман унга,— деди Нис.

Шундай қилиб Стоун ёнламасига ҳаракатга келтирадиган, пасту баландга кўтариб-туширадиган механизмнинг мурвати қандай ишлашини кўрсата бошлади. Тағин у нишондан фойдаланиб бўлмаслигини, бунинг учун эса ундаги ҳисоб-китоб, немисча ўлчовларни билиш зарурлигини айтди. Сўнгра у катта миномётникига қараганда калтароқ ва йўғонроқ минани олиб, портлатгични қандай жойлашни кўрсатди. Миномётни отиш учун билиш зарур бўлгани ана шугина эди, холос. Кейин учовлари миномёт устига энгашишди, Нис ҳозир эшитганларини грекчалаб Ҳожи Михалига тушунтира бошлади. Талос ва улар билан бирга келган литтослик орқароқда, тикка турганича қулоқ солишарди.

Кўққисдан анави Мисрдан келган тўртовлон кириб келишди. Улар ҳаво иссиқ бўлишига қарамай, калта деҳқонча курткалари устидан елкаларига чакмон ташлаб олишган эди.

Ҳеч бирлари ҳеч нима дейишмади.

— Бу ерга қамаб қўйган одамларинг қайси хонада?— деде жангари қиёфада олға чиқди чиройли афиналик.

— Ишончли жойда,— деди Ҳожи Михали.— Ишончли жойда, қулфлоглиқ.

— Биз уларни қутқаргани келдик,— деди чиройли афиналик.

— Метаксаснинг арвоҳини қутқаришни истамайдиларми ўзлари?

— Уларни бизга топширишни талаб қиласиз.

— Улар метаксасчилар. Улар йиллаб Литтоснинг сиқиб сувини ичган одамлар. Нимани талаб қилаётганингни ўзинг ҳам билмаяпсан. Бу ердан жўна демабидим сенга. Ҳаммаларинг жўналаринг!

— Битишиб, келишиб ўтиришнинг фурсати ўтди, Ҳожи Михали,— деди семиз.— Яхшиликча таклиф қилсак, сен рад этдинг. Буни ҳозир ҳамма әшитиб қўйсин деб айтяпман.

— Ўз ахлатимни еб, ўз пешобимни ичсам-ичаманки, локин бунга рози бўлмайман!

Улар қилт этмай — семиз билан чиройли олдинроқда, Ҳожи Михали ва Нисга бетма-бет, Стоун миномёт олдида якка тиззалаганча, Талос билан литтослик унинг орқа томонида туришарди. Уларнинг бу туриши ҳаракат асносида тек қотганга ўхшарди.

— Бўшатларинг уларни!— ўшқирдан чиройли афиналик.

— Сен аввал ўзингни бўшат. Жиловингни Иоани Метаксаснинг чангалидан бўшатиб ол олдин.

— Бўл деялман!— деди чиройли афиналик дағдага қилиб, унинг енгиз чакмони қати остидан қўл пулемёти кўринди.— Бўл!— тағин ўшқирди у.— Бўласанми, йўқми?!

— Сабр қил,— деди унга семиз.

— Сабр қиладиган жойи йўқ,— деди чиройли афиналик. Кейин яна Ҳожи Михалига ўшқирди:— Ҳўш?!

Стоунни пулемёт пайдо бўлиб қолгани таажжубга солди. У қўзини узмай, пастдан тикиларди унга. Сап-сариқ мойи артиб ҳам ташланмабди, фонус шуъласида йилтиллаб турибди. Бу греклар уни қандай артишни ҳам билишмайди шекилли? Пулемёт пайдо бўлиб қолгани Стоунни ҳаддан зиёд ҳайратга солганди. У чиройли грекнинг афтида довдираш ҳамда қўрқув зуҳр этиб турганини пайқамаётганди. Қилар ишни қилиб қўйиб, энди ўзи қўрқиб кетганди. Ҳожи Михалининг кўзларига қон қуйилганди, сармаст илонлар буралиб-буралиб рақс тушаётгандай эди бу кўзларда.

— Ҳой метаксасчи,— деди Ҳожи Михали чиройли грекка совуққина.— Ит эмган!

— Бўл тезроқ!— тағин ўдағайлади чиройли афиналик, лекин бу гал сал бўшашиброқ.

Ҳожи Михали унинг башарасига тик боқди. Дағдагаси Ҳожи Михалини чўчита олмаганини кўрган чиройли афиналик бу ёғига нима қиларини билмай қолганди. Нис унинг тайёр бўлганини, шерикларидан бирори орага тушишини кутаётганини кўриб турарди.

Стоун тўсатдан сакраб туриб, бамисоли щитоб билан ерга тушаётган парашютдай чиройли грекка ташланмаганида, эҳтимол ҳеч гап бўлмасмиди.

Ха, балки ҳеч гап бўлмасди.

Эҳтимол семиз ортиқча тортишиб ўтирмаӣ, чиройли шеригини мәриядан олиб чиқиб кетармиди. Аммо Стоун буни Нисчалик яхши билмасди. Стоун чиройли грекнинг довдираб қолганидан бехабар әди.

Тарки одат — амри маҳол, деганларидаӣ, вужудидаги эски рефлекс — пулемётни кўриб, қиққириғу дағдағани эшитиши биланоқ кўкрагига қурол тақаб турган ғаним устига ташланиш рефлекси тилга кирганди.

Стоун худди шундай қилди. Бироқ томпсон пулемётининг тепкиси бафоят енгил әди, устма-уст бир-бирини қувалашиб, калта-калта тариллаган овоз янгради. Яна ва яна тариллади. Овози ҳамду санодай жарангдор әди. Ўз ижодкори Томпсонга мадҳия ўқиётгандай янгради.

Ўқлар Стоуннинг қорни ва юрагининг чап қопчиғига қадалганди. Жуда яқиндан узилганидан ўқлар уни ғалвир қилиб тешиб ўтганди. Ўқлар ичак-чавогини ағдариб, ўзини зарб билан мәрия саҳнига чалқанчасига кўтариб урди.

Фақат битта, биттагина ўқ Ҳожи Михалининг кўзига тегди. Нақ томпсон ўқи ўз ҳажмига тенг жойни тешиб кирди. Аммо учиш даврида қуввати зўрайиши оқибатида ташқари чиқаётib бош суюгини пачақлаб юборди. Жазира тазиёки остида ер қобиғи ёруғлик тезлигида, дақиқанинг юздан бир улуши орасида шу тахлит торс ёрилади, бужмаяди, уваланади. Ҳожи Михали кетга силтаниб, тил тортмай, гурс әтиб миномёт мили устига қуллади. Бошидан биқирлаб бўтқасимон суюқлик қайнаб чиқиб, хона саҳнида ҳалқоб ҳосил қилди, тизиллаб қон отилди.

Икковлари шу аҳволда ётишибди. Ҳа, шу тариқа ётишибди.

## 35 боб

Литтослик балиқчи ўқ узилгани ҳамоноқ чиройли афиналик устига ташланди-ю, калласига тепиб юборди. Кейин ўша ондаёқ семизнинг грибонига чанг солиб, бўға кетди. Қолган иккитасининг қочишга юраги дов бермади. Нис билан Талос устларига ташланганларида ҳайрат-ла бақа бўлиб қолишганди. Бу боя Стоун бир зумгина бошдан кеичрган ҳайрат әди. Файри ихтиёрий ўзни ҳимоя этиш туй-

ғуси билангина устларига ёғилаётган зарбаларни қайта-ришга уриниб турди улар — шунда' ҳам ўлаксани итқит-гандаридай, то ўздарини бурчакка улоқтиргунларича.

Йигитча Талос, сирнослик Талос бўлса пулемётни маҳкам чангллаганича, ҳадеб тепкисини босарди. Лекин одатдаги ҳол содир бўлди, отилмади, чунки Талос уни нотўри ишлатаётган әди.

Чиройли грек беҳуш ётар, қовоғи моматалоқ бўлиб кўзлари юмилиб қолган, балиқчи бўлса ҳануз пошиаси билан тепишни қўймасди. Семизнинг эса қўлидан ҳеч вақо келмасди, чунки бари бир уларга бас кела олмаслигига қўзи етиб турарди.

Нис Стоунни турғазишга уринди. Нимага керак әкан бу? Қаддини ростлашга, юришга мажбур этиш учун. Ичакчовоғи даҳшатли тарзда ағдарилиб ётган, қора қонига бе-ланган малла паҳлавонни оёққа турғазмоқчи әди у. Малла соchlари фонус шуъласида қизарди, худди қон сингари қип-қизил бўлиб кўринарди. Ҳаммаси қип-қизил. Соқоли. Сочи. Қони. Паҳлавоннинг бутун жисми қип-қизил. Дастьлабки лаҳзада чеҳрасига қалқан оғриқ изтироби қотгану қолган. Кучук болагаям озор бермасди-я. Оғзидағи нотекис тишлари қон, қизил юзларидан қон оқяпти. Стоун. Эй, девқомат Стоун, ҳатто шу ётиши ҳам паҳлавонона. Сартарош курсисида ўтириб, диктелик раққос-дарвиш номини олган Стоун, шу бугун эрталаб мириқиб ухлашни қандай орзу қилган, самимий, оқ кўнгил одамлардай қандай кулганди-я. Мана, соchlари қип-қизил, бутун вужуди қип-қизил бўлиб ётибди. Ҳаттоқи беўхшов, сўлақмондай, жиққа ҳўл бошмоқларигача, фоятда калта чоловоригача қип-қизил. Нис уни яна ерга қўйди...

Паҳлавон Стоуннинг куни битди.

Енида эса Ҳожи Михали. Литтос балиқчиларию барча антиметаксасчиларнинг отахони. Қизишиб туриб ўша заҳотиёқ ўзини босиб оладиган, дилдан чиқариб куладиган за чин юракдан меҳро-оқибат кўрсатадиган, аммо ғазабу қаттиқўллик ҳам бегона бўлмаган, абадул-абад қариш нималигини билмаган инсон. Қалбida доимо метаксасчиларга -қарши нафрату ғазаб жўш уриб турган инсон. Ана шунинг эвазига үқ қадалиб, миясини яксон қилиб ўтираса-я.

Оппоқ соchlари ажин босган пешона узра кўзлари бурчига тушиб турибди. Бир қўзи эса оқиб тушган, әнди қўзлари иккита әмас, ягона.

Боши бутунлай мажақланган.

Уч ярдан келиб текканди ўқ. У Ҳожи Михалини ним-тә-нимта қилиб юбориши мумкин эди. Лекин танасига зиён етмаганди. Ғақат бошига текканди. Бироқ усиз ҳеч нима танасини ҳаракатга келтира олмайди.

У ғужанак бўлиб, юз тубан, сассиз-садосиз, қимир этмай ётибди.

Энди девқомат Сарандакини ҳам ўйлаётгани йўқ юраги ачишиб.

Метаксасчиларга қарши нафрати ҳам жўш урмай қолган.

Эксадан ҳам хавотирланаётгани йўқ.

Инглизларга ёрдам бериш фикри ҳам барҳам топган.

Ҳа, бутун борлиғи йўқликка юз тутиб, ҳиссиз-сезгисиз ётибди.

Ҳар қандай ишга қодир танасигина қолган, аммо уни ҳаракатга келтира оловучи қудрат йўқ, зеро бундай қудрат — боши мажақланган.

Бу машъум ишни томпсон ўқи, унинг қуввати қилди.

Ана шу куч панасига яширинганди метаксасчиларнинг иши бу.

Босиқ, тиришқоқ ҳамда серғайрат Ҳожи Михалининг бир кўзи, ярим бурни, бир қовоғи ўрни ўпирилиб ётибди. Тутам-тутам соchlари қонга беланганди, худди Стоуннинг соchlари каби қип-қизил. Қизил ранг, қоннинг ранги, ҳаётнинг ранги. Эндиликда у ёшини билиб бўлмайдиган одам ёмас. У мурда. У ўлган.

Стоун, вҳ,mallла паҳлавон.

Литтослик балиқчилар отахони Ҳожи Михали. Булут овчиларининг оғаси, метаксасчиларнинг ашаддий рақиби.

Икковлари ётишибди. Жисмларидан бетиним қон оқяпти. Таналарини ҳаёт тарқ өтди, ҳа, азал-абадга тарқ өтди.

## 36 боб

Талос Беркни чақиргани қирғоққа кетди. Литтослик эса тўртала метаксасчини яна бир мартадан кетига төниб, қутқармоқчи бўлиб келган одамлари ўтирган қулф-лоғлиқ хонага итариб киритди. У бу газандаларни гумдон қилмоқчи әди, лекин Нис Ҳожи Михалининг ўлими метаксасчилардан оддийгина жазодан кўра ортиқроқ нарсанни талаб ётишини ҳис әтиб, бунга йўл қўймади.

У литтоликка буларни илгариги бандилар ёнига киритиб, устларидан қулфлаб қўйиш ва Ҳожи Михалининг қариндошларига хабар бериши буюрди. Ўзи борай деса, улардан ҳеч бирини танимаслигини айтди. Литтолик, унинг ҳеч кими йўқ, фақат акасининг хотини, ёлғиз кампиргина бор, уй-рўзгорига қараб туради, деди. Шунда Нис бориб, ўша кампирни олиб келишини тайинлади.

Кейин фонус билан томпсон қўл пулемётини олиб, йўлакка чиқди. Ҳожи Михали билан Стоунни ётган жойларида қолдирди. Ташқарига чиққач, эшикни ёпди. Бўмбўш йўлакда ёлғиз ўзи, қўлидаги қуролга тикилганча Стоунни ўйлай кетди. Эндиликда жонсиз жасадга айлануб, руҳи Ҳожи Михали руҳи билан бирга парвозга отланган Стоунни ўйларди у. Бироқ у Ниснинг кўз ўтида Кандияда биринчи бор учратган қиёфасида, соябони кенг австралияча шляпа кийиб олган, бошқаларнинг барида сезилган на саросима, на ётсираш ошно бўлмаган қувноқ чеҳраси кулиб турган қиёфасида гавдаланди. Кейин, пашшотчилар ўша атрофни кезиб, ўққа тута бошлаганларида қандай биргалашиб қочганларини эслади. Ўшанда орқада қолиб кетганида Стоун уни кутиб турган ва инглизчалаб: «Юр, юрақол, нўхат полвон», деганди кулиб, бу гапни шунчаки, нимадир дейиши лозим бўлгани учун айтганди. Ниснинг инглизчалаб: «Ҳозир, кетяпман», деб жавоб берганини эшитганида қанчалик ҳайрон қолганини асти қўяверасиз. Инглизча гапирганини эшитиб серрайиб туриб қолганди, кейин Оқ тогнинг яқинроқдаги ён бағрига чиқиб олганларида борлиқни ларзага келтиргундай қаҳ-қаҳ урганини айтмайсизми. Нис худди ана ўша пайтда бу паҳлавон билан бирга бўлса дол қолмаслигини анлаган, шунга аҳд қилганди, чунки унга саросимага тушиш, ўзни йўқотиб қўйиш бегона әди. Унинг хотиржам, беозор матонатию тиришқоқлиги, нотекис тишларини қоплаб турган лабларини қимтиши-чи! Бутун борлиғи билан чинакам инсон әди. Бу тўс-тўполонда, жаҳаннамий алғов-далғовда шундай инсонга йўлиқишининг ўзи бир баҳт — омади чопгани әди.

Хаёлiplари шу ерга етганда мэрияга Энгес Берк кириб келди. У унча-мунча гапдан хабар топганди. Талос унга сўзлаб бера олмаганди-ю, лекин ҳадеб бир сўзни тақрорлаб, қўллари билан имо-ишоралар қилиб тушун-

тиришга тиришган әди. Берк қандайдир фалокат юз берганини пайқаганди. Нис индамай унга фонусни тутқазди-да, әшикни очди. Энгес Берк ичкарига бирров күз ташлаб, орқага чекинди-ю, әшикни беркитди. Унинг туси ҳам худди Стоунга ўхшаб саргайиб кетганди.

— Ҳа жин урсин! — деди у. — Кимнинг иши бу?

— Уларда пулемёт бор әкан, — деди Нис.

— Кимда? — Берк ногаҳон ўзини ожиз, ҳимоясиздай ҳис әтди. Ҳеч қанақанги ниқоб бу туйғусини яшира олмай қолди. У қуюқ туманда қолгандай, ич-әти әзилиб, оғзи ярим очилиб, кўзлари ҳеч нимани кўрмай бақрайиб турарди.

— Анави Мисрдан келган тўрт киши, уларни кўргандингиз-ку. Қўлларида пулемёт бор әди.

Энгес Берк беихтиёр бош иргаб қўйди.

— Улар қамоқдаги метаксасчиларни бўшатишни талаб қилишди. Биттасининг қўлида пулемёт бор әкан, Стоун ўшани оламан деб унга ташланди.

— Лаънатилар, — деди Берк, бундан кўра ўткирроқ қақорат өсига келмай.

Энгес Беркнинг ич-әти бўй-бўшдай әди. Ҳамиша кулиб турадиган лаблари қуруқшаб кетганди. Ноқулай аҳволда қолганини сезищдан бўлак ҳеч қандай туйғунинг ўзи йўқ әди қалбида. Икковлари нима қилишларини билмай оstonада қаққайиб туришарди. Берк вужудини забт өтган караҳтлигу меровликни яширишга уринарди.

— Уларни қўлга олдингизми? — сўради у ниҳоят, лаблари ғалати бир тарзда аранг қимиirlаб, овози ҳам ваиф чиқди.

Нис ён томондаги қулфлоғлиқ әшикка ишора қилиб деди:

— У ерда, бошқалар билан бирга. Улар ўшаларни қутқармоқчи әдилар.

Энгес Берк Ниснинг қўлидан пулемётни олди.

— Отмайди, — деди Нис шунчаки айтиб қўяётгандек, бепарво оҳангда.

Энгес Берк затворни бўшатган әди, милидан ўқлар шарақлаб тўкилди.

— Уларни ўлдирмаслик керак, — деди Нис ҳафсаласизлик билан. — Улардан билиб олиш варур бўлган кўп гаплар бор.

— Падарига лаънат.

— Уларни ўлдирмаслик керак, — такрорлади Нис.

- Ўша билиб оладиган гапларингиздан ўргилдим.  
Энди нима фойдаси бор буни?
- Фойдаси бор.
- Бу разиллар Ҳожи Михалининг билан Стоунни ўлдирибди-ку, ахир.
- Кўп нарсани билиб олишимиз зарур.
- Бу абраҳамларни ҳозир ўз қўлим билан отиб ташлайман.
- Йўқ,— хотиржамлик билан деди Нис ва унинг кўлидан пулемётни олди.
- Бўлмаса тезроқ билиб олинг. Чўзишни нима ҳожати бор. Нимага бундай қилганларини айтишсин? Нимагалигини сиз ўзингиз биласиз-ку, ахир.
- Биламан, лекин ҳаммасини әмас. Метаксасчиларнинг ўзлариям қўрқиб кетганларини Стоун ҳам кўрганида, өҳтимол ҳеч гап бўлмасди. Улар бундай қиламиш деб ўйлашмаганди. Лекин, шунда ҳам бари бир аниқлаш керак.
- Аниқланг унда. Кейин улар билан ўзим ҳисоблашиб қўяман.
- Яхши,— деди Нис боягидек бепарволик билан.
- Ҳожи Михалининг кутилмаган ўлими Ниснинг кўзини очган, энди унинг учун ҳамма нарса ойдинлашган әди. Бу ҳатто Лариссада ётган, Гавдосни кўрган Нисдай одамнинг ҳам кўзини очадиган бир далолат — уларга қарши ишлатиладиган бирдан-бир қурол қон эканини эслатиб қўйишнинг далолати әди. Метаксасчилар осонликча жон бермасликлари, улар Мисрда қўл қовуштириб кутиб ўтирамай, балки темир каллалар әгаллаган Грецияда ўз таъсирларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилажакларини ёдига солиб қўйгувчи белги әди.
- Стоунни нима қиламиш? — Беркнинг овози қулоғига чалинди.— Нима қилмоқчисиз уни? Шу ерда қолиб кетаверадими? Е худо, бу кўргуликни қаранг-а. Шундай пайтада-я.— Берк ҳамон оғзиға келганини сўзларди.
- Нис Беркнинг кўнглида нималар содир бўлаётганини пайқаб туради. Ҳимоя ниқоби ғойиб бўлгач, тўсатдан қалб ҳарорати, меҳри ошкор бўлди-қўйди. Сўз оҳангидаги адovat нишоналари ҳам йўқолганди. Бу адovat ҳали ҳам мавжуд әди, лекин өндиликда у бошқа ёққа, энг асосий, ёнг муҳим нарсага қаратилганди. Бу ҳол ўз навбатида уни Стоун билан боғлаб турган туйғуларни яшириб, тўсиб турмаётганди шу топда. Бу туйғулар өндиликда, Стоун олам-

дан ўтгач, юзага қалқиб чиққан әди. Ҳа, Стоун оламдан кўз юмди, шунаقا гаплар.

— Мен литтосликларни кутаман. Улар шу ерга йигилишади.

— Лекин уни бу ерда қолдириб бўлмайди-ку, ахир.

— Тўғри. Биз уни ҳамқишлоқлари Ҳожи Михалини кўмган ерга қўямиз.

Берк бунга ҳеч нима деб жавоб қайтармади. У деворга суюниб, Нис кутаётган нарсани кута бошлади.

## 37 боб

Субҳидам чоғи, ҳали қуёш чиқмасидан бурун мэрия одамларга тўлди. Деярли барча қишлоқ аҳли жам бўлганди. Улар ҳам, худди Беркка ўхшаб метаксасчиларни шу заҳотиёқ бир ёқлиқ қилмоқчи бўлдилар. Нис бу гал ҳам йўл бермади. Лекин у иккала жасадни барчалари кўрсин учун фонусни хонага киритиб қўйди.

Тонг ёришгач, тўр ёйладиган майдончага йўл олдилар. Майдонча ўртасидаги тошларни кўчириб ташлаб, критча икки ёқлама чўкич билан остидаги юмшоқ жинсни чуқур қилиб ковлаб, кута бошладилар.

Кейин Стоун билан Ҳожи Михалини мэриядан олиб келишди. Хонада қай ҳолатда ётган бўлсалар ўша ҳолатда қотиб қолган, томирларидаги қон тўхтаб, туслари сап-саргайиб кетганди. Ниснинг амрига биноан анави тўрт метаксасчини ҳам майдонга ҳайдаб келдилар. Уларга ҳеч ким тегмади, ҳатто қўлларини ҳам боғламадилар. Балиқчилар, аёллар, булут овчилари оломони уларни четлаб ўтарди.

Ҳамма Гавдосда бўлган тўрт әрракнинг Стоун билан Ҳожи Михалини аранг, қийналиб чуқурга тушираётганинни миқ этмай кузатиб турди. Сўнгра кўплашиб чуқурни тупроғу кесак, тош бўлаклари билан тўлдиришга киришдилар. Ниҳоят Ҳожи Михалининг уйида турадиган кампир (акасининг хотини, қариб мўнкиллаб қолганди у) ишни ниҳоясига етказмоқ ниятида зил-замбил палахса тошни суришга уринди инқиллаб. Одамлар унга ёрдамлаша бошлидилар, шунда кампир четга ўтиб турди. Литтолик балиқчилар, боғдорлару булут овчилари юмшоқ ерни топтаб шиббалаб, палахса-палахса тошларни яна жой-жойига суриб қўйдилар. Атрофда сочилиб ётган зигирдаккина қизил тупроқ ва бу ернинг сал дўмбайиб қолганини ҳисобга олма-

гандада, зумда ҳеч нима кўрмагандек теп-текис бўлди-  
қўйди.

Литтос аҳли тарқалмай кутиб туришарди, чунки Нис  
тўрт метаксасчини олиб келишни бекорга буёрма-  
ганди.

Нис эса шу аснода инглизларнинг суҳбатига паришон-  
лик билан қулоқ солаётган эди. Лейтенант ва майор Берк  
билан моторли қайиқлар ҳақида сўзлашаётгандилар. Икка-  
лалари, уларга қўшилиб кекса аскар ҳам, Берк билан кетма-  
кет мэрияга боришган ва ўша ерда Стоуннинг ўлганини  
билишган эди. Содир бўлган ишни әшиитиб, инглизлар та-  
ажжубга тушгандилар. Лекин улар беҳуда, бемаъни гап-  
ларни айтишганди.

— Илгарироқ жўнаб қолишимиз керак эди бу ердан,—  
деганди майор.

— Ҳалиям кеч бўлгани йўқ,— жавоб берган эди лей-  
тенант.

Мана ҳозир ҳам улар шу гапларини айтишяпти Беркка.  
Учовлари Нисдан орқароқда, булат овчилари тўдаси ора-  
сида туришарди. Уларнинг сўзлари элас-элас чалинарди  
Ниснинг қулоғига.

— Кетдик, юринг,— дерди майор.— Жўнаш керак. Бу  
ер хавфли бўлиб боряпти.

— Сизлар қайиқ ёнига бораверинглар,— деди Берк.—  
Мен бу ерда яна озроқ кута тураман.

— Нимани кутасиз?— сўради лейтенант.— Стоунни  
дессангиз, шўрлик қаро ерга кириб бўлди.

— Анави тўрт муттаҳамнинг жазосини беришларини  
кўрмоқчиман.

— Бунинг сизга нима дахли бор?

— Боравермайсизларми қирғоқقا. Мен охиригача қол-  
моқчиман.

— Қулоқ солинг,— деди майор. У эндиликда гапдои  
бўлиб қолганди, чунки гапирадиган мавзу бор — ўз жони-  
дан чўчиётган эди-да.— Немисларнинг моторли қайиқлари  
бугун бўлмаса ёртага етиб келади. Уларнинг соҳил бўйлаб,  
қишлоқма-қишлоқ изғиб юрганларини әшиитдим манави  
греклардан. Бу қишлоққа ҳам навбат келиб қолди. Шоши-  
лишимиз керак.

— Бари бир Ниссиз кетолмаймиз-ку, ахир,— деди  
Берк тутақиб.— Бирпас кутсаларинг осмон узилиб ерга

тушмас. Аnavи тўрталовининг насибасини олишини кўрмоқчиман, вассалом.

— Хотиржам бўл,— деди қария.— Сиртмоқдан қочиб қутуолмайди улар.

— Мен ўз кўзим билан кўрмоқчиман,— деди Берк зарда билан.

Бирдан ҳамма ёқ сув қуйгандай жимиб қолди.

Шунда Нис ҳакамликни бошлади. У тўрт метаксасчи га мурожаат этди. Улар майдоннинг ўртасида, литтосликлар билан Гавдосдан халос этилган маҳбуслар эса орқада қисилишиб, девор ҳосил қилишиб туришарди. Тўртовининг кўзлари чор атрофга ожизона аланглайди, қўллари ноқулай аҳволда шалвираб осилиб турибди, вужудларини содир бўлажак интиқом ваҳимаси босган.

— Қулоқ беринглар менга,— деди Нис уларга.— Тўртовларинг пулемёт кўтариб мэрияга бостириб кириб, малла паҳлавон австралос билан Ҳожи Михалини ўлдирдиларинг. Қасддан ўлдирдиларингми ё тасодифанми, бу фақат шу ишни қилган одамнинг ўзигагина аён,— Нис шундай дея чиройли афиналикни кўрсатди.— У эса буни айтмайди, албатта. Илло мен фалокат устида әдим, тасодифан содир бўлганини тан олишга тайёрман. Малла паҳлавон шошилмаганида балки ҳеч гап бўлмасди. Лекин ўзинга пулемёт ўқталиб турганларини кўрганида ҳар қандай одамнинг ҳам шундай қилиши табиий. Биз бу метаксасчини олдин ўйлаб қилинган қотилликда айблаёлмаймиз. Аммо уни қурол ўқталиб ўлдирман деб таҳдид қилишда айблаймиз. Гарчи у ҳукумат вакилию биз жинояткорлар бўлган чоғимиздаям, қамоқдагиларни озод этишини қурол ўқталиб талаб қилишга ҳаққи йўқ әди. Гапига қараганда уни бу ёққа Мисрдаги әллинлар ҳукумати юборган эмиш. Бироқ мен бунга ишонмайман. Уни метаксасчилар юборган. У — метаксасчи. Модомики уни ҳукумат юборган экан, демак, бу метаксасчилар ҳукумати. Биз унақанги ҳукуматни тан олмаймиз. Бундан шундай хулоса чиқадики, қурол ўқталиб ўлдирман деб таҳдид қилишга унинг ҳеч қандай ҳадди-ҳуқуқи йўқ әди. У метаксасчиларнинг ғайри қонуний ҳукумати номидан иш кўрган. Биз учун бундай ҳукумат йўқ, бўлмайди ҳам. Шу боисдан у қонунга хилоф тарзда иш тутди, бошқалари эса у билан маслакдош шерикларий бўлгандари сабабли айбдордирлар.

— Ахир бу Ҳожи Михалини ўлдирган-ку,— деди литтосликлардан бири.— Бунинг учун айбордор, ахир?

— Ҳа, унинг ўлимида айборд,— деди Нис,— лекин ўлдиришда эмас. Бу икки гапнинг фарқини ёддан чиқармаслик керак. Биз учун энг муҳими — бу ёқса уларни ким юборганини аниқламоқ.

— Аччиқ ичакдай чўзишнинг нима кераги бор. Шуларнинг юзига қараб ўтирамизми? Ахир ўзинг тепасида бўлгансан-ку,— дейишди оломон орасидан.

— Ўзлари бўлса бунақа чўзиб ўтиришмасди.

— У дунёга жўнатиш керак — вассалом. Сен ноҳақсан навқирон шунқор,— дейишди унга.

Нис тўрт метаксасидан кўзини узмай, бир зум индамай тикилиб қолди. Унинг нигоҳида ўқтамона шиддату ғайрат учқунлари йилт этди.

— Мен бир нарсада ҳақман,— деди Нис барчага мурожаат қилиб.— Ҳожи Михали билан малла австралос паҳлавон қандай ҳалок бўлган бўлмасинлар, уларнинг ўлими оддий тасодиф эмас.

— Сариқ чақага арзимайдиган, жуда зўр тасодиф эканда унда!

— Тасодифми, йўқми, муҳими бунда эмас. Бошқа муҳим жойи бор. Буларнинг тўртови ҳам метаксасчилар. Улар Ҳожи Михалининг ҳузурига ўзларига, яъни метаксасчиларга Гречия ва оролларда метаксасчиларнинг мавқе-тавсирларини мустаҳкамлашда ёрдам беришини сўраб келгандар. Бас, шундай экан, уларни бу ёқса ким юборганини билишимиз зарур. Бу Ҳожи Михалининг ўлимига арзигулик гапдир балки.

— Тўғри, тўғри, гапнингга қўшиламан.— Кутимаганда содир бўлаётган воқеаларнинг теран, ҳаётӣ мухим, сиёсий чуқур моҳиятини фаҳмлаб қолган Саандакининг хотини айтганди бу гапни.

— Улар Мисрдаги эллинлар ҳукуматини рўкач қиляптилар,— нутқини давом эттири Нис.— Ҳукумат сайланishi керак. Бизда эса Вениzelосдан кейин ҳукумат сайлангани йўқ. Ўшандан бери кўрган-кечирганимиз метаксасчиларнинг диктатураси бўлди, вассалом. Лекин бу одамлар бўлса, бизни ҳукумат юборди, дейишяпти. Қани, ўша ҳукуматлари тўғрисида улардан бир суриштириб кўрайлик-чи.

Литтосликлар сассиз кутиб туришди. Семиз метаксасчи гап бошлади.

— Бизни ҳукумат юборди. У зиммамизга темир каллаларга қарши курашиш учун сизларни уюштиришни юклаган.

— Бор гап шугина холосми? Ғақат темир каллаларга қарши курашиш учунгиганами?

— Йўқ,— деди тўсатдан ораларида энг ёши. Қўрқувдан у тамоман ўзини йўқотган ва наздида лозим бўлган гапни айтаётгандай туюлди.— Мен сизларга ҳаммасини гапириб бераман. Бизлар бутун мамлакат бўйлаб ҳукумат тарафдорлари ташкилотини тузишимиз керак әди. Темир каллаларга қарши курашмоқ учун зарур бу. Яна урушдан кейин бошбошдоқлик бўлмаслиги учун ҳам шундай қилиш зарур.

— Урушдан кейин,— унинг сўзларини такрорлади Нис.— Ҳўш, бундай ҳуқуқни ким берди сизларга? Ӯша ҳукуматни ким тузган?

Семизнинг ҳаёт-мамот ўртасида, эҳтимолки бундан ҳам муҳимроқ нарса устида мубораза бораётганига ақли етиб туради. У, шерикларим чалкаштириб ишни расво қилиб қўймасалар әди, деб чўчиб, ўша заҳотиёқ яна гапга аралашди.

— Ахир хорижда ҳам кимдир ҳаракат қилиши керакку,— деди у.— Ӯшанақсанги хориждаги ташкилот Греция учун ҳозирги кунда ҳаводай зарур. Сайлор ўтказишнинг эса имконияти йўқ, негаки Греция темир каллалар панжасида. Ана шунинг учун ҳам ҳукуматни тайинлашга тўғри келди.

— Демак, бу яна-тағин метаксасчиларнинг ҳукумати бўлиб чиқибди-да.

— Бутунлай эмас. Ҳукумат аъзоларидан кўпчилиги Иоани Метаксаснинг Фикрига қўшилмайди.

— Башартиki ўз таъсирларини мустаҳкамлагани сизга ўхшаганларни жўнатган эканлар, демак, метаксасчиларнинг у ерда қўли анчагина баланд экан-да?

— Ахир Метаксас ўлиб кетган-ку,— деди нимжон асабий.

— Метаксас ўлган, метаксизм эмас. Метаксизмни эса темир каллаларнинг сиёсатидан фарқи йўқ. Иккалasi ҳам бир гўр. Одам ўлади-ю, лекин унинг сиёсати қолаверади.

— Греция манфаатлари барчасидан юқори туриши керак. Ахир биз ҳам исёнчи Ҳожи Михали билан ҳамкорлик қилиш ниятида келгандик-ку бу ёқса.— «Исёнчи» сўзи тасодифан чиқиб кетганди, шу туфайли семиз чўчигани-

дан дудуқланиб қолди, аммо Нис тошдан-тошга урилиб оқаётган муздек шалоладай, бир маромда сўзларди.

— Сизлар бутун Греция метаксизмга қарши эканини яхши биласизлар, ана шунинг учун Ҳожи Михали билан ҳамкорлик қилишни истагандинглар,— деди Нис.— Метаксасчиларга зарба беришга қодир ташкилот борлигидан хабар топгансизлар. Боз устига, бизнинг метаксасчилар ҳукуматини тан олмаслигимизни ҳам билгансизлар. Сиртдан зўрлаб ўтказмоқчи бўлинган ҳар қандай ҳукуматни асло тан олмаймиз. Ҳозирми ёки темир каллалар урушда ютқизганларидан кейинми, бари бир.

— Лекин урушда инглизлар ютиб чиқишича,— деди ёш метаксасчи,— унда нима қилсалар ҳақлари бор.

— Ие, ҳали метаксасчи ҳукуматларингни инглизлар тасдиқлаганими? Ҳўш, шундайми, метаксасчилар?

Улардан садо чиқмади.

— Наҳотки улар сизларга ишонишса? Ярмиларинг буерда, темир каллаларга ёрдам бергани қолганларингни, ярмиларинг оғаларингдан қўрқиб жуфтакни ростлаганларингни кўра-била туриб-а? Шундаям ишонишарканми сизларга? Темир каллаларнинг ашаддий душманлари-я?

— Ҳа,— деди нимжон.— Ишонишади. Сизлар ҳам ишонишарайнг керак.

— Елғон!— кескин қичқирди Нис.— Мен ишонмайман бунга! Мисрдаги ҳеч қанақангি ҳукуматларийгаям ишонмайман. Чунки инглизлар метаксасчиларнинг эркинликда бундай ялло қилиб юришига ҳеч қачон йўл қўймайди. Сизлар — худди темир каллаларга ўхшаган фашистларсиз.

— Жамики грекларнинг чинакам грек бўладиган пайти етмадимикин,— деб қўйди семиз.

— Бу Метаксаснинг сўзлари. Шундай деб туриб у грекларни грек бўлгани учун таъқиб этганди. Эндиликда асло бундай бўлмайди, билиб қўй буни, метаксасчи. Ундан кўра менга Ҳожи Михали ҳақида, кейин, Литтос мэриясига қамаб қўйилганлар тўғрисида кимдан әшитганларингни айт.

— Бизни бу ёққа юборганлар айтишиди.

— Ҳўш, сизларни ким юборди ўзи?

— Бизга расмий ваколат берилган.

— Ким берган, исмини айт.

— Полковник Спатис.

— Ҳожи Михали тўғрисида ўша айтдими?

- Ҳа.  
 — У Экса деган номни айтмадими мабодо?  
 — Йўқ.  
 — Ӯша полковник Спатиснинг ўзи ким?  
 — У армияда полкка қўмондонлик қилади.  
 — Метаксас вақтидаям полкка қўмондонлик қилганми?  
 — Ҳа.  
 — Сизларни бу ёққа жўнатишни ким топширган экан унга?  
 — Билмайман. У полковник, ҳарбий одам, билганим шу.  
 — У шунчаки битта метаксасчи бўлса керак-да.  
 — Бари бир эмасми бу?— деди чиройли грек, оғриқдан изтироб чекаётгандек, афтини бужмайтириб. Шу топгача у сукут сақлаб турганди. Мушт тушган қўзи шишиб кетган әди. Юзида қон қотиб қолибди, чаккасидан эса ҳануз қон сирқиб турибди.  
 — Наҳотки шу кунларда Мисрда грек қўшини бўлса?— сўради Нис.  
 — Янгитдан тузилляпти,— дарҳол жавоб берди семиз.  
 — Офицерлари кимлар? Илгаригиларми?  
 — Аксарияти илгаригилар. Бу ердан инглизлар билан бирга борганлар.  
 — Метаксасчи офицерларми?  
 Семиз индамади. У деярли деворга тақаб қўйилган, ҳатто ўз-ўзидан ҳам чўчиб қолганди. Нис атайин қийнаяпти, деган ҳаёлда әди. У бу гаплар — тўртовлари устидан чиқарилажак ҳукмнома эканини фаҳмлаб турарди.  
 Қўёш аллақачон жамол кўрсатган, у Ида чўққисига миниб олганди. Ҳавода Критнинг қизғиш тўзони сузиб юрар, оқибатда кўк бети шитоб-ла қирмизи тусга кириб бораарди.  
 Инглизлар билан Берк бир чеккада туришарди. Улар мунозарага қулоқ солишаётган әди. Инглиз майор ўзи илгаёлганини таржима қилиб бераётганди уларга. Аммо кўп нарсани билиб олаётганди у, чунки савол-жавоб бафуржа, вазмин давом әттаётганди әди. Шунга қарамай Берк дам-бадам ким нима деганини қайта-қайта сўрарди.  
 — Ӯша ҳукумат тўғрисида гапириб бер,— семизни қисти-бастига олишни қўймасди Нис.  
 — Нимани гапириб бераман?  
 — Ҳар ким унга тарафдор ёки қарши эканини бемалол, ошкора айта оладими?  
 — Бунаңги сўз эркинлиги ҳатто инглизлардаям йўқ,— деди семиз.— Уруш пайтида бунинг имкони йўқ.

— Тўғри. Иоанн Метаксас даврида ҳатто тинчлик пайтидаям йўқ эди.

— Менга қаранг,— ўзининг сабр-тоқатли әканини, ҳаммасини тушуниб турганини, муборазани ҳалоллик билан ниҳоясига етқазишга тайёргилини таъкидлаш учун семиз ҳатто тиржайиб қўйди.— Ахир биз осмондан тушган әмасмиз-ку, темир каллалар әгаллаган барча мамлакатларнинг ўз ҳукуматлари бор-ку.

— Эски ҳукуматларими?

— Ҳа.

— Нимаям дердим, демак уларнинг аҳволиям бизнисидан фарқ қилмас әкан.

Семиз бунга жавоб бермади, зеро баҳс чегарадан ўтиб, хийла чуқурлашиб кетган, бу ўткир кўзли грек шунчалик ишонч билан сўзлаётган әдики, унинг ҳар бир сўзи семизнинг ғазаб косасига чўп солиб чайқатаётгандай бўларди. Аммо бу ғазаб жонларига қасд қилиб турган муқаррар ўлим таҳликаси олдида ғоятда ожиз эди. Қолган уч шериги ҳам шуни ҳис этаётгандилар.

Шунга қарамай у намойишкорона мулоиймиллик билан:

— Грецияга хорижда бирорта ташкилот зарур-ку, ахир,— деб қўйди ҳар қалай.

— Менга қара, метаксасчи,— Нис бевосита унга қараб мурожаат этди — агар ўшанақанги ташкилот зарур әкан, уни темир каллалар билан бир тоифадаги одамларнинг бошқаришига йўл қўйиб бўлмайди, ҳа, бир тоифадагигина әмас, ҳозирги кунда тиллариям, қилмишлариям бир хилда. Эҳтимол бошқа мамлакатларда ҳам ўшандай ташкилотлар бордир, лекин ўша ўлкаларнинг халқлари бари бир тан олмайди уларни. Барча халқлар, худди биз сингари, ҳамиша ва ҳамма ерда жон-жаҳди билан темир каллаларга қарши чиқаверади. Эшитяпсанми? Темир каллалар билан оғиз-бурун ўпишиб юрганларини била туриб ўша одамларга қучоқ очадилар ёки тавба қилиб, ўзгариб қолганмиз, дей лақиллатсалар ишонади булар, деб ўйлајпсанми? Бунақаларга тоқат қиласди дейсанми бизни? Асло, билиб қўй, метаксасчи, мабодо бу ёқса келсалар, ҳозир темир каллалар билан қандай қурашаётган бўлсак, улар билан ҳам худди шундай жанг қиласаз.

— Куч-қудрат улар томонда,— деди нимжон, бу эса аҳмоқона ҳамда қалтис сўзлар эди.

— Уларнинг куч-қудрати қанчалик зўр бўлмасин, жон-жаҳдимиз билан олишамиз,— еру само Ниснинг сўзлари-

ни жон-қулогини бериб тинглаётгандек эди.—Худди темир каллаларга қарши қурашганимиздек тиф билан кутиб оламиз уларни. Модомики сизларни ўша одамлар юборган экан, бу билан ўзларингни-ўзларинг адолатли жазога маҳкум этдиларинг. Бизни Мисрдаги грек ҳукумати юборди, деяпсизлар. Мен бунга ишонмайман. Шундай бир пайтда Гречияга мамлакат ичкарисидаги қаршилик кўрсатиш кучларини пароканда қилмоқ учун одам юборибди, деб ҳеч қанақанги ҳукуматни айбламоқчи әмасман. Бу борада мен фақат барча метаксасчиларни, шулар қатори Мисрдагиларини ҳам қоралайман. Уларнинг қудрати зўрми ё заифми, мен учун бунинг аҳамияти йўқ. Башарти сизларнинг ҳукуматларинг ўз сафларидаги метаксасчиларга тоқат қилиб, ҳаммага отнинг қашқасидай маълум ва машҳур метаксасчиларни рағбатлантириб келаётган экан, демак у ҳам айбдор. Сен метаксасчисан — демак, сен ўлимга мустаҳиқсан. Буларнинг ҳам насибаси шу!

— Бунинг учун ўлдирмайдилар одамни! — қичқирди ораларида энг ёши.

— Буни Метаксасдан сўраларинг. У бундан кичикроқ айб учун ҳам одамлар ёстигини қуритган.

— Ҳожи Михалиларингни мен ўлдирганим йўқ,—деди семиз.—Мен ҳатто бунга халал бермоқчи бўлдим.

— Аблаҳ! — қичқирди чиройли афиналик. Газаб ва аламдан афти буришиб кетганди унинг.

— Үзинг облаҳсан,— деди семиз.— Ҳаммасига сенинг бир ўзинг айбдорсан!

— Ҳаммаларинг айбдорсанлар,— деди Нис ҳоргин, аммо газаб билан.

Энди тўрт метаксасчи бараварига, бир-бировини босиб қичқиришарди. Литтоslickлар билан денгиз булути овчилари бу машмаша қачон тугаркин ёки Нис унга қачон барҳам бераркин, деб қош-қовоқларини уйиб кутиб туришарди.

— Сизларни темир каллаларга қолдириб кетишимиз ҳам мумкин эди,— совуққина деди Нис,— лекин кўп нарсадан хабардорсизлар. Билганларингни дарҳол уларга етказасизлар.

— Агар уларга етказиш кўнглимида бўлса, аллақачон қиласдик буни! — жаҳл билан ўкирди семиз.

— Тўғри, кимни оға қилиб танлаш имкони борида сизлар инглизларни танлагансизлар. Лекин ҳар бир метаксасчи темир каллалар қўлига тушиб қолса, сира иккилан-

май ўз оғасининг өтидан шартта бир парчасини узиб олиб ейишга тайёр.

— Нотўғри,— қичқириди нимжон, шундан сўнг тўртовлари тагин бараварига газаб, даҳшат ва ўлим туйғуси қоришиқ овозда чуғурлаша кетдилар.

— Яна билмадим,— деди Нис охири, уларга эмас оломонга қараб.— Литтосликлар билан бошқалар ҳал қилишин. Австралос ҳам.

Шунда тўрт тарафдан шовқин кўтарилди:

— Нимасини ҳал қиласди тагин.

— Тугатиш керак буларни, гап тамом.

Нис ҳеч кимга қарамай, аста елкасини учирив қўйиб, Энгес Беркка юзланди.

— Уларнинг ўлимини талаб қилишпти,— деди у.— Тўртовлариниям. Сиз нима дейсиз? Улар ўзларини фош қилишди. Улар метаксасчилар. Шунинг ўзиям кифоя эди, лекин бу ерда улар кўп гапларни айтишди.

— Нима деганларини билиб турибман.

Энгес Берк боши билан инглиз майорига имо қилди. У бўлса шундай деётганди:

— Жин урсин, бақрайиб туриб, бекордан-бекорга одам ўлдириб бўлмайди-ку, ахир.

Ўрта бўй, юмалоқдан келган Берк эса унинг ёнида турибди. Ҳайратдан пешанаси тиришган, шўр сувда ивиган сийрак соchlари ҳанузгача манглайига ёпишиб ётибди. Кўзлари чақчайган, лаблари эса маҳкам қимтилган. У ўзигагина аён бўлган ички овозига.. айни чоғда инглиз майора, Нисга қулоқ солиб турибди.

Атрофга эса жимлик чўккан. Оломон Ниснинг унга, австралосга мурожаат этаётганини кўрган заҳотиёқ жим қолганди. Ҳаммалари чурқ этмай, одоб сақлаб, эҳтиром билан кутишяпти.

Берк бўлса ўзи тўғрисида, юзага келган вазият ҳақида ўй суряпти. Мана, у австралийлик, бу ерда бегона одам, шунга қарамай сиёсий кураш ва Стоуннинг ҳалокати учун ўлим ҳукми чиқариш ё чиқармасликни ҳал қилиши керак, негаки бу ерда ҳаммаси қоришиб кетган. Гавдос ҳам, бошқаси ҳам. Лекин бари бир барчасининг замираидা сиёсий кураш ётибди, буни тушуниб турибди у. Ғақат бир нарсага — буларнинг метаксасчилар эканига асосланиб ҳал әтиш лозим. Нис худди ана шу асосда ҳал қилди масалани. Буларга Стоуннинг ҳалокати қўшиляпти. Шўрлик Стоун, ажойиб малла паҳлавон.

Шунда Беркнинг кўз олдига лоп этиб ичак-човоғи ағдарилган, юзи сап-сағайиб кетган Стоун келди. Стоун тўр ёйиб қуритиладиган майдон қаърида ётибди. Литтосликлар унга зўр эҳтиром кўрсатиши. Қандай қулаган бўлса, ўшандайича гужанак бўлиб қолган Ҳожи Михалининг ёнида, қизил тупроқда, Литтос ери бағрида ётибди. Ўша жойда, ер қучогида чирийди, унга қўшилиб кетади...

Иккиланишдан заррача асар қолмаганди унда. Ўз-ўзидан ҳайратланаётганди, холос.

— Жаҳаннамга даф бўлсин булар,— деди у аранг.  
Нис унинг бу сўзларини такрорлагач, атрофда яна ғала-ғовур қўтарилди.

Елғиз Нисгина бу тўс-тўполон ичра, ақлан ҳамма нарсани қамраб олишга тайёр бўлиб, жим туради. Теварагидаги жўш ураётган ғазаб ва дард-аламни ҳам, ер бағрига қўйилган, оёқлари остида ётган Стоун билан Ҳожи Михалини ҳам, бунинг эвазига ўлиши лозим бўлган метаксасчиларни ҳам, бутун воқелигу борлиққа соя ташлаб тобора яқинлаб келаётган темир каллаларни ҳам — барин-барини бир йўла тафаккури қўзгусида мужассам этишга уринаётганди у.

## 38 боб

Сўнгра оломон нафасини ичга ютиб, орқага чекинди-ю, метаксасчилар майдон ўртасида шўппайиб қолдилар. Адоий тамом бўлганларини тўртовлари ҳам фаҳмлаб, дод солганларича, пулемёт йўқмикин деб орқаларига аланглай-аланглай, литтосликлар сари отилдилар. Гўё шарқираган оқимга тушиб қолган хасдай, шитоб билан олға ташланишар, оломон эса кичик-кичик тўдаларга бўлинниб кетар ва улар тағин танҳо қолардилар. Шунда бир нарса аён бўлди — кимдир уларни ушлаб туриши керак, акс ҳолда ҳеч иш чиқмайди бундан.

Кимдир, бу ерда, Ҳожи Михали билан австралоснинг тепасида отиш яхши эмас, деди. Қолганлар, худди шунинг учун ҳам бу ишни айнан шу ерда адо этиш керак, деб тоhtiшишга тушиб кетиши. Кейин рангларига мурда туси уриб кетган, Гавдосдан қутқарилган тўрт собиқ маҳбус билан яна бир неча литтосликлар жон аччиғида юлқинаётган метаксасчиларни маҳкам ушлаб, сургаб кетдилар.

— Қаёққа олиб кетяпсизлар булаарни? — оломон орасидан сўрадилар.

— Оҳак тошли қоялар тепасига,— деб жавоб берді бир балиқчи.

— Уларни қурол билан тинчтиш керак-ку,— деди яна аллаким.

— Эшитяпсизларми, кекирдакларини чўзишларини?— деди бошқа балиқчи. Метаксасчилар энди болохонадор қилиб сўкишга тушгандилар, чиройлиси ҳаммадан ба-ландроқ дод соларди.

— Бунақанги қўрқадиган бўлсаларинг, бизга қарши чиқиб нима қиласдиларинг!

Метаксасчиларни олиб кетишиди. Улар билан бояги тўрт собиқ маҳбус ва бир неча балиқчи ҳам кетишиди.

Нис уларни олиб кетаётганларида қарамади. У Талос билан гаплашаётганди. Берк эса унинг ёнида, гапини қа-чон тугатаркин деб кутиб туради. Аммо Нис нималар ҳа-қидадир тез-тез, бетўхтов сўзларди.

Берк ҳануз ўз-ўзидан ҳайратланган кўйи, кўз қири билан кузатиб қолди метаксасчиларни, кейин тарқалмай турган оломонга назар ташлади.

— Оббо, Берк, юра қолсангиэчи энди,— деди майор.

— Йўлга егулик ғамлаб олиш керак,— мужмал жавоб берди Берк.— Сизлар қирғоққа бора туринглар.

— Яна кеч қолманг-а, анави грекингизни ҳам ола бо-ринг,— деди майор.

Берк майорга нима деб жавоб қилишга сўз тополмади, аслини олганда ҳатто буни истамади. У шуичаки эътибор бермай қўя қолди. Лейтенант билан майор бурилиб, қу-йига, қирғоққа қараб кетишиди. Кекса аскар Беркни кутиб шу ерда қолди.

Кейин Талос ҳам қаёққадир жўнади. Шунда Берк:

— Егулик билан сув топдингизми?— деб сўради Нис-дан.

— Йўқ. Ҳозир шуғулланаман бу иш билан,— деди Нис.

— Яхши бўларди, кеч қоляпмиз,— деди Берк галати бир бепарволик билан.

Нис атрофида турган литтосликларга грекчалаб муро-жаат қилди.

— Австралослар ҳозир жўнаб кетишиади бу ердан, не-га десанглар, темир каллаларнинг моторли қайиқлари яқинлашиб қолди. Уларга мешда сув билан бирон егулик керак. Улар Ҳожи Михали бёрган қайиқда кетишиади.— Бу илтимосни эштиб, бир неча литтослик ўша ондаёқ бурилишиди-ю, уйларига қараб жўнашди. Шундан сўнг

Нис Беркка, сув билан егулик ҳозир тайёр бўлади, сиз бемалол қирғоққа бораверинг, деди.

— Сиз-чи? — сўради Берк.

— Мен ҳам бораман,— деди Нис.— Бир неча дақиқадан кейин.

Оломон тарқаб, зум ўтмай ҳувиллаган майдонда икки-уч кишигина қолди. Берк ҳам орқасига қарай-қарай йўлга тушди.

У қадамини тезлатиб, қайиқ томон шахдам юриб кетди; кекса аскар индамай, пилдираганича изидан бораради.

Қайиқ ёнида Нисни узоқ кутдилар, бироқ ундан эса ҳамон дарак йўқ. Литтосликлар келиб-кетиб туришарди. Улар ҳар хил егуликлар — тузланган балиқ, майиз, боғбоғ саримсоқ ташишди, худди волинка босқонига ўхшаган, эчки терисидан ишланган иккита мешда сув ҳам келтиришди.

Ниҳоят Нис кўринди. Ёнида Талос, ҳадеб қўлларини снакитиб, турли имо-ишоралар қилиб, нималар ҳақидадир қизғин гаплашиб келишяпти. Икковлари нақ қайиққа тақалиб тўхташди. Литтосликлар әҳтиром-ла Нисга йўл беришиди.

— Кетдик,— деди Энгес Берк. Кейин қайиқни сувга итариб тушироқчи бўлиб ўгирилди.

— Мен бормайман,— деди Нис.

Берк қаддини ростлади.

— Сизларни Талос әлтиб қўяди,— деди Нис унга. У бутини кериб турар, ўткир кўзлари мижжа қоқмай тик боқар, чигил соchlари ҳурпайиб кетган эди.

— Бу қанақанги қилиқ бўлди? — деди Берк.— Кетдик,— такрорлади у энди асабийлашиб.

Нис эса бошини сарак-сарак қилиб, қатъий оҳангда деди:

— Сизларни Талос әлтиб қўяди.

Нис литтосликларга нимадир деганди, бир неча киши қайиққа ёпишиб, уни сувга тушира бошлашди. Майор ва бошқалар унга чиқиб олишди. Талос Нисни қуҷоқлаб ўпдида, кейин у ҳам қайиққа чиқди. Фақат Берккина жойидан жилмай тураверди.

— Тушунинг,— деди Нис унга.— Бизлар баримиз темир каллалар билан жанг қиласмиш, метаксасчилардан ташқари ҳаммамиш. Негаки улар урушдан сўнг ҳокимиятни қўлга киритиш учун бизга қарши, бутун Грецияга қарши юриш қиладилар. Борди-ю темир каллалар ўрнига метаксасчилар

келадиган бўлса, фашистлар устидан қозонган ғалабамиз-нинг нархи неча пул бўлади? Оқ ит, қора ит — бари бир ит, деганларидай биз учун икковлариниям фарқи йўқ. Биз унисиниям, бунисиниям гумдон қилишимиз керак, бу ишни ёса фақат шу ерда, Гречияда турибгина бажаришимиз мумкин. Мен темир каллалар билан жанг қилишни истайман, лекин метаксасчиларнинг Гречияга қайтишлари учун эмас. Тўкилажак қонларимиз беҳуда кетмаслиги учун бир йўла метаксасчиларни ҳам абадул-абадга яксон этишимиз лозим. Гапим ўринли бўлса кераг-а? Буни тушунмаяпсизми австралос? Наҳотки тушунмасангиз?

Берк лабларини қимтиб тураркан, ниҳоят деди:

— Хў-ўш, назаримда, тушунётгандайман.

— Ана, баракалла. Энди адио. Ҳавро Спати учун катта раҳмат сизга.

— Хўп, бўпти,— деди Берк, унинг таслим бўлгани ўриниб турарди.

— Адио, австралос.

— Ҳайр,— деди Берк аста.

Улар шошилиб, беўхшов тарэда бир-бировларининг лларини қисишиди, сўнгра Берк қайиққа чиқди.

Нис тўсатдан сувга кирди-ю, қайиқ ортидан бораверди.

— У ёққа борганингизда бу гапларни гапириб беринг,— деди у кутилмаган бир жўшқинлик билан.— Гапириб беринг, австралос. Талос ҳам сўзлаб беради. Сўз берасизми? Бу ерда бизларнинг темир каллалар билан жанг қилажагимизни гапириб беринг барчага.Faқат метаксасчиларга айтманг. У ёқдагилар ҳам курашаверсинлар. Темир каллаларни инглизлар билан барча иттифоқчилари тор-мор этишларни керак. Аммо метаксасчилар учун эмас. Яқингинада темир каллаларнинг ҳамтовори бўлганлар учун эмас. Уларга тушунтириинг: башарти метаксасчилар ҳозир темир каллалар билан курашишга тайёр бўлсалар-да, лекин бу уларга ишониш учун кафолат бўломайди. Чунки уларнинг ўзларинам — фашистлар. Буни яхшилаб тушунтириинг у ёқдагиларга. Яна шуни айтингки, биз бунақсанги ҳокимларни, уларни ким қўллаб-қувватлашидан қатъи назар, ҳеч қачон тан олмаймиз. Бу ерда ўз кўзингиз билан, ҳа, Стоун икковларинг ўз кўзларинг билан кўрганларнинг барин-барини гапириб беринг. Бизнинг ҳар қандай фашистларга, ҳа, ҳар қандайнига қарши әканимизни айтинг. Тағиј шуни айтингки, грек қукуматини фақат Гречиядагина түвш мумкин. Сўз берасизми, австралос? Бари, барини айтинг уларга.

Ниснинг нафаси тиқилиб қолаёзди. У қайиқдан ортда қолиб кетмасликка тиришиб, ҳамон сув кечиб бораради. Бироқ қайиқ қўққисдан олга юлқинди — бу пайт Галос адио деб қичқирганча, катта елканни ишга солиб юборганди.

— Ҳаммасини айтинг уларга,— такрорлади Нис Энгес Беркнинг кўзларига тик боқиб.

Шунда баногоҳ Энгес Берк вужудини яна мәриядаги, Стоунни кўрган пайтидаги туйғу чулғаб олди. У сочлари газабнок ҳурпайтан, кўзларида бекиёс шижаат ўти чақнаган бу ўзбилармон грекка тикилди. Грек Литtos қўлтиғида белигача сувга ботиб турибди. Ҷурқ әтмай, жиддий қиёфада унинг жавобини кутяпти... Шу пайт Энгес Берк томоғидан бўғиб турган ички сиқиқлик исканжаси бирдан қўйиб юборганини сезди-ю, дарҳол тилга кириб:

— Айтаман. Барини гапириб бераман уларга,— деди оҳистагина, деярли ўз-ўзича гўлдираётгандай.

— Самимий дўстлигингизни қабул әтаман, австралос!— қичқирди Нис сувда туриб.

— Мен ҳам қабул әтаман!— дея жавоб берди Берк.

Икковлари ҳам илжайишиди. Нис очилиб, қувонч билан жилмаяр, Энгес Беркнинг табассумида эса Стоуннинг самимияти, Ниснинг теран ўйчанлиги акс әтарди.

Нис шу кўйи то қайиқ кўрфаздан очиқ денгизга ўтиб, жануби-шарқ томон бурилгунича кузатиб турди. Кейин ўгирилиб, орқага, ўзини қирғоқда кутаётган литтосликлар томонга юрди. У шу аснода мәрияда ўтирган метаксасчиларни нима қилишни ўйларди. Темир каллалар етиб келгунига қадар бунинг бирон чорасини топиши лозим әди.